

Умарали  
Норматов

---

ҚАЛБ  
ИНҚИЛОБИ

Мақолалар

Тошкент  
Faфур Гулом номидаги  
Адабиёт ва санъат нашриёти  
1986

83.3Уз

Н 79

## Норматов, Умарали

Қалб инқилоби: Мақолалар.— Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1986.—352 б.

Таниқли танқидчи Умарали Норматовнинг «Қалб инқилоби» китоби социалистик реализм назарияси ва тажрибасининг ҳозирги кундаги актуал проблемаларига багишланган. Китоб автори ўзбек адабиётининг буғунги —80- йиллардаги тараққиёти, унинг етакчи тенденциялари, энг яхши намуналари мисолида социалистик реализм тұхтосынз ўзгариб, янгиланиб, бойиб борувчи, англанған тарихийлик принциптерге амал қилювчи очиқ система эканлигини күрсатади, бу борадаги қизғин баҳсларга ўз муносабатини билдиради.

Нарматов, Умарали. Революция души:  
Лит.— крит. статьи.

Н 4603010000—31  
М 352(04)—86

83.3Уз

© Faфур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти,  
1986.

## ҲАРАКАТДАГИ РЕАЛИЗМ

(Сўзбоши ўрнида)

Олтмишинчи-етмишинчи йиллар давомида реализм ва социалистик реализм методига доир бир неча бор қизғин баҳслар бўлиб ўтди. Ҳақиқат баҳсларда аён бўлади, дейдилар. Айни шу мунозаралар, ошкора фикр алмашувлар жараёнида социалистик реализм ҳақидаги тасаввуримиз бойиди, бу ҳаётбахш методни бирёқлама тор тушунишга, уни аллақандай «ўзгармас қондалар» йифиндисидан иборат деб талқин этишларга барҳам берилди; социалистик реализм назарияси марксча-ленинча методология асосида ижодий ривожлантирилди, бир қанча мақбул янги концепциялар илгари сурилди, жумладан, социалистик реализм англанган историзм принципига амал қилувчи, ҳаётни ҳаққоний ифода этувчи очиқ система, деб қараш хийла кенг тарқалди. «Англанган историзм», «очиқ система» концепцияси ўзимиздаги ва чет эллардаги қатор атоқли адабиётшунослар эътироф этганларидек, социалистик реализм назариясини ривожлантиришда олға ташланган қадам бўлди, бундай қараш социалистик реализм моҳияти ва табиатига мос тушади, унинг ривожи қонуниятларини ўзида ёрқин, ҳаққоний акс эттиради.

Табиийки, фандаги ҳар қандай янги концепция барчага бирдек мақбул ва тушунарли бўлиши қийин. Очиқ система концепциясини қўллаб-қувватловчилар билан бирга уни хуш кўрмайдиганлар ҳам майдонга чиқди. Ўз-ўзидан равшанки, бу янги концепция ҳали ҳар тарафлама мукаммал ишлаб чиқилган эмас; социалистик реализм назариясига бағишлиланган кейинги баҳсларда, чунончи, «Литературная учеба» журналининг 1983 йил биринчи сонида ўтказилган «Социалистик реализм: тараққиёт йўллари» мавзудаги назарий семинарда, «Вопросы литературы» журналининг 1983 йилги сонлари сахифаларида давом этган мунозарада очиқ система концепциясининг бир қатор кам-кўстлари, назарий жиҳатдан мукаммаллаштиришига муҳтож ўринлари аён бўлиб қолди. Бироқ бу ҳол очиқ система концепциясининг қиммати ва аҳамиятини асло камситмайди, балки уни ижодий ривожлантиришга бўлган эҳтиёж ва рафбатни янада оширади.

Очиқ система концепциясининг қимматли жиҳати шундаки, аввало у бутунаси адабиёт ва санъат ҳақидаги марксча-ленинча таълимотга таянади, адабиётнинг партиявийлиги, халқчиллиги принципига асосланади; айни пайтда у адабиётни бир андазага, бир қолип-га солиб бараварлаш мумкин эмаслиги, унда шахсий ташаббусга, шахсий қобилиятга, фикр ва хаёлга, форма ва мазмунга майдонни кенг очиб бериш мутлақо лозимлиги ҳақидаги ленинча қарашга суюнади; бу концепция социалистик реализм учун бир-икки асарнигина намуна, андаза қилиб олиб, бошқаларидан ҳам айни шуларга хос хусу-

сиятларни талаб этиш практикасини кескин рад этади. Бу концепцияга кўра, социалистик реализм жаҳон адаоиети тараққиёти тарихида принципиал аҳамиятга эга бўлган янги босқич, жаҳон бадиияти хазинасини тубдан янги эстетик дурдоналар билан бойитаётган, ҳайётни марксча-ленинча бадиий тушунишга ва тушунтиришга асосланувчи, социализм учун кураш ва уни барпо этиш тажрибаси билан мустаҳкам боғланган, ҳалқ манфаатига хизмат этадиган, мазмун ва шакл жиҳатидан ўзига хос яхлит системадир. Айни пайдада, бу ижодий методнинг бағри ҳайётдаги ҳар қандай янгиликларга, жамики илғор ҳодисаларга кенг очиқ, у инсоният даҳоси яратган барча маданий бойликлар, энг қадимий миф-афсона ва ривоятлардан тортиб танқидий реализмга қадар ҳамма илғор адабий оқимларнинг яхши тажрибаларини, ҳозирги замон жаҳон прогрессив адабиёти ва санъатининг ютуқларини дадил ижодий ўзлаштириш асосида ривожланади.

Бу жиҳатдан жаҳон адабиёти ва санъати тарихидаги ҳеч қайси ижодий метод, оқим социалистик реализм билан тенглаша олмайди. Биламизки, шу пайтга қадар мавжуд бўлган барча ижодий оқим ва методлар ўз принциплари доирасида маълум даражада чекланган; социалистик реализмнинг ҳам қатъий принциплари, чегаралари мавжуд, аммо унинг бағри ижодий изланишлар, мазмун ва хилма-хил шакллар учун ниҳоятда кенг, ҳаттоки у биз учун ёт бўлган адабий мактаб ва йўналишларнинг аирим бадиин тажрибасидан, адабий приём ва воситаларидан ҳам ўз мақсадлари йўлида социалистик

ғоялар ифодаси учун фойдалана олади; бундай ҳодиса ўзбек совет адабиётининг тонгигда, Ҳамза, Абдулла Қодирий каби улкан алломалар ижодидаёқ кўринган эди, кейинги йилларда Асқад Мухторнинг «Қиссасул анбиё», Абдулла Ориповнинг «Жаннатга йўл», Эркин Воҳидовнинг «Руҳлар исёни», Омон Матжоннинг «Ҳаққуш қичқириғи» каби асарларида бу тажриба янги кўринишда давом этмоқда.

Қисқаси, социалистик реализм бошқа ижодий оқимлар, методлар, адабий мактаблар тажрибаларини ижодий ўзлаштириш, ўз традицияларини тубдан янгилаб бориши бобида мислсиз имкониятларга эга; бу метод адабиётда новаторона изланишлар учун, кутилмаган бадиий кашфиётлар, фавқулодда янгиликлар учун кенг йўл очиб берди. КПСС Марказий Комитетининг 1983 йил Июнь пленумида партия истеъодод эгаларига, санъаткорнинг ижодий изланишларига эҳтиёткорлик ва ҳурмат билан муносабатда бўлиши яна бир бор уқтириб ўтилди.

Очиқ система концепциясининг яна бир афзаллиги шундаки, у социалистик реализм адабиёти тарихини ҳаққоний баҳолашга, социалистик реализм йўлидаги хилма-хил изланишлар манзарасини кенгроқ тасаввур этишга, ҳар хил сабабларга кўра, социалистик реализм доирасидан четга суриб қўйилган, аслида эса моҳият эътибори билан бу методга мансуб асарлар моҳиятини чуқурроқ англашга ёрдам беради.

Энг муҳими, очиқ система концепцияси соғ назарий муаммо эмас, у амалиётга яқинлиги билан ажralиб туради, хусусан

социалистик реализм адабиёти ва санъатининг ҳозирги босқичдаги тараққиёти тенденцияларини тўғри белгилаш, илмий баҳолаш учун ишончли назарий дастураламал бўла олади.

Очиқ система концепциясига кўра, бугунги кунда миллий адабиётдаги бирор муҳим ҳодисани кўпмиллатли совет адабиёти, социалистик мамлакатлар, жаҳон прогрессив адабиёти ривожидаги жараёнлардан, уларнинг тарихидан ажралган ҳолда тасаввур этиш, тушуниш ва тушунтириш асло мумкин эмас. Модомики, бугунги кунда социалистик реализм адабиёти ривожида адабий ҳамкорлик, ўзаро таъсир етакчи омиллардан бирига айланган экан, бу адабиёт бошқа адабий оқимлар, мактаблар тажрибасини дадиллик билан ижодий ўзлаштириш асосида ривожланаётган экан, социалистик реализм адабиёти ва санъатининг гоявий эстетик принциплари билан поэтикаси орасидаги муносабат, социалистик реализмнинг ўз поэтик арсенали, системасини белгилаш, унинг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш энг муҳим ва мунозарали масалалардан бўлиб қолмоқда.

Агар социалистик реализмга очиқ система деб қараладиган, унинг бафри хилма-хил изланишлар, тажрибаларга кенг очиб қўйиладиган бўлса, бу адабиёт ўз поэтик қиёфасини йўқотиб қўймасмикан, у «ҳудудсиз реализм»га айланиб қолмасмикин деган хавотирлар ҳам туғилмоқда. Тажриба шуни кўрсатаётирки, социалистик реализм адабиётидағи энг яхши, новаторона асарлар хилма-хил адабий тажрибаларнинг ўзига хос синтези сифатида туғилмоқда, бу хилдаги асар-

лар жам бўлиб, социалистик реализмнинг традицияларини вужудга келтирмоқда, ўзига хос қиёфасини белгиламоқда, ўз навбатида жаҳон адабиёти ривожига самарали таъсир кўрсатмокда. Чинакам ижодий таъсир, ўзаро ҳамкорлик ҳеч қачон улкан санъаткорларни социалистик реализмнинг бош йўлидан чалғитган эмас. Адабиётшунос Н. Анастасьев «Диалог» маколасида («Вопросы литературы», 1983, № 3) тўғри таъкидлаганишлек, адабиётда мутлок соғ янгилик бўлмайди, «ўзгалар» таъсиридан иҳота қилинган «ўз бисоти» бўлиши мумкин эмас, социалистик реализм адабиёти хам бадиият тараккиётининг шу умумий конуниятидан четда турломайди, аксинча унда, аввал айтилганидек, бу конуният кенг амал киласди: М. Горькийнинг «Она», М. Шолоховнинг «Тинч Дон» романидан тортиб Ч. Айтматовнинг «Асрга татиғуллик кун» ясарига кадар социалистик реализм адабиётининг борча жиҳдий асадлари ўтмиш классик ва XX аср жаҳон прогрессив адабиёти билан ўзаро диалог — алоқада майдонга келган.

Шуниси характерлики, ўзбек адабиётининг кейинги йиллардаги ривожида кардош халклар, социалистик мамлакатлар, жаҳон прогрессив адабиёти тараккиётига хос етакчи тенденциялар билан муштарак жихатлар тобора кўпайиб, адабий диалог турлари хилма-хил тус олиб, чуқурлашиб боряпти. Бугунги ўзбек адабиётига назар ташлаганда, кардош халклар адабиётида бўлгани сингари, ғоят ранг-бараинг, мураккаб, ҳаттоқи бирбиирга зид твиолган ҳодисалар үйғулинигидан иборат гаройиб манзарага дуч қеламицз.

Адабиётимиз ривожи аввало ижодкорларнинг ижтимоий ҳаёт муаммоларига фаол аралашиш, даврнинг долзарб маънавий-ахлоқий масалаларига жавоб излаш майли кучайғанлиги, бинобарин, гражданлик туйғусининг ўткирлашиб бораётганлиги билан характерланади. Ҳаёт муаммоларига фаол аралашишга интилиш оқибати ўлароқ, бир қанча асарларда публицистик талқин кенг ўрин олмоқда. Айни пайтда адилларимиз фақат ижтимоий, маънавий-ахлоқий масалалар талқини билан чекланмай, шахсий-интим ҳаёт, социал психологик ва социал биологик муаммоларнинг бадиий таҳлили билан ҳам банд бўлаётирлар; ошкора публицистик талқин устун турган асарлар ёнида ёзувчи қарашлари пинҳон тутилган ҳикоя ва қиссалар ҳам мавжуд. Узоқ ўтмиш, тарихий-инқиlobий воқеалар, Улуғ Ватан уруши, замондошларимиз ҳаёти мавзулари, инсон ва ижтимоий ҳаёт, уруш ва тинчлик муаммолари билан бир қаторда инсон ва табиат, экология муносабатлари ҳам энг қизиқарли, ҳаяжонли проблемалар даражасига кўтарилиди, адабиётда ҳайвонот ва наботот олами вакиллари образи кенг ўрин ола бошлади.

Асарларда гуманистик пафос доирасининг кенгайиши, инсон концепциясининг чуқурлашуви, инсонни тушуниш теранлашиб бораётганлиги, инсон шахси, табиати ва қалбининг мураккаб, сирли-сехрли томонларини англашга, кашф этишга интилиш ортаётганлиги ҳам ҳозирги ўзбек адабиётининг характерли белгилариданцир; инсон шахсининг такомилида, шахс қисматида ижтимоий факторлар билан бирга бошқа хилма-хил объек-

тив ва субъектив омиллар ҳам кириб келиб, ижод аҳли эътиборини ўзига тортмоқда.

Адабий образлар доираси тобора кенгайиб бораётир. Ижтимоий манфаат доираси кенг, актив ҳаётий позицияда турадиган фаол, курашчи қаҳрамонлар ёнида аслида ҳалол-покиза бўлса-да, курашчанлик туйфуси сўнник кишилар образига дуч келамиз; бир томондан, тарихда ўтган ёки бизга замондош машҳур кишилар тақдиди билан қизиқиш, иккинчи томондан, ҳаётда камтарона мавқега эга бўлган ўта камсукум, одми одамларнинг ҳаётда тутган ўрнини кўрсатишига интилиш ортмоқда. Бир қанча асарларда «ғаройиб одамлар» деб аталмиш персонажлар тақдиди ёки аслида ҳақ бўлмаган одамлар «ҳақиқати» таҳлил обьекти қилиб олинмоқда.

Биз кейинги йиллар адабиётида инсон шахсини мураккаблиги, зиддиятлари, кучли ва ожиз томонлари билан кўрсатиши характерли тенденцияга айланганлиги, шу ҳодиса оқибати ўлароқ, одатдаги «ижобий» ва «салбий» қаҳрамон тушунчаси ўзгачароқ хусусият касб этганлиги ҳақида кўп гапирамиз. Бу, умуман олганда, тўғри. Шу билан баробар асарларимизда эзгулик ёки ёвузлик тимсоли бўла оладиган соф ижобий ва салбий персонажлар ҳам пайдо бўлаётирки, бу ҳодисани тан олишга мажбурмиз; Одил Ёкубовнинг «Кўҳна дунё», Ўткир Ҳошимовнинг «Дунёнинг ишлари» каби асарлари саҳифаларида қад кўтарган бир талай жонли ва таъсиричан бадиий типлар ҳали сўз санъатида одамларни эзгулик ёки ёвузлик тимсоли сифатида бериш анъанаси эскирмаганлиги-

дан далолатдир. Бу жиҳатдан қараганда яқин ўтмишда юз берган ижобий қаҳрамон тушунчасига менсимай қараш, ўқувчи учун ибрат бўла оладигаи, юксак идсалларни ўзида мужассам этувчи романтик табиатли қаҳрамонларни ҳар хил йўллар билан камситиш ҳоллари социалистик реализм адабиётидаги ижодий ранг-барангликни тан олмасликнинг бир қўриниши сифатида қораланишга лойиқдир.

Социалистик реализм адабиёти ривожининг етакчи пафоси ҳам ранг-баранг тус олмоқда, ҳаётни революцион тараққиётда кўрсатиш, социал-тарихий жараён перспективасини ифода этиш, асарларда тасдиқ ва инкор йўллари хилма-хил бўлиб боряпти. Бир вақтлар адабиётда дунёни ўзгартиришга, ҳаётни қайта қуришга чақириқ руҳи ҳукмронлик қилар эди, эндиликда эса, адабиётшунос А. Акимов «Литературная учёба» семинарида айтганидек, социалистик реализм адабиёти фақат ўзгартириш, қайта қуриш пафоси билан эмас, айни пайтда маданиятимиз, социалистик ҳаёт тарзи тўплаган бойликларни сақлаш ва ҳимоя қилиш руҳи билан ҳам нафас олмоқда. Эскирган, қолоқ тушунча ва удумларни қораловчи асарлар билан ёндош ҳолда бир вақтлар назардан четда қолган, аслида эса ардоқлашга муносиб одат ва таомилларимизни кўз-кўз қилишга, шу таомилларни ўзида мужассам этувчи кишилар образларини адабиётга олиб киришга майл ортди; инсон хотираси билан боғлиқ мотивлар янгича жило касб этди; адабиётда табиат муҳофазаси муаммосининг кенг ўрин олаётганлиги, илмий-техника революцияси-

нинг инсониятга берадиган нафини, ижтимоий тараққиётдаги яратувчилик, ўзгартирувчилик қудратини эътироф этган ҳолда, бу тезкор қудратли кучнинг хатарли оқибатларини ҳам назарда тушиб зарурлиги, инсониятни бу хатарлардан огоҳ бўлишга чақириқ руҳининг кучайиб бораётганлиги социалистик реализм адабиётидаги айни шу муҳофазакорлик пафосининг бир кўриннишидир.

Адабиётимизда услубий, шаклий излашилар доирасининг кенгайиб, социалистик реализмнинг поэтик бисоти тобора рангбаранг бўлиб янгиланиб, бойиб бораётганлиги ҳеч кимга сир эмас. Бугунги кун ўзбек шеъриятида аruz ҳам, бармоқ ва сарбаст шакли ҳам деярли бир хил мавқега эга, бир гуруҳ ижодкорлар, хусусан ёшлар жаҳон классик ва ҳозирги прогрессив шеъриятининг кўп янги шакл ҳамда ифода воситаларини адабиётимизга олиб кириш учун гайрат ва ташаббус кўрсатмоқдалар, мансур шеърнинг янгича шакллари туғилмоқда; В. Маяковский, Ҳамза, Ғафур Гулом, Ҳамид Олимjon, Мақсуд Шайхзода традицияларини давом эттирувчи ошкора гражданлик-публицистик нафаси уфуриб турган шеърлар билан бирга инсоннинг хилма-хил руҳий ҳолатларини суратга солувчи, қалб сирларидан огоҳ этувчи назмлар ҳам яратилмоқда; Миртемир тажрибасини эсга тушбурувчи халқона-оғзаки ижод руҳида битилган асарлар ҳам яратиляпти. Яқингинада «эпик поэма» даври ўтди, энди «лирик достон» даври келди деб чиқдик; кейинроқ эса гоҳ «эпик поэма», гоҳ «драматик поэма», баъзан эса барча тур поэмаларнинг синтезидан туғилган «янгича шакл»

даври бошланди деган гаплар айтилди. Таж-риба шуни кўрсатаётирки, поэманинг бирон тури ҳам эскирган эмас, кейинги йилларда гарчи оз бўлса-да, деярли ҳар бир турнинг яхши намуналарини учратиш мумкин.

Худди шунингдек, роман жанри устида-ги баҳсларда ҳам романнинг айрим турлари-ни, чунончи кенг қамровли эпик шаклини, кўп китоблардан иборат роман яратиш тажрибасини «эскирган»га чиқариш, ҳозир бир китобдан иборат «ихчам романлар» дав-ри келди деб аташ ҳоллари бўлди. Шукур Холмирзаевнинг «Сўнгги bekat», Уткир Ҳо-шимовнинг «Нур борки, соя бор» сингари ихчам романлари ҳам, Саид Аҳмад қала-мига мансуб «Уфқ» типидаги бир неча китобдан ташкил топган эпик асарлар ҳам, шунингдек, персонажлар ҳаётининг маълум бир этапинигина ажратиб олиб, уни маълум концепция нуқтai назаридан чуқур бадий таҳлил этувчи Одил Ёқубовнинг «Улуғбек хазинаси», «Кўҳна дунё», Мурод Муҳаммад Дўстнинг «Галатепага қайтиш» каби роман-лари ҳам, қаҳрамонларнинг узоқ даврлик ҳаётини тарихий шароит билан боғлиқ ҳолда кенг кўламда кўрсатиб берувчи Пиримқул Қо-дировнинг «Юлдузли тунлар» сингари асарла-ри ҳам — барчаси биз учун бирдек қадрли. Тарихий шахслар образини яратишида «Юл-дузли тунлар»да бўлгани каби бошдан-оёқ изчил ҳаётий-тарихий фактлар изидан бориш, «Кўҳна дунё»даги сингари тарихий ҳақиқат-дан узоқ кетмаган ҳолда ижодий фантазия-га кенг эрк бериш— ҳар икки йўл билан ҳодисалар моҳиятини очиш мумкин эканлиги яна бир бор тасдиқланди.

Бир неча йиллар бурун «ҳозир ҳужжатли асарлар даври» деган сўзларни кўп эшитар эдик; дарҳақиқат, бир қанча атоқли давлат арбоблари, ҳарбий саркардаларнинг, машҳур ёзувчиларнинг ҳужжатли-мемуар асарлари, талай ҳужжатли фильмлар маданий ҳаётимизда муҳим ҳодиса бўлди. Шуниси қизиқки, худди ўша ҳужжатли асарлар атрофида катта шов-шувлар бўлиб турган бир пайтда адабиётда ижодий фантазиянинг олий тури саналмиш миф-афсона, ривоятларга қизиқинш числесиз даражага етди.

Услубий оқимлар, бу борадаги изланишлар, услублар типологияси уларнинг ҳозирги адабий жараёндаги ўрни хусусида йигирма йил бурун бошланган баҳслар ҳамон давом этада ётирил. Кўпчилик услубшунос олимларнинг фикрига кўра ҳозирги адабиётда учта етакчи услугубий тенденция — изчил реалистик, лиро-публицистик ва шартли-символик оқимлар мавжуд; айни пайтда хилма-хил услугубий оқимлар, жанрларга хос хусусиятлар синтезидан ташкил топган ўзига хос самарали тенденция вужудга келмоқда, бу ҳодиса А. Мухторнинг «Чинор», О. Ёқубовнинг «Кўҳна дунё», Ў. Ҳошимовнинг «Дунёнинг ишлари», Э. Воҳидовнинг «Руҳлар исёни» асарларида ёрқин намоён бўлди. Бундай услугубий тенденцияларни баъзан бир-бирига қарши қўйиш, бирини устун билиб, иккничи-сини камситиш ҳоллари бўляпти; чунончи изчил реалистик услубни эскирган, «репортаж реализм» деб аташ ёки, аксинча, шартли-символик тенденцияга мойилликни қоралаб, бу йўл ҳаётининг реалистик маизрасини чизишга, пластик характерлар яратади.

тишга қодир эмас, деб даъво қилиш, баъзан эса публицистик талқинни барчасидан афзал кўриш фактларига дуч келаётимиз.

Ҳозирги адабий жараёнга хос бундай мураккаб, бир қарашда зиддиятли туюлган манзара аслида таъбиий, қонуний бир ҳолдир; социалистик реализм табиатидан келиб чиқувчи, уни ҳаракатга келтирувчи, очиқ система эканлигини тасдиқловчи омиллардир. Социалистик реализм адабиёти учун ҳаёт ҳақиқати моҳиятини очишга қодир, эстетик қимматга молик ҳар қандай йўл, шакл, услубий-бадиий изланиш бирдек қадрлидир; очиқ система ҳеч қандай эталонларни тан олмайди, адабиётдаги бирон йўл, услубий-шаклий изланишни бошқасига қарама-қарши қўйиш социалистик реализм табиатига ётдир. «Правда» газетаси 1983 йил 3 июнданги «Бадний жараён ва танқид» сарлавҳали бош мақоласида айрим санъаткорларнинг ролини ҳаддан зиёд бўрттириб кўрсатиш, бошқа бирлари ижодиёти қимматини камситиш ҳоллари бежиз танқид қилиб ўтилган эмас.

Биз юқорида ҳозирги ўзбек адабиёти, адабий-танқидий тафаккури ривожига нисбат берган хусусиятлар, тенденциялар уни қардош халқлар, социалистик мамлакатлар, қолаверса, жаҳон прогрессив адабиёти билан туташтириб турадиган жонли робиталардир. Бу робиталар шундан далолат берадики, бугунги ўзбек адабиёти жаҳоншумул адабий ҳодисага айланган социалистик реализм адабиётининг таркибий бир қисми сифатида ривожланмоқда ва у социалистик реализм ҳақида Иттифоқ ҳамда жаҳон

миқёсіда бораётган баҳслар үчун бой материал бера олади.

Адабий контакт мислсиз миқёсларга күтариlgan ҳозирги шароитда социалистик реализм заминида тараққий этаётган миллій адабиётларни, уларнинг ривожига хос характерли тенденцияларни қиёсий-типологик ўрганиш фавқулодда катта аҳамият касб этмоқда. Кейинги пайтларда бу борада айрим яхши ишлар пайдо бўлди, лекин замон бу соҳадаги тадқиқотлар савиясини янги босқичга күтаришни талаб этмоқда. Адабий фактларни, тенденцияларни юзаки қиёслаш, адабий ҳамкорликни, традицияларни бирёқлама—тўғридан-тўғри ўрганиш оқибати деб талқин этиш ҳоллари ҳамон учраб қолаётир. Шу хил камчиликларни рўкач қилиб, умуман қиёсий ўрганиш практикасини рад этиш ҳолларига ҳам дуч келаётимиз. Чунончи, шоир Шукрулло «Бағри кенглик ва талабчанлик хусусида» мақоласида («Ўзбекистон адабиёти ва санъати», 1983 йил 18 февраль) қиёсий ўрганиш «адабиётимиз ёки адилларимиз ижодининг ривожига бирор манфаат келтирадими?» деган савол қўяди ва ўзи «Йўқ!» дея қатъий жавоб қиласди. Бизнингча, масалани бу хилда қўйиш тўғри эмас. Оқилона қиёсий таҳлил ҳар бир миллий адабиёт ривожига ҳам, алоҳида ижодкор тақдирига ҳам фойда, манфаат келтириши турган гап.

Ижодий таъсир бу — ўзгалар, улкан санъаткорлар тажрибасини бефарқ суратда ўзлаштириш, уларга тақлид қилиш эмас; тақлидчилик адабиёт учун заводир; ўзгаларнинг таъсири фақат янги, кутилматан ориги-

нал бадиий кашфиётларниң туғилишига, новаторона изланишларга турткы бўлган тақдирдагина ўзини оқлади. Кейинги йилларда бизда Ч. Айтматов, В. Шукшин ижодининг бевосита таъсири остида уларга тақлидан битилган бир талай асарлар пайдо бўлди, лекин улар адабиётимизда сезиларли из қолдирмади. Айни пайтда бизда замонамизнинг улкан санъаткорлари тажрибасига ижодий ёндашиш, ҳаттоки улар билан дадил мусобақа, мунозара қилиш йўлидан бораётган адиблар ҳам бор. Чунончи, Темур Пўлатов ижоди такомилида шу ҳолни кузатиш мумкин. «Мен учун ижодда энг муҳими ички мунозара,— дейди у танқидчи Лев Аннинский билан сухбатда.— Бу сенга тематик, географик, тил жиҳатидан яқин бўлган бирор ёзувчи билан пинҳона, «осойишта» мунозара. Масалан, Чингиз Айтматовни олайлик. Ижодий тажрибаси ҳамда ёшига кўра у менга устоз бўлиши мумкин. Бироқ мен ҳар гал унинг янги асарини ўқиганимда ўзимга: мен буни бошқача ёзар эдим (йўқ, ундан яхшироқ демоқчи эмасман!), сюжетни ўзгачароқ давом эттирган, бошқачароқ тасвир манерасини танлаган бўлардим, дейман. Бу соғлом, ижодий мунозара ишда менга ёрдам беради...» («Литературное обозрение», 1983, № 4, 23-бет). Шундай гапни бошқа кўпгина пешқадам адибларимиз ҳам айтиши мумкин. Айни шундай йўлдан борган адибларгина ижода оригинал кашфиётлар яратади.

Бундан чиқадиган хулоса шуки, социалистик реализм адабиётида умумийлик билан бирга хусусийлик проблемаси ҳам ниҳоятда муҳим аҳамият касб этади. Қиёсий таҳлил

пайтида муштарак жиҳатларни аниқлаш билан баробар миллий адабиётлардаги ўзига хос томонларни, санъаткорнинг ижодий индивидуаллигини очиш энг жиҳдий муаммолардан бирни бўлиб қолади. Афсус билан шуни қайд этиш лозимки, Зулфия, Асқад Мухтор, Шукрулло, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Омон Матжон, Барот Бойқобилов, Муҳаммад Али, Рауф Парфи сингари забардаст шонирларимизнинг, Санд Аҳмад, Одил Ёқубов, Пиримқул Қодиров, Темур Пўлатов, Ўткир Ҳошимов, Худойберди Тўхтабоев сингари адилларимиз қаламига мансуб Иттифоқ жамоатчилиги эътиборини қозонган, кўпгина жаҳон тилларига таржима қилинган қисса ва романларнинг бугунги улкан адабий жараён билан муштарак томонлари ҳам, шунингдек, шонир ва носирларимиз ижодининг оригинал қиммати, социалистик реализмга қўшаётган ҳиссаси, яигилиги ҳам танқидчиликда етарли кашф этилган, бор овоз билан айтилган эмас.

Ниҳоят, қиёсий таҳлил миллий адабиётдаги заниф томонларни, адабиёт ривожига монелик қилаётган қусурларни аниқлашга ҳам ёрдам беради. Сўнгги йилларда қардошларимиз адабиётида яратилиб Иттифоқ ва жаҳон бадиий тафаккури ривожида чуқур из қолдирган, бадиий тараққиётда олға ташланган қадам саналган «Йўл танлаш», «Асрга татигулик кун», «Абадият қонуни», «Дата Туташхиа» сингари асарлар билан қиёслаганда биздаги талай қисса, романларнинг республика доирасидан нари чиқолмай, кенг қулоч отолмай қолаётганлиги сири аён бўлади, яъни буларда тилга олинган асар-

ларга хос оригинал, чуқур ҳис этилган салмоқдор концепция, теран фалсафий мушоҳадакорлик, ҳаёт ҳақиқатига кутимаган янги томонлардан ёндашиш, чуқур социал таҳлил, дадил новаторона бадиий-шаклий изланишлар етишмайди.

Социалистик реализм адабиётида ҳаёт ҳақиқатига ёндашиш, уни ифода ва талқин этиш йўллари, шакллари хилма-хил эканлиги ҳақида кўп гапирдик, аммо социалистик реализмнинг қатъий талаблари ҳам бор, реализмда бўлгани каби социалистик реализмда ҳам ҳаёт ҳақиқатининг социал моҳиятини очиб бериш ўзгармас талаб бўлиб қолди, социалистик реализм ҳодиса моҳиятини коммунистик партиявийлик позициясида туриб ёритиш, таҳлил этишини тақозо этади. Кейинги йилларда асарлардаги тасвир ва таҳлил доирасининг кенгайиб бораётганлиги, социал масалалар билан бир қаторда, социал-психологик, майний, маънавий-ахлоқий, социал-биологик ҳодисаларнинг ҳам қаламга олинаётганлиги умуман ижобий ҳодиса; бир қанча асарларда, хусусан ёшларнинг роман ва қиссаларида халқ ҳаётининг авваллари эътибордан четда қолиб келган томонлари, этник қатламлари, урфодатларнинг тасвир доирасига тортилиши мақбул ташаббус; бироқ, айрим асарларда майний, этник характердаги лавҳалар, удумлар тасвирида уларнинг социал томонига етарли эътибор бермаслик, мураккаб ҳодисалар, чигал табиатли персонажлар талқинида ёзувчи позициясининг мужмал бўлиб қолиши ҳоллари ҳам содир бўлаётир. Реалистик асарнинг кучи оқибат-натижада социал таҳлилнинг изчиллиги ва теранлиги билан белгиланишини ҳеч

қачон эсдан чиқармаслик зарур. Ёшлар ижодига бағишлиңган кейинги баҳслар пайтида айрим танқидчиларнинг социал анализни кучайтиришга қаратилған ҳақли талаблари баъзи ёзувчилар томонидан шубҳа ва киноя остига олинди. Чунончи, ёзувчи Тоҳир Малик «Юрак зарби» мақоласида («Ўзбекистон адабиёти ва санъати», 1983 йил, 22 апрель) танқидчи Н. Худойбергановнинг «Суварак» (Н. Аминов) қиссаси муносабати билан аттаган асарда маразлар ҳаққоний фош қилинадиу, бироқ уларнинг ижтимоий илдизлари, сабаблари етарли даражада тадқиқ этилмайди, деган фикрига эътиroz билдириб: «Н. Худойберганов талаби билан «илдиз» очилса, асар қимматини йўқотиши мумкин», дейди. Сўнгра пичинг-кинояга ўтиб: «Дарахтнинг илдизи яланғочлаб қўйилса нима бўлади? Бадиий асарда ҳам илдиз ўз жойида бўлгани маъқул. Зийрак ўқувчи дарахтнинг ер устида савлат тўкиб туриши илдизга боғлиқ эканини сезади», деб ёзади. Танқидчининг ҳаққоний талабини бундай юзаки шарҳлаш реализм принципларини менсимасликдан бошқа гап эмас.

Социалистик реализм адабиётидаги рангбарангликни, ғоят хилма-хил майлларни туташтириб турадиган, уни маълум система га соладиган ва унга динамик тус бахш этадиган, ҳаракатга келтирадиган куч бу — ижодкорнинг социал аниқ позициясиdir, ҳар қандай асарда, ҳар қандай жанрда, унинг барча компонентларида хилма-хил шаклда иштирок этадиган автор нигоҳи ва образидир.

КПСС Марказий Комитетининг Июнь

plenumiда идеологик, илмий-назарий соҳадаги ишлар ҳозирги ҳаёт билан мустаҳкам боғланган ва олға қараб бориши йўлини кўрсатишга қаратилган чуқур гоялар билан сугорилган тақдирдагина яхши самара бериши мумкинлиги таъкидланади. Социалистик реализм назариясини ҳам айни шу йўлдан бориб янада ривожлантириш мумкин.

## ИЗЛАНИШЛАР ҚАНДАЙ КЕЧАЁТИР ВА БАҲОЛАНАЁТИР?

Адабиётдаги ғоявий-бадиний, шаклий изланишлар ҳам доим мураккаб, зиддиятли силсилаар ичида кечади. Шунинг учун ҳам уларнинг туб моҳиятинни тўғри англаб етиш, одилона баҳолаш, самарали, истиқболи порлоқ изланишлар билан ўткинчи экспериментларни бир-биридан фарқлаш хийла мушкул. Баъзан сўз санъати ривожида чуқур ички ўзгаришлар, янгича тенденциялар ўз вақтида пайқаб олинмаслиги, эътибордан четда қолиши, етарли баҳоланмаслиги ёки улар мавжуд андазаларга тўғри келмагани учун қабул қилинмаслиги, гоҳо шахсий майллар туфайли кескин рад этилиши ҳам мумкин. Бундай ҳоллар адабиёт тарихида кўп марта содир бўлган. Ҳозир ҳам қисман шундай ҳолларга дуч келмоқдамиз.

Бугунги кўп миллатли совет адабиётидаги ижодий жараён, ундаги шаклий изланишлар аҳволи хусусида ғоят зиддиятли қарашлар мавжуд. Социалистик реализм назарияси ва тажрибаси ҳақида «Вопросы литературы», «Литературное обозрение», «Литературная учеба», «Литературная газета» саҳифаларида олиб борилган дискуссиялар пайтида очиқ система принципи асосида ривожланаётган

бу адабиётнинг поэтик арсенали тобора хилма-хил тажрибалар, янги шакллар билан бойиб бораётганлиги мамнуният билан қайта-қайта таъкидланди. Бир қатор танқидчи ва ёзувчиларни эса бу борадаги аҳвол асло қаноатлантирумайтирилди. Бундан бир неча йил бурун таниқли танқидчилардан А. Бочаров билан Е. Сидоров деярли бир пайтда адабиётимиз шаклида ҳоргинлик мавжудлигини айтган эдилар<sup>1</sup>. Яқинда атоқли адабиётшунос, ёзувчи Виктор Шкловский шундай деб ёзди: «Ҳозир бизда ким ҳаммадан яхшироқ ёзяпти — билмайман. Аммо шуни яхши билманки, ҳозиргидан бошқача ёзмоқ даркор. Шундай ёзиш керакки, уни секин, ҳайратга тушиб, тўхтаб-тўхтаб ўқисишилар. Даврнинг ўзи янгича тафаккурни, янгича нигоҳни, ҳаётни янгича идрок этиш-тушунишини тақозо этмоқда»<sup>2</sup>.

Айни шундай кайфият-қарашларни бугунги ўзбек адабиётида, ёзувчи ва танқидчиларни мизнинг ҳозирги адабий жараёнга оид мақолаларида ҳам кузатиш мумкин. Ёзувчи Одил Ёқубов танқидчи Алексей Кондратович билан сұхбатда («Литературная газета», 1984 йил, 1 февраль) ҳозирги ўзбек адабиёти шакл жиҳатидан алоҳида бир дадиллик кўрсата олмаётганлигини айтади ва бундан афсусланади. «Ёшлик» журналининг «Ижтимоийлик — гражданлик — бадиият» мавзудаги давра гурунгидаги (1983, № 12) ёш

<sup>1</sup> Қаранг: Е. Сидоров. Время, писатель, стиль. М., СП, 1983. стр. 299.

<sup>2</sup> В. Шкловский. «Надо писать так, чтобы читали медленно...» «Литературная газета», 1983, №34.

ёзувчи Олим Отахонов ҳам айни шундай фикрни илгари суради, бунда у кўпроқ прозани назарда тутади; прозамиздаги муайян ютуқларни эътироф этгани ҳолда йирик-йирик ижтимоий масалалар, янги куннинг янги муаммоларига қўл ураётган бизнинг прозамиз ҳамон эски шакл, анъанавий услублар доирасида қолаётганлигидан ўкинади. «Бу соҳада кескин бурилишлар ясалмади,— дейди у.— Дунё ўзгарди, одамларнинг дунёга муносабатлари ўзгарди, ўзаро муносабатлари, яшаш тарзи янгиланган бўлса ҳамки, бизнинг прозамиз ҳамон маълум қаҳрамонлар билан яшамоқда. Нега? Сабаби нимада? Нега бизда дадил изланишлар, экспериментлар йўқ ҳисоби? Нима учун битта-яримта ёшларнинг шу маънодаги изланишлари қўллаб-қувватланмайди? Минг қиссин, янгилликка интилиш, янгилик яратишга хоҳишнинг ўзи қувонч-ку! Негадир, янгича шаклий изланишларга бизда айрича шубҳа билан қарашади...» Ёш қаламкаш ўз фикрини давом эттириб дейди: «Прозамиза Мурод Муҳаммад Дўст, Тоғай Мурод қиссаларидан бошқа изланиш оз. Мени тўғри тушунишларингизни истардим: кучли асарларимиз бор. Иттифоқ миқёсидаги роман, қиссалар мавжуд. Аммо мен, адабий эксперимент борасида жуда камбағалмиз, демоқчимай...»

Орзуга айб йўқ, дейдилар. Эришилган ютуқлар билан хотиржам бўлиб қолмаслик, адабиётимизни янада баркамол, шаклан бой, ранг-баранг ҳолда кўришга иштиёқмандлик ҳам тараққиётиниң гарови. Айни пайтда адабиётимиздаги мавжуд ижодий изланишларни, катта-қичик бадиий кашфиётларни ўз вақтида

пайқаш, эътироф этиш, эъзозлаш, қўллаб-қувватлаш ҳам адабий прогресснинг муҳим омили. Мен адабиётимизнинг шаклида ҳорғинлик мавжуд, сўз санъати шакл жиҳатидан даврдан орқада, ўзбек адабиётида дадил изланишлар йўқ, прозамиз ҳамон эски шакл, анъанавий услублар доирасида қолаётир леган қарашларга асло қўшила олмайман. Ю. Бондаревнинг «Йўл бошида», Ч. Айтматовнинг «Асрга татигулик кун», Ч. Амирэжибиннинг «Дата Туташхия» романлари, Е. Евтушенко, А. Вознесенский, Э. Межелайтис, Ю. Марцинкевичюс, Ў. Сулаймон каби шоирларнинг шеър ва поэмалари фақат ғоявий проблематикаси эмас, шакли жиҳатидан ҳам ўзига хос кашфиёт-ку, ахир! Бу тур асарларда худди ўша В. Шкловский орзу қилган фазилатлар мавжуд, улар тафаккур ва ифода тарзи, ҳаётни идрок этиш-тушуниш йўсими жиҳатидан янгича, ўзига хос, уларни секин, ҳайратга тушиб, тўхтаб-тўхтаб ўқийсан киши. Худди шунингдек, 70—80 йиллар ўзбек шеъриятининг энг яхши намуналари ўзининг поэтик арсенали жиҳатидан аввалги давр шеъриятидан фарқ қиласди; шеъриятдаги изланиш фақат ёшлиар ижодигагина хос эмас; Зулфия, Асқад Мухтор, Шукрулло, Шуҳрат, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Барот Бойқобилов, Муҳаммад Али сингари таниқли шоирларимиз ҳам бугун ўн-ўн беш йил аввалигига кўра ўзгачароқ фикрлайдиган, ҳаётни янгича идрок киласдиган, фикр-туйғуларини ўзгача шаклларда ифода этадиган бўлиб қолдилар. Ҳалима Худойбердиева ҳеч кимни книга ўхшамайдиган оҳаиг-шаклларда куйламоқда...

Абдуқаҳҳор Иброҳимов ўзбек драматургияси шаклига кўпгина «таҳрир»лар киритди... Эҳтимол, прозамиздаги изланишлар кўпмиллатли совет ва жаҳон тараққийпарвар аданбёти ютуқлари чўққисидан туриб қаралса, камтарона туолар, аммо бугунги ўзбек насринда ҳам бутуниттифоқ ва жаҳон адабиётидаги жараёнлар билан муштарак жиҳатлар йўқ эмас. Айниқса, Асқад Мухтор, Одил Ёқубов, Темур Пўлатов, Шукур Холмирзаев, Тоҳир Малик, Мурод Муҳаммад Дўст, Тогай Мурод асарларида бу нарса яққол кўзга ташланмоқда. Пиримқул Қодиров, Ўткир Ҳошимов, Ҳудойберди Тўхтабоев сингари сиртдан қараганда традицион туолган адибларнинг роман ва қиссалари поэтикасида ҳам талай янги хусусиятлар борки, минг афсус, булар ҳали адабиётшуносликда тўлалигича кашф этилган, етарли баҳосини олган эмас.

Олим Отахоновнинг бизда ёшлиарнинг изланишлари қўллаб-қувватланмайди, янгиша шаклий изланишларга бизда айрича шубҳа билан қарашади, деган мулоҳазалари ҳам, менингча, ўринсиз, бирёқлама ҳукм. Аслида бизда ижодий, жумладан, шаклий изланишлар теварагида қизғин баҳс-мулоҳазалар кетаётир, бу борада хилма-хил қарашлар мавжуд дейилса тўғрироқ бўларди. Янгиша шаклий изланишларга шубҳа остида танқидий қаровчилар билан баробар уларни астойдил қўллаб-қувватловчилар ҳам кўп. Бу табиий ҳол. Бир қатор ёзувчи ва танқидчилар адабиётни традициялар доирасида ривожланишини хуш кўрадилар. Чунончи ёзувчи Сайд Аҳмад «Ўзбекистон адабиёти за-

санъати» газетаси анкетаси саволларига берган жавобида (1983 йил 1 июль) тўғридан-тўғри: «Прозада форма ўзгаришини истамайман. Мен учун Тургенев, Чехов, Толстой, Шолохов, Қодирий формаси жуда маъқул», — деб ёзади. Сўнгра ҳозирги ёшларда фарбдаги мода асарларга эргашиш кайфияти учраб қолаётганилигидан койинади. Шоир Омон Матжон биз билан суҳбатда: «Шеъриятимизни шакл жиҳатидан янада бойроқ кўришни орзу қиляпсиз. Лекин Ҳамид Олимжон, Ойбек, Faфур Гулом анъаналари, шеърнинг улар камолотга етказган шакллари яна кўп вақтлар етакчилик қилишига имоним комил», — дейди. Шоир Шукрулло ҳам анъанавий шаклларга мойил, шеърда мазмуннинг аниқлиги, вазннинг равонлигини ёқтиради; ёшларнинг изланишларидаги мураккабликни, ўзига хос фикрлаш тарзини хуш кўрмайди, конкрет далилларга кўчиб ёзади: «Ҳозирги ўзбек шеъриятида мавҳумий шеърлар кетидан бораётган шоирлардан бири Муҳаммад Солиҳ. Муҳаммад Солиҳ ҳозирги ўзбек шеъриятида фикр доираси кенг, ниҳоятда ўзига хос, оригинал шоирлардан. Лекин у баъзан шу қадар оригиналликка берилиб кетадики, на шаклни ва на ундаги мазмунни аниқ англай оласан киши...» «Мен бир нарсага ҳайронман, — деб давом этади у. — Киши тушуниши мушкул, аниқ маъно чиқариши қийин, имо-ишорали шеърларни ёзишнинг нима зарурати бор? Бу фикрни очиқ айтмай, яшириб айтишдан эмасмикин?

Наҳотки, маъносизлик оригиналликка кирса? Тил қанча бузилса, сўзлар қанчалик ўринсиз ишлатилса, маъно англаш қанчалик

мушкўл, мантиқсиз бўлса, янгиликми? Бу шоирларни меҳнат қилишдан совутмасмикин, сингил йўлга бошламасмикан?»<sup>1</sup>

Шуниси қизиқки, прозада шакл ўзгаришини истамайман, мен учун Тургенев, Чехов, Толстой, Қодирий формаси жуда маъқул, деб ёзган Сайд Аҳмаднинг ўзи амалиётда, ижодда ўзгача йўлдан бораётир, унинг «Ўфқ» романи ҳам, «Келинлар қўзғолони» комедияси ҳам, талай лирик ва юмористик ҳикоялари ҳам фикр ва ифода тарзи жиҳатидан ўзи хуш кўрган адиллар ижодидан анча фарқ қиласди. Шеърнинг Ҳ. Олимжон, Ойбек, F. Ғулом камолотга етказган шакллар имкониятларига катта умид боғлаган О. Матжоннинг шеърлари шакл жиҳатидан бошқатароқ. Ҳозирги ёш шоирларнинг шакл бобиғаги изланишларига келсак, улар бўш жойда бирданига пайдо бўлиб қолаётгани йўқ, уларнинг машқлари фақат ғарб адабиётига эргашиш оқибати эмас; улар ижод этаётган сарбаст, мансур шеърлар, ҳаётни мураккаб ассоциациялар йўли билан идрок этиш илдизи аввало ўзимиздаги 20—30-йиллар шеъриятидаги изланишларга, жумладан, Ойбек, Миртемир тажрибаларига бориб тақалмайдими? Мен аминманки, Рауф Парфи, Муҳаммад Солиҳ шеърияти Асқад Мухтор бошланган бармоқ билан сарбастнинг ўзаро қўшилиб-чатишувидан вужудга келган янги шаклнинг давомидир, янги тажрибалар, янгича оригинал идрок, мушоҳада, оҳанглар билан

---

<sup>1</sup> Шукрулло. Шеъриятда ҳаёт ва инсон нафаси. «Ўзбекистон адабиети ва санъати», 1984 йил 24 февраль.

бойитилган кўринишидир. Албатта Рауф Парфи, Мұхаммад Солиҳ шеърий тафаккурида, Одил Ёқубов ибораси билан айтганда, бутун иттифоқ ва жаҳон адабиётидан эсаётган шабадалар таъсири бор, лекин буни ўта бўрттириб кўрсатиш ўринисиз. Ёш ёзувчи Нодир Норматов «Шеърият — халқ табиати ифодаси» мақоласида «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», 1983 йил, 2 сентябрь) Мұхаммад Солиҳ шеърларини бус-бутун миллий заминдан ажратиб жаҳон шеъриятидаги турли оқимлар таъсирида туғилган деб атайди. «Шоир,— деб ёзди у,— турли халқлар ҳазиналарини ўз ичига олгай жаҳон шеърияти эшикларини бирма-бир очиб кўради. Шубҳасиз, бу жуда керакли изланиш. Лекин шоир бу эшикларда меҳмон бўлиб қайтиши, эндиликда ўзининг халқи табиатига яқин шеърият биносини қурмоғи лозим».

Шоир изланишларининг ожиз томонлари, кам-кўстлари ҳақида гапириш мумкин, аммо шоирни бошқача ёзишга — бошқача шеърият биносини яратишга даъват этиш, бу борада унга кўрсатма бериш одобдан эмас. Бунинг устига Мұхаммад Солиҳ изланишларини миллий заминдан тамомила ажратиб қараш ҳам ҳақиқатдан йироқ...

Шу хилдаги танқидий қарашлар билан баробар матбуотимизда янгиликка мойил ёзувчи, шоирларимизнинг изланишларини астойдил қўллаб-қувватловчи, уларниң ютуқларини кўз-кўз қилувчи мақолаларузлуксиз босилиб турибди. Бу ўринда лоақал Озод Шарафиддинов, Иброҳим Ҳаққулов ва Аҳмад Аъзамовларнинг «Гулистон», «Ёшлиқ», «Ўзбекистон адабиёти ва санъати»даги

қатор чиқишиларини, хусусан Асқад Мухторнинг «Шеър — шоирнинг ижтимоий виждони» («Ўзбекистон адабиёти ва санъати», 1984 йил 20 январь), Эркин Воҳидовнинг «Шеърият изланишда яшайди» («Ўзбекистон адабиёти ва санъати», 1984 йил, 2 март) мақолаларини эслатиб ўтиш кифоя қиласар деб ўйлайман. Асқад Мухтор билан Эркин Воҳидов мақолалари ижодкор шахсига, изланишларига теран ва ҳурмат, билимдонлик ва талабчанлик билан муносабатда бўлишнинг яхши намуналариидир; Асқад Мухтор мақоласини Рауф Парфи, Эркин Воҳидов мақоласини эса Муҳаммад Солиҳ устида кетган қизғин баҳсларга муайян якун деб ҳисоблаш мумкин. Мақола авторлари бу икки ўзига хос шоирлар ижодий қиёфаларини ҳаққоний гавдалантишиб берганлар, улар эришган ва эришаётган ютуқларни ҳам, йўлда дуч келаётган қийинчиликларни ҳам улкан адабий жараён фонида рўй-рост кўрсатганлар.

Мамнуният билан шуни қайд этиш керакки, икки-уч адабини мустасно этганда турли авлодга мансуб барча ёзувчиларимизда ижодий изланишларга иштиёқмандлик ва ташналил кайфияти устивор. Ҳатто прозада форма ўзгаришини истамаган, ҳозирги ёшларда учраётган ғарбдаги мода асарларга эргашиш ҳолларидан нолиган Саид Аҳмад ҳам беихтиёр: «Иzlaniшларнинг бўлгани, албатта, яхши. Излайверсак, ахир бир кун қидирганимизни топамиз-да!»— деб ёзади. Шоир Эркин Воҳидов адилларнинг, жумладан ёшларнинг ижодий изланишларига ноxуш ва нописанд муносабат маънавий жиҳатдан қарилик, қолоқлик аломати деб билади. Унинг-

ча, қариллик сочга биринчи оқ тушгани куни ёки ёшинг элликка тўлган куни ва ёки набира кўрган кунинг бошланмайди, қариллик ёшларнинг хатти-ҳаракатига, бинобарин изланишларига ғашинг кела бошлаган вақтда бошланади... («Ўзбекистон адабиёти ва санъати», 1984 йил, 2 март). Одил Ёқубов: «Бордию ёзувчи янги шакл излаётган ва нималаргadir эришаётган бўлса, шахсан мен, бу ёзувчининг изланиши қайси йўналишда бўлмасин, унга халақит беришга қаршиман», «ёзувчи ўз йўлини шаклдан ҳам, шаклий изланишлардан ҳам топиб кетишга ҳақли», «мен адабиётда ҳамма нарса бўлишига тарафдорман», «мен ҳар қандай изланишларга тарафдорман», дейди. Мирмуҳсин халқил асарлар яратишга қаратилган изланишларни оқлади: «Иzlaniш, ўзгариш яхши, аммо бу ишлар халққа ёқадиган санъат асарлари яратилишига омил бўлиши керак» («Ўзбекистон адабиёти ва санъати», 1983 йил, 3 июнь). Асқад Мухторни эса кўпроқ изланишларнинг самараси — ижтимоий пафоси қизиқтиради: «Ҳозир адабиётнинг энг зарур хусусияти — унинг халқаро ижтимоий таъсир кучидир. Жаҳон адабий жараёнида мана шунга қаратилган барча янги изланишлар мени жуда қизиқтиради» («Ўзбекистон адабиёти ва санъати», 1983 йил, 13 май).

Биламиз, ижодкор халқи услубий-шаклий изланишларга муносабатда кўпроқ ўзининг шахсий майлларига, тажриба ва принципларига таяниб иш кўради, ўз эътиқодига мос келмайдиган шаклларни ҳар доим ҳам тан олгиси келавермайди. Шундай фактларни қисман юқорида эслатиб ўтдик. Агар ижод-

кор адабий жараёнига баҳо беришда ўзининг шахсий майларидан юқори кўтарилиб, сўз санъати ривожи қонуниятларидан келиб чиқиб иш тутса, бу энди нур устига аъло нур! Эркин Воҳидов шакл бобида асосан анъанавий йўллардан бораётган шонир, у традицион аруз, бармоқ вазнлари доирасида замон руҳини, замондошларимиз кайфиятини муваффақият билан ифода этиб келаётир. Ана шундай ижодкорнинг шакл жиҳатидан тамомила ўзгача йўлдан кетаётган Муҳаммад Солиҳни ҳимоя қилиб чиқиши кишини ғоят қувонтиради. Ёки, аксинча, Мурод Муҳаммад Дўст насримизга янгича ифода тарзини олиб киришга астойдил интилаётган ёшлардан. Шундай бўлишига қарамай, унинг анъаналарга ҳурмат ва эътиқоди баланд. «Биз ёш қаламкашлар,— дейди у,— ўзимизча изланган бўлиб, анча-мунча текису нотекис йўлларга кириб кўряпмиз. Энди, сал-пал суюгимиз қотиб англайпмизки, ўша ўзимизнинг эски, синалган йўсингандан жуда узоқлашиб кетса ҳам бўлмас экан. Услубий изланишлар бўлмоғи шарт, лекин сўзлаш тарзида биз ёшларга Қодирий мактаби ҳали кўп замонларгача намуна бўлиб қолиши тайин»<sup>1</sup>.

Шу тариқа шаклий-услубий изланишларга бағри кенглик, ҳурмат-эҳтиром ва эътибор билан ёндашиш ижодга ленинча партияний муносабатнинг бир кўринишидир. КПСС Марказий Комитети 1983 йил Июнь пленумида таъкидланганидек, партия талантларга, санъаткорларнинг ижодий изланишларига

<sup>1</sup> Мурод Муҳаммад Дўст. Ибрат. «Шарқ юлдузи», 1984, № 4. 167- бет.

ҳурмат билан қарағ үларни ардоқламоқда, маданиятни бойнадиган, меҳнаткашларни социализм нормалари ва принциплари руҳида тарбиялашга ёрдам берадиган нарсаларнинг ҳаммасини қўллаб-қувватламоқда.

\* \* \*

Биз шаклий-услубий изланишлар хусусидаги баҳслар, кўпроқ адиларимизнинг бу масалага қарашлари устида тўхталдик. Хўш, шаклий изланишлар, янгиланиш, ўзгаришларнинг ўзи қандай кечяпти? Улар адабий танқидчиликда, адабиётшуносликда қай йўсинда, қайси аспектда, қандай даражада ўрганиляпти? Янгиликлар қаердан қидирил япти?

Бу хил саволларга жавобни ҳам аввало адиларнинг ўзларидан эшитайлик. (Бу ерда биз бошқа адабий тур ва жанрларни қўйиб туриб прозадаги, аниқроги қисса ва романларимиз поэтикасидаги жараёнлар, улар теварагидаги баҳс-мунозаралар билан чекланимиз.) Одил Еқубов «Литературная газета»-даги сұхбатида сўнгги пайтларда бизда ҳам унча-мунча янги шакллар излашга майл сезган ёзувчиларнинг асарлари ҳақида сўз очиб, бу борада Шукруллонинг ривоятлар, ҳикоятлар, афсоналар асосига қурилган «Жавоҳирот сандиги» китобини, Асқад Мухтор, Темур Пўлатов асарларини тилга олади. Ёзувчи Асқад Мухтор шаклдаги янгиланишларни аввало асарларнинг композициясида кўради. У ёзади: «Эътибор берсангиз, ҳозир композицион жиҳатдан «кўп қаватли» романлар

мумкин бўлмаган эски поэзия воситалари билан чизиб берилади»<sup>1</sup>.

Шунга яқин фикрларни гоҳо бугунги кунда ҳам эшишиб қоламиз. Атоқли адабиёт-шунос Матёкуб Кўшжонов Абдулла Қодирий ҳақидаги мазмундор мақоласида адиб романларида учрайдиган эртак ва достонларга хос фавқулодда ҳолатлар ифодасини реализм нуқтани назаридан шундай изоҳлайди: «Утган кунлар» ва «Мехробдан чаён» яратилган пайтларнда ҳали ўзбек прозаси унча тараққий этмаган бўлиб, адиб ҳалқ оғзаки ижоди анъаналаридан кўпроқ фойдаланар, шу асосда китобхон дилига йўл тоғишга интилар эди...» («Шарқ юлдузи», 1984, № 4, 163- бет.)

Табиий савол ва эътиrozлар туғилади: Қодирий ҳали проза унча тараққий этмагани учун ҳалқ оғзаки анъаналаридан кўпроқ фойдалангандан бўлса, реализтик проза катта тажрибалар тўплаган ҳозирги кунда адибларимизнинг фольклор традицияларига кенг ва дадил мурожаат этишларини қаандай изоҳлаш мумкин? Ҳозирги замон драмаси фақат реализтик воситалар билангира чекланиши шартмикин? Эски поэзия воситалари реализм учун бегона, қўлланниши мумкин бўлмаган бисотми? Замондошимизнинг маънавий дунёсини эски традицион воситалар билан теран таҳлил этиб берган ажойиб реализтик асарлар яратиляпти-ку! Эҳтимол, «Бухоро жаллодлари» повестида камчиликлар бордир, лекин бунинг учун «қадим адабиёт таъсири», «Чор дарвеш» каби асарлар

---

<sup>1</sup> Иззат Султон. Уша асар, 402- бет.

приёмлари айбдор эмас, яқин ўтмишда ҳам, ҳозирги кунда ҳам «Чор дарвеш» типидаги асарлар приёмини моҳирона қўллаб юксак реалистик дурдоналар яратган адиллар кўп топилади.

Ўз-ўзидан равшанки, классик адабиёт, фольклор анъаналари таъсирини реалистик прозанинг илк босқичига олиб бориб тақаш ҳам, классик адабиёт ва фольклор воситаларини реализм билан сифиша олмайдиган, реализмни эгаллашга монелик қиласидиган ҳодиса деб ҳисоблаш ҳам бир ёқламалиқдир. Бу хил қарашлар ҳақли равишда танқидга учраган. Аммо кейинги пайтларда бошқа хил бирёзла-маликка дуч келмоқдамиз. Адабий тажрибада қадим адабиёт, оғзаки ижод тажрибала-рига, адабий воситаларига мурожаат мода тусини олмоқда; асарни ривоят, ҳикоят, афсоналар асосига қуриш, керак бўлмаган ўринларда ҳам афсона, ривоятларни қисти-риб ўтиш кенг расм бўлиб бормоқда; танқидчиликда эса қаерда ривоят, ҳикоят, афсона ёки фавқулодда шартли элементлар учраса, буни янгиликка йўйиш, шаклий-услубий из-ланиш деб аташ мавжудки, бу ҳол муайян ташвиш туғдирмоқда.

Социалистик реализмга очиқ система деб қараш, унинг бағри ғоят хилма-хил шакллар, бадиий услубий изланишлар учун кенг очиқ эканлигини аътироф ва тасдиқ этиш сўнгги йиллар адабиётшунослигининг жиддий ютуғи бўлди. Ҳозирги кунда ҳам гоҳо бу илгор методга эскича тор қараш инерцияси учраб туради. Лекин бу ҳол эндиликда унчалик хатарли эмас. Менингча, ҳозирги пайтда бошқа бир ҳол жиддий муаммо бўлиб қолаё-

тир. Социалистик реализминг поэтик арсеналии ниҳоятда бой, ранг-бараанг эканлиги эътироф этилаётиру бу метод майдонидаги хилма-хил шаклий-услубий изланишлар кўпчилик томонидан қўллаб-қувватланаётитири, бу хил изланишларнинг самараси — оқибат натижаси кўпинча эътибордан четда қолаётитир. Хўш, мавжуд шаклий услубий изланишлар социалистик реализм адабиётига нималар берди — бу масала ҳали керагича ёритилаётгани йўқ. Ҳар қандай ижодий изланиш, услугуб ва жанрдаги янгилик оқибат натижада адабиётнинг бош предмети — инсонни янги томондан кашф этишга, оригинал, чуқур ҳис этилган салмоқдор концепцияларни кўтариб чиқишга, ҳаёт ҳақиқатини тадқиқ қилишга, унинг туб моҳиятини очишга қаратилган, ўқувчини ҳайрат ва ҳаяжонга сола олган, ўйга толдиролган, фаолликка ундаған тақдирдагина ўзини оқлайди; фақат шундагина у социалистик реализм бисотини бойита олади, унга муносаб ҳисса бўлиб қўшилади.

Одил Ёқубов Шукрулонинг «Жавоҳирот сандиги» китобини ривоятлар, ҳикоятлар, афсоналар асосига қурилгани учун бутуниттифоқ ва жаҳон адабиётидаги шу тур изланишлар сафига қўшади, танқидчи Б. Назаров эса композицион қурилиш, шакли ва услуби жиҳатидан «Жавоҳирот сандиги» ўзбек прозасида янгилик деб атайди, уни Саъдийнинг «Бўстон» ва «Гулистон», Расул Гамзатовнинг «Догистоним» асарлари билан қиёслайди; «Жавоҳирот сандиги» муаллифи Саъдий ва Р. Гамзатов тажрибаларини тақрорламагани ва уларни ижодий ўзлаштиргани ҳолда ўз гоявий-бадний концепциясини

яратишга интилганлигини таъкидлайди<sup>1</sup>. Адабиётшунос F. Мўминов «Ҳозирги ўзбек прозасида бадиий изланишлар» мақоласида Туроб Тўланинг «Етти зоғора» асарини «жанр ва услуби эътибори билан янги кўринишга эга бўлган халқ ижоди жанрлари ва ёзма адабиётнинг синтезлашган намунаси», «ўзининг услуби, композицион тузилиши билан ўзбек прозасидаги яна бир янги изланишлардан далолат берувчи асар» сифатида баҳолайди<sup>2</sup>.

О. Ёқубов ҳам, Б. Назаров ҳам, F. Мўминов ҳам ташқи аломатларга қараб ҳукм чиқарилар. Хўш, шаклий изланиш жиҳатидан Иттифоқ ва жаҳон адабиётидаги энг яхши асарлар қаторига қўшилган, ўзбек прозасида янгилик, янги изланишлардан далолат деб эълон этилган асарларнинг гоявий-бадиий салмоғи, чуқурлиги, кўлами, қиммати, уларда авторлар кашф этган гоявий-бадиий концепциянинг ижтимоий таъсир кучи, ҳаққоний ва ҳаётйлиги қай даражада? «Жавоҳирот сандиги» Расул Гамзатов асари сингари китобхонларни ларзага сола олдими? Р. Гамзатов қўллаган шакл ҳаммадан бурун жамиятимиз тараққиётининг муайян босқичидаги ижтимоий сиёсий, маънавий-ахлоқий мухитни, ҳаёт ҳақиқатини теран таҳлил этишга қаратилганки, айни шу хусусиятлари билан асар Иттифоқ ва жаҳонда гоят катта эътибор қозонди. Ёзувчининг ижодий жасорати, бош кашфиёти ана шунда. «Жавоҳирот

<sup>1</sup> Б. Назаров. Меҳр мавжлари, «Шарқ юлдузи», 1984, № 3, 181-бет.

<sup>2</sup> Қаранг: «Ҳозирги ўзбек адабиётининг миллӣ ўзига хослиги» тўплами, Т., «Фан», 1984, 67, 73-бетлар.

сандиғи»да шундай жасорат, кашфиёт мавжудми — бу хил саволга О. Ѓұбов сұхбатида ҳам, Б. Назаров тақризида ҳам тайинли жавоб тополмаймиз. Ф. Мұмінов «Етти зогора» қиссасыда «Жамиятимизнинг турли тоңфадаги кишиларининг ўзаро муносабати фавқулодда ўзгача бир усулда тасвирланади», «Қисса сюжетига асос бўлган воқеалар, хотира ва ривояттар заминида катта бир гоя ётади», «Асардаги ривоят ва афсоналар ўз ибратли мантиқи билан ёзувчининг каттағоявий фикрини ифодалашга қаратилгандир», деб даъво қиласиди асарнинг ўзидан бундай катта даъволарни тасдиқлайдиган ишонарли далиллар келтира олмайди.

Асқад Мұхтор бир оз камтарлик билан «Чинор»даги композицион усулни Айтматов, Шамякин тажрибаларининг ибтидоиyroқ шакли деб атайди. Таңқидчиликда «Чинор» роман шаклидаги, жумладан композициясидаги янгиликлар хусусида кўп гапирилди, аммо ҳали бу янгиликларнинг гоявий-бадиий қиммати, таъсирчанлиги, «кўп қаватли» композициянинг туб функцияси етарли очиб берилган эмас. Шахсан мен ёзувчи Үткир Ҳошимов билан сұхбатда ҳозирги адабиётда шакл жиҳатидан синтезга интилиш мавжудлиги, жумладан, «Дунёнинг ишлари» асарида хилма-хил тасвир, услугуб хусусиятлари, адабий тур, жанр элементларининг қўшилган-чатишган ҳолда келиши, бу жиҳатдан қисса Г. Маркес, Ч. Айтматов, В. Астафьев, Н. Думбадзе, А. Мұхтор тажрибаларини ёдга тушириш ҳақида гап очган эдим. Аммо мен ҳам қиссада бу йўл қандай наф келтирғанлигини кўрсатган, конкрет таҳлил орқали асос-

лаган эмасман. Танқидчи Н. Худойберганов бу жиҳатдан мени койиганида қисман ҳақли эди («Ўзбекистон адабиёти ва санъати», 1983 йил, 28 январь.)

Кейинги йилларда адабий жараёндаги шаклий услугубий тенденцияларни типологик жиҳатдан ўрганиш бобида муайян ютуқларга эришилди, каттагина тажриба тўпланди. Бир вақтлар реализм, жумладан социалистик реализмнинг ифода тарзи — етакчи услугуби ҳақида гап кетганда фақатгина ҳаётни ўз кўринишида гавдалантириш — деталларнинг ҳаққонийлигига асосланган конкрет, изчил реалистик тасвир тушунилар эди; яқин-яқинларда ҳам совет адабиётида мавжуд қудратли романтик ижод типини социалистик реализмдан ташқаридағи ҳодиса, алоҳида мустақил метод деб қаровчилар бор эди. Кўпчилик адабиётшунос олимларнинг куч-ғайрати билан шу нарса аниқландики, совет адабиётидаги романтик ижод типи алоҳида метод эмас, балки социалистик реализм бағридаги изчил реалистик услугубий оқим билан тенг ҳуқуққа, мавқега эга бўлган услугубий тенденция экан. Адабий тажриба ва назарий тадқиқотлар шуни кўрсатдики, социалистик реализм адабиётида изчил реалистик, романтик услугубий оқимлардан ташқари яна бошқа услугубий тенденциялар ҳам мавжуд экан, чунончи, юқоридаги икки услугубий оқимдан фарқ қилувчи шартли символик тасвир типи ва ҳар уч услугубий оқим хусусиятларини ўзида мужассам этган синтетик ижод типи борлиги назарий жиҳатдан асослаб берилди. Бундай назарий хулосалар социалистик реализм поэтикаси ҳақидаги тасаввуримизни

бойитди, адабий жараёнинг баъзи қонуниятларини, метод ва ёзувчининг ижодий индивидуаллигини, истеъоддининг йўналиши сингари адабий ҳодисаларни чуқурроқ англаб олиш, алоҳида асарларни тўғри тушуниш ва баҳолашга ёрдам беради

Бошқа фанларда бўлгани сингари адабиёт илмида ҳам қонуниятларни, тенденцияларни тадқиқ этиш, кашф қилиш муҳим вазифа; бироқ тенденцияларни қонунлаштиришга, андазаларга солишга уриниш тараққиётга, ижодий фикрлашга тўқсинглик қилиши мумкин. Социалистик реализм адабиётидаги услубий тенденциялар тадқиқида ҳам кейинги пайтларда қисман шундай ҳол кўзга ташланяпти. Айрим илмий ишларда асарларни сунъий равишда гоҳ у, гоҳ бу услубий йўналишга олиб бориб тақаш, энг ёмони, асарларнинг заифлигини услубий тенденция хусусиятлари, истеъоддод йўналишининг ўзига хослиги ниқоби остида оқлашга уриниш рўй бермоқда. Услубий тенденциялар ҳақидаги хулосалар қанчалик аҳамиятли бўлмасин (бу масалаларни ўрганишга мен ҳам қисман ҳисса қўшганман) улар ўзида ҳозирги адабий жараёндаги шаклий-услубий изланишларни тўлалигича акс эттиришга қодир эмас, адабий ҳаёт, адабиётшунослик бу масалаларга янги, кутилмаган томонлардан нигоҳ ташлашни тақозо этмоқда. Ҳудди сўз санъатининг ўзида бўлгани каби ижодий изланишларни тадқиқ этишда ҳам изланишлар, оригинал йўллар қидириш даркор. КПСС Марказий Комитетининг 1983 йил Йионъ плenumида таъкидланганидек, ҳаёт бир марта белгилаб қўйилган схемага мувофиқ ривож-

ланмайди, воқеаларнинг кутилмаган бурилишлари содир бўлиб туради, шу сабабли кутилмаган масалалар ҳам келиб чиқади. Ҳозирги адабий жараёнда айнан шундай ҳолларга дуч келяпмиз, шеъриятимизда, хусусан Рауф Парфи, Муҳаммад Солиҳ ижодида, А. Йброҳимов драмаларида, О. Ёқубов, Т. Пўлатов, У. Ҳошимов, Мурод Муҳаммад Дўст, Тогай Муродларнинг роман ва қиссаларида шундай шаклий-услубий ўзига хосликлар борки, уларни юқоридаги типология асосида изоҳлаш, тушуниш-тушунтириш мушкул, аниқроғи бу шоир, драматург, носирларимизнинг бадиий тафаккур тарзи мавжуд шаклий-услубий андазаларга сиғмайди.

Фақат услугубий тенденцияларни ўрганишда эмас, бошқа бадиий компонентлар, чунончи, конфликт проблемасининг типологик тадқиқи ва талқинида ҳам андазабозлик кайфиятларига дуч келаётирмиз. Бир неча йилдирки, бизда конфликтнинг икки тури — характерлараро кураш ва руҳий коллизия хили ҳақидаги концепция теварагида баҳс кетади. Бу концепцияни бир қатор адабиётшунослар, хусусан Бердиали Имомов зўр бериб ҳимоя қилмоқда. Эътироф этиш керак, Б. Имомов рус адабиётшунослигидаги мавжуд фикрларга таянган ҳолда бадиий конфликт муаммосини текшириш, бу борадаги назарий хулосаларни ўзбек адабиёти намуналари тадбиқ этиш, чунончи ҳаётдаги қарама-қаршилик, яъни социал конфликт билан унинг асаддаги ифодаси бўлган бадиий конфликт орасидаги тафовутларни аниқлаш борасида анча иш қилди, ўзбек адабиёти намуналарида бадиий конфликтнинг икки

кўринишига доир кузатишларини ўртага ташлади. Бундай илмий кузатиш ва хулосалар ўз даврида муайян ижобий аҳамият касб этган эди, албатта. Афсуски, адабиётшунос олим бадиин конфликтдек жиддий проблемани янада ижобий ўрганиш, масаланинг янги янги қирраларини очиш ўрнига нуқул бир ерда депсиниш, ҳадеб бир гапни такрорлаш билан чекланиб қолмоқда; ачинарли жойч шундаки, масалага ёндашишда адабий жараённинг ўзидан келиб чиқиши ўрнига ҳараратдаги адабий жараённи ўзи илгари сураётган концепцияга мослаштиришга, андазага солишга уринмоқда. Унинг «Йиллар нафаси» (1983) тўпламига кирган «Ижодий изланишлар ва таҳлил», «Даҳолар давраси» («Ўзбекистон адабиёти ва санъати», 1982 йил 5 февраль), «Типологик таҳлил ва конфликт («Ўзбекистон адабиёти ва санъати», 1984 йил 13 январь) мақолаларида бу ҳол яққол кўзга ташланади. Адабиётшунос олим аввало ўзи ҳимоя қилаётган концепцияни конфликт ҳақидаги мутлоқ ҳақиқат, ҳамма тан олиши зарур бўлган хулоса деб билади; чунончи, Н. Худойберганов билан мени бу концепцияни менсимасликда айблайди, билимдон ва кенг мулоҳазали танқидчи Воҳид Зоҳидов бу масалага аралашмагани учун афсусланади, Иззат Султоннинг «Адабиёт назарияси» китобида конфликт типлари муаммосини тиниқлаштиришга ўрин ажратилмагани ачинарли ҳол деб ҳисоблайди, ёш танқидчи Ҳамидулла Болтабоев конфликт ҳақидаги мавжуд концепцияга амал қилмагани учун унга хоҳишибозлик — волюнтаризм ёрлигини ёпиширади... Бундай йўл оддий илмий этика

нуқтаи назаридан ҳам номатлуб. Улкан адабиётшунос олимлар бадиий ижоднинг бирор типини аниқлашга киришганларида, одатда бундай атама — аниқланган тип шартли эканлигини эслатиб ўтадилар. Масалан, М. Бахтиндек атоқли олим Ф. Достоевский ҳақидағи тадқиқотида буюк ёзувчи ижоднинг ниҳоятда муҳим, характерли томонини — полифоник хусусиятини кашф этганида — мана шундай жиғдий ҳақиқат, унинг атамаси шартли эканлигини айтадики, бундай әътироф бизлар учун ибрат бўлиши керак...

Энди Б. Имомов мутлоқ ҳақиқат деб санаган конфликт ҳақидағи концепциянинг амалиётда тадбиқини кўздан кечирайлик. Адабиётшунос олим конфликтнинг икки типи ҳақида сўзлаганида, биринчisi — характерлараро кураш турини қадимий — традицион, руҳий коллизия турини эса янги, новаторона кашфиёт деб ҳисоблайди; кейинги ишларида масалага бир оз аниқлик киритиб иккинчи тур бизда нисбатан янги эканлигини уқтиради. Хўш, танқидчи янгилик деб санаган конфликт тури адабиётга қанақа янгилик берди, инсон характерининг, ҳаёт ҳақиқатининг қандай янги жиҳатларини, қанақа ҳаётий зиддиятларни очишга хизмат этди — бу хилдаги саволларга олимнинг ишларида бирорта ҳам тайинли жавоб тополмайсиз. Бу хилдаги принципиал саволларга жавоб қидириш ўрнига танқидчи нуқулгина конфликтнинг икки типи ҳақидағи ҳарашибининг кимлар тан олганию кимлар тан олмаётгани, қайси асарлар конфликтнинг қайси турига мансублиги, қайси асар конфликт классификациясига мос ёки мос эмаслигини

аниқлаш билан банд бўлади. Олимнинг баҳс-мулоҳазаларини ўқиб ҳайратга тушасан киши: чаҳотки бугунги адабиётимизда конфликт ҳақидаги муаммо-жумбоқлар шулардан иборат бўлса! Мунаққид тутган андазабозлик йўли адабиётимиздаги конфликтдек мураккаб, кўпқиррали ижодий муаммони ойдинлаштиришга хизмат этаетгани йўқ, балки уни ўта соддалаштириш ва жўнлаштиришга олиб келаётир, олим келтирган фактларга қараб конфликт бобида янгилик ва кашфиёт яратиш ниҳоятда осон кечадиган жўнгина иш экан деган тасаввур туғилади. Мунаққид бир мақоласида Ойбекнинг «Қуёш қораїмас», Сайд Аҳмаднинг «Уфқ», Асқад Мухторнинг «Давр менинг тақдиримда», Мирмуҳсиннинг «Тунги чақмоқлар», Ўлмас Умарбековнинг «Одам бўлниш қийин», «Оқар сувлар», «Комиссия», «Қиёмат қарз», Иззат Султоннинг «Имон», «Қўрмайнин босдим тиканни», Сарвар Азимовнинг «Қонли сароб», Уйғуннинг «Муқаддас бурч», «Парвона», Раҳмат Файзийнинг «Сен етим эмасссан», «Ҳазрати инсон», «Ёдгор», Ҳамид Ғуломнинг «Тошкентликлар», «Бинафша атри», Уткир Ҳошимовнинг «Баҳор қайтмайди» асаллари; бошқа мақоласида эса шу рўйхатни яна давом эттириб «Аризасига кўра», «Ўн саккиз ёшлигим», «Кумуш тўй», «Йиллар ўтиб» сингари ғоявий-бадиий жиҳатдан турли савиядаги асаларнинг барчасини ҳеч иккиланмай конфликтнинг янги новаторона турига мансуб этади ва уларни конфликт жиҳатидан театр ва драматургия тарихида янги саҳифа очган А. Чехов кашфиёти билан бир қаторга қўяди. Танқидчи конфликт жиҳатидан янгилик,

кашфиёт деб санаган бу асарларнинг бир қисми адабиётимизда мутлақо янги ҳодиса, кашфиёт бўлмаганилиги, ҳаттоқи кейинги йиллар адабиёти ривожида бирон сиззиларли из қолдирмай аллақачон унтилиб кетганлиги ҳеч кимга сир эмас. «Янги тур»га мансуб этилган айрим асарлар умуман бадииятдан узоқ нарсалардир. Бадиий асар қайсикир жиҳати, масалан, конфликт тарзи, тури билан сўз санъатидаги бирор буюк кашфиётга ўхшаб кетса, ўша кашфиёт анъаналари руҳида битилса, у янгилик, новаторона ҳодиса бўлавермайди. Тўғри, адабиёт тарихида буюк кашфиётлар таъсирида яратилган буюк асарлар ҳам кўп, аммо улар буюк кашфиётлардан олган таъсири билан эмас, балки ўзларининг янги кашфиётлари билан буюклик даражасига кўтарилганлар. Бу ҳол ҳозирги кунда кенг расм бўлиб бораётган типологик таҳлил принципларига ниҳоятда билимдонник билан оқилона ёндашишни тақозо этади.

Бундан бир неча йил бурун таниқли адабиётшунос олим Г. Ломидзе типологик таҳлил ишқибозларини огоҳлантириб, айрим ишларда типологик принцип маънисиз нарсага айланиб қолаётганини, бир-бирига яқин келмайдиган нарсалар яқинлаштирилаётгани, ўзаро заррача ўхшали ўйқ нарсалар ўртасида таққослар қилинаётганини кескин танқид қилган эди. «Баъзи бир тадқиқотчилар,— деб ёзган эди олим,— социализм мамлакатларидаги адабиётларда бир-биридан фарқ қилувчи хилма-хил истеъдод эгалари кўп эканидан негадир хурсанд бўлишмайди. Улар бошқа нарсани маъқул кўришади— бир ёзувчи нимаси биландир бошқасига албатта

ўхшаса, нимаси биландир уни тақрорласа ёки унга тақлид қиласа, яхши! Ҳолбуки, ўхшашлик истеъодосизликнинг бирламчи белгисидир. Ўзидан аввал ўтган ёзувчининг ёхуд замондошининг тажрибасига қўлтиқтаёқдай таяниб олган одам маданият тарихида ҳеч қачон из қолдирмайди. Сўз санъаткори биринчи навбатда шуниси билан эътиборга лойиқки, у ҳеч кимга ўхшамайди, доимий суратда ўзида кутилмаган янги сифатларни намоён қилаверади, ниҳояси йўқ янгидан-янги чўққиларни забт этиш учун аввал эришганларини енгиб ўтаверади<sup>1</sup>.

Б. Имомовнинг конфликтга доир типологик кузатишларида Г. Ломидзе назарда тутган бирёзламаликлар шундоққина кўриниб туриди. Адабиётшунос олим тутган йўлнинг заниф томони, айниқса, конкрет асарларга ёндашиш, улардаги ижодий изланишларни баҳолашда яққол сезилади. Мунаққид ҳам-касларини фақат ўзи ҳимоя қилган назарий асос бўйича иш кўришга ундағина қолмай, ёзувчи-адиблардан ҳам конфликт бобида шу қоидага қатъий амал қилишни талаб этади. Унинг конфликт турлари ҳақидаги қарори шунчалар қатъийки, ёзувчи ўз асарида конфликтнинг икки туридан бирига албатта риоя қилиши керак; унингча, бошқа йўл бўлиши мумкин эмас, бу борадаги ижодий изланишлар унга бебошлиқ бўлиб туюлади. Масалан, ёш танқидчи Ҳ. Болтабоев «Ҳаётий ва сохта конфликтлар» («Ўзбекистон адабиёти ва санъати», 1983 йил, 26 август) мақоласида

<sup>1</sup> Г. Ломидзе. Буюқ муштараклик туйғуси. Т., «Ёш гвардия», 1980, 170-бет.

айрим роман ва қиссаларда, жумладан Мурод Мұхаммад Дүстнинг «Галатепага қайтиш» асарида конфликтнинг хилма-хил кўринишлари мавжудлигини айтган, айтибина қолмай фикрини конкрет таҳлил, далиллар билан исбот этган эди. Б. Имомов бу фикрга қарши чиқиб, «битта асадардан, танқидчи айтганидек, конфликтнинг барча турларни топиш мумкин бўлса, бу асар муайян шаклга тушмаганлигини кўрсатади», дейди. Унингча, «Галатепага қайтиш»ни баъзилар роман, бошқалар қисса жанрига мансуб дейишиларнинг сабаби ҳам шунда эмиш. «Умуман,— деб давом этади у,— «Галатепага қайтиш»нинг жанрий «бебошлиги» унда Ғайбаровнинг ноқатъий, ҳардамхаёл характерига, фаолиятига нисбатан кўпинча автор позициясининг аниқ билиниб турмаслигида, бош персонажнинг асар бош қаҳрамони даражасига етказилмаганидадир. Ваҳоланки, конфликт асар жанрини белгиловчи бош компонентлардан». Сўнгра «Дунёнинг ишлари» конфликтни хусусида айтилган фикрлар билан баҳсга киришиб шундай ёзади: «Ўткир Ҳошимов асарида гоявий ниятни ўзи босиб ўтган ҳаёт йўлида дуч келган зиддиятлардан туғилган коллизиялар шаклида ифодалайди. Бу ҳол онага бўлган муносабатларда индивидуаллашади. Қиссанинг таъсир кучи гапни чийратма қилиб айлантиrmай лўнда қилиб айтганда унда гоявий мақсад ўқинч коллизияси шаклида таъсирчан ифодаланганидадир».

Танқидчининг «Галатепага қайтиш» конфлиktи, жанр хусусиятлари ҳақидаги танқидий мулоҳазалари ҳам, «Дунёнинг ишлари» асарининг конфликт тури, таъсирчанлик сири

хусусидаги мақтov таплари ҳам, биэзинингча, бирёқлама, юзаки.

Тўғри, «Галатепага қайтиш» теварагида кетган мунозараларда баъзилар, масалан, А. Расулов асарни қисса, ёш танқидчи Аҳмад Аъзамов роман деб атайди («Ўзбекистон адабиёти ва санъати», 1982 йил, 29 октябрь); М. Абдуваҳобова «Кўнгилга жойланган умидлар» тақризида («Шарқ ўлдузи», 1984, № 3) А. Аъзамов фикрини қўллаб-қувватлаб, асарда акс этган воқеаларнинг кўп қиррали эканлиги, характерларнинг раиг-бараиг эканлиги, воқеа ҳамда характерларнинг хилма-хил томондан ёритилиши ва таҳлил этилишига асосланиб уни роман жанрига мансуб этади. Авторнинг ўзи эса асарнинг қайси жанрга мансублигини айтмайди, шунингдек, бир қатор танқидчилар асар борасида фикр юритганларида унинг жанр типи ҳақида индамай ўта қоладилар. «Галатепага қайтиш»ни баъзилар роман, бошқалар қисса жанрига мансуб дейиши бу — асарнинг «муайян шаклга гушмаганлиги», унинг бадиий заифлик аломати эмас; жаҳон адабиётида шундай нодир асарлар борки, уларнинг жанри ҳақида ҳануз баҳслар давом этиб келади (масалан, «Ўлик жонлар»нинг поэма ва роман, «Клим Самгиннинг ҳаёти» эпопеясининг повесть деб аталиши ва ҳоказо), лекин бу ҳол мазкур асарларнинг юксак бадиияти ҳақида ҳеч кимда шубҳа туғдирмайди.

Ўткир Ҳошимов «Дунёнинг ишлари» асарнинг илк варианти «Гулистон» журналида эълон этилганида жанрини кўрсатмаган эди, кейинчалик «Шарқ ўлдузи»да босилган ва ало-

ҳида китоб ҳолида чоп этилган кенгайтирилган вариантини қисса деб юритди. Шундай бўлса-да: «Дунёнинг ишлари» қайси жанрда яратилди — буни ўзим ҳам айтолмайман», дейди муаллиф («Ёшлик», 1983, № 3, 4-бет). Танқидчи Матёқуб Қўшжонов «Онаға таъзим» мақоласида: «Адид асарни қисса деб атабди. Эҳтимол, жанр нуқтаи назаридан бу асар қисса жанри талабларига жавоб бермас. Бу асарни «Она ҳақида новеллалар» деб аталса балки тўғрироқ бўлармиди» деган фикрни ўртага ташлайди<sup>1</sup>. Автор асарни янги боблар билан тўлдириб русчага таржима этганида таржима тақризчиси уни роман деб аташни маслаҳат берибди. Мен ҳам «Галатепага қайтиш» ва «Дунёнинг ишлари»ни роман деб аташ тарафдориман. Ҳар икки асар ҳам воқеалар қамрови, характер ва шароит, муҳит тасвири, асарда кўтарилиган масалалар, илгари сурилган ғоявий-бадиий концепция салмофи, поэтик структураси жиҳатидан улар роман талабларига жавоб беради ва қисман эстон адабиётида кенг тарқалган «кичик роман»ларни эслатади. Бироқ, бу икки асар поэтик структураси жиҳатидан бизда ҳозиргacha мавжуд романлардан тубдан фарқ қиласди. Уларни баҳолашда айни шу ўзига хослик етарли ҳисобга олинмаётир.

«Дунёнинг ишлари» асарининг конфликтни, асосий пафоси ҳақидаги мулоҳазаларни яна бир бор эслатайлик. Юқорида кўриб ўтилганидек, Б. Имомов фикрича, «Дунёнинг ишлари» конфликтни ҳикоячи қаҳрамон (би-

<sup>1</sup> М. Қўшжонов. Онаға таъзим, болага меҳр. Т., «Ёш гвардия», 1983, 12-бет.

нобарин ёзувчи) ҳаёт йўлида дуч келган зиддиятлардан туғилган коллизиядан иборат. Унда асосий мақсад ўкинч коллизияси шаклида ифодаланган. Шу фикрни дастлаб Б. Фуломов ўртага ташлаган эди. «Қиссанинг илк саҳифаларида, — деб ёзади танқидчи, — фарзанд она қабри устида чуқур изтиробда кўринади. Бу соғинчдан эмас, ўкинчдан, фарзандлик бурчини ўтай олмаганлигидан. Хўш, фарзанд нима учун ўз бурчини ўтай олмади? Уни она қайси хислатларига кўра бурчдор қилганди? Ана шу муаммолар қиссадаги новеллаларнинг ҳаммасида астасекин очилиб боради, ҳаммасидан қизил ипдек ўтиб, биррида — бир томони, бошқаларинда — бошқа томонлари равшанлашади. Демак, мазкур муаммолар новеллаларни бир foявий марказга чамбарчас боғлайди»<sup>1</sup> Ҳ. Болтабоев ҳам шу фикрни бошқачароқ тарзда айтади: «Қиссанинг асосий конфликтит... онаси ҳаётлигига уни етарли эъзозлай билмаган, она қадрини кечикиб ҳис қилган қаҳрамон билан ҳаётнинг ачиқ-чучугуни тутган, турмуш мантиқини яхши тушунадиган ёзувчи ўртасидаги зиддият асосига қуррилган». Танқидчининг фикрича, ўзаро бевосита боғланмайдиган воқеаларга бу бадий компонент мантиқий бутунлик бағишилаган.

Ҳар уч танқидчининг мулоҳазаларидан маълум бўляптики, қиссадаги асосий фигура ёзувчининг ўзи, асар конфликтит ёзувчи қалбига кечади, бу ўкинч — ўталмаган бурч изтироби шаклида намоён бўлади...

<sup>1</sup> Б. Фуломов. Меҳр достони. «Тошкент ҳақиқати», 1982 йил, 3 февраль.

Тўғри, асарда ёзувчи образи муҳим ўрин тутади, воқеалар ёзувчи тилидан ҳикоя қилинади, ҳикоячи қаҳрамон болаликда, ҳаёт йўлида ўзи дуч келган, гувоҳ бўлган воқеа-ҳодисаларни қаламга олади. Бу жиҳатдан асар автобиографик мемуар жанрини эсга солади. Лекин «Дунёнинг ишлари» тўлалигича автобиографик-мемуар асар эмас. Озод Шарафиддинов айтганидек, бу асар ёзувчининг ўзи тўғрисида эмас, Она ҳақида; Она — ҳамма новеллаларда сюжетни ҳаракатлантирувчи, тарқоқдай кўринган ҳикояларни бирлаштириб, асарга яхлитлик бағишловчи етакчи қаҳрамон<sup>1</sup>. М. Қўшжонов ҳам худди шундай фикрда: «Дунёнинг ишлари»да ...ёзувчи ўзини биринчи планга чиқармайди. Асадаги воқеа ва ҳодисаларни фақат ўзи билан боғлайвермайди. У она олдида одоб сақлагандек кўринади. Қиссанинг ҳар бир бети, ҳар бир жумласи марказида улуғ инсон —Она образи, унинг ёрқин қиёфаси туради». («Она-га таъзим», З-бет).

Модомики, Она асадаги бош фигура экан, ундаги барча бадиий компонентлар, жумладан, конфликт ҳам биринчи галда шу образ билан боғлиқ, шу образ моҳиятини очишга қаратилган. Шуниси ҳам борки, «Дунёнинг ишлари» яхлит сюжет асосига қурилган эмас. Унда бош қаҳрамон тақдиди, ҳаёт йўли хронологик тарзда ёритилмайди, ёзувчини она биографияси эмас, балки унинг маънавий бисоти, она қалбининг тушуниш, тушунтириш қийин бўлган сирли, сеҳрли

<sup>1</sup> Озод Шарафиддинов. Она. «Ўзбекистон адабиёти ва санъати». 1982 йил, 5 март.

олами, ҳам ўта оддий, ҳам фавқулодда улуғвор хислатлари қизиқтиради. Болажонлик, одамийлик, битмас-туганимас қалб саховати, фидойилик — она характерининг бош хусусиятлари, у бутун бисотини фарзандларига, яқин-йироқ одамларга ҳадя этади-ю, эвазига улардан ҳеч нарса тама этмайди; она обраziда чин оналарга хос кўп фазилатлар тажассум топгани, у тимсол даражасига кўтарилиган. Ёзувчи онанинг худди шу хислатларини хилма-хил томондан очадиган лавҳа, ҳикоя ва ихчам қиссаларни келтиради.

Асардаги она образини тимсол дедик. Айни пайтда у конкрет шароит, муҳит одами. Асарда узоқ муддат — ўттиз, ўттиз беш йиллик давр воқеалари қамраб олинган. Келтирилган лавҳа, ҳикоя, қиссаларнинг биринда Ватан уруши даври воқеалари жонлантирилса, бошқасида урушдан кейинги йиллар эпизодлари гавдалантирилади, асарнинг бир қатор боблари ҳозирги кун 70—80-йиллар ҳодисаларига бағишлиданади. Она мана шу йиллар давомида ўз оиласи, маҳалла, қариндош-урӯғлар муҳитида кўргина муаммо-жумбоқларга дуч келади, яхши ва ёмон одамлар, чигал тақдир эгалари билан тўқнашади, мулоқотда бўлади; унинг кўз олдида адолату адолатсизликлар, олижаноблигу пасткашликлар, вафо-садоқату хиёнат ва жиноятлар, оғир кўргилик — фожиалар рўй беради; она ҳаётдаги ўзига дахлдор кишилар тақдиридағи ўзгаришларга гувоҳ бўлади... Буларнинг барчаси, бир томондан, она қалбининг хилма-хил жилоларини очишга хизмат этса, иккинчи томондан, асарга алоҳида эпик кўлам бахш этади.

Асарининг сюжет структурасига, фоявий пафосига кўра унда конфликтни рўёбга чиқариш, ифодалаш ҳам ўзига хос, конфликт турлари ранг-баранг. Талай эпизодларда онанинг ўз жигарбандлари ризқи, осойиштаги, камоли, мусибатга дучор бўлган, мададга муҳтож одамлар ҳожатини чиқариш йўлида кўрсатган фидойиликлар, чунончи фарзанд оғир хасталикка учраганида қор кечиб шифокор ҳузурнига югуриши, ўғил айб қилиб қўйганида унинг гуноҳини ўз бўйнига олиб эридан калтак еганида дардини ичига ютиши, бола гапига учиб қўшни аёл дилини оғритиб қўйганида унинг кўнглини оламан деб чеккан заҳматлари, бегона бир чақалоқ Той эмизиксиз қолганида унга ўз кўксини тутиши — она кўнглидаги шу хил чин ҳамдардлик, муруват туйғулари — буларнинг барчаси ўткир драматик руҳ билан йўғрилган. Онанинг бошдаёқ юлдузи юлдузига тўғри келмаган, эр жангга кетганида севгани билан турмуш қуриб кетган аёл, орада сарсон қолган ўғил Хўжа, уларнинг кейинги чигал саргузаштларига муносабати, шулар туфайли онанинг изтиробли ўйлари, кўзларига чўккан ғусса ва ниҳоят Хўжа ҳақида нохуш гап эшиганида беихтиёр «A?!» деб қўлидан пиёлани тушириб юбориши — бундай руҳий изтироблар китобхон қалбига ҳам тўла кўчиб ўтади.

Онанинг тубан кимсалар билан тўқнаш келгандаги кайфияти, ҳолати, руҳияти-чи? Бу ердаги драмалар зухри, ифодаси ҳам ранг-баранг. Она билан қаҳри қаттиқ, тили заҳар Амма, дунёга келиб факат яшаб қолишинигина дилинга жо қилиб олган Хури са-

танглар орасида гоҳ ошкора, гоҳ пинҳона,  
 аммо узлуксиз кураш кетади. Она улар билан  
 тўқнашувларда гоҳ паст келгандай, муросага  
 боргандай кўринса-да, аслида орада асло  
 келиштириш мумкин бўлмаган зиддият мав-  
 жудлигини ўқувчи ҳис этиб турди, чунки  
 Она билан Амма ва Ҳури сатанглар бошқа-  
 бошқа олам! Она баъзан тубан кимсаларнинг  
 ўта тубан қилмиш | ганида ўзини  
 тутолмай қолади | уғён вулқон-  
 дай юзага отилди | уруш кезла-  
 ри қонунбузар | ғри ризқига  
 чанг солиб улар | ёқ ости этга-  
 нига онани | ган нафрат  
 тўла сўни | қаллоблар  
 қилмиш | дан чиққан  
 алам-изти | нолиш —  
 булар чиндан дам | ... арзага солади!

«Дунёнинг ишлари»да шундай эпизодлар  
 борки, улар турли йўллар билан марказий  
 фигура — она образига келиб тулашсалар-да,  
 мустақил ҳолда ўз сюжет, коллизияларига  
 эга. Бир ойда ҳам эридан, ҳам ёлғиз ўглидан  
 «қораҳат» келиб ададсиз кулфатга дучор  
 бўлган, «ўрис бола»ни ўғил қилиб олиб унга  
 суюниб қолган Зеби холанинг ҳам бир оз  
 юмористик, ҳам фожений бўёқларда чизилган  
 портрет ва қисмати; гўзал Раъно билан  
 жангчи Эгамбердининг ниҳоятда чигал, дра-  
 маларга тўла оиласвий тақдири, уруш келтир-  
 ган мусибатлар орқасида савдои бўлиб қол-  
 ган Эрман бува саргузашти — булар асада-  
 ги конфликт раиг-баранглигидан яна бир  
 далилдир.

Ниҳоят, «Дунёнинг ишлари»даги ҳикоячи  
 образи масаласига келгандан шуни айтиш

керакки, кўриб ўтганимиздек, гарчи у асарда бош фигура бўлмаса-да, ҳаётий зиддиятларни ифода этишда унинг муайян роли, ўзига хос ўрни бор, ҳикоячи асарда ҳам мустақил персонаж, воқеалар иштирокчиси, ҳам барча ҳодисаларга гувоҳ, уларга баҳо берувчи ҳакам вазифасини ўтайди. Ҳикоячи ҳакамлик вазифасини ўтаган кезлари унинг қалби ўймушоҳадалар, хилма-хил кечинмалар, руҳий коллизиялар майдонинг айланади. Аммо айрим танқидчилар айтганидек, ўша кезларда ҳикоячи қаҳрамон қалбida рўй берган кечинмалар нуқулгина ўқинчдан иборат эмас; тўғри, ҳикоячи бир неча ўринда онаси тириклигida унинг кўнглини ололмагани, гоҳо она олдидаги қарзини ўтай олмагани учун афсуснадоматлар чекади; бироқ ёзувчи кечинмалари нуқулгина ўқинчлардан, ўқинч коллизиясидан иборат бўлганида асар сентиментал бир нарса бўлиб чиқарди, ҳикоячи образи бурчни ўтолмаган гариб кимсага айланиб қоларди. Ҳолбуки асарда ҳикоячи қаҳрамон қалбининг бошқа жилолари ҳам кенг кўрсатилган. Ҳикоячи образи биринчи галда ҳодисалар моҳиятини таҳлил этувчи, улар устида баҳс-мулоҳаза юритувчи, фаол гуманистик позицияда турувчи фигура сифатида қимматли. Унинг, она, шунингдек онага дахлдор бошқа шахслар ҳақидаги гоҳ ҳайрат, гоҳ қувонч, гоҳ алам-ўқинч, гоҳ ифтихор, гоҳ нафрят-надомат билан йўғрилган ўй-мушоҳадалари бош қаҳрамон ва бошқа персонажлар характеристи, тақдирни моҳиятини янада ёрқинроқ англаб олишга, ҳодисалар, характеристлар драмасини чуқурроқ ҳис этишга, бинобарин

асарнинг ғоявий-бадиий таъсирчанлигини оширишга хизмат этади.

Энди «Галатепага қайтиш» асарининг «жанрий бебошлиги», «муайян шаклга тушмаган»лиги, «Файбаровнинг ноқатъий, ҳардамхаёл характерига нисбатан автор позициясининг аниқ билиниб турмаслиги», «бош персонажнинг асар бош қаҳрамони даражасига етказилмагани» ҳақидаги танқидий мулоҳазаларга қайтайлик. Б. Имомов асар ҳақида шундай кескин гапларни айтади-ю, ўз фикрини исботлаб бермайди. Қолаверса, бу гаплар романнинг асосий пафоси, бош қаҳрамон концепцияси, асар поэтикасининг ўзига хослигини етарли ҳисобга олмай туриб айтилган.

Танқидчи О. Шарафиддинов «Галатепага қайтиш»га ёзган сўз бошида роман биз кўниккан асарлардан бирмунча фарқ қилишини, у янгичароқ шаклда ёзилганлигини, автор қаҳрамон биографиясини мунтазам тасвирлашдан қочиб, қаҳрамоннинг руҳий биографиясини таҳлил этиш йўлидан борганлигини таъкидлайди («Ёшлик» 1982, № 7, 4- бет). Бадиий таҳлил ва бадиий синтезнинг бу хилдаги янги имкониятларини қидириш ҳозирги кунда бизда фақат Мурод Мұхаммад Дўст романигагина дахлдор бўлмай, бу тажриба дастлаб «Чинор»да, сўнгра «Улуғбек хазинаси», «Кўҳна дунё», «Душан қайсарнинг бошидан кечирганлари» асарларида хилма-хил кўринишда намоён бўлган эди. Хусусан, деярли бир пайтда яратилган «Галатепага қайтиш» билан «Дунёнинг ишлари»да бу жиҳатдан бир қатор муштарак ўринилар бор. «Галатепага қайтиш» воқеаси ҳам — «Дунёнинг иш-

лари»даги каби ўғил учун энг азиз, қадрдан одам ўлмидаи бошланади; фақат бу ерда она эмас, ота оламдан ўтган; ўғил ёзувчи-журналист эмас, олим лекин, барибир, иккиси ҳам зиёли... Ўлим инсон ҳаёти учун сарҳисоб нуқтаси, ёзувчи худди шу нуқтада туриб қаҳрамонлар босиб ўтган йўлнинг энг муҳим паллаларини хаёлдан ўtkазади. Қаҳрамонлар биографиясини хронологик тарзда мунтазам ёритиш йўлидан қочиб, улар руҳий биографиясини очадиган ҳодисаларнигина қаламга олади, «Дунёнинг ишлари»дагига ўхшаб бу ерда ҳам узоқ муддат — инқилобий ўзгаришлар давридан тортиб 80-йилларгача бўлган ҳодисалар қамраб олинади, хилма-хил ижтимоий-сиёсий, маънавий-ахлоқий муаммолар кўтарилади, бош қаҳрамонга ёндош ҳолда қатор персонажлар характеристи, тақдирни чизилади, бинобарин, хилма-хил ҳаётй зиддиятлар ранг-баранг шаклда ифода этилади. Айни пайтда «Галатепага қайтиш» пафоси ва поэтикасида принципиал янгилик ва ўзига хосликлар мавжуд. Агар «Дунёнинг ишлари»да, кўриб ўтганимиздек, бош қаҳрамон оламдан ўтган Она бўлса, «Галатепага қайтиш»да марҳум Ота эмас, ўғлон марказий фигурадир. Аммо романда «Дунёнинг ишлари»даги каби автобиографик жанр хусусиятлари йўқ, воқеалар-ҳодисалар бир одам — холис персонаж нигоҳи орқали эмас, хилма-хил нуқтани назарлардан ёритилади; «Дунёнинг ишлари»да субъектив талқин устун, авторнинг ҳодисаларга муносабати, қарашлари аксари ҳолларда ошкора намоён бўлган; «Галатепага қайтиш»да эса объектив талқин устун; аслида бу ерда ҳам ёзувчи позицияси изчил, бар-

қарор, ҳушёр китобхон буни ҳар қадамда сезиб, ҳис этиб туради; фақат автор қарашлари ифода йўсини ўзига хос — бадний таҳлил бағрига, руҳига сингдириб юборилган. Барча объектив романларда бўлгани каби «Галатепага қайтиш»даги автор позицияси масаласи муайян баҳсларга сабаб бўлмоқда. Шу жиҳати ҳам борки, «Дунёнинг ишлари»дан фарқли ўлароқ, бу романдаги ўғлон бош фигура бўлишдан ташқари, хийла мураккаб, зиддиятли шахс, унинг хатти-ҳаракати, ўзўзини, ҳодисалар моҳиятини англаб етиш жараёни кескин изтироблар, қарама-қарши кечинмалар ичиди кечади, бу ҳол ҳам китобхонда, қолаверса айрим танқидчиларда баъзи зиддиятли мулоҳазалар тугдирниши табиний. Масалан, Н. Худойберганов «Меъёр ва тасвир» мақоласида («Ўзбекистон адабиёти ва санъати», 1983 йил, 28 январь) асар бош қаҳрамони характерига хос зиддиятли жиҳатлардан ажабланади, «Файбarovning бўшбаёвлигини, хаёлпарастлигини шахсан мен асло тасаввур қилолмадим», «Файбarovни иродасиз десак, ундаги дадиллик, бетгачопарлик қаёқдан келди?» деб ёзади; қаҳрамоннинг руҳий оламида, кечинмаларида қандай ўзгаришлар рўй берди, тўқнашувлар қандай оқибатларга олиб келди — масаланинг бу муҳим жиҳати меъёрида ёритилмайди, қаҳрамондаги бўйдоқликка сабаб бўшанглик, хаёлпарастлик яхши очилмаган, деган фикрини илгари суради. О. Шарафиддинов «Баъзи зарур мулоҳазалар» мақоласида («Ўзбекистон адабиёти ва санъати», 1983 йил, 11 февраль) Норбой Худойбергановнинг танқидий мулоҳазаларига кескин эътиroz бил-

діради. Унингча, асарни диққат-эътибор билан ўқиганды ҳар бир холис китобхон Файбировнинг руҳий оламида, кечинмаларида содир бўлаётган ўзгаришларни саҳифама-саҳифа кузатиб боради, тўқнашувлар оқибати эса автор томонидан асар замирига, бош қаҳрамон характеристида содир бўлаётган қийин ўзгаришлар жараёнинг сингдириб юборилади; Файбаров отасини дағи қилиш маросимида ўзининг бутун ҳаётига қайта назар ташлайди, уни шафқатсизлик билан таҳлил қиласди ва шу пайтгача кечирган ҳаёти отасининг ҳаёти қаршисида, реал иш билан банд бўлган бошқа одамларнинг ҳаёти қаршисида пучдек, маъносиздек кўринишига амин бўлади; Файбаров икки-уч кун давомида катта руҳий инқилобни бошидан кечиради... Шу тариқа бу асар Файбаровнинг бўш-баёвлиги, хаёлпарастлиги, бўйдоқлиги ҳақида эмас, ана шу руҳий инқилоб қандай содир бўлганлиги, қандай маънавий-инсоний сабоқларга олиб келганлиги ҳақида битилган. Бугина эмас, мана шу руҳий инқилоб жараёнидаги Файбаров ҳаётнинг моҳиятини яхшироқ англаб етади, яхши ва ёмон одамларни бир-биридан аниқравшан ажратиб олади, ўз ҳаётига танқидий қараб йўл қўйган хатоларини, табиатидаги ожиз томонларни чуқур ҳис этади, фуборлардан, майдада туйғулардан фориғланиб, ўзи тушиб қолган муҳитдаги тубан, хиёнаткор, маслаксиз, мужмал кимсалардан руҳан узоқлашади, кўнглида фориғланган бир муҳаббат туди. Н. Худойберганов кейинги ишларида, хусусан, «Литературная газета»да босилган «Ёшлик» журнали прозаси ҳақидаги мақоласида (1983 йил, 28 декабрь) Файбаров обра-

зига, умуман «Галатепага қайтиш» романига бошқача баҳо беради. Танқидчи ҳамкасб дўстлари фикрларига ҳурмат билан қараб, асарни атрофлича ўрганиш, бош қаҳрамон моҳиятини теран идрок этиш орқали ўзгача дадил хулосаларга келади. Энди у Файбаров образини ҳақиқат, адолат йўлида ўз қалб қалъасига ҳужум қилиб, ўз шахсияти билан тўхтосиз, муросасиз олишадиган, жамият манфаати учун кўпроқ наф келтиришни ўйлайдиган, эътиқоди бутун одамлар тоифасига киритади, уни яхлит ва ёрқин характер сифатида таърифлайди. Бундай таърифтавсиф О. Шарафиддинов қарашларига яқин, муҳими, унда образ ва асарнинг туб моҳияти ҳаққоний очилган. Бундай адолатли фикрлар қаршисида «Галатепага қайтиш» асарнинг «муайян шаклга тушмаганлиги», Файбаров «характерига нисбатан автор позициясининг аниқ билиниб турмаслиги», «бош персонажнинг асар бош қаҳрамони даражасига етказилмагани» хусусидаги танқидий мулҳазалар ўз-ўзидан қадрини йўқотади.

«Дунёнинг ишлари»да бўлгани каби «Галатепага қайтиш»да ҳам бир қатор мустақил эпизодлар, бинобарин бу эпизодларнинг ўз сюжет коллизиялари мавжуд; Райим оқсоқолнинг машаққатли ва шонли ижтимоий фаолият тарихи, чигал шахсий-оилавий тақдири, Анзиратнинг фожеий оилавий қисмати, уруш қурбони Мурод амакининг драмаларга, алам-изтиробларга тўла ҳаёти, шунингдек, Самад, Қобил билан боғлиқ саргузаштлар ана шулар жумласидан. «Дунёнинг ишлари»да мустақил эпизодларнинг барчаси ҳикоячи персонаж нуқтаи назаридан баён қилинади

ва ошкора баҳоланади. «Галатепага қайтиш»-да эса ўзгачароқ, бу срда мустақил эпизодлар ҳам бош қаҳрамон, ҳам асарда бевосита иштирок этмайдиган, саҳна ортида турган шахс — ёзувчи нигоҳи орқали берилади ва баҳоланади; шу тариқа ҳодисаларнинг ҳам ўз ички драмаси, ҳам бош қаҳрамонининг ҳодисаларга муносабатидан, ниҳоят, «холис» шахс — автор қараши, баҳосидан туғилган драма асар поэтикасига ўзига хос жило баҳш этади. Қисқаси, «Галатепага қайтиш»да, шунингдек, олдинроқ пайдо бўлган Шукур Холмирзаевнинг «Сўнгги bekat» асарида, Темур Пўлатов билан Одил Ёқубов прозасида, хусусан «Кўҳна дунё»да М. Бахтин назарда тутган объектив — полифоник романнинг айрим хусусиятлари кўринмоқда.

«Кўҳна дунё»га бағишланган бир қатор мақолаларда, жумладан, М. Қўшжонов, Н. Худойберганов, А. Ҳакимов, А. Каттабековлар қаламига мансуб тақризларда роман поэтикаси — композицияси, сюжет тузилиши, услубига хос айрим хусусиятлар, тарихий материал ва шахсларга ёндашибдаги ўзига хосликлар яхши очиб берилган. Бироқ бу роман поэтикасига хос энг муҳим хусусият — тасвирдаги полифония тақриз муаллифлари эътиборидан четда қолган.

О. Ёқубовнинг «Улугбек хазинаси» романнидаётк полифоник ифода тарзига мойиллик сезилган эди, ёзувчи «Диёнат» ва «Кўҳна дунё» романларида шу тасвири принципини изчил давом эттирди. Дадил айтиш мумкинки, бу уч асар айни шу полифоник тафаккур тарзи билан ҳам ўзбек романчилиги поэтикасига муҳим янгилик олиб кирди. Бу ҳодисани

максус ўрганиш, тадқиқ этиш яқин келажак-нинг иши, бу ерда фақат «Кўҳна дунё»даги полифониянинг айрим томонлари ҳақидаги баъзи кузатиш, мулоҳазаларни айтиш билан чекланамиз.

Таниқли адаб Сарвар Азимов «Литературная газета»да босилган бир мақоласида «Кўҳна дунё» романи устида тўхталиб, унда, жумладан, тарих билан баҳлашиб мавжудлигини айтади («Лит. газета», 1982, № 37). Дарҳақиқат, роман бошдан-оёқ мунозара-баҳс руҳи билан суғорилган. Аввало роман учун танланган ҳәётий материал, кашф этилган бадиий модел-вазиятнинг ўзи жумбоқ характерига эга; чин аллома буёқда қолиб сохта табиб, фирибгарнинг обрў-эътибор қозониши, — «тақдири азалнинг · бу ажаб жумбоғи» китобхонни баҳс-мунозарага чорлайди, бу ҳодиса эса ўз навбатида хилманик жумбоқларни келтириб чиқараверади, асаддаги деярли барча персонажлар характери, қисмати, улар билан боғлиқ эпизодлар жумбоқ тусини олади; бу ҳол шунчаки ҳодиса ва характерларни қизиқарли, спрли-сехрли қилиш учунгина хизмат этмайди; ёзувчи айни ўша жумбоқлар сабабиятини таҳлил этиш йўлидан боради, улар устида жиддий ва қизғин баҳс юритади, натижада ўша спрли ҳодисаларнинг, характерларнинг асл ижтимоий-сиёсий, маънавий-ахлоқий моҳияти кўз олдимиизда намоён бўлади.

Биламизки, монологик романларда ҳодиса ва персонажларга бир нуқтаи назардан ёндашиб устун туради, барча полифоник романлар қатори «Кўҳна дунё»да эса ҳодиса ва қаҳрамонларга хилма-хил томондан ёнда-

шаш характерли. Асарда қаламга олинган ҳодиса ва характерлар жумбоқли бўлиш билан баробар зиддиятлидирлар. Бу зиддиятларнинг кўриниш ва турлари ҳам ранг-бранг. Бу ҳол романдаги баҳслар оламини гоят кенгайтиради.

Роман персонажлари ҳаётдаги мавқеи, маслак-эътиқодига кўра икки гуруҳга ажralадилар. Бир томонда ҳукмдорлар, салтанатга хизмат этувчи, ўз шахсий манфаати йўлида ҳеч нарсадан қайтмайдиган худбин, ёвуз, мунофиқ, фирибгарлар; улар ҳар боб билан ижтимоий-маънавий тараққиётга тўсқинлик қиласидилар, ҳақиқатни оёқ ости этадилар, меҳнаткаш халқ вакилларига зулм, зуғум ўтказадилар. Айни пайтда ўша «маслакдошлар» — Султон Маҳмуд, амир Масъуд, Хатлибегим, Абул Ҳасанак, Али Фариб, Пирӣ Букрий, Ибн Шаҳвонийлар орасида муросасиз зиддият, олишув, тўқнашувлар кетади... Иккинчи томонда ижтимоий тараққиёт йўлида турган, салтанатдан жафо кўрган кишиларнинг салтанатга чексиз нафрати, исёни ва унга қарши гоҳ пинҳона, гоҳ ошкора кураши... Шу билан баробар автор мана шу маслакдошлар қарашларидағи муайян тафовутларга ҳам эътиборни тортади. Чунончи, улуғ алломалар — Ибн Сино билан Беруний ораларида қизғин мунозаралар бўлиб ўтади, эл-юрт, адолат ғамида юрган Ибн Сино адолат учун курашга отланган Имом Исмоил маслагини қабул қила олмайди...

Ёзувчининг маҳорати, айниқса, персонажларнинг руҳий олами, қалб баҳсини беришда ёрқин кўринади. Асардаги деярли ҳар бир персонаж қалбида кескин руҳий драма кечади.

ди, уларнинг ҳар бири ўзи билан ўзи олишади. Ҳар бир қалбнинг драмаси, баҳси ўзиги хос, ифода тарзи бетакрор. Султон Маҳмуднинг биз васвасаю таҳлика, пушаймонлар искази жасида кўрсак, Пири Букрийни ҳасад, алам ўқинчлар оловида ёнаётган ҳолатларда учратамиз; амир Масъуд, Хатлибегим, Абу Ҳасанак, Али Ғарибларнинг ҳам алам-изтиробларидан, ҳаттоқи гоҳо фирибгар Ибн Шаҳвонийларнинг тавба-тазаррусидан огоҳ бўламиз; Маликул Шароб, Наргиза бону, Бобо Ҳурмоларнинг қалб фарёди ўқувчини ларзага солади, улуг алломалар Ибн Сино билан Берунийларнинг дил рози, аламли ўйлари, қалб туғёни, исёни роман симфониясининг энг шиддатли, баланд пардаларини ташкил этади. Полифоник романларда бўлгани каби «Кўхна дунё»да ҳам биз персонажларни биринчи галда қалб баҳси, нидоси, туғёни орқали тўлароқ билиб оламиз. Персонажларнинг қалб баҳси, нидоси айни пайтда уларнинг ҳаёт фалсафаси, ҳақиқати, концепцияси ҳамдир. Персонажлар қалб баҳси, нидоси орқали ўзларига ва ҳаётга баҳо берадилар. Шу тарика романдаги ҳар бир етакчи персонаж мустақил, муайян шаклга тушган, концептуал овоз-оҳангдир; бу овозлар эса ранг-баранг, бинобарин полифоникдир.

Тўғри, автор айрим персонажлар, масалан Ибн Шаҳвоний, Пири Букрийларнинг ташкини ўқиёфаси, хатти-ҳаракатларини ҳам анча батафсил таъриф-тавсиф этади, боя айтилганидек, характерлар орасидаги тўқнашувларни ҳам анча кенг кўрсатади, лекин, барибир, романда қаҳрамонларни қалб баҳси, драмаси,

инидоси-оҳанги орқали намоён этиш етакчилик қилади.

Романда персонажлар овозидан бошқа ҳикоячи шахс садолари ҳам мавжуд. Асар воқеалари асосан икки шахс — муаллиф ва Абу Үбайд ал-Жузжоний тилидан ҳикоя қилинади. Ибн Сино билан боғлиқ воқсалар кўпроқ Жузжоний хотиралари тарзида, қолган воқеалар эса муаллиф нигоҳи орқали берилади. Бу икки ҳикоячи шахснинг ифода усули, оҳанги бир-биридан фарқланади; Жузжоний баёнида холис-объективлик ҳукмронлик қиласа, автор ифодасида воқеаларга фаол муносабат, дадил аралашиш устун. Гёё персонажлар қалбида, руҳиятида бошланган баҳс-мунозара автор қалбида давом этади, аниқроғи, муаллиф персонажлар қалбида кечган баҳслар билан баҳсга киришади, уларга ўз муносабатини тайин этади, натижада мавжуд баҳслар драмаси янада қизғинроқ, шиддатлироқ тус олади. Шундай қилиб персонажлар садоларига ҳикоячилар, хусусан автор овози қўшилиб романдаги полифония янада сержилолик касб этади.

Шу айрим кузатиш, қисқача мулоҳазалардан ҳам кўриниб турибдики, «Қўҳна дунё» романи полифоник хусусиятлари билан ўзбек прозасидаги изланишлар уфқини анча кенгайтирди. Адид айни шу полифоник ифода воситасида тарихий ҳақиқатни, тарихий шахслар тақдирини, давр драмасини, даврнинг кўпқиррали зиддиятларини янгича, таъсирчан очишга, бадиий инкишоф этишга муваффақ бўлди. Агар биз адабиётшунос-танқидчилар адабий ҳодисага, эътиборга сазовор адабий фактларга мавжуд андазалар, одат тусига кириб қол-

ган қоидалар асосида эмас, янги-янги жиҳатлардан, кўпмиллатли совет адабиётшунослиги тажрибалари, социалистик реализм назарияси ютуқлари асосида ёндашадиган бўлсак, бугунги адабиётимиздаги яна кўп янги самарали тенденцияларни кўришимиз, кашф этишимиз шубҳасиз.

## КИЧИК МҮЖИЗАЛАР

(Озгина кириши сўз)

Тажриба шуни кўрсатаётпеки, адабий жанрлар тараққиётида уларга жамоатчилик муносабати, эътибори ҳам муайян роль ўйнар экан. Сир эмас, бизда бирмунча вақт ҳикоя жанри ривожи хийла сусайиб қолди. Бу ҳодисани ҳар хил изоҳлашлар бўлди, айrim ўртоқлар ҳозир ҳикоя эмас, балким йирик эпик асарлар—қисса ва романлар даври деб чиқдилар; бунда улар қисса, хусусан романнинг шахс ва воқеликни ифода этишдаги, даврнинг улкан ижтимоий, маънавий-ахлоқий масалаларини кўтариб чиқишдаги имкониятларини сабаб қилиб кўрсатадилар; бугунги китобхон шахс характерининг айrim қирраларини, ҳаётининг алоҳида лавҳаларини эмас, инсон шахсини тўлароқ, ҳаётни эса кенгроқ ва яхлитроқ кўришга мойил деган тушунчага таянадилар. Ҳикоя ҳақидаги баҳсларда бошқа бир қараш, яъни жанр ривожидаги сусткашликнинг бош сабаби — унга эътиборсизликда деган фикр ҳам ўртага ташланди. Менимча, кейинги қараш ҳақиқатга яқинроқ. Биламизки, қисса, хусусан роман шахс ва ҳаёт ҳақиқатини кенг кўламда, турли томондан кўрсатиш бобида чиндан ҳам катта имкониятларга эга; бироқ ҳикоянинг ҳам ўзига

хос афзаликлари бор; ҳикоя улкан ҳаёт ҳақиқатини, шахснинг туб мөҳиятини, характерини ихчам, сиқиқ шаклда ифодалаш, очиб бериш қудратига эга. «Қатрада қүёш акс этганидек» деган ибора ҳикояга ҳам дахлдор: ҳикояни халқ тажрибасининг лўнда ифодаси саналмиш афоризмга, мақолга қиёс қилишлари тасодифий эмас. Шу жиҳатдан қараганда ҳикоя ўзига хос ҳикматdir, ҳикоянинг кичик майдони замоннинг муҳим ижтимоий, маънавий-ахлоқий муаммоларни ўзига сиғдиришга қодирдир. Шунга кўра, уни кичик мўъжиза деб аташ мумкин. Шуниси ҳам борки, драма, достон, қисса ёки романнинг давр, ижтимоий муҳит тақозосига кўра таназзулга юз тутган пайтлари бўлиши, айтайлик, баъзан давр роман учун мавзу, материал бермаслиги ҳам мумкин; аммо ҳикоя учун доим мавзу, материал топилаверади; фақат унга эътибор билан қаралса, бу жанр чинакам истеъоддлар қўлида бўлса бас, эътибор кўрсатилган ҳамоно у ўзининг самараларини кўрсата қолади.

Муайян муддат бизда қисса, хусусан роман жанрига ҳаддан ташқари маҳлиё бўлиб кетиб ҳикояга менсимай қараш ҳолла-ри юз берди; ҳатто «Шарқ юлдузи»дек ягона адабий журнализмизда йилига 4—5 янги роман, 8—10 қисса эълон этилгани ҳолда бирорта ҳам ҳикояга ўрин берилмаган пайлар бўлди. Бунинг устига эълон қилинган деярли ҳар бир қисса, роман устида албатта гап-сўз бўлади, яхши қисса ва романларга бағишлиб ўнлаб мақола, тақризлар босила-ди, улар китоб ҳолида катта тиражларда қайта-қайта босилади, ҳар хил мукофотлар

билан тақдирланади... Қисқаси, яхши қисса ива роман авторлари ҳам моддий, ҳам маънавий жиҳатдан рағбатлантирилади. Хўш, яхши ҳикоя автори-чи? Кейинги ўн-ўн беш йил ичидаги бирорта ҳикоянавис яхши ҳикояси учун рағбатлантирилганлигини билмайман («Гулистан» журналининг йиллик мукофотлари бундан мустасно). Бунинг устига ҳикоя тўпламлари инчоятда оз нусхада босилади, улар онда-сонда тақриз қилинади, алоҳида яхши ҳикояга маҳсус мақола бағишлиаш ҳануз одат тусига кирганийўқ. Яхши шеърлар, очерклардан иборат альманахлар нашр этилаётгани ҳолда негадир маҳсус янги ҳикоялардан альманахлар тузиш йўлга қўйилмаётир. Абдулла Қаҳҳор, Ғафур Ғулом, Сайд Аҳмад сингари ҳикоя усталаридан кейин майдонга чиққан, ўзбек новеллистикасини янги босқичга кўтаришга ҳисса қўшаётган Шукур Холмирзаев, Уткир Ҳошимов, Ўқтам Усмонов, Неъмат Аминов сингари ёрқин истеъододлар ижоди ҳануз адабий танқидчиликда етарли таҳлил этилиб, муносиб баҳосини олган эмас. Ҳикояга бу хилдаги эътиборсизлик шунга олиб келдики, моҳир, тажрибали ҳикоянависларимиз ҳам бу жанрдан кўнгли совиб, бошқа «эътиборли» жанрларга ўтиб кетдилар, ҳатто ҳикоя ёки очеркка қурби етмайдиган айрим қаламкашлар ҳам «ҳикоя қаламнинг қайроғи» эканини унутиб, «осилсанг баланд дорга осил» қабилида иш кўриб ўзларини қисса ва романларга ура бошладилар; анчайин тажрибали ёзувчиларимиз ҳам кўпинча ҳикоя ёки очеркбоп ҳодисани зўрлаб қисса ёки роман қилишга уринадиган бўлиб қолдилар...

Шуниси қувончлики, кейинги пайтларда аҳвол бир оз ўзгара бошлади. «Шарқ юлдузи», «Гулистон», «Ёшлик» журналлари, «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси ўзсаҳифаларида ҳикоя жанри намуналарига мунтазам ўрин бера бошлади. Сайд Аҳмад, Асқад Мухтор, Мирмуҳсин каби тажрибали ҳикоянависларимиз каттагина танаффусдан кейин бу жанрга қайтиб яхши-яхши ҳикоялар ёздилар; Шукур Холмирзаевнинг «Оғир тош кўчса», Ўқтам Усмоновнинг «Сирли соҳил» деб аталган салмоқдор ҳикоя тўплamlари чол этилди, ҳикоячиликда айрим истеъоддли янги номлар кўрина бошлади. Айни пайтда ҳикоячилик ривожида бир қанча янги тенденциялар юзага чиқмоқда. Ҳикоянависларимиз турмуш тақозо этаётган муҳим ижтимоий, маънавий-ахлоқий масалаларни кўтариб чиқаётирлар, кундалик ҳаётнинг чигал, мураккаб жумбоқларига китобхон эътиборини жалб этмоқдалар, шу тариқа ҳикояда концептуаллик чуқурлашиб бормоқда, жанрнинг кичик майдони жиддий баҳс-мунозаралар, ўй-мушоҳадалар, савол-жавоблар даргоҳига айланиб бормоқда. Табиийки, жанр ривожида кўпгина қийинчиликлар ҳам мавжуд, бадиий заиф, ўртамиёна, бинобарин бетаъсир ҳикоялар ҳамон чиқиб турибди; мазкур мақолалар туркуми улар ҳақида эмас, балки кўпроқ бугунги ҳикоячилигигизнинг ютуқлари, етакчи тенденциялари, кичик жанрларнинг обрў-эътиборини ошираётган айрим бадиий мўъжизалар хусусиадир.

## 1. Ҳикоя бағридаги чўғ

«Ўзбекистон маданияти» газетасининг 1979 йил, 20 февраль сонида Учқун Назаровнинг «Қаҳратон» деб аталган ҳикояси босилди, ўша куни эрталабдан кечгача ёзувчининг квартирасида кетма-кет телефон жиринглади, таниш-билишлари бу ҳикоя билан уни қизғин табриклашди, орадан кўп ўтмай ёзувчи газетхонлардан ўнлаб хатлар олди, бу хатлар дил сўзлари, саволлар, мулоҳазалар билан тўла... «Совет Ўзбекистони» газетасининг 1979 йил декабрь сонларидан бирида таниқли адаб Мирмуҳсиннинг «Софинч» ҳикояси босилди, худди «Қаҳратон» каби бу ҳикоя ҳам кенг ўқувчилар оммасини ҳаяжонга солди. Айтишларича, Тошкентдаги мактаблардан бирида ўтказилган тарбиявий соат машғулоти «Софинч» ҳикоясига бағишланган, ҳикоя ўқилганда деярли барча ўқувчиларнинг кўзида ёш қалқиган, сўнгра ҳикоя теварагида қизғин баҳс бошланган; она қадри, умуман ҳаётнинг, инсоннинг қадри ҳақида гап кетган. Ўқувчилар ҳикоядаги кичкингой қаҳрамонга чуқур ҳамдардлик туйғуларни изҳор этишган... Бунақа ҳодиса, эҳтимол, бошқа мактабларда ҳам бўлгандир.

Хўш, бу икки ҳикоянинг ўқувчиларни ҳаяжонга солиш, баҳсга тортиш сабаби нимада? Аввало, ҳар иккала ҳикоя бағрида уларни ичдан нурлантириб турадиган чўғ — жозибадор маъно, зарур гап, чуқур инсоний дард бор; тирик одамлар, уларнинг тақдири, қалби, ташвиши бор; ўқувчини ўйлатиб қўядиган ҳаётий муаммолар, турмушнинг кичик, лекин шафқатсиз ҳақиқати бор; қолаверса,

уларда сўнгги йиллар ҳикоячилигида деярли учрамаган бетакрор ситуация, уларнинг оригинал талқини ва ечими мавжуд.

«Софинч» ҳикояси асосида тўрт яшар боланинг қисқа бир саргузашти ётади. Йўқ, бу болалар ҳаётидан олиб ёзилган кўплаб асарларда учрайдиган шунчаки олди-қочди саргузашт эмас, ҳикоянинг илк сатрлариданоқ биз мушкул бир вазиятга дуч келамиз, ёзувчи кичик қаҳрамонини ҳаётнинг шафқатсиз ҳақиқатига рўпара қиласди. Ҳикоя воқеаси эрта тонгда содир бўлади. Одатга тонг мусаффолик рамзи саналади. Гонг билан ҳикоя қаҳрамони — бола қалбида қандайдир муштараклик бор. Бола қалби ҳам тонгдек беғубор, мусаффо; ҳаётга, баҳтга, эзгуликка ташна; минг афсус, шу мусаффо қалбга ғубор оралаган: бола эрта тонгда чўчиб уйғонади, уйқусираб ёнидаги ойижони ётадиган каравотга эркаланиб қўл узатади; ойижони ўрнида йўқ; у сурилиб бориб ойижонини ачомламоқчи бўлади, тополмайди, каравот бўш, бирдан бола ўзига келади... Автор боланинг шу дамдаги руҳий ҳолатини чизишга ўтади: «Эркиннинг кичкинагина юраги шигиллаб кетди. Ваҳима босди. Ҳа, ойижони йўқ, у ўлган. Эркин караҳт, у ёқ-бу ёқса аланглади. Пастда кўрпача устида бувиси ухлаб ётарди. У ойижонининг бўмбўш каравотига, атлас кўрпага хомуш тикилди». Бола хаёлида она ҳақидаги ширин хотирилар гавдаланди, бола кўнглидаги руҳий драма кескинилашади: «Ойижони мана шу каравотда оёқларини пастга тушириб ўтирганча тиззасидаги Эркинни бағрига босарди, қайта-қайта ўпарди. Унинг бўйнидаги тил-

ла занжирии Эркин ўйнар, юзини ойижони кўксига суйкарди, пишилларди, қалиқлар қиласади. Ҳозир у ойижонини жуда ҳам соғиниб кетди...» Бола нима қилиб бўлмасин ойижони билан учрашиш йўлини излайди. Шунда унинг ёдига ойиси касал ётганда айтган сўзлари тушади. Ойижони унга: «Эркинжон, мени соғинганингда қабримга гул олиб бориб қўйгин», — деган.

Соғинч алансидаги ўртанган бола ёлғиз ўзи қабристон томон йўл олади, йўл саргузашти бошланади, кўчада ҳар хил одамларга дуч келади, хилма-хил вазиятларга тушади. Саргузаштлар ифодаси пайтида ҳам ёзувчи бола руҳияти таҳлилини эсдан чиқармайди. Бироқ энди бошдаги мунгли кайфияг бир оз ўзгаради, тифиз драматик тасвирга қандайдир юмористик оҳанглар жўр бўла боради; бола уйдан катта кўчага чиқиш, бинобарин катта ҳаёт оқимиға кириш билан баробар бошқа ташвишлар ҳам чиқиб қолади. Бола, барибир, болалигига боради, аввали катта ният билан сафарга отланган боланинг кўриниши кулгили: бир оёғида ботинка, иккинчисида шиппак, бош яланг, ёқавайрон, қўлида эса онага аталган икки дона гул, борар йўлини ҳам аниқ билмайди, лекин ўтган-кетганга чап бериб олға интилади. Бутун вужуди билан она васлига талпинган болакай нон-сут дўкони ёнига борганида қорни очиб бир дам бояги ташвишини унутади, сут шишаларига тикилиб ичгиси келиб ютилади, сотувчи аёл унга нон ва пишлоқ узатганида тортинмай олиб шошилганicha ейишга тушади; қорни тўйган болакай сал юргач, уйқу элитиб йўл бўйндаги скамейкада қўли-

да икки дона гулни маҳкам ушлаганча қотиб ухлаб қолади...

Фот жиддий, тифиз, балким фожсий ҳол, шу тарзда кулгили кайфият-келиши ҳодиса драматизмини айди; болакайнинг кулгили штлари билан танишган сез-вазиятнинг тифизлигини ҳеч ни; фожиа бағридаги юмор ир томондан, юз берган дра-туқурроқ ҳис этамиз, иккичи қаҳрамони — соддадил бола-ида яна ҳам ёқимтойроқ бўлиб қолади, убор кичкинтойни жигарбанди-миз каби севиб қоламиз.

Ҳаётнинг шафқатсиз лавҳасидан бошлан-ган ҳикоя шафқатсиз ҳақиқат билан якун-ланади. Охирида ота болани она қабри қошига бошлаб боради. Соддадил қалб ҳамон она васлига ишонади:

«... Эркин хомуш турарди.

— Ойижоним бу ёққа чиқмайдиларми? —  
Эркин дадасига мурожаат этди.

— Йўқ,— деди дадаси ғамгин. У ўғлини овутиш ниятида ёлгон гапирмади».

Ҳа, ёзувчи ҳам ўша персонажи каби ҳақи-қатга тик қараган, китобхонни овутиш пайи-га тушмаган, тифиз вазият учун енгилроқ ечим қидирмаган. Айримлар бу ҳол ёш китобхон қалбида нохуш кайфият түғдирмасми-кан, деб ўйлашлари мумкин. Биз ёш авлод-ни асосан ёрқин туйғулар руҳида тарбиялаш йўлидан борамиз ва тўғри қиласиз. Айни пайтда болани кичкиналигиданоқ ҳаётнинг мураккабликлари, пасту баландлари билан ҳам таништириш тарафдоримиз. Бола ёшли-

тиданоқ ҳаёт нуқул шодликдан, байраму тантаналардан иборат бўлмай, унда қийинчиликлар, мусибатлар ҳам бор эканини билсин, ҳис этсин; у қийинчиликларни енгишга, курашга, жасоратга одатлансан, кичиклигиданоқ унинг кўнглида инсон зотига, унинг ташвишларига ҳамдардлик туйғуси жўшурсин... «Софинч» ёш китобхонда шу хил туйғулар тарбиясига хизмат этадиган асардир. Теран маъноси, шафқатсиз ҳақиқати, юксак ифода тарзи билан бу ҳикоя болаларни ҳам, катталарни ҳам бирдек ларзага солади.

Ҳикояга ўз вақтида охирги нуқта қўйиш ҳам бир санъат. «Софинч» воқеаси отанинг бояги гапи билан ўз мантиқий интиҳосига етган, кичкинтой қаҳрамон ҳаётнинг шафқатсиз ҳақиқатига маълум ишонч ҳосил қилган, бинобарин, «тугун» ечилган эди. Шунга қарамай автор асарни давом эттиради ва шуларни илова қилади:

«Ота-бона қабристондан чиқиб, ўз машналарида уйга қайтиб келишиди. Лекин орадан иккни кун ўтгач, у шамолладими, иситмалаб касал бўлиб қолди. Тепасига келган адасига ҳам, бувисига ҳам, бошқаларга ҳам ойижон деб қўл чўзиб талпинар эди. У иситма ичидаги қўлида атиргул, ойижонини қидирар эди». Отанинг бояги мардона сўзлари билан якунланган ҳикоя учун бу хил сентиментал руҳдаги илова ортиқча эканлиги шундоққина сезилиб турибди.

«Қаҳратон» — бугунги ҳикоячилигимизнинг жиддий ютуқларидан бири. Ҳикоя қаҳрамони — гўрков. Гўрков образи Шекспирда бор. Пушкин тобутсоз ҳақида яхши бир ҳикоя яратган. Бугунги ўзбек. адабиётида ҳам бу

борада баъзи уринишлар мавжуд. Л. Қаюмов Муқимий ҳақидағи воқеий ҳикоясида гўрковнинг ёқимтой бир портретини чизган. Ўзбек китобхони учун ғайритабиий туюлган гўрков ҳаётига мурожаат этишда Учқун Назаровга, эҳтимол, шу тур асарлар далда бергандир. Аслида бизнинг жамиятимизда касбнинг, ҳунарнинг катта-кичиги йўқ. Инсоният, жамият учун зарур бўлган барча ҳунар, касблар, касб эгалари бизда бирдек қадрла-нади. Одамга биз унинг касб-кори, мансабига қараб эмас, касбини, ҳунарини қандай адо этишига, эл-юрт, жамият олдидағи бурчига бўлган муносабатига қараб баҳо берамиз. Социалистик реализм адабиётининг бағри барча касб, ҳушар эгалари, хилма-хил табақа вакиллари, бинобарин гоят рангбаранг қаҳрамонлар учун кенг очиқ. Социалистик реализм адабиётининг асосчиси М. Горький ижодида биз озодлик, революция байроғини баланд кўтарган, инсоният тараққиётининг бошида турган кишилар образи билан бир қаторда тубанликда қолган, ўта хокисор, фақиру ҳақири фаройиб табиатли одамларни, уларнинг улкан қалбини ҳам кўрамиз. Ҳамза исёнкор, инқилобчи Фоғир билан баробар ўта хокисор Мулладўст образини катта меҳр-муҳаббат билан тасвир этган. Бу анъана бугунги кунда ҳам янги шароитда, ўзгача кўринишда давом этмоқда. Ҳусусан рус адабиётида — В. Шукшин, В. Астафьев, В. Распутин каби атоқли сўз усталари асарларидағи хокисор, фаройиб одамлар образи фоят катта қизиқиши туғдиromoқда, қизғин баҳсларга озуқа бермоқда.

Ана шу анъаналар изидан бориб У. Наза-

рөв «Қаҳратон»да хокисор, гаройиб бир шахснинг бетакрор, ёрқин образини яратган, оддий одамнинг улкан қалбини, бой маънавий дунёсини очиб беришга эришган, шу баҳонада ҳаётнинг муҳим ва чигал маънавий-ахлоқий муаммоларини кўтарган. Ҳикоя қаҳрамони Зикир гўрков — Улуғ Ватан уруши қатнашчиси, бошидан кўп оғир савдолар кечгани, кўпни кўрган одам, тақдир тақозосига кўра, у гўрков бўлиб қолган; бу одам касбини, бурчини аъло даражада адо этади, ҳамиша инсоф, диёнат билан иш кўради, ҳаромдан ҳазар қилади. Шу туфайли эл-юртда обрў-эътибор топган — фаровон турмуш кечиради, фарзандлари ўқимишли, зиёли кишилар бўлиб етишади; бир қизи олима, яна бири институтни тугатиб аптекада ишлайди, ўғли эса студент, тагида «Жигули» машинаси.. Лекин ҳаёт мураккаб: касб-кори туфайли Зикир чол такаббур, онги киборлик оғуси билан заҳарланган кимсалар томонидан баъзан пинҳона, баъзан ошкора камситилади, ор-номуси таҳқирланади, ота касби туфайли зиёли фарзандлар турмуши, тақдири хийла чигаллашади, гўрковнинг қизларига эр чиқмайди, гўрковнинг ўғлига қиз беришмайди, баъзи бировлар гўрков билан қуда бўлишдан оп қилади. Бундан Зикир чол, унинг фарзандлари қаттиқ эзилади, изтироб чекади. Шундай қалтис дамларда чол ўкинч билан биратўла гўрковликни ташлаб кетмоқчи ҳам бўлади. Нима, гўрковликни ташласа бугунги кунда тирикчилиги ўтмай қоладими, бошқа иш топилмайдими? Топилади! Лекин Зикир чол бургага аччиқ қилиб кўрпа куйдирадиганлар хилидан эмас, У хўрланган,

ночор, аянчли кимса ҳам эмас; баъзи асарларда учрайдиган ўта нодон, нажотсизнотавон, ўнг юзинга урса, чап юзини тутиб берадиган бандан мўминлардан ҳам эмас. Айрим кишилар — персонажлар назарида гўрков чол аянчли кўринса-да, аслида кенг фикрлайдиган, олижаноб, мардона шахс; ҳар жиҳатдан у онги киборлик оғуси билан заҳарланган кимсалардан баланд туради, эл-юрт учун керакли, савоб иш қилаётганинг билади, юракдан ҳис этади, аламдийда фарзандларига ҳам шу туйфуни сингдиришга эришади. Ҳикояни ўқиб, бу хокисор, олижаноб қарияни ниҳоятда ёқтириб қоламиз, уни камситган кимсалардан жирканамиз; унинг аломат фарзандлари албатта ҳаётда тенгини, шахсий баҳтини топиб кетажагига ишонч ҳосил қиласиз. Чунки ҳикояда қаҳрамонларни қийнаган чигалликлар социалистик ҳаёт тарзига, бизнинг юксак ахлоқий нормаларимизга ёт бир нарса сифатида кескин рад этилади, ҳикоянинг асосий пафоси хокисор, олижаноб қария ва унинг аломат фарзандларини ҳар жиҳатдан ардоқлашга қаратилган.

Китобхонлар орасида ҳикоя устида кетган даҳанаки баҳс пайтида айни асарда тасвирланган муҳитга яқинроқ бўлган бир йигит шундай ҳодисалар ҳаётда учраб туришига шак келтирмаган ҳолда, ҳикояда бир оз бўрттириш борлигини айтиб қолди. Балким шундайдир. Бироқ бунинг учун ортиқча эътиrozга ўрин йўқ, санъат асарининг табиати кўпинча шундай бўрттиришни, кучайтиришни тақозо этади. Бунинг устига ҳикоя маъносини фақат гўрковлар ҳаёти доираси

билин чеклаб қўймаслик керак. Бу ҳикоя умуман кундалик турмушда ҳар доим ҳам қўзга ташланавермайдиган, лекин жамият, эл-юрт гамида юрган, унинг корига ярайдиган оддий, камсуқум, олижаноб одамларни қадрлашга, ардоқлашга ундовчи, чуқур гуманистик руҳ билан сугорилган асадир. Ҳикоя билан танишганда ҳаётдаги мавқеинга, амалига маҳлиё бўлиб кетиб оёқ остини, охириги борадиган ерини бутунлай уннутиб қўйган баъзи бир такаббур кимсалар ҳам бир оз ҳушёр тортадилар деган хаёлга борсан киши.

«Қаҳратон» ифода тарзи жиҳатидан ҳам диққатга сазовор. Ундаги тасвир ниҳоятда табний, бошдан-оёқ ёрқин, оригинал деталлар, жонли картиналардан ташкил топган; автор тавсифийликка асло йўл қўймагани ҳолда бош қаҳрамон Зикир чолнинг бутун ҳаёт йўлини, онласи тарихини беради; шу билан кифояланмай, Зикир чолнинг айрим ҳамкасабалари, фарзандлари қисматини ҳикоянинг «тор рамкаси»га сифдиришга эришади; айни пайтда ҳикояда йўл-йўлакай тилга олинган чол ва унинг фарзандлари билан мулоқотда бўлган қатор шахсларнинг эсда қоладиган портретларини чизади.

Маълумки, У. Назаров бутун ижоди давомида прозадаги машқни кино санъатидаги фаолият билан қўшиб олиб бормоқда. Кино билан ҳамкорлик туфайли унинг насрый асалларида баъзи ўзига хосликлар вужудга келди, услубида «кино тили»нинг таъсири кўрина бошлади; унда баъзан «кино тили»га маҳлиё бўлиб кетиб прозаик тасвир талабларидан узоқлашиш, ҳикоя ёки қиссани кино-

сценарий ҳолига келтириб қўйиш фактлари ҳам содир бўлди. Бир вақтлар «Кўнгилдаги гаплар» мақоласида бу ҳақда батафсил гапириб эдик. Кейинги асарларида Учқун услубида кино санъати тажрибаларини рад этмагани ҳолда насрой тасвир имкониятларидан кенгроқ фойдаланишга интилмоқда. «Қаҳратон» бу жиҳатдан ибратли.

Ҳикояда персонажлар хатти-ҳаракати ва руҳиятини далиллаш пухта, мантиқан изчил; бошдан-оёқ кўрсатишга асосланган тасвир характерлар, уларнинг руҳияти таҳлили билан қўшилиб кетган. Далил учун ҳикоядан баъзи лавҳалар келтирайлик:

«Бир куни Салима (чолнинг катта қизи — У. Н.) аллақандай дугонасини эргаштириб келди. Чой дамлади, сутли ион ушатди, шоколадли конфетлар келтирди, қаймоқ қўйди, ҳандалак сўйди, бироқ дугонаси бирон нарсага ҳам қўл теккизмади, керакли дафтари олди-ю, ниманидир баҳона қилиб, жўнаб қолди.

Зикир ака ўн тўртдан ошган қизининг кўзларида пайдо бўлган мунгли ўйчанликни пайқади, дили оғриди. Индамай қўя қолди».

Бу тиник картинада қанчалар ҳаракат, қиз билан ота ҳолатида қанчалар изтироб, ўткир драма, маъно бор! Яна бир лавҳа:

«Эртасига Зикир ака тузукроқ кийиниб қизларининг мактабига борди. Чиройликкина жувон: «Ҳалиманинг (чолнинг кичик қизи — У. Н.) ҳам синф раҳбарини чақирай, бирга гаплашамиз», дея Зикир акани кимсасиз хонада қолдириб, қайтиб кирмади. Зикир ака бир соатча қаққайиб ўтирида, хўрсиниб

чиқиб кетди». Чол эндп индамай туролмайди. Кўнглида ўй-изтироблар жўш уради: «Гўрковлигимдан ҳазар қилишяпти, — деб ўйлади — Кошки ўлмасаларинг. Пировардида асқатадиган гўрков-ку. Қучоқлаб ётган эрларинг ҳам лаҳатга опкирмайди жасадларингни. Эшакни меҳнати ҳалол, ўзи ҳаром-да».

Персонажлар орасида бўлиб ўтган мана бу мулоқот — гап-сўзларга эътибор беринг: «Бултур Ҳайдар полвон ўғлига Ҳалимани сўратди. Зикир ақа севиниб бу хабарни тўнғичига етказди. Салима Ҳалимага айтди. — Гўрковни ўғлига тегмайман, — деди шартта Ҳалима.

— Ўзинг кимми фарзандисан?

— Шуни ўзи етади, лоақал мени фарзандларим биздақа тили қисиқ бўлмасин!

— Кўряпсан-ку, бошқа жойдан чиқмаяпти, — ётиғи билан деди Салима. — Мени-ку вақтим ўтди, жилла қурса сен оиласи бўл.

— Писанда эшитишга тоқатим йўқ, — чўрт кесди Ҳалима. — «Бошқалар сени олмасди», деб таъна қилиши турган гап. Кўйинг.

Зикир гўрков бўшашиб қолди, бир неча кунгача оғиз пойлаб юрган Ҳайдар полвонга қай тарзда жавоб беришини билмай юрди...»

Қаранг, шу кичик парчада тўрт одам, тўрт хил ният, ҳаракат, тўрт хил ҳолат, кайфият, армои, қалб туғёни, исёни. Лавҳанинг ҳикоя умум контексти билан боғлиқ ўз драматик тугуни, ривожи, ечими — барчаси муҳайё. Айни пайтда лавҳадаги хатти-ҳаракатлар ўта миллий: таомилга кўра, Ҳайдар полвон ўғлига Ҳалимани унинг отаси орқали сўратди, ота бу гапни тўғри Ҳалиманинг

ўзига айтишни эп кўрмайди, балки опаси орқали унга етказади, опа эса бу хусусда сингил билан бемалол гаплашаверади.. Ҳикоядаги тасвир бошдан-оёқ шу йўсинда ниҳоятда табний, самимий бир тарзда давом этади.

Ҳар иккала ҳикоя таҳлили шундан далолат беради, бадний асарнинг қиммати, таъсир кучи унинг жанри, жанрнинг катта-кичиклиги билан белгиланмайди. «Софинч» билан «Қаҳратон» ҳикоялари бадний таъсирчанлиги, маънавий қудрати жиҳатидан ўша авторларнинг йирик жанрлардаги энг яхши асарларидан асло қолишмайди.

## 2. Пок қалб жилолари

Ижобий қаҳрамон ҳақида, ижобийлик ўлчовлари хусусида кўп гапирамиз, тортишамиз; дарҳақиқат, ижобийлик ниҳоятда кенг тушунча, уни ҳар хил талқин этиш, даврлар ўтиши билан баъзи мезонлар ўзгариши мумкин; бироқ қалбнинг поклиги, ҳалоллик, одимилик, самимийлик, одам зотига, унинг хотирасига, эл-юрга, она табнатга меҳрасадоқат, нопоклик, гирромлик ва қаллобликка, шафқатсизлик ва адолатсизликка нафрат ҳар доим инсонни улуғлайдиган хислатлар бўлиб қолаверади. Бугунги ҳикояларимизнинг етакчи ижобий қаҳрамонлари худди шундай хислат эгаларидирлар.

Ижобий қаҳрамон яратишнинг яна бир ўзгармас шарти, талаби бор. Ёзувчи асарида меҳр ва хайриҳоҳлик билан қаламга олган

одамнинг тақдири, хатти-ҳаракатлари, ўй-кечинмалари чиндан ҳам китобхонни ҳаяжонга солса, ўйга толдирса, уни қийнаган жумбоқлар китобхон қалбига ўт ёқса, қаҳрамон бошига тушган кулфатлар унда ҳамдардлик, шафқат-муруват ҳисларини уйғотса, қаҳрамон характеридаги ожизликлар, у йўл қўйган хатолар, ҳаётдаги мағлубият-йўқотишлар айни ўқувчининг ўз шахсий йўқотиши каби қабул қилинса, кўнглида бир армон қолдирса, охир-оқибат қаҳрамондаги эзгу хислатлар ўқувчи юрагида унга нисбатан меҳр, фахр-ифтихор туйғусини жунбишга келтирса — шундагина ёзувчи яратган қаҳрамон ҳақиқатан ҳам ижобий қаҳрамон дейишига лойиқдир. Демак, чин маънодаги ижобий қаҳрамон яратиш ғоят мушкул ижодий муаммодир. Бугунги ҳикояларимизда бу ўзгармас талабларга ҳар жиҳатдан тўла жавоб берадиган етук ижобий қаҳрамонлар борми, деб савол бернишлари мумкин. Бу саволга дадил «бор» деб жавоб бериш қийин, аммо шу талабларни рўёбга чиқариш йўлида эзгу интилишлар мавжуд. Энг муҳими, ҳикоянависларимиз қаҳрамонлар хатти-ҳаракатларини ташқи ошкора, ташвиқий томонларига эмас, туб ички моҳиятига, қаҳрамон қалбига, пок қалбнинг нафис жилоларига асосий эътиборни қаратаётирлар, беғубор одамнинг жиддий ҳаёт жумбоқларига дуч келиб, мураккаб вазиятга тушиб қолган пайтларидағи аҳвол-руҳияти, ҳаёт жумбоқларининг пок қалbdаги акс-садолари тасвири ва таҳлили билан банд бўлаётирлар. Бу ўринда шу тур ҳикоялардан фақат иккита-сини — Умрзоқ Муҳаммадиевнинг «Мармар-

тош» ва Эркин Аъзамовнинг «Баҳор» ҳикояларини ажратиб олиб, улардаги фазилатларга эътиборни тортмоқчиман.

Бу икки ҳикоянинг қаҳрамонлари ёш жиҳатидан ҳам, ҳаётдаги мақен жиҳатидан ҳам бир-бириларидан кескин фарқ қиласидар. «Мармартош»да эндигина оқ-қорани ажрата бошлаган бола, «Баҳор»да эса яқингинада олий ўқув юртини тугатиб мустақил ҳаёт остонасига қадам қўйған йигит. Уларни бир хусусият бирлаштириб туради — улар бир оз романтик табиат, ниҳоятда покдил, беғубор, адолатсизликни, қаллобликни асло кўтара олмайдиган шахслар.

Ҳикоялар таҳлилига ўтишдан олдин яна жанр табиатига хос айрим хусусиятларни эсга олсак. Чунки жанр спецификасини ҳисобга олмай туриб асарнинг ютуқ-камчиликларини, унда яратилган образлар моҳиятини аниқлаш мушкул. «Ҳикоя, — деб ёзади адабиётшунос А. Есин, — гёё ҳаёт оқимидан алоҳида оролчаларни — эпизодлар, картиналар, характер, саҳналарни юлиб олади. Бутун гап шундаки, бундай эпизодлар алоҳида ҳолда ҳар бири юксак маънодорлик касб этадилар — уларда ҳодиса ва характер моҳияти бирданига очилади қолади. Воқеаликнинг бундай кульминацион нуқталари гёё кундалиқ ҳаёт оқимидағи «қўйма» топилмалар каби ҳодиса моҳиятини ўзида мужассамлаштиради. Демак, ҳикоя алоҳида таъсирчанликка эга бўлган ҳодисалар ҳақида баҳс этади, ҳаётнинг бирор қонуниятини жуда ёрқин намоён этадиган воқеаларни тасвирлайди». («Литературная учеба», 1981, № 4, 217-бет.) Шундай экан, ҳикояда, яна бир

аадабиётшунос Вл. Новиков сўзлари билан айтганда, ҳар бир тафсилотнинг маъно салмиғи йирик жанрлардагига қараганда бекиёс шаражада ортиқдир, бу ерда ҳар бир деталь бутун бошли воқеага тенгдир («Литературная учеба», 1981, № 4, 217-бет).

Жанрнинг ана шу хусусиятларини ҳам назарда тутган ҳолда юқорида тилга олинган ҳикоялар қаҳрамонларини, қаҳрамонлар қалби ифодасини кўздан кечирайлик. Аввало «Мармартош» ҳақида. Ҳикоя шундай бошланади:

«Тупроқ кўпчиб ётадиган оддийгина дала йўли. Ҳар куни ҳавонинг қизиган пайтида, эски велосипедда озғингина бола шу йўлдан ўтарди. Велосипед боланинг ўзиники эмас. Пиёда чарчаб қолмасин деб холаси ўғлининг велосипедини вақтинча унга бериб қўйган. Бугун ҳам у сув чиқариш насосида моторист бўлиб ишлайдиган отасига тушлик олиб боряпти. Тик келган жануб қуёши самодан олов пуркаётгандай. Фиддирак тагидан кўтарилиган чанг узоқ вақт ҳавода муаллақ туриб, йўл четидаги янтоқзорга оҳиста қўнади. Боланинг кўйлаклари тердан жиққа ҳўл бўлган. Иссикдан юзлари бўғриқиб, нафаси сиқилади.

Бола тепаликдаги, кимсасиз қабристон оралиғидаги йўлдан қўрқиброқ ўтди. Назарида, нураб қолган девор ортидаги сарғиш хас-хашак қоплаган қабрлардан алланималар чиқиб, қувлаётгандай бўлаверди. У дамбадам ортига тикилар, ҳансира бор кучи билан педални айлантирас эди.

Қабристондан ўтгач, велосипеддан тушнида, ерга чўккалади. Онасининг устига тош

қаланган кўримсиз қабрига маъюосгина тикилди. Мўъжазгина жисми япроқдек титраб, қурушқоқ лаблари пир-пир учиб, унсиз йинглади. У қалтираётган бармоқларини файритабиний ҳолда жуфтлади-да, холаси ўргатган сўзларни шивирлаб юзига фотиҳа тортиди. Кўнглидан ногоҳ шу гаплар ўтди: «Мен сизнинг васиятингизни бажараман, онажон... Албатта, қабрингизга мармартош қўяман...»

Киприклари орасида йилт этиб ёш пайдо бўлди-да, иссиқдан қорайган юзига оқди. Маъсум кўзларига ўқинч югуриб, хўрсинди.

Қабристон ортда қолди. Велосипед филдираклари тупроқ йўлда чуқур из қолдириб шитоб билан илгарилаб кетди...»

Шу кичик парчанинг ўзидаёқ кўп нарса аён: йўл манзараси, офтоб ҳарорати, жануб колорити, кичик қаҳрамон хатти-ҳаракати, аҳвол-руҳияти, кўнглидаги армон ва муддао—барчасини кўриб, ҳис этиб турамиз. Бу парчада қаламга олинган деталлар — кимсасиз тупроқли йўл, мозор, она қабри, эски велосипед, сув чиқариш насосида моторист бўлиб ишлайдиган отага олиб борилаётган тушлик, боланинг мармартош ҳақидаги аҳди — булар шунчаки ахборот учунгина келтирилган эмас, ҳикоя давомида бола шу эски велосипедда бу тупроқли йўлдан неча бор ўтади; йўлнинг бир учи ота ҳузурига элтса, иккинчи учи хона-донга — ўгай она қошига олиб боради. Бу йўл оддий тупроқли дала йўли эмас, бола учун энг азиз кимса — оламдан ўтган онаси ётган қабристон ёшидан ўтадиган йўл. Бола, барни-бир бола, кимсасиз қабристон ёнидан ўтаётганда чўчийди, ўзи ёлғиз кўримсиз она қабри қошига боролмайди; айни пайтда ундан

ажралиб ҳам кетолмайди, олисроқда туриб хаёлан она билан мулоқотда бўлади; қабристон ёнидан ҳар гал ўтганда она васияти ёдига тушади — онаси ўлими олдида қабримга мармартош қўйинглар, деган. Она илтижоси ҳали рўёбга чиққан эмас, қабристон ёнидан ўтаётганда бола бундан ўзича хижолат чекади. Боланинг бутун умиди отадан, мармартош хусусида илк бор гап очганда отаси бу ҳақда ваъда қилгандай бўлади, бола бундан ўзида йўқ шод, ўша гал боланинг тупроқли йўлдан велосипедда ўтиши ҳам ўзгача — сурурли. Қувончини яқин одамлар билан баҳам кўрмоққа шошилади, одатдаги йўлини ўзгартириб, холаси ҳузурига чопади, сўнг ўз хонадонига. Холаси билан учрашувдаёқ боланинг қувончлари барбод бўлади — холаси отасининг бебурдлигини, пиёнисталигини юзинга солади. Бола ичидан зил кетади-ю, мармартош ҳақида сўз берган отасини қоралағиси келмайди. «Ҳамма ичади-ку, — ўйлаб борарди бола,— менинг отам Суннат пиёндек одамлар билан жанжаллашиб юрмайди. Маст бўлганда донмо ётиб ухлайди. Ичса, ўз пулига ичади, холамга нима. Ишонмайди-я, ахир мармартош оламан деди-ку...» Уйга келса, одатдагидек яна дилсиёҳлик — ўгай она дарғазаб, у пиёниста ота ҳақидаги «қўшиғи»ни бошлайди, болани ҳам «қўшиғи»га қўшиб дилини хуфтон қиласди...

Бола яна йўлда, бир гал шу йўлдан отаси ҳузурига борганда, уни ғоят аянчли — маст ҳолда кўради, янаги гал борганда отаси унга ароқ олиб келишни буюради, боланинг мармартош ҳақидаги орзу-умидлари бутунлай йўққа чиқади. Бола сўнгги бор яна ўша бизга

таниш йўлда, аниқроғи ора йўлда, энди унда уйга бориб дарғазаб ўгай она «қўшиғи»ни эшитишга ҳам, бебурд, пиёниста ота қошига қайтиб боришга ҳам тоқат йўқ; у оғир хаста, хаёли паришон, кичик қаҳрамон билан биз ана шу ора йўлда ўзгача бир алам-изтироб, армон, ўй-хаёл билан хайрлашамиз, балким видолашамиз.

Йўқ, бу ҳикоя навбатдаги ичкиликбозлик-нинг заарини, нохуш оқибатини кўрсатувчи, шунчаки алкоголизмга қарши қаратилган асар эмас. Ҳикояда акс эттирилган ҳодиса-нинг маъноси хийла чуқур, ичкиликка мубтало бўлиб қолган ота айби туфайли боланинг барбод бўлган орзулари ифодаси билан баробар автор одамлар орасидаги чигал, мураккаб муносабатларни очишга эришади. Ҳикоядаги айрим эслатишлар, имо-ишоралар, характерли деталлардан шу нарса аён бўладники, отанинг иккинчи хотинига кўнгли йўқ, у бу хотин билан бирга ҳам бўлолмайди, орани очди қилиб ундан қутулиб ҳам кетолмайди, орада янги фарзанд бор, бунинг устига хотин хийла ўзмир, вайсақи, молпраст; уни тийиб қўйиш учун отада журъат етишмайди; ота бундай ғурбат ва мушкулотлардан ўзини олиб қочиб иш баҳона умрини хонадондан четда, хилватда ўтказади, ичкиликка берилади... Ҳикоядан чиқадиган асосий сабоқ шуки, киши ҳаёт чигалликлари-га дуч келганида ундан ўзини четга оладиган бўлса, журъатсизлик, пассивлик қилса, бу ҳол оғир оқибатларга олиб келиши мумкин. Қаранг, журъатсизлик, пассивлик туфайли ота нақадар ночор аҳволга тушиб қолган — кўриниши, қиёфаси аянчли; куч-қувватга

тўлиб турган эр киши бўла туриб ўзини тутолмайди, оламдан ўтган севикли хотининг васиятини, порасида ўғлиниг илтижоларини амалга ошиrolмайди, фарзанди олдида инсонлик шаънини, фурурини оёқ ости қилади; айни пайтда бу noctор кимса иккинчи хотинига, дунёга келган янги фарзандига ҳам баҳт беролмайди; энг ёмони, ўз қилмишлари билан дунёни энди таниб келаётган ўғлиниг пок туйғуларини, орзу-иитилишларини барбод этади. Тўғри, ҳикояда ота образи иккинчи планда, ёзувчининг асосий диққат-эътибори бола тақдири, руҳияти тасвирига қаратилган, бола қалби, орзу-армонлари, бола армонларининг заволи ифодаси сизни ларзага солади; айни пайтда жанр имконияти доирасида, бола орзу-умидларини завол этган омиллар таҳлили сизни ўйга толдирали, одамнинг ўз инсонлик шаъни, оламдан ўтганлар хотираси, зурриётлар, уларнинг тақдири, истиқболи, қалби олдидаги бурчи, қарзини эслатиб қўяди, журъатсиз, масъулиятсиз кимсаларга нисбатан сизда нафрат, надомат туйғусини түғёнга солади.

Ҳикоянинг ечимида айrim асарларнинг, биринчи галда «Оқ кема» қиссанинг таъсири сезилиб туриди, айrim ортиқчаликлар, жумлаларда ғализликлар ҳам бор. Йлк ҳикоялари биланоқ оғизга туша бошлаган ёш ёзувчи ўзгалар таъсиридан қанчалик эрта қутулиб олса, сўзга талабчан бўлса, шунчалик ютади.

Кейинги йилларда баъзан маънавият бобида шаҳар билан қишлоқни, фан-маданият макони билан табиат гўшасини, шаҳарлик зиёли билан оддий қишлоқ кишисини бир-

бирига зид қўйиш, маънавий бисотни нуқул табиат қучоғидан, цивилизациядан йирок табиат бағрида яшайдиган тўпорироқ одамлардан қидириш, уларни маънавий жиҳатдан ўқимишли, фан-техника соҳаси одамига кўра ҳар томонлама устун қилиб кўрсатиш ҳолларига ҳам дуч келаётгирмиз. Эркин Аъзамовнинг «Баҳор» ҳикояси шу хил талқинлар билан баҳс-мунозара тарзида майдонга келган. Асар қаҳрамони Жаббор Имомов узоқ вақт ўзга юртларда юриб, шаҳарда ўқиб, ниҳоят эзгу орзусига эришади — болалиги ўтган она қишлоғига, гўзал табиат қучогига ишга келган, беадад қувонч, талай унутилган ҳис-хотиралар соғинчи кўксини тўлдирган, гўё унинг учун болалиги қайтиб келган; у ҳозир болалигидаги каби адирма-адир чопиб зира ҳам терган, қоқи ҳам татиған, бойчечак ҳам топғандек шод, беармон, яшилик олами қаршиисида лол. Мана, у кўзларини юмиб илк баҳорни қарши олмоқда, баҳор садоларига акс-садо бермоқда: «Ана, нам тупроқни ёрпб бойчечак чиқмоқда, юз очиши мунча қийин, мунча қийин — ниҳоят кўринди. Яша бойчечак! Ана қоқи! Сизларга қанчалик интиқ эдим, қоқижонлар! Ифор! Ҳидингга қачон тўяман!..»

Лекин унинг қувончлари узоққа бормайди... Одам боласининг табиати шундайки, қалбидаги қувончларини, эзгу туйғуларини дарҳол кимлар биландир баҳам кўргиси келади, қалбини тушунадиган, ҳис этадиган, дилидагини тинглайдиган одам топилганда-гина қувончи ўзига татиғи, шундай одам топилмаса, қувончлар гурбатга айланади, қолади. Афсус, шоиртабиат Жабборнинг

атрофига қалбнин тушунадиган, ҳис этадиган, дилидагиларни тўкиб солса тинглайдиган, қувончларини ўртада баҳам кўрадиган одам йўқ — таниш-билишлари ҳаммаси кундалик турмуш икир-чикирлари билан овора-ю саргардон кишилар; дилкаш қидириб болаликдаги ошналари даврасига ўзини уради, бироқ бу давра унинг учун бегона — болаликдаги дўстлари бутунлай ўзгариб кетган — уларнинг гурунги, гап-сўзлари жуда оддий турмуш ташвишларидан нари ўтмайди, ҳар куни тўпланиб олиб бирор баҳона топиб улфатчилик қилиш, ейиш-ичиш, маст-аласт ҳолда уй-уйига тарқаш...

Бу хил маънисиз гурунглардан безган И момов шаҳарни, у срдаги дўстларини эслаб кетади. «Шаҳарда ҳам шундай тўпланиб турнишарди. Аммо йиғилишларига муҳим бир гап ёки янгилик сабаб бўларди. Иннайкейин суҳбат мавзуи бу ердагига ўхшамас — улар одатда кинофильмлар, актёрлар, музика, китоб, қадимги дунё маданияти — хуллас, санъат борасида баҳслашишар, тортишишар, баъзан ҳатто жанжаллашиб ҳам кетишар эди. Лекин фақат санъатнинг устидан, санъат учун!» Албатта, у давра билан бу давранинг фарқи бор, бу табиий. Шаҳардаги дўстлари аксари студентлар ёки санъатга, фанга бевосита алоқадор кишилар эди, бу ердагилар эса оддий касб эгалари, кўпроқ шофёрлар. Ҳар қандай касб эгаларининг ўзига хос манфаатлари, суҳбат мавзулари бўлиши мумкин. Ҳикоя қаҳрамони буни яхши тушунади. И момовни бошқа бир нарса қийнайди: жўраларининг шундай улуғвор, айни пайтда мураккаб, серташвиш замонда яшаб туриб,

гўё теварак-атрофда ҳеч нарса бўлмаётган-дай инсонга бир бор бериладиган азиз умрни, умрнинг энг totли палласи — йигитлик дамларини фақат кундалик турмуш ташвишлари билан ўтказиб юбораётганликлари, оддий улфатгарчилик, ейиш-ичиши билан бўлиб, маст-карахт ҳолда ҳатто ўзлари яшаб турган она табиат гўзалликларидан бебаҳра қолаётганликлари уни қаттиқ ташвишга солади ва пировардида улфатларининг шу хилдаги маънисиз ҳаёт тарзига қарши исён кўтаради.

Бу ҳикоя ўқувчига кўп нарса ваъда қилади, афсуски, тасвирдаги айрим кам-кўстлар шу ваъдаларни тўла-тўқис рўёбга чиқариш учун монелик кўрсатган. Ҳикояда гап кўпу ҳаракат озроқ, бош қаҳрамон тўқнаш келган улфатларнинг қиёфаси мавҳумроқ, улфатларни мешчанлик кайфиятига солиб қўйган омиллар жанр имкониятлари доирасида очиб берилмаган, лоақал унга имо-ишоралар ҳам йўқ...

Ҳикояларимиздаги ижобий қаҳрамон тақдирни талқинидаги бир фазилат алоҳида диққатга сазовор, авторлар аксари ҳолларда мураккаб вазиятга тушиб қолган қаҳрамоннинг ўша вазият, муҳит билан кескин драматик муносабатини очишда фақат муҳитнинг қаҳрамон тақдиридаги зарбасини эмас, айни пайтда қаҳрамоннинг муҳитга таъсирини ҳам муайян кўринишда акс эттираётнлар. «Мармартош»да бола мураккаб вазиятнинг қурбони бўлади, бироқ бола ҳалокатининг ўзиёқ мавжуд вазиятга протест — норозилик каби туюлади. Бола ҳалокатидан йўлнинг у бошида турган ота ҳам, бу бошида

турган ўгай она ҳам ҳали бехабар; бу ҳало-  
кат хабари уларга етиб борса, албатта улар-  
да жиiddий ўзгариш бўлажагини юракдан ҳис  
этиб турасиз. «Баҳор»да эса қаҳрамон мұхит-  
ни — ғафлатда қолган улфатлар хаёлини  
алғов-далғов қилиб юборади; яна шундай  
ҳикоялар борки, уларнинг қаҳрамонлари ўз  
орзу-идеаллари йўлида дадил кураш олиб  
борадилар.

### 3. Кураш фалсафаси

Кейинги пайтларда актив ҳаётни пози-  
цияда турадиган, юксак эътиқодли курашчи  
қаҳрамонлар ҳақида кўп гапириладиган  
бўлиб қолди. Бу — яхши. Аммо баъзи тан-  
қидчиларимиз курашчи қаҳрамонлар тўғри-  
сида гап кетганда улардаги юксак эътиқод-  
ни, курашчанлик шиҷоатини шунчаки шарҳ-  
лаб, авторлар шаънига мақтовлар ёғдириш  
билан чекланиб қолаётирлар. Ҳолбуки, ҳозир  
яратилаётган энг яхши асарлардаги ижобий  
курашчи қаҳрамонлар образи чин маънода  
концептуаллик хусусиятига эга, уларнинг  
тақдирли, қалб шиҷоати, фаолияти орқали  
ёзувчилар бугунги куннинг мұхим ижтимоий,  
маънавий-ахлоқий муаммоларини ўртага  
қўяётирлар; авторларни курашнинг ўзи, ку-  
раш жараёнигина эмас, бу курашлар фалса-  
фаси, кураш учун асос бўлган муаммо  
моҳияти кўпроқ қизиқтирмоқда. Шунинг учун  
ҳам бу хил образлар, КПСС XXVI съезди  
ҳужжатларида таъкидланганидек, одамларни  
ҳаяжонлантирмоқда, баҳсларга сабаб бўлмоқ-  
да, ҳозир ва келажак ҳақида ўйлаб кўришга  
ундамоқда, улар тимсолида китобхонлар

ўзларининг фикр-ўйлари ва кечинималарига ҳамоҳанг жиҳатларни кўрадилар, уларда совет характерининг энг яхши фазилатлари тажассум тоғанинга гувоҳ бўладилар... Катта кетмайлигу, лекин инсоф билан айтганда, Учқун Назаровнинг «Акс-садо», Шукур Холмирзаевнинг «Оғир тош кўчса...» ҳикояларидаги характерлар талқинида шундай фазилатлар мавжуд.

«Акс-садо» ҳикоясининг қаҳрамони Зиёд—ижодий меҳнат кишиси, архитектор; ўз касбини астойдил севади, ҳаётининг маъноси деб билади; кечани-кеча, кундузни-кундуз демай бутун билимини, қобилиятини, истеъдодини ишга солиб оригинал лойиҳалар яратади; у яратган лойиҳалар таҳсин ва оғаринлар билан қабул қилинади, аммо ҳар гал қурилиш мобайнида турли ўзgartишлар, тузатишларга дуч келиб, охирида ўз қиёфасидан маҳрум «таъна ёдгорлик»ларга айланаверади. Зиёд бошда бунга унча эътибор бермаган, ўзи тушиб қолган искаижани ҳаёт талабининг шафқатсиз, аммо зарур мантиқи деб, ўз лойиҳаларини ўз қўли билан жўнлаштиришга, арzonлаштиришга, яъни нурсиз, жозибасиз, қиёфасиз чиқишига розник берган... У ҳар гал ўзи яратган лойиҳалар асосида қад кўтарган нурсиз «таъна ёдгорлик»лар ёнидан ўтганда эзилади, уялади, бироқ бунда ўзини иложсиз сезади. Қаҳрамоннинг бу ҳолати ҳаммамиз учун ниҳоятда таниш; дарҳақиқат, биз ҳам ҳаётда шу хил ҳодисаларга тез-тез дуч келиб турмиз — адолат, қонун-қоидаларни, шу қоидалар олдидаги ўз бурчимизни яхши биламиз, баъзан тартиб-қоидалар бузилаётганлигини

сезамиз, сезамизү унга қарған курашишга келганды ҳар хил андишага бориб ўз тинчимизни ўйлаб қоламиз; буни ҳёт тақозоси деб ўзимизни овутмоқчи бўламиз ва бу билан катта адолатсизликлар, хатолар, йўқотишлар, балким жиддий фожиалар учун йўл очиб қўйганлигимизни ҳар доим ҳам етарли ҳис этавермаймиз. Кўпинча ҳаётдаги адолатсизликлар ҳақида куйиб-пишиб гапирамиз, улардан нолиймиз, аммо шу адолатсизликларни бартараф этиш йўлида ўзимиз нима қилдик — бу ёғига келганды сукут сақлаб қоламиз. Ана шундай дамларда инсон зоти учун ниҳоятда муқаддас саналмиш юксак эътиқод ва шу эътиқод йўлида курашиш ҳисси ниҳоятда аскотади... Хайриятки, кечикиброқ бўлса-да, ҳикоя қаҳрамони Зиёд қалбида шу муқаддас ҳис — курашчанлик туйғуси түғён уради. Зиёдга энди яна бир масъулиятли вазифа — «Билим саройи» лойиҳаси топширилган. Бу топширикни ҳам у, одатдагидек, қойилмақом қилиб адо этади; қурилиш пайтида бу лойиҳа ҳам таҳрир хавфига дуч келади. Зиёд энди муросасозликка чек қўяди, бу хавфга қарши енг шимариб астойдил курашга киришади, бу кураш эса қаҳрамон учун жуда қимматга тушади. Бу масала талқинига кейинроқ қайтамиз.

Одатда, кўнглида адолат, кураш туйғуси жўш урган одам теварак-атрофидаги ҳодисаларга асло бефарқ қаролмайди, бундай одамнинг қалби доим безовта, опладами, кўчакўйдами юз берастган барча ҳодисаларга, йўл қўйилаётган катта-кичик камчиликларга ўзини шахсан дахлдор ҳис этади; адолатсизлик қандай кўринишда бўлмасин, улар

билан сира муроса қила олмайди. Шундай кайфиятни «Акс-садо» қаҳрамони Зиёдда ҳам кўрамиз. Зиёд тўртинчи синфда ўқийдиган ўғли орқали, эҳтимол, авваллари ҳам мактабдаги, ўқув-тарбия ишларидаги чигалликлардан хабар топгандир, хабар топса ҳам уларга эътибор бермагандир;adolat, кураш иштиёқида юрган бу йигит ўғлининг пионерга ўтиш пайтидаги расмиятчиликдан огоҳ бўлганида ўзини қўярга жой тополмай қолади. Зиёд ўғлидан пионерга ўтиш пайтида ўқиб берган қасамёднинг маъносини сўрайди, ўғли эса қасамёдиниг чин моҳияти, масъулияти у ёқда турсин, оддий маъносини ҳам тушунмагани маълум бўлади. «Демак, — ўйлади Зиёд, — ўғлим нима қилаётганини ўзи билмайди. Бунақангилар қанчадан-қанча! Мактабдагилар болаларга тушуниришмаган, улар учун пионерга кириш билан боғлиқ бўлган тадбирин расмий ўтказишса, кифоя. Энг муҳими, маънавий томони четда қолган! Сардор ўқийдиган мактаб биноси янги қурилган. Шунга қарамай, ярим йил деганда дераза ойналарининг ярмидан кўпини янгидан қўйишди, деразага тош отган болаларнинг бўйнида қизил галстуги бор, бир йил аввал худди шунаقا «тантанали» ваъда беришган. Бу масалага расмий ёндашиш, улуғ номлар, қасамёддек муқаддас сўзларга шак келтириш, бебурд қилиш деган гап эмасми? Мурғак, ҳали шаклланмаган дилларни шу чоғданоқ масъулиятсизликка ўргатиш, қасам, ваъда, аҳд — бу шунчаки мажбурият талаб қилмайдиган тушунчалар, деб таъкидлаш эмасми? Бундан, оғзингга сиққанича ваъдаларни беравер, кўзбўямачилик

қилавер, жавоб бериш шарт эмас, деган маъно чиқмайдими? Ахир бу гуноҳ-ку, келани қадрига етмай сочаверадиган қасамхўр-лардан кимлар чиқиши мумкин?..»

Ана шундай изтиробли ўйлар билан юрган Зиёд янги лойиҳаси хусусида «таҳрирчи» бошлиқ билан тўқиаш келади. Бошлиқ ўта кув, қылғиликни қилиб қўйиб сиртига сув юқтирумайдигилар хилидаи. У Зиёдга ўзини азиятли, у билан ҳамдард, ҳамфирк қилиб кўрсатади; аслида Зиёдининг бошига тушган гам — лойиҳага киритилган таҳрирлар туфайли у ичидаи қувонади, лаззатланади. Зиёдни ҳар хил йўллар билан овутади, кўнглига далда бергандай бўлади, лекин ичида: «Сендақа юлдуз ураман деганларни кўп кўрганимиз, бузоқнинг югургани оғилхонагача, бир кун ҳоврингдан тушасан, гижинглашингни ўшанда кўрамиз», — дейди.

Бошлиқ — ўта маккор рақиб, у қаршисида турган одамга асло ошкора зид бормайди. Мухолифининг дилини оғритмайди, рақиби билан олишиб-тортишиб ўтирамайди, ўз фикрини ҳеч қачон дангал айтмайди, мухолифи қарашини ошкора рад этмайди, лекин билиб ишини қилаверади, зимдан ўз режасини амалга ошираверади. Унинг учун ўзгаларнинг ташвиши, ижоднинг, ноёб лойиҳанинг заволи, давлат, халқ манфаати бир пул; курилаётган бино молхонами, санъат саройими — фарқи йўқ; бинони тўйтариб қўйса ҳам барибир пул тўлашса, мукофотлар беришса, жойидан ҳайдашмаса бўлгани. Бу тоифа одам билан олишиш, уни енгиш ниҳоятда мушкул муаммо. Зиёд бу одамни энди тани-

ётганий йўқ, унинг хулқ-атворини, тарихини ҳам яхши билади. Бир вақтлар бу одамда ҳам истеълод учқунлари бўлган, оригинал лойиҳалар ҳам яратган, одатдагидек, унинг ишлари ҳам қаршиликка дуч келган, лойиҳаларини ҳимоя қилиб кўрган, муддаога эришавермагач, қўл силтаб шароитга мослаша бошлаган. «Ё сен урасан, ё сени уришиди. Кучинг етса урасан, кучинг етмаса, таслим бўласан, айтганини қиласан. Бошқачаси бўлмайди. Селяви!» дейди у. Мана, неча йилдирки, бу назарияси билан маълум имтиёзларга эга бўлиб, тинч, осойишта ҳаёт кечириб келяпти...

Зиёд ана шундай мураккаб, аломат бир тоифа кимса қаршисида турибди. Ҳикоя қаҳрамони бу турфа шахснинг маънавий фожиасини — инқирозини ҳам сезади, у ижодкор сифатида сўниб битган, истеъдодли архитектор бўла туриб йигирма беш йил давомида бирорта арзигулик лойиҳа яратган эмас. У инсон, раҳбар ходим сифатида ҳам тубанлашиб кетган. Энг ёмони, у ўзининг тубан фалсафаси, ўзига хос иш услуби, ҳаёт тарзи билан ёрқин истеъдодлар йўлига гов бўлади, қанчадан-қанча ижодий меҳнат, ноёб истеъдод самараларини барбод этади, пок қалблариниң қанчаси у туфайли азият чекади. Бу маккор кимса ажойиб истеъдод эгаси Зиёднинг ноёб туйгуларини, эзгу ниятларини оёқ ости қилади, ҳатто ҳаётига зомин бўлади.

Ёзувчи ижобий ва салбий персонажлар орасидаги зиддиятнинг оқибат-натижасини, ижобий қучнинг мағлубият ва ҳалокатини кўрсатишга шошилмай, тақиидчи Норбой

— уйдойбергановнинг «Курашчаплик руҳи» азқоласида тўғри таъкидланганидек, кураш ат олишувлар жараёнини янада конкретроқ ўрсатганида, қаҳрамон маглубияти сабаблашини теранроқ таҳлил этиб берганида ҳикоянинг таъсир кучи, ижтимоий салмоғи, шубҳаниз, янада ортган бўларди.

«Оғир тош кўчса...» ҳикоясида бошқача-соқ манзарага дуч келамиз, асар бошдан-оёқ Шир-бирига зид характерларнинг кураши жараёнидан иборат. «Акс-садо»дан фарқинилароқ, бу ерда курашда салбий куч эмас, бўлаки ижобий қаҳрамон устун чиқади. Кургашинг ижобий қаҳрамон фойдасига ҳал эттилиши бу ҳикояни «Акс-садо»дан устун тўйин учун асос бермайди, албатта. «Акс-садо»да воқеалар мантиқи, асарнинг ғоявий-бёладиниң концепцияси қаҳрамоннинг маглубиятини тақозо этган бўлса, «Оғир тош кўчса...» ҳикоясида ижобий кучнинг тантанаси ҳам воқеалар ривожининг мантиқий интиҳоси тарзида рўй беради. Шуниси муҳимки, иккى ҳикояда воқеалар счими иккى хил бўлишигъ ўқарамай, ҳар иккаласи ҳам адолатсизликка ишсатан муросасизлик, фаол курашчалик руҳи билан сугорилган.

«Оғир тош кўчса...» ҳикоясидаги ҳодиса кўринишда жуда оддий. Шаҳардан келган меҳмон — рассом йигит баҳонасида эски мактабдош дўстлар тўпланиб қолишади; даврадагиларнинг бири — колхоз раиси, бошқаси — газета муҳбири, журналист, яна бири — оддий ўқитувчи... Дўстлар гўё болалик йилларига қайтиб, бир-бирлари билан самимий мулоқотга киришадилар, даврада қувноқ ҳазил-мутонба авжига чиқади. Фақат бир

одам — калондимоғ раис даврада ўзини бегона ҳис этади; баланддан келиб ўқитувчи дўстининг нафсониятига тегади — унга бамисоли бир дастёр, малай сифатида муомала қилади; бу ҳол ўқитувчига оғир ботади-ю, орада жанжал — даҳанаки олишув бошлиниди, шу олишув пайтида ҳар иккала персонажнинг ички дунёси, қисман тарихи, тақдиди намоён бўлади. «Дўстлар» орасидаги жанжал шунчаки тасодифан юз берган оддий можаро эмас, балки узоқ давр мобайнида қалбда йиғилиб ётган, тўлиб-тошган дард, ҳасрат-надомат, кучли нафратнинг кичик бир туртки, баҳона орқали вулқондек отилиб чиқиши, туғёнга келиши оқибатидир; бу можаро шунчаки икки шахс орасидаги хусусий жанжал бўлмай, балки унинг заминида кўпчилик учун қизиқарли, ибратли жиҳатлар мавжуддирки, ёзувчининг асосий диққат-эътибори айни шунга қаратилган.

Хўш, қандай қилиб колхоз раиси Муродов мактабдош, тенгдош дўсти Эсонга — ниҳоятда табаррук касб эгаси, болаларнинг мураббийси, ўқитувчи одамга бамисоли бир дастёр, малай сифатида қарайдиган бўлиб қолди? Ёзувчи жанр имконияти доирасида шу саволга жавоб ахтаради. Аввало, тенгдош дўсти раисликка кўтарилиганида Эсон бундан ниҳоятда қувониб, унга ўзини яқин олиб, баҳоли қудрат унинг ҳожатини чиқариш, уни ҳар жиҳатдан ҳимоя қилиш пайида бўлган; ўқитувчи зиёли бўлишига қарамай, меҳнат билан суяги қотган бу йигит раис хонадонидаги ҳар қанақа «қора иш»ни бажонидил адо этишни ўзига одат қилиб олган — меҳмои кузатишми, қўй сўйишми,

унга туширилган кўмирни ташишми — нима буюрилса, барчасини сидқидилдан бажара-верган. Буни раис бошқача тушуниб, мансаб эгасига қилинадиган табий муомала деган хulosага келган. Дарвоқе, одамни мансаб ажратади, деган нақл ҳам бор. Муродов мансабга кўтарилади-ю, ўзгара бошлайди, унда аллақандай кибр-ҳаво, худбинлик, манманлик, бошқалардан ўзини устун қўйиш майли пайдо бўла бошлайди, мансаб даражаси мундайроқ одамлар, ҳаттоқи яқин кишилари ҳам унга гўё тобедек туюлади. Ўқитувчи дўсти Эсонга муомаласи ундаги шу тушунча, қарашнинг бир кўришиши, холос. Иккинчи томондан, Эсоннинг раис «дўсти»га ўта тобе бўлиб қолишига бошқа бир асос ҳам бор; раис олдида бу одамнинг қисман тили қисиқ. Гап шундаки, Эсон — тўққиз фарзанднинг отаси; муаллимликдан келадиган юз сўм пул билан бундай катта оилани тебратиш ўзи бўладими? Табиники, Эсон болаларни боқиши, кийинтириш учун ўзини ўқقا-чўқقا уради, муаллимликдан бўш пайтлари ҳар хил юмушлар билан банд бўлади. Жўжабирдай жонга бош Эсон ҳолидан хабардор бўлган раис гоҳо колхоз ҳисобидан унга кўмаклашиб туради. Айни шу иши — Эсонга «ўтказиб қўйгани» учун ҳам унга баланддан келиб муомала қиласди. Раис даҳанаки олишув пайтида буни Эсоннинг юзига солади, унинг баъзи «қора ишлари» ни ҳам писандади.

Инсон зоти учун бирорвга тобелик, ўзганинг олдида «тили қисиқлик» энг оғир мушкулот; бунинг устига тобе қилиб олган одам таъна-дашномини эшлитиш унинг учун тенгсиз изтироб! Айниқса тобелик, қарамлик илдиз-

лари қўпериб ташланган, тенглик, адолат аллақачон тантана қилган бизнинг юртимизда, бизнинг давримизда. Социалистик ҳаёт тарзи, ахлоқ нормалари бузилган жойда, инсон ўзининг социалистик тузум бериб қўйган имтиёзларини, ҳақ-ҳуқуқларини, нафсониятини оёқ ости қилган жойда тобелик нинг манфур шарпаси кезинб қолиши мумкин. «Оғир тош кўчса...» ҳикояси бизни бундай хавфдан яна бир бор огоҳ этади.

Қўпдан бери тўлиб юрган, эндиликда ўз ҳолини яхши анлаган Эсон кўпчилик олдида камситилгач, виждони, гражданлик туйғуси жунбишга келади, авваллари меҳнатдан бошқасини билмайдиган кишидек кўринган, оғир-вазмин, мўмин-қобил бу йигит чин исёнкорга айланади, калондимоғ «дўсти»га қарши бош кўтариб, уни довдиратиб қўяди. Раис «қора ишлари»ни юзига солганда, бу аламзада йигит ички бир изтироб билан дейди:

«Бунинг уят жойи йўқ.. Қиламан бу ишнинам. Лекин ўғирлик қилмаганман, ҳа, қилмайман ҳам. Буни яхши тушунсангиз керак, ўртоқ Муродов? Бошқа ишни қиламан. Менинг болаларим сизнинг болаларингизни кўрганда ўксимасин дейман. Менинг болаларим ҳам сизнинг болаларингиз ейдиган ёғли гўштни есин дейман. Илиги пучак бўлиб ўсмасин, бақувват бўлсин дейман. Хотиним тенгқурлари олдида уялмасин дейман. Ҳа. Ўзим ҳам! Битта оғайним келганда қарзга нон сўраб юрмай дейман. Сиз осмонда юрибсиз, ўртоқ Муродов!»

Эсон калондимоғ бу одам олдида ўз ихти-

ёри билан инсонлик шаънини, нафсониятини оёқ ости қилгани, арзимас «эҳсонлари» эвазига унинг олдида тобе бўлиб қолгани учун ўзини асло кечирмайди. «Энди кетмайди, ўроқ раис, — дейди у. — Раис бўлсангиз ўзингизга! Мен сиз билан тенг ҳуқуқли гражданман. Буни унутманг. Билиб қўйинг: амал ҳеч кимга умрбод берилмайди! Ҳали тушасиз ҳам. Шунда, одамлар сизни оёғи билан кўрсатади. Ўлсангиз, жанозангизга бормайди...»

Бу икки хил табнатли кишилар орасидаги можаро, олишув охирида ҳалқ табиати ҳақидаги баҳс-мулоҳазага уланиб кетади. Раис билан ўқитувчи олишувини кузатиб борган меҳмон — рассом йигит ўзича бир муҳим хулосага келади. У раис билан суҳбатда дейди: «Биласизми, Муродов, чамамда, биз ўзимизни яхши билмаймиз, феълу атвормизният яхши тушунмаймиз... Мен асарларимда ҳалқимиздаги, нима десам экан, қандайдир мардликними, ўзига хос жангариликними, жасурликни дейсизми, хуллас, шунаقا нарсаларни кўрсатгим келади. Баъзилар эса, йўқ, «асл» ўзбек мулойим, кўнгли бўш, айтайлик, бағри кенг дейишади. Биламан. Шундай... Лекин ана ўша мулойимлик заминида тантилик, мардлик бор, катта қалб эгасининг хотамтойлиги бор, мен ана шундай кишиларни тасвирлашни орзу қиласман. Қаҳрамоним бағри кенг, мулойим, лекин вақти келганда журъати, ғазаби ҳам бор бўлгани қаҳрамон бўлса дейман. Масалан, шу Эсон каби. Қандай йигит эди у? Сиз тагин кўнглингизга олманг, у сизни ҳақорат ҳам қилди. Лекин менга бир жихати маъқул

бўлганини айтишим керак. Кесакдан ўт чиқар экан».

Халқ характерига хос ана шундай фазилатларни мукаммалроқ акс эттириш, журъатли, мард, жасур курашчи қаҳрамонларнинг баркамол образини яратиш бобида Шукур Холмирзаев ҳам, шунингдек, барча адиларимиз ҳам ўша хислатлар эгаси бўлмиш халқимиз олдида қарздордирлар.

#### 4. Турмуш сабоқлари

Ҳозирги ҳикоячиликда пок қалб эгалари, актив ҳаётний позицияда турган курашчи кишилар тақдирини кўрсатишга алоҳида аҳамият берилаётганлиги қувончли ҳодисадир. Айни пайтда ёзувчиларимиз ҳикоячилигимизда мавжуд яна бир яхши анъанани давом эттириб адашганлар қисматини таҳлил этиш, инсон ҳаётида йўл қўйилган камчиликлар, ножӯя, гайри ахлоқий хатти-ҳаракатлар оқибатини кескинлиги билан очиб ташлаш, аччик турмуш тажрибаларидан муҳим маънавий-ахлоқий хулосалар, сабоқлар чиқариш йўлидан бораётирлар. Адашганлар қисматини ифода этиш, йўл қўйилган хатолардан сабоқ чиқариш ҳам ёзувчи учун ғоят масъулнятли ижодий муаммо. Бу борада кам деганда иккита хавф ҳар доим ёзувчи олдида таҳдид солиб туради, бир томондан, ножӯя хатти-ҳаракатлар оқибатида содир бўладиган драматик ҳолатлар тасвирида сентиментал кайфиятларга мойиллик юз берини; иккинчи томондан, адашганлар қисматидан чиқадиган хулоса жўн, яланғон, ошкора панд-насиҳатдан, ибтидоий ўғитбоз-

ликдан иборат бўлиб қолиши мумкин. Яқин ўтмашда адашганлар қисматидан баҳс этувчи асарларда биз сентиментал талқинларга ҳам, ошкора, ибтидоий ўғитбозликларга ҳам кўп марта дуч келганмиз, ҳозирги кунда ҳам шундай хавф-хатарлар губори, кўланкаси бутунлай йўқолиб битган эмас. Адашганлар қисматидан баҳс этувчи бугунги энг яхши ҳикояларимиз аввало шу хил губорлардан холи. Биз бу ерда намуна қилиб кўрсатмоқчи бўлган ҳикоялар ҳаммадан бурун ўзининг шафқатсиз, изчил реалистик тасвири, характерларнинг ёрқинлиги, психологик далилнинг теранлиги билан ажралиб туради. Уларда авторлар илгари сурган концепция, маънавий-ахлоқий хулоса ва сабоқлар бевосита персонажлар тақдири, хатти-ҳаракати, характеристи ва руҳияти тасвири ҳамда таҳлилидан табиий равишда келиб чиқади. Бу хилдаги ҳикояларда шахс концепцияси — инсонни тушуниш тобора чуқурлашиб бормоқда, шахс табиати ва руҳиятнинг қолипларга сифмайдиган, одатдаги «ижобий»лик ва «салбий»лик ўлчовларига ҳамиша ҳам тушавермайдиган мураккаб, чигал жиҳатларига ўқувчи эътибори жалб этилмоқда; шу туфайли бу тур ҳикоялар ҳам ўз навбатида одамларни ҳаяжонлантироқда, ҳаёт ҳақида, инсон тақдири, унинг шахсияти, табиати, бахти ҳақида жиддийроқ ўйлашга, баҳс юритишга ундамоқда.

«Бирорга қолган кунинг...» ҳикояси қаҳрамони Фаттоҳ Ўлмасбоев бедаво дардга йўлишиб қолган; бу одамнинг оғир дард хуружи туфайли чеккан изтиробларини, шифокорларга тиккан илтижо тўла кўзларини кўриб бенхтиёр ачинасиз. Ҳаётнинг шафқагизли-

гини қарангки, шу пайтга қадар қанчадан-қанча одамларнинг тақдири ўз қўлида бўлган кимсаннинг ихтиёри бугун ўзгалар қўлида...

Ёзувчи Ўқтам Усмонов ҳикояда қаҳрамон ҳаётини сарҳисоб қилиш учун қулай бўлган ана шундай драматик бир палласини танлаб олиб, унинг умр йўлига назар ташлайди, секин-аста яхшигина бир одамнинг маънавий-ахлоқий жиҳатдан тубанлашиш, инқирозга юзтубан кетиш, қолаверса хасталик сабаблари маълум бўла боради. Ўлмасбоев райижроком раисининг муовинлигига кўтарилган кезлари дастлаб яхши ишлаган, одамларнинг дард-ҳасратларини, илтижо ва илтимосларини тинглаб, одамлар дардини юракдан ҳис этиб, уларга қўлидан келганча кўмаклашган, бу иш унга завқ бағишлиган, ахир ҳузурига йиғлаб кирган одам бирпасда ўзгариб, кулиб чиқиб кетса — масъул ҳсдим, раҳбар учун бундан ортиқ мукофот борми! Унда одамга меҳр туйғуси ҳам кучли бўлган — одамларни яхши-ёмонга ажратмай, ҳар қандай кишидан кўпроқ фазилат қидирган... Бора-бора қаҳрамондаги мана шу ноёб фазилатлар сўна боради.

Ҳикоянавис қаҳрамон характеридаги бу хил кескин ўзгаришлар боисини жанр имконияти доирасида яхшигина далиллаб берган. Айни шу далил-исботларнинг психологик таҳлили ҳикоянинг асосини ташкил этади; муаллиф қаҳрамон сиймосида илгари сурған асосий ғоявий концепция ҳам худди шу ўринларда намоён бўлади, айни шу далил-исботларнинг психологик таҳлили ўқувчида фикр уйғотади, уни баҳсга чорлайди.

Биринчи далил шуки, Ўлмасбоев узоқ вақт

масъул лавозимда туриб, шахсий фаровонликка эришиб олгач, ўзгалар ғамини назар-писанд қилмайдиган, совуққон, тошбағир, ўзидан бошқани ўйламайдиган бир кимсага айланыб боради, ўзгаларни ҳам ўз шахсий турмуш тарозиси билан ўлчай бошлайди. Совуққонлик, ҳиссизлик, тошбағирлик ўз ортидан бошқа қабоҳатларни эргаштириб келади. Энг ёмони, унда одамга эътибор, меҳр туўғуси сўна бошлайди, унинг ҳузурига келган одамларининг ҳаммаси — учига чиқкан товламачи ҳам, моддий ёрдамга муҳтож бева ҳам, оиласвий чигалликлар гирдобига тушиб қолган аёл ҳам — барчаси бир хилдэги тамагир шикоятчилар бўлиб кўринади, одамлардан ўзининг ширин сўзини, маслаҳатини, ҳукумат бериб қўйган имтиёзлар доирасидаги марҳамат-илтифотларини дариф тутади. Бефарқлик, дағаллик, тошбағирлик, ҳар қандай касб-хунар, лавозимда ҳам катта зарар келтиришини яхши биламиз. Аммо бевосита одамлар билан ишлайдиган соҳада, раҳбарлик лавозимида шундай иллатга мубтало кимса туриб қолса, нақадар хатарли эканлигини «Бирорга қолган кунинг...» ҳикояси қаҳрамони қисмати билан танишганда яна бир бор бутун вужудимиз билан ҳис этамиз.

Улмасбоевдаги маънавий инқирознинг бошқа бир муҳим боиси шуки, бу одам мансабпарамастлик касалига мубтало — эгаллаб турган мансаби уни қаноатлантирмайди, лавозимнинг юқорироқ поғоналарига кўтарилишини орзу қиласди, аммо ўзи ўша лавозимларга муносибми ёки йўқми — бу томони ҳақида ўйлаб кўрмайди; орзулари рўёбга

чиқавермагач, ундаги совуққонлик, беғамлик ёнига энди ҳасадгүйлик, аламзадалик келиб қўшилади. Ҳаётда иши ўнгидан келмай, юқори лавозимларга кўтариilmай қолаётган экан, бунинг учун у одамларни, хусусан арзчиларни айбдор деб билади; ўша топда арз билан келганлар кўзига ёвдай кўриниб, уларнинг барини ҳаётда омади юришмаган уқувсиз одамлар деб билади, кўнглиниг бир чекка-сида ўзини ҳам ўшалар қаторига қўшиб, заҳрини кимга сочишни билмайди, гўё бутун омадсизлигига мана шу одамлар айбдордай арзгүйларни ҳақорат қиласди... Темирни занг кемиради, одамни ҳасад деганларидаи, ҳикоя қаҳрамони шу ҳасадгүйлик туфайли одамгарчиликдан чиқиб, ҳаттоқи саломатлигини ҳам бой беради...

Йўқ, бу ҳикоя оддий бир ўгит — ҳасадгүй бўлсанг саломатлигингдан айриласан, дағал, совуққон бўлсанг жабрини тортасан, деган гапни исбот этиш учун ёзилган эмас; кўриб ўтганимиздек, ҳикоядаги асосий парса — қаҳрамоининг маънавий инқирози сабабларини очиш. Ҳикоядаги қаҳрамон руҳий инқирозининг сабаблари таҳлили муҳим маънавий-ахлоқий аҳамият ва эстетик таъсирчанлик касб этган; теран таҳлил туфайли асар сентименталликдан, ўгитбозликдан холи етук реалистик ҳикоя даражасига кўтарилиган.

Ёш ёзувчи Нортўхта Қиличевнинг «Оппоқ тонг» китобига кирган «Юган» ҳикояси бир қарашда одатдаги «тарбиявий мавзу»да ёзилган асалардан биридек кўринади, унда бир вақтлар тарбиячи ўтган одамнинг ўзи тарбияга муҳтожлиги, мақтаб ёшидаги

Ўғлини ножўя хатти-ҳаракатдан тияман, унга адаб бераман деб қўпол хатога йўл қўйгани, шафқатсизлик йўлига ўтгани ва бу билан бола кўнглидаги гўзал туйғуларни таҳқирлаши ҳақида сўз боради. Айни шу хил ҳодисаларни сюжет ипига тизиб чиқиб оддий ғанд-насиҳат қилишдан нари ўтмайдиган қанчадан-қанча асарларни ўқиганмиз. Бу ҳиддаги бетаъсир ҳикоялар аллақачон унтутилиб кетган. «Юган» шу тур ҳикоялардан икескин фарқ қиласди. Уни ўқиганда ёзувчи үчишган лавҳалар, персонажлар, улар руҳиятидаги жараёнлар ўқувчи кўз олдида шундоқ-иқнина гавдаланиб турди, асардаги драматик қартиналар уни ҳаяжонга солади, персонажлар қисмати ўйга толдиради, умуман ҳикоя узоқ вақт хотирда қолади.

Ҳикоядаги ота — ўзига хос характер. Ёлиз «Мармартош» ҳикоясида ҳам боланинг сбахтига зомин бўлган отага дуч келган эдик; ўу ерда бола отанинг пассивлиги туфайли қўйурбон бўлган эди. Бу ердаги кўнгилсизликнинг бонси бошқача. «Юган» ҳикоясидаги ота — ўзгача табиатли одам; у ҳаётда фаол, сориатли, оиласапарвар, фарзандларига мөхрибон бир шахс; оиласининг ороми, фарзандларининг тақдирини деб ҳатто олисроқдаги яхшигина иши — мактаб директорлиги лавозимини тарқ этади, оила бағрига яқин бўлай деб бошқа ишга ўтади, иш билан баробар фарзандлари тақдири ҳақида ўйлайди, уларнинг ўқиши, хатти-ҳаракатини доимо назорат қўилиб боради, айниқса тилаб олган тўнгич фарзанди Ўлмасдан умиди катта... Шу арзанда фарзанд қалтис иш қилиб қўяди — колхоз соҳхонасидағи бир от югани кўзига чиройли

кўринадиу уни ўз курраси учун ўғирлаб олади; ота ўғлиниг бу қилмиши учун дакки эшитади, орятли ота бундан қаттиқ ғазабга келади...

Ҳикоя бошдан-оёқ шу ғазабнинг силси-  
ласи ифодаси асосига қурилган. Боланинг  
юган ўғирлашини оқлаш мумкин эмас, албат-  
та, гарчи арзимас бўлса-да, ҳар ҳолда бола-  
нинг бу хатти-ҳаракатига ота сифатида Эркин  
Кўчқоровнинг эътибор бериши, бундан таш-  
вишга тушиши табий. Лекин шу ҳодисага  
муносабатда ота тутган йўл кишини таш-  
вишга солади. Отанинг мактабга бориб, дарс-  
ни бўлиб, ўғлини чақириб олиши, юган  
хусусида терговга солиши, уйга келтириб  
савалashi, арқон билан дорга осиб жазола-  
ши, сўнгра мактабга олиб бориб кўпчилик  
олдида шарманда қилишга чоғланиши — ота-  
нинг шу хилдаги қилмишлари билан таниш-  
ганда боланинг айби — юган воқеаси кўзи-  
мизга ниҳоятда арзимас, узрли бир ҳодиса  
бўлиб кўринади, отанинг қилгиликлари,  
шафқатсизлиги энг катта гуноҳ, андишасиз-  
лик, ахлоқсизлик бўлиб туюлади. Ота гўё  
тандаги кичик сўгални куйдирман деб соғ-  
лом танини бутунаси жизғанак қиласи, бола-  
даги соғ инсоний туйғуларни таҳқирлайди...

Бу ҳикоя ҳам турмушнинг мураккаб жум-  
боқлари ҳақида ўйга толдиради кишини, ахир  
ҳаётда кичкина бир хатони тузатаман деб  
катта гуноҳлар — шафқатсизликлар қилиш  
ҳоллари йўқ деб ўйлайсизми!

Кичик, арзимасдек туюлган ҳолат-ҳодиса-  
лардан жиддий можароларнинг туғилиши,  
образли қилиб айтганда, учқуннинг алангага  
айланиши — инсон руҳиятида кечадиган шу

хил мураккаб, сирли-сөхрли жараён Шукур Холмираевнинг «Шудринг тушган бедазор» ҳикоясида ўзига хос тарзда бадиий таҳлил этилган.

Бу ҳикоядагига ўхшаш ҳодисалар ҳам звваллари кўп марта қаламга олинига. Асар чин севги асосида қурилган тутув, баҳтили бир оиласининг емирилиши хусусида баҳс этади; оиласининг емирилишига далил сифатида ёзувчи бошда йигитнинг бир оз қўли калталиги, аёлнинг эса ёлғиз фарзанд эканлиги, эрка ўсганлигини писандада қилиб ўтади. Бошдан-оёқ айни шу хилдаги далил-исбот асосида қурилган ҳикояларни кўп ўқиганимиз. «Шудринг тушган бедазор» ҳикоясида писанда қилиб ўтилган ҳолатлар ҳам озми-кўпми оила тақдиринга таъсир кўрсатади. Бироқ бу ҳикояда оиласиний тутувликка раҳна солган асосий омил бошқа ерда — аёл кўнглидаги оддийгина бир майл, шу майлни ўжарлик билан амалга оширишга бўлган интилиш катта можароларга йўл очади. Гап шундаки, аёл оиласида ўз мавқенини баландроқ тутгиси келади, бора-бора эрии бутунлай ўз измига солмоқ пайига тушади. Эр унақа ўжар ёки мунофиқ, қаллоблардан эмас. Тўғри, у ҳам инсон фарзанди, ҳар қандай инсон фарзандига, эр йигитга хос баъзи ожизликлар унинг учун ҳам бегона эмас, у гоҳо улфатлар даврасига қўшилиб уйга ичиб келади, бу иши гуфайли хотинининг ранжиганлигини сезиб, ҳушига келганида унинг олдида бош эгиб узр сўрайди; аёл эринининг покиза, софдил одам эканлигини билади, ундаги одимилик, самимият, меҳр-эҳтиромни кўриб ичдан қувонади, лекин ўша топда кўнглига ўрнашиб қолган иллат—

кўринадиу уни ўз курраси учун ўғирлаб олади; ота ўғлининг бу қилмиши учун дакки эшитади, ориятли ота бундан қаттиқ ғазабга келади...

Ҳикоя бошдан-оёқ шу ғазабнинг силсиласи ифодаси асосига қурилган. Боланинг юган ўғирлашини оқлаш мумкин эмас, албатта, гарчи арзимас бўлса-да, ҳар ҳолда боланинг бу хатти-ҳаракатига ота сифатида Эркин Қўчқоровнинг эътибор бериши, бундан ташвишга тушиши табиий. Лекин шу ҳодисага муносабатда ота тутган йўл кишини ташвишга солади. Отанинг мактабга бориб, дарсни бўлиб, ўғлини чақириб олиши, юган хусусида терговга солиши, уйга келтириб савалаши, арқон билан дорга осиб жазолashi, сўнгра мактабга олиб бориб кўпчилик олдида шарманда қилишга чоғланиши — отанинг шу хилдаги қилмишлари билан танишганда боланинг айби — юган воқеаси кўзимизга ниҳоятда арзимас, узрли бир ҳодиса бўлиб кўринади, отанинг қилгиликлари, шафқатсизлиги энг катта гуноҳ, андишасизлик, ахлоқсизлик бўлиб туюлади. Ота гўётандаги кичик сўгални куйдираман деб соғлом танини бутунаси жизганак қилади, боладаги соғ инсоний туйғуларни таҳқирлади...

Бу ҳикоя ҳам турмушнинг мураккаб жумбоқлари ҳақида ўйга толдиради кишини, ахир ҳаётда кичкина бир хатони тузатаман деб катта гуноҳлар — шафқатсизликлар қилиш ҳоллари йўқ деб ўйлайсизми!

Кичик, арзимасдек туюлган ҳолат-ҳодисалардан жиддий можароларнинг туғилиши, образли қилиб айтганда, учқуннинг алангага айланиши — инсон руҳиятида кечадиган шу

хўл мураккаб, сирли-сеҳрли жараён Шукур Холмирзаевнинг «Шудринг тушган бедазор» ҳикоясида ўзига хос тарзда бадиий таҳлил этилган.

Бу ҳикоядагига ўхшаш ҳодисалар ҳам авваллари кўп марта қаламга олинган. Асар чин севги асосида қурилган тотув, баҳти бир оиланинг емирилиши хусусида баҳс этади; оиланинг емирилишига далил сифатида ёзувчи бошда йигитнинг бир оз қўли калталиги, аёлнинг эса ёлғиз фарзанд эканлиги, эрка ўсганлигини писанда қилиб ўтади. Бошдан-оёқ айни шу хилдаги далил-исбот асосига қурилган ҳикояларни кўп ўқиганмиз. «Шудринг тушган бедазор» ҳикоясида писанда қилиб ўтилган ҳолатлар ҳам озми-кўпми оила тақдирига таъсир кўрсатади. Бироқ бу ҳикояда оилавий тотувликка раҳна солган асосий омил бошқа ерда — аёл кўнглидаги оддийгина бир майл, шу майлни ўжарлик билан амалга оширишга бўлган интилиш катта можароларга йўл очади. Гап шундаки, аёл оиласида ўз мавқенини баландроқ тутгиси келади, бора-бора эрни бутунлай ўз измига солмоқ пайига тушади. Эр унақа ўжар ёки мунофиқ, қаллоблардан эмас. Тўғри, у ҳам инсон фарзанди, ҳар қандай инсон фарзандига, эр йигитга хос баъзи ожизликлар, унинг учун ҳам бегона эмас, у гоҳо улфатлар даврасига қўшилиб уйга ичиб келади, бу иши гуфайли хотинининг ранжиганлигини сезиб, ҳушига келганида унинг олдида бош эгиб узр сўрайди; аёл эришининг покиза, софдил одам эканлигини билади, ундаги одмиллик, самимият, меҳр-эҳтиромни кўриб ичдан қувонади, лекин ўша топда кўнглига ўрнашиб қолган иллат—

оилада устуулуккни эгаллаш кайфияти гулгула қилиб, эрининг паст келаётганилигидан рағбатланиб янада баландроқ кўтарилади... Илк тўқнашувда содир бўлган бу руҳий ҳолат тобора кучайнб, кескинлашиб бораведи, устунликка эришиш йўлидаги ўжарларча хатти-ҳаракат аёлни телба бир ҳолатга солиб қўяди, ундаги ҳаё, адолат, инсоф-диёнат туйғусини емиради; аёл кўра-била туриб ўз виждонига қарши боради, эрни «тийиб олиш» йўлида ҳатто ёлғондан, бўҳтондан ҳам қайтмайди! Бундай хатти-ҳаракатлар ўз навбатида эр қалбида ҳам акс-садо беради; соддадил, кўнгли меҳрга, эзгуликка тўла бир одам ўжар, инжиқ бир кимсага айланана боради, пировардида хотин зуғумларидан тўйиб кетган бу мағрут, ўжар йигит била туриб аёл бўҳтонларига иқрор бўлади. Шу тариқа аёлнинг оддийгина майлидан, инжиқлигидан бошланган можаро бир яхши оиласинги ҳалокатига олиб келади.

Буларнинг барчаси асарда ҳикоя қилинган эмас, балки кўрсатилган, бадний таҳлил этилган, бугина эмас, ҳар иккала персонаж руҳиятидаги жараёнларни автор бошқа етук асарларидағи каби холис туриб гўё суратга солган. Руҳий ҳолатларнинг сурати шунчалар таниш, ҳаётинки, уларда ҳар бир китобхон қандайдир даражада ўзини, ўз қалбини кўради, шундай кайфиятлар ўзида ҳам озми-кўпми мавжудлигига иқрор бўлади, ҳикоя ҳар бир кишини олди олинмаса, тийиб турилмаса ўтлаб кетиши мумкин бўлган майлар хавфидан огоҳ этгандай бўлади.

Инсон ҳаёти, табиати ниҳоятда мураккаб. Ўйламай босилган биргина қадам, одам

табиатига илашиб қолган арзимасдек бир иллат ёки инсон руҳиятида қалқиб чиққаш бир дақиқалик ўй-хаёл, майл баъзан унинг ҳаётини бутунилай алғов-далғов қилиб юбориши мумкинлигини «Юган», «Шудринг тушган бедазор» ҳикояларида кўрдик. Асқад Мухторниң «Қечириң мени, одамлар» асарида шундай ҳолатнинг бошқачароқ кўринишига дуч келамиз.

Бу ҳикоя ишонч ҳақида. Одамга ишонч муаммоси яқин ўтмишда, хусусан шахсга сифинишнинг иохуш оқибатларини кўрсатишга бағишлиланган асарларда жуда кескин қилиб қўйилган, муҳим ижтимоий ҳодисалар билан боғлиқ ҳолда жиддий социал проблема даражасига кўтариб тасвирланган эди. Асқад Мухторниң яниги ҳикоясида ишонч муаммосини ҳаётдаги бирор ижтимоий ҳодисага боғлаш йўқ, лекин, шунга қарамай, бу муаммо, барибир, муҳим ижтимоий-ахлоқий аҳамият касб этган.

Ҳикоя қаҳрамони Хатча хола қалб саҳовати, одамларга чексиз меҳри, ишонч-эҳтироми туфайли одам орттиради, бегоналар унга ўзининг бемеҳр ўғлидан ортиқ қадрдон бўлиб қолади, шу қадрдонлар туфайли унинг ҳайҳотдай бўм-бўш ҳовлиси гавжум бир нурли масканга айланади. Аммо кампирниң биргина андишасизлиги — қадрдонлари шубҳаси туфайли бир дамда барчаси барбод бўлади. Нарироқ бориб кампирниң иши ўнгланади, кўп йиллар йиққан ўлимликка атаган пули топилади, афсус, энг муқаддас бойлиги—қадрдонларидан жудо бўлади. Демак, инсонлараро чин дўстлик, қардошлиқ, иниогалик, меҳр фақат ишонч билан тирик,

орага салгина шубҳа, ишончсизлик тушдими, барчаси йўқقا чиқиши мумкин. Йишонч туйғуси инсон учун фақат қалтис дамларда эмас, осойншта кунларда ҳам ҳар соат, ҳар дақиқада керак.

Турмуш икир-чикирларидан, киши руҳиятидаги арзимасдек туюлган майл ва хислатлар оқибатидан инсон қисмати учун ҳаёт-мамот аҳамиятига молик сабоқ ва холосалар чиқариш қадим-қадимлардан ҳикоя жанрининг муҳим аиънаси бўлиб келган. Утган асрда А. Чехов, бизнинг замонимизда В. Шукшин бу тур ҳикоянинг нодир реалистик намуналарини қолдирганлар. Бугунги ҳикоячилигимизда шу қутлуғ реалистик аиъналарнинг ҳам тажрибали, ҳам бошловчи ёзувчилар ижодида янгича кўринишда давом этәётганлиги таҳсинга лойиқдир.

## 5. Севги сеҳри

Адабий давраларда гоҳо: «Кейинги йилларда севги ҳақида кам ёзиладиган бўлиб қолди», — деган гапларни эшитамиз. Фактлар эса акс ҳолни кўрсатади. Ҳозирги кунда ҳам худди аввалгидек севги ҳақида кўп ёзиляпти, чоп этилаётган ҳикоя тўпламларини варақлаб кўринг, газета ва журнал саҳифаларига назар ташланг, сон-саноқсиз севги ҳикояларини топасиз. Биргина «Ёшлик» журналининг ўзида икки йил давомида ўндан ортиқ бевосита муҳаббат можаросига бағишлиланган ҳикоялар босилди. Шунча асарлар бўла туриб севги ҳақида кам ёзиляпти деган фикрнинг туғилиши бежиз эмас. Аслида бу мавзуда ярқ этиб кўзга ташланадиган, ўқувчини ҳаяжонга соладиган, ўйга толдиради-

ган, узоқ вақт әсда қоладиган асарлар кам, жуда-жуда кам.

Ана шундай асарларга ташна бўлиб турган пайтимизда 1983 йили бирин-кетин матбуотда Асқад Мухторнинг «Илдизлар», Шукур Холмирзаевнинг «Бодом қишида гуллади» ҳикоялари пайдо бўлди, ҳар иккала ҳикоя ҳам дарҳол эл оғзиға тушди, гёё маълум муддат бизда сукунат оғушида қолган севги мавзуига янги бир тўлқин, жўшқинлик баҳш этди.

Севги — сўз санъатида энг кўп ишланган, бинобарин бу кўхна туйғунинг янги қирраларни очиши, у ҳақда салмоқдор гап айтиш ниҳоятда қийин. Бу икки ҳикоя тажрибаси яна бир бор шундан далолат берадиган, ошиқ-маъшуқлар орасидаги шунчаки бордикелдиларни қаламга олиш билан севги ҳақида яхши асар яратиб бўлмайди; бу туйғу кишининг маънавий-руҳий бисотини очишга қаратилган, чуқур ҳаётий маъно касб этган, гуманистик руҳ билан суфорилган, қолаверса, даврнинг маълум ҳақиқатини ифода этишга, жиддий маънавий-ахлоқий муаммоларни кўтарнишга қаратилган тақдирдагина ўз саховатини кўрсатади.

Биз севгининг сирли-сеҳрли жозиба кучи, инсонни руҳан бойитиш, поклаш, янгидан янги имкониятларини рўёбга чиқариш қудрати ҳақида битилган кўпдан-кўп асарларни ўқиганмиз. Шукур Холмирзаевнинг «Бодом қишида гуллади» ҳикояси ҳам шу йўналишдаги асарлардан.

Ҳикояни ўқиганда китобхон мураккаб туйғулар, зиддиятли кечинмалар оғушида қолади: асарда севгийнинг сеҳрли кучи, куд-

рати кўрсатилади, лекин у тантанаворликдан бутунлай холи, севги кўйинга: мубтало бўлган йигит бир қарашда аяничи кимса, унинг аҳвол-руҳияти билан танишиб унга астойдил ачинасиз, айни пайтда у сизда қандайдир фахр ҳиссини уйғотади; йигит севгиси жавобсиз қолади, у жавобсиз севги йўлида кўп изтироблар чекади, аммо шу изтироблар эвазинга ўзлигини топади, йўқотган баҳт—маънавий бойлигига қайта эришади.

Келинг, ҳикоя қаҳрамони Носиржон билан яқинроқ танишайлик, дарвоҷе ҳикоя ҳам сариқ касалига учраб касалхонага тушган Носиржонни таништиришдан, унинг таъриф-тавсифидан бошланади. Бу йигитнинг ҳолат-кўриниши noctor, қиёфаси ўта хунук, қўллари калта, хатти-ҳаракатлари, ҳаттоки жиҳдияти, салом ва таъзими ҳам беўхшов; болаликда рапит бўлган, танида унинг асорати қолган; бунинг устига ақлан мўртроқ, боши жароҳатланиб бешинчи синфдалигида ҳарф танимайдиган бўлиб қолган, ўқишини ташлаб кетган, устига устак у эндиликда сариқ касалига мубтало, тан-жони номукаммал бўлганидан уни муолажа қилиш ҳам мушкул... Эрмакка муҳтоҷ ҳамхоналаридан бири уни маймунга, бошқаси орангутанга, яна бири «Синчалак»даги Эшонга ўҳшатадилар, уни калака қилишади..

Шу хил таъриф-тавсифлар билан танишганда бошда бир оз хижолатда қоласиз: бу одам боласини таҳқиrlаш, жисмоний ожиз-ликларини пеш қилиб унинг устидан кулиш эмасми деган хаёлга борасиз. Айни пайтда бу ерда гап тагида гап борлигини ҳам ҳиёл сезиб турасиз. Йигитнинг noctor аҳволи, со-

вүккина кўриниши тўғрисидаги таъриф-тавсиф гўё тонг олдидаги зулматни ёдга туширади, кўп ўтмай қуёш нури бу зулматни тилка-пора этгани каби нарироқ бориб қаҳрамонимиз ҳаёти ва характеристининг янги қиралари очила борган, кўнгил майллари намоён бўлган сари бошда у ҳақда туғилган нохуш тасаввур секин-аста дилдан кўтарила боради.

Кўринишда ҳунук, мажруҳ одамдан гўззалик қидириш азалдан адабиётда мавжуд, бунинг энг кейинги яхши намуналаридан бири — Абдулла Қаҳҳорнинг «Минг бир жон» ҳикояси. Худди «Минг бир жон»да бўлгани каби Ш. Ҳолмирзаев ҳикоясида ҳам қаҳрамон ичор аҳвол-руҳияти, ҳунук рафтори бўрттириб таъриф-тавсиф этилгани сари унга қизиқиши орта боради ва, сўз санъатининг сеҳрини қарангки, мана шу нохуш кайфият ўйғотувчи таъриф-тавсиф қаршисида қаҳрамоннинг оддий хислатлари, жўнгина инсоний майллари, севгиси ўқувчи кўзига бошқача — ниҳоятда жозибали кўринади, фавқулодда характер касб этади.

Носиржон — болаларча содда, самимий, ишонувчи йигит, у одамлардан нуқул фазилат қидиради; у ҳаётда кўп кўргилликларга дучор бўлган, турмуши ичор, фақир, отонаси оламдан ўтган, ҳолидан хабар оладиган таниш-билишлари, яқинлари ҳам йўқ, лекин у бирон марта ҳаётидан шикоят, ҳасрат қилмайди, бирорга дардини очмайди; қўлдан келганича ўзгаларга яхшилик қиласдию улардан ҳеч нарса тама этмайди, у автобус паркида куръер, ўз ишини жон-дилидан яхши кўради; у ҳамхоналарига кўпинча га-

ражда — бузук автобусда ётиб қолишини, одамларнинг ўзига бўлган ишончини завқ-шавқ билан ҳикоя қиласди: «Қоровул менга ишониб қолган. Шунинг учун у киши уйга кетсалар, ўзим қоровуллик қиласман... Э, менга ҳамма ишонади, ака... Аммо-лекин гаражни соғиндим. Бензиннинг ҳидини биласизми. Ў!..» Ўзгаларнинг ҳожатини чиқариш — унинг учун катта шараф. «Десангиз, бизга... менга ҳар ой бепул абонемент қофоз беришади, — дея ҳикоя қиласди у ифтихор билан. — Бўш вақтим бўлдими, дуч келган аптовусга тушаман. Шаҳарни айланаман... Мисол учун, аптовусда кетяпман. Кўриб қоламанки, бекатда бир чол аланглаб турибди. Сезаман: йўлни билмайди, адашган... Шартта аптовусдан тушаман. «Саломалайкум, отахон! Йўл бўлсин?» «Э, болам, адашиб қолдим. Фалон жойга бормоқчи эдим», дейди у. Мен дарров у кишига тушунтираман: шундоқ аптовус келади, ўшанга ўтириб, флон бекатда тушасиз... Вассалом. Чол бизчи дуо қиласди. Мен яна аптовусга тушиб кетавераман. Яна бир бекатда...»

Эҳтимол, бошқа бирор учун бу хилдаги хислатлар, хатти-ҳаракатлар жўн, оддий бўлиб туюлиши мумкин, аммо Носиржон типидаги одам учун улар фавқулодда фазилатлардир, унга нисбатан ўқувчидаги ажиб бир меҳр, ифтихор туйғусини уйғотадиган хислатлардир.

Умуман бу образ тасвири ва талқинида санъатнинг гаройиб бир сеҳри мавжуд: образдаги шакл билан мазмуннинг номувофиқлиги, яъни қўринишда хунук, ноҷор бир кимсада гўзал фазилатларнинг, олижаноб хис-

латларнинг намоён бўлиши асарга ўзига хос сўржило ҳиссий оҳсанг бағишлиайди, унда аянч, мунг, ғам-алам, ҳазил-мутонба, қувноқ юмор, фахр-ифтихор, ўта хокисор-камтарона кайфият ва юксак-кўтариинки туйғу-кечин-малар қўшилиб-чатишиб кетади. Бу хусусиятлар, айниқса қаҳрамоннинг севги саргузаштлари ифодасида ёрқин кўринади.

Носиржон кўнглида севги туйғусининг туғилиши оддий бир ҳазил-мутонбадан бошланиди, эрмакка мухтож ҳамхоналар шунчаки эрмак учун Носиржонни практикант-врач қиз Хуббижамолга муносиб кўрадилар, қизнинг йигитга майли борлиги ҳақида гап қиласидар, ҳазилга мойил дилкаш қиз ҳам шунчаки эрмак тариқасида мажруҳ йигитнинг кўнглини кўтариш учун ўзини унга яқин олади; соддадил, ишонувчан йигит буларнинг ҳаммасини чинга йўяди, секин-аста унинг кўнглида севги туйғуси куртак тугади, япроқ оча бошлайди; энди унинг фикр-ёди Хуббижамолда, оғзидан унинг номи тушмай қолади, улар гўё аҳди-паймон қилган ошиқ-маъшуқлар, йигит худди бир-бирлари билан аллақачон оила қуришни ҳам келишиб қўйгандек гапиради: Носиржон касалхонадан чиққач, унга уйланади, Хуббижамол уни кутуб олади.... Гоҳо ораларидаги тафовутни, қизнинг ўта кўркаммлиги ўзининг мундоқроқ экани — қиз бўйи ўзидан бир ярим қарич баландлигини эслаб кўчада юрганда уялслар керак, деб қўяди, аммо бунга кўпам эътибор беравермайди. Севги унинг қалбида шундай шиддатли түғёнга айланадики. Энди уни тўхтатиш, шаштини қайтариш асло мумкин эмас. Бутун вужуди, тан-жони фақат

севгидан иборат бўлиб қолади, шу сеҳрли оташин туйфу оловида касалликдан фориғ бўлади, руҳан тетиклашади, танида янгидан янги куч-ғайрат жўш уради, дилида олижаноб ниятлар, орзу-ҳаваслар туғилаверади, қандай қилиб бўлмасин севгилисига яхшиликлар қилгиси келади. «Ака, бир яхши ишлар қилгим келяпти!.. Ўша киши учун!.. — дейди у ёзувчи ҳамхонасига. — У киши бир жойда адашиб қолган бўлсалару мен автоворудан тушив кўрсан-да, кулиб, йўлга солсан... А, яхши-я!»

Ниҳоят, оташин ишқ-муҳаббат туфайли яна бир мўъжиза рўй беради, бу кутилмаган тўлғоқ йигит онгида ҳам ўзгариш ясайди — болаликда йўқотган маънавий бойлигини топиб олади, қайтадан ҳарф таниб севги сатрларини ўқий бошлайди! Бошда ёзувчи ҳамхонасига «Севги нима?» деб савол берган йигит нарироқ бориб: «Муҳаббат ҳақиқатан ҳам қизиқ бўларкан», дея ҳайратга тушади, сўнг «Муҳаббатни билмабсиз, бу дунёга келмабсиз», дея дадилроқ оҳангда сўзлайди, охирида эса: «Мен ҳам одам. Яримтаман деб юрардим», — дея ҳайқиради.

Носиржоннинг севгиси тенгсиз, жавобсиз севги. Тенгсиз, жавобсиз севги ҳақида ҳам кўп ёзилган, кўп гапирилган. «Бодом қишида гуллади» ҳикояси автори ана шу кўп ёзилган, кўп гапирилган мавзунинг янги жилоларини топа олган. Носиржон ишқида ёнган қиз, кўркам-барно, дилкаш, ҳар жиҳатдан баркамол. Шуниси қизиқки, бошда йигит бу қизга кўнгил қўйиб унга талпинганида, бу ҳол ҳамхоналари учун ҳам, қиз учун ҳам шунчаки ҳазил, эрмак, ногирон йигит билан

кўркам қиз орасида муҳаббатнинг туғилиши тасаввурга сифмайдиган ҳол бўлиб туюлади. Ўша тобда ногирон йигит танида, қалбида шунчалар сеҳрли куч борлиги балким ҳеч кимнинг хаёлига ҳам келмагандир... Иисон қалби билан ўйнашиб бўлмайди деганлари рост. Фишт қолипдан кўчиб, йигит севгиси жиддий тус ола борган сари буни кўрган эрмакка мойил ҳазилкаш кимсалар ҳам доиг қотиб қоладилар, йигитга ҳақиқатни айтишга, уни бу хатарли йўлдан қайтаришга ҳеч кимнинг юраги дов бермайди. Бошда аянчили бўлиб кўринган йигит айни шу оташин севги туфайли одамлар назарида ачинишдан «баланд» шахсга айланади, аввалига уни менсимаган, ўзлари учун эрмак деб билган кимсалар энди унга ҳайрат ва ҳавас билан қарайдилар; ҳазилкаш ҳамхоналаридан бири: «Сиз ҳавас қиласа арзийдиган йигитсан. Биз... бўлганча бўлганмиз, ука», — дейди охирида.

Йигит қалби, маънавий дунёси тўла на-  
моён бўлгач, унинг бошда бир оз эриш,  
номуносиб туюлган севгиси энди табиий кўри-  
нади, бундай йигит Хуббижамолдек сулув  
қизга кўнгил қўйишга ҳақли деб биласиз.  
Тўғри, асар охирида йигит севгиси жавобсиз  
қолади, бироқ бунинг туб сабаби йигит билан  
қиз орасидаги айрмада эмас. Пировардида  
Носиржон қизнинг ўз севгани, ҳавас қилгу-  
дек муносиб йигити борлигини кўради! Мана  
шу аччиқ ҳақиқат аён бўлгач, бирор жиддий  
фожия рўй берса керак деб ўйлайсиз. Йўқ,  
ҳеч қандай кор-ҳол юз бермайди. Йигитнинг  
ўша дамлардаги ҳолати сизни ҳаяжонга со-  
лади, лекин кўнглингизда афсус-надомат қол-

дирмайди. Чунки, қиз йигитни алдаган ёки камситган эмас, йигитнинг ўзи алданган, қиз ишқидә куйинб-ёнганды, қиз кўнглини суриштирган, бу билан иши ҳам бўлмаган; йигит ўзини, ўзининг ҳаддидан ошио кетган хатти-ҳаракатларини англаб бир оз хижолатда қолади, лекин, барибир, қиздан кўнгил узолмайди, бир умр уни унутмасликка аҳд қиласди, сўнгги учрашув пайтида қизнинг: «Сизни унутмайман», деган сўзлари унга висолдан ортиқроқ бахт, руҳий лаззат бахш этади. Ҳикоя ана шундай ҳлётбахш руҳ билан тугайди.

Шукур Холмирзаевнинг энг яхши асарларига, услубига хос фазилатлар бу ерда ҳам мавжуд: ёзувчи қаҳрамонлар қалбини, қалбидаги нозик руҳий-ҳиссий жараёнларни бамисоли ойнага солиб кўрсатади; Носиржон қалбида севги туйғусининг туғилиши — куртак тугиши, япроқ ёзиши, бу туйғунинг секинаста олов олиб түғёнга, сўндириш, қайтариш мумкин бўлмаган зўр кучга айланиши, ишқ оловида ёнган танда янгидан-янги фазилагларнинг намоён бўлиши, бу оловли түғённинг ғалати интиҳоси, ошиқ йигит кўнглидаги ўқинч ва таскин — барча-барчасини шундоқ-қина кўриб, бутун қалбимиз билан ҳис этиб турамиз. Кишининг маълум бир руҳий ҳолати, кайфиятини ифодалаш нисбатан осон, лекин сўз санъатида руҳиятнинг бир ҳолатдан бошқа ҳолатга ўтиш жараёнини, хусусан бундай ҳолатлар силсиласини кузатиш, суратга солиш, шу билан баробар унинг маъносини чақиши, моҳиятини очиш ниҳоятда мушкул вазифа. Ҳикоя автори ана шундай мушкул вазифанинг уддасидан чиқолган;

йигит севгиси, қалб ҳақиқати, қалбидаги кечинмалар силсиласининг ёрқин ифодаси орқали жуда муҳим гуманистик гояни илгари сурган, инсон ва унинг имкониятларини улуг-лаган; асар оддий, камсуқум инсон боласига чуқур ҳурмат, мурувват, унинг ташвишларига ҳамдардлик түйғуси билан йўғрилган. Модомики ўта хокисор, камсуқум, иочор кўринган бир кимса танида шунчалар юксак түйғулар, олижаноб хислатлар мужассам экан, умуман инсон зоти чексиз имкониятларга эга, у ҳамиша ардоққа муҳтож; инсон қалбига асло иописанд қараб бўлмайди, инсон қалбини эҳтиёт қилиш, уни хайрли томонларга йўллаш инсон боласининг бурчиdir.

Асқад Мухторнинг «Йлдизлар» ҳикояси ҳам жавобсиз муҳаббат ҳақида. Бироқ муҳаббатнинг жавобсиз қолиш — завол тошишига сабаб бўлган омиллар бу ерда тамомила ўзгача. «Бодом қишида гуллади» ҳикоясидан фарқ қилароқ, «Йлдизлар»да ошик йигит билан маъшуқа қиз ташқи томондан бир-бирига муносиб: қиз ва йигит хиёбон йўлкасида қўл ушлашиб юрганида ҳамма уларга ўзгача эътибор ва ҳавас билан тикилиб қолишади, иккаласининг ҳам бўйич баланд, қадди расо, хушбичим, одам ёшлидаги бундай баҳтли онларини ўша дамнинг ўзида унча англаб етмайди, уни кўпинча улғайгандагина қўмсаб эслайди, лекин булар ҳам баҳтли, ҳам бир-биirlарига муносиб эканликларини ва ҳамманинг ҳавасини келтираётганликларини гўё ҳозирданоқ билишади, уларнинг мағрур юришлари, ошкора фаҳр ҳисси билан бир-биirlарига қараб қўйиншлари, ёниб турган кўзларини чеҳраларида-

ги қувонч жилвалари шундан далолат беради...

«Бодом қишида гуллади» ҳикоясида йигит билан қизнинг ташқи қиёфаси таъриф-тавсифидаги контрастли ҳолат маълум бадний мақсадга қаратилгани, чуқур маънодорлик касб этгани сингари «Йлдизлар»да йигит билан қиз орасидаги муштараклик — ташқи томондан бир-бирига муносиблик қайта-қайта таъкидланган, кўз-кўз қилинган сари ўқувчи бир оз хавотирга туша бошлайди, бу ерда ҳам гап тагида гап борлигини сезиб қолади. Дарҳақиқат, тасвир қаҳрамоннинг руҳий оламига, маънавий бисотига кўчиши биланоқ орада қандайдир номувофиқлик борлиги уч бера бошлайди.

Гап шундаки, йигит билан қиз ҳозиргина никоҳ учун ариза бериб чиқишган, улар бир ойлик синов муддати бошида турибдилар. Мана шу синовга муносабатдаёқ улар орасидаги, қарашларидағи тафовут аён бўлади; йигит, яъни Марат учун синов муддати алмисоқдан қолган янгилик, унингча, отни синайди, молни синайди, одамни синаш, айниқса севган кишинингни атайн синаш... бу — камситиш, хўрлашга ўхшаб кетади; севиш учун ошкора синаш, одамнинг иззат-нафсига тегади, синов умуман бемаъни гап... Синов одамни гўё тарозида тортиб олаётгандай туюлади унга. Қиз, яъни Муҳсина учун эса синов севган одамни янгидан кашф этиш, у қаердадир ўқиган: бир одамни чинакам севсанг, уни ҳар қадамда янгитдан кашф этаётгандай бўларкансан, янги-янги фазилатлари очила-вераркан; одам, умуман — сир, севган киши эса — айниқса, чексиз мўъжиза...

Сиинов муддатининг илк дақиқаларидаёқ сезамиз: Марат кўнглига ўта эрк бериб юборган, ўй-андишани, таомилларни таш олмайдиган, амалиётга мойил шахс. Муҳсина эса, аксинча, бир оз романтиқ, китобий, серандиша мулоҳазакор қиз; илк гапидаёқ китобдан олган сабоқларига, бинобарин маънавият хазинасига таяниб мулоҳаза юритади, Маратнинг қизни бир қултум шампанга таклиф этиши, кўчада қўлда кўтармоқчи бўлиши, лифтда бўса олишга шошилиши — бу хил беандиша хатти-ҳаракатлари қаршисида Муҳсинанинг ўзини сипо тутишлари орадаги тафовутни яна ҳам яққолроқ ошкор этиб кўяди. Лекин бундай зиддиятли ҳолат ва хатти-ҳаракатлар ҳозирча ярим ҳазил, ярим чин тарзида юз беради, нарироқ бориб орадаги тафовут хийла жиддий тус ола бошлийди. Энди ёзувчи бизни Маратнинг касбкори, ижтимоий фаолиятдаги майллари, ўз соҳасидаги интилишлари, маслак ва режалари билан танишитиради. Қиз билан йигит орасидаги суҳбатга қулоқ тутинг:

«—Мен янги лойиҳаларимда шу кухня плиталарни ўйқ даражага келтиromoқчиман! — деди у қизни стол ёнига ўтқазиб...

— Қандай қилиб?

— Ҳўш. Одам корхонада ишлайдими — бас. Уйда ҳам ишламасин-да энди. Ҳозирги одамлар ижтимоий фаол, доим банд, иш билан яшайди, уйга дам олгани, ухлагани келади, холос.

— Ошхонасиз...

— Ошхонасиз уйнинг ҳавоси мусаффо, уй эгаси ортиқча жиз-биз, ҳид, ис, лаш-лушу

гашишлардан холи бўлади. Шундоққина пастда ресторон, ошхона, қаҳвахона...

— Ўйники бошқа-да...

— Уша ерда ҳам уйникидай қилиб тайёрлаш керак! Шу ҳам муаммоми?

— Оила, болалар... — қиз ерга қаради.

— Гап келажак лойиҳалари ҳақида. Бориб-бориб оплаларда болалар камаяди. Статистика шуни кўрсатяпти. Замонавий урф, йўналиш, таомил шунаقا. Мен лойиҳаларимда турмушдаги асосий йўналишларни, айниқса техноэволюцияни кўзда тутяпман, Муҳсина...

— Йўналиш деганингиз ўз йўлига, баъзан камчиликлар ўсишлариниг давомидан иборат бўлади. Мен, масалан, оиласда болаларниг кўп бўлишини истайман... — деди у. Деди-ю, қизаринираб ерга қаради. Марат унинг стол устидаги қўлини ушлаб кулди:

— Сиз ўзингиз боласиз кичкинам...»

Ингитнинг сўзларига қаранг, унинг далил исботлари бир қарашда асосли, замонавий, илмий, бироқ кишига яланғоч, совуқ эшилди. Қизнинг шарм-ҳаё, ибога йўғрилган далилларида болаларча гўллик, соддалик бор, шундай бўлса-да, дилга ёқимли туюлади. Ёзувчи ингит қарашларини қоралаш, қизни оқлашга шошилмайди, ҳар иккисига ҳам ўзларини тўлароқ намоён этишлари учун қўйиб беради. Ингит ва қиз фан-техника революцияси ва унинг оила-рўзгор, кишиларнинг турмуши, маънавий-интим ҳаётига таъсири билан боғлиқ ҳозирги куннинг жуда муҳим муаммолари устида баҳслашадилар; Марат ўзининг техноэволюцияга оид қарашларини илмий далиллашда давом этади:

ҳозир оддийгина хонадонда ҳам камида йигирма хил мотору агрегат ишләяпти — кир ювғиң, чанг ютгич, ҳаво тозалайдиган, уй совутадиган, соч қуритадиган, қаҳва туядиган, ахлат шиббалайдиган, майса тараашлайдиган, соқол оладиган, шарбат сиқадиган, овоз кучайтирадиган машиналар, холодильник, телевизор, радиоприёмник, магнитофон, электр дазмол, электроплита... Энди бу ёғи нима бўлади, одам ўзига қулайлик яратаман деб бундай буюмларга муте бўлиб қолмайдими. Марат одамларни бундан холи қилиш йўлларини ҳам илмий далллашга интилади. «Нима қилиш кераклигини ҳаётнинг ўзи кўрсатяпти, — деди у. — Уйларни иситиш марказлашди — печка-танчадан қутулдик. Уйларни ёртиш, газ, бошқа коммуникациялар марказлашди — яна қанча ортиқча лаш-лушдан холи бўлдик. Энди хоҳ совуқ, хоҳ иссиқ сув бўлсни девор ичидағи қувурлардан оқиб келади. Жўмракни бурасангиз, бас. Бундан буён ҳам шундай бўлади. Мана, телевизор. Жиҳоз сифатида у бизга керакми? Йўқ. Бизга унинг ахбороти керак. Келажакда деворда унинг экрани қолади. Мана, холодильник. Бизга унинг бир ярим газлик гавдаси эмас, совуғи керак, шундайми? Келажакда совутиш агрегати марказлашади, токчада фақат бизга керак даражадаги ҳарорати қолади... Катта кутубхонага китоб буорасиз, унинг варақлари истаган вақтингизда уйдаги экранингизда акс этади. Уйда буюм эмас, пульт тугмачалири... Тушуняпсизми?..» Қисқаси, Марат келажак одамини жамики «майда» юмушлардан, оиласдаги масъулнятлардан озод кўришни истайди, оиласдаги ҳар қандай юмуш,

масъулият мутелик, оёқдаги кишан бўлиб кўринади, улардан воз кечиш керак деб билади.

Марат таърифлаган келажак уйлари, янги-ча оилавий муҳитга Муҳсина қисқа қилиб «Яланғоч ва совуқ» деб баҳо беради; қиз оилавий юмушлар, масъулиятлардан бутунлай холи одамлар ҳолига ачинади, унинг-ча, уйга фақат ухлагани келадиган одамлар бориб-бориб оилани ҳам, шахсий ҳаётни ҳам, ҳис-туйғуларни ҳам кишангачи қиқаришли-ри табини...

Йўқ, қизнинг ташвишлари бу — келажак-нинг ташвишларигина эмас. Турмушдаги, оиладаги масъулиятни тан олмаслик, бу борада жамики мўътабар удумларни эскилик сарқити, оёқдаги кишан деб билиш, ҳиссизлик, нуқул соф манфаат кетидан қувиш, фақат жонининг ҳузуринигина ўйлаб иш тутиш ҳозирнинг ўзидаёқ қандай кўнгилсизликларга олиб келаётганлигини кўриб туриб-миз. Ҳикоя қаҳрамони Маратнинг севгига, севгилисига, оилавий удумларга, хусусан унинг қишлоқдаги хаста онасига, онанинг эзгу туйғуларига, тилакларига, тоғасига, тоғаси оиласидаги чигалликларга муносабати бунинг учун ёрқин мисол.

Маратнинг онаси оғир касал экани ҳақида хабар келади. Муҳсина Марат билан она ҳузурига боришга қарор қиласди. Марат эса буни ортиқча ташвиш деб билади. Бўлғувси келин Муҳсина шу баҳонада йигит онасига кўриниш беришни истайди, чунки келинни куёвнинг онаси, албатта, кўриши керак, бу азалий удум. Марат учун эса бу — кўҳна урф; унинг далил-исботи ҳам тайёр: эски

вақтда зарур эди — хонадон бир, қозон-товоқ бир, тириклик бирга; энди-чи, ҳожат йўқ бунга, йигит билан қиз мустақил яшайдилар... Ота-оналарнинг келин-куёвга яхши тилаклар тилаши, оқ фотиҳа беришлиари ҳам диний сарқит бўлиб туюлади унга.

Дард устига чипқон, деганлариdek, қишлоқда она хасталиги устига тоға хонадонида ҳам кўнгилсизлик; тоғанинг ўғли хотини билан ажралган, иффатини — қизлик шаънини барбод этиб қўйган келинчакни дарҳол уйдан қувиб ҳайдаган, ота рўй берган хижолатпазликдан қаттиқ ташвишда, аммо ўғлини бунда ҳақ деб билади. Марат эса ўғил қилмишини нодонлик, ашаддий бидъат деб атайди: «Йигирмага кириб-кирмай ота-боболарнинг алмисоқдан қолган бидъатини қаёқдан юқтира қолдинг?.. Бундай ашаддий қолоқ тушунчали сендек нодонга хотин ҳайф! Бир камининг қиз чиқмади деб шўринг курғуни кўча-кўйда сазойи қилиш қолганмиди?»— дея йигитга дағдаға қилади. Марат йигит қилмишини қоралайди-ю, унинг қалбини тушунмайди; не қилсин, йигит қайлигини яхши кўради, айни пайтда унинг гуноҳини кечиролмайди. Изтироб бошидан ошиб ётган, ич-этини еб ор-номус исканжасида дардини бирорга айтотлмай қийналётган йигитни қоралаш бу инсон қалбини менсимаслик, унинг шаъни, нафсониятини оёқ ости қилиш демакдир.

Марат энди ўғил қолиб отага ёпишади, ота ўғил ёнини олганида бунга тоқат қиломайди, орада жиддий баҳс бошланади, бу баҳснинг зарби эса олисларга кетади:

«— Ана холос! Сиздек жаҳонгашта солдат,  
Европагача кўриб келган одам-а?

— Биз Европага ҳар хил модаларни кўргани бормаганмиз, жиян...

— Қанақа мода?

— Мода эмиш-ку, ҳозир... ўрта мактабда-  
ёқ... — тоға сўз тополмай қийналиб қолди.—  
Ўничи синфгача иффатини сақлаб юриш  
қолоқлик, маданиятсизлик ҳисобланармиш.

— Извогарларнинг гапи... Сизга яраш-  
майди.

— Бўлса бордир. Лекин сиз ҳимоя қилаёт-  
ган «замонавий» келиннимиз ўқишни энди  
битирган эди.

— Ана, кўрдингизми, ёш! Алдангаи бўли-  
ши мумкин.

— Латиф уни алдангани учун эмас, алда-  
гани учун жазолаяпти.

— ... Бу қадар шафқатсизликни унга сиз  
ҳам эп кўрибсиз-да?

— Шафқатсизлик... Ота-боболаримиз бу-  
нинг учун қизларни тошбўрон қилишган. Мен  
буни маъқулламайман, албатта, лекин номус-  
ни шу қадар баланд қўйишиларни маъқул-  
лайман. Ор-номусни ёшликтан ардоқлаган  
ота-боболаримиз. Эплаганча ардоқлаган. Сиз  
Европани гапирдингиз. Тўғри, кўрдик. Евро-  
па ҳам ҳар хил экан. «Озод севги» деган  
чиркинликларни ҳам эшитганимиз. Лекин ҳар  
бир юртнинг ўз ахлоқи, ақидаси бор, жиян.  
Биз ота-боболарнинг яхши удумларини  
хурмат қиласиз...»

Марат, барибир, ўз сўзида қолади, шахсий  
туйғуларни дахлсиз деб билади, ҳаё, иффат  
бобидаги қаттиққўлликни сарқит санайди.

Кўриниб турибдики, тога-жиян орасидаги

баҳс шунчаки адабий интрига, «ижобий» ва «салбий» қаҳрамонларнинг тортишув-олишувлари учун тўқилган ясама асос эмас; бу ерда ҳаёт нафаси уфуриб турибди, бугунги кунда кўпчиликнинг кўнглида дард бўлиб тилининг учида турган, ҳаммани ҳаяжонга солаётган, ўйга толдираётган чин ҳаётий муаммоларнинг акс-садосидир.

Ҳаёт тажрибаси қайта-қайта шуни кўрса-таётирки, турмушда масъулнитни унуглан, жамики мўътабар удумларни рад этган ким-салар ҳар қандай пасткашликдан ҳам қайтмайдилар. Хаста онага муносабатда Маратнинг маънавий бисоти яна ҳам равшанроқ намоён бўлади, бу кўркам йигит кўзимизга ниҳоятда хунук кўриниб кетади. Яқин-йироқлар, жумладан бегона қиз Мұхсина ҳаёт шомини кечираётган она ёнида парвона, унинг кўнглини олиш билан овора, онанинг ўз жигарбанди Марат эса бетоқат, зерикади. Шу ўринда қаҳрамон характерини ярқ этиб очиб юборадиган ёрқин деталлар ишга солинади: авваллари чекмаган Марат чекади, тўхтовсиз чекади; маълум бўляптики, у кутяпти, онасининг тезроқ бирёқли бўлишини бетоқат кутяпти... Ниҳоят, она оламдан ўтади. Марат ҳам инсон боласи, бу мусибатдан изтиробга тушади, аммо ичидан мусибатдан тезроқ холи бўлишни, бу нохуш дақиқалар тезроқ ўтиб кетишини ўйлайди. У жонининг тинчини ўйлаб она васиятини— ўлимни олдида ўғлига айтган гапини— Андижонга олиб бориб отаси ёнига қўйинш ҳақидаги илтижосини одамлардан сир тутади. Мана бу лавҳани китобхон лоқайд ўқиши мумкин эмас:

«Марат ҳамон дарвоза ёнида кирган-чиқ-  
қанга қўл қовуштириб турарди. Муҳсина уни  
имлаб четроққа чақирди.

— Нега айтмадингиз, эсингиздан чиқди-  
ми? — деди нимранг юзига тикилиб. Марат  
тушунмади. — Аянгизнинг айтганлари-чи..  
Дадангизнинг ёnlарига қўйишни...

Марат бармоқлари билан пешонасини  
қисди:

— Ҳа, энди, айтдилар-қўйдилар-да... Му-  
раккаблаштирманг.

— Ахир, она васияти...

— Қанақа васият? Қанақа васият?! Ўзин-  
гиз ўйлаб кўрсангиз-чи, ҳозир Мирзачўлга  
энди ката тикилган пайтлар эмас, ахир.  
Одамлар кулмайдими?

— Айтганларини қўлсангиз, руҳлари бе-  
зовта бўлмасди дейман-да, — қиз унга раҳ-  
ми келиб, товушини пасайтирди, бош эгди.

— Одам ўлди-кетди. Ё чиндан ҳам руҳга  
ишонасизми?

— Ўзингизнинг кўнглингиз тинч бўлар-  
ди...

— Қанақасига тинч бўлади: ўлікни шундан  
шуёққа олиб бориш яна уч кунлик ташвиш-  
ку, биласизми шуни? Ҳали шундоқ ҳам...»

Езуви Маратнинг ҳолат, хатти-ҳаракати-  
ни кузатишда давом этади, энг жиддий муси-  
батли дамларда ҳам Марат ўзлигига, ўз  
ақидасига содиқ қолаверади. Унинг қабристон-  
даги ҳолат-кечинмаларига қаранг: «Қо-  
воқлари қизарган Марат ҳассакашлар ораси-  
да бош эгиб тураркан, негадир қабристон-  
нинг совхоз шаҳарчасига жуда яқин экан-  
лиги ҳақида ўйларди. Кейин хаёли ўз лойи-  
ҳаларига кетиб қолди: янги шаҳар лойиҳала-

рида қабристонни қаёққа мүлжаллаш маъқул? Узокроққа, шаҳардан йироққа, албатта».

Яна шу нарса аён бўладики, Марат дадаси хотирасини ҳам бутунлай унугтиб юборган, Мұхсина уни ёдга туширганда: «Эски гапларни қанча тезроқ унугсанг, келгусидагиларни ўйлаш учун шунча кўпроқ имкон туғилади... Бундай ўйлайвериш... Бундай яшаш... Үзи шундоқ ҳам ҳаёт осон эмас», — деб жавоб қиласди.

Бу бемаслак кимса шу даражага бориб етадики, онаси учун энг азиз бисот — меҳри тушиб қолган қыз Мұхсинага ҳадя этган зебигардонини тарихий-маниший реквизит сифатида бирорларга бериб юборади, уни бурунги замондан қолган, ҳозирги кунга ярамайдиган ортиқча осори атиқа деб билади.

Энди Мұхсина кўнглида кечган руҳий изланнешлар, иккиланишлар интиҳосига етади, йигит билан орани очди қиласди; Маратга дангал: «Биласизми, мен кўп ўйладим, ҳаётимизнинг қандайдир ахлоқий сарчашмалари, ота-боболарнинг руҳий удумлари бор. Уларни оёқ ости қилган одам самимий бўломмайди», — дейди.

Ҳа, ҳаётни мумкин қадар соддалаштиришга, оёққа илашган ўтмишдан, урфу удумлардан, шартли боғланишлардан холи бўлиб, фақат келажакка интилиб яшашга аҳд қилган йигит азалий эзгу туйфу, соф севгига, Мұхсина каби аломат қыз васлига номуносиб. Қыз ўз тақдирини Марат типидаги одам қўлига топширолмайди, чунки у ўз эътиқодига зид боролмайди. Ҳикоя аввалида илк галидаёқ китобдан олган сабоқларига таяниб мулоҳаза юритган романтик табиатли қыз

охирида ҳам маънавият ҳазинасига суюниб қатъий ҳукмнин айтади. Маратнинг қилмишлари қизга машҳур «Асрға татигулик кун» романидаги Манқуртни эслатади. Қиз йигитга дейди: «Ўша куни сиз кўрган китобда бир жазо усули тасвиrlанади. Ўша жазодан кейин одам хотирасини тамом йўқотиб, эл юртини ҳам, ерини ҳам, насл-насабини, ҳатто онасини ҳам унутар, танимай қолар экан. Манқурт дер эканлар шундайларни... Манқурт бўлгим келмайди....»

Дарҳақиқат, Марат характери билан Чингиз Айтматов романидаги замонавий Манқурт Собитжон орасида муайян муштараклик бор, Марат Собитжоннинг яқин инисидир, аммо унинг такори эмас. Асқад Мухтор Марат орқали ўзбек адабиётида замонавий Манқуртнинг бетакрор образини яратди; бундай тип воситасида маънавий-машни ҳаётимизнинг янги қатламларини кўрсатишга эришиди, адабиётимизда севги мавзунга янги гап олиб кирди.

Ҳикояда икки ёшнинг севги тарихи чуқур ҳаётий маъно касб этади; севгини завол этган омилларни кўрсатиш орқали ёзувчи бугунги куннинг муҳим маънавий-ахлоқий муаммоларига жамоатчилик эътиборини тортади. Асқад Мухторнинг кўпчиллик асарларида бўлгани каби бу ҳикоядаги етакчи қаҳрамонларда ҳам концептуал хусусият бўртиб кўринади, ёзувчи қаҳрамонлари ташийдигач гояни алоҳида таъкидлашдан чўчимайди, чунончи ҳикоядаги Марат келажакка ўнтиламан деб она заминдан, ўтмишдан, маънавият сарчашмаларидан ажралиб, узилиб қолган шахс; биз ҳикояда Маратни хилма-хил

Ҳолат-вазиятларда учратамиз; шуниси характерлики, Марат ҳар бир ҳолат, вазиятда — севгининг қувончли дамларида ҳам, ўз ишилойиҳалари устидаги баҳсларда ҳам, ташвишли онларда, тоғаси хонадонидаги кўнгилсизликларга, ёшлар турмушидаги чигалликларга ёндашишда ҳам, мусибатли дамларда ўзини тутиши, она васияти, ота хотирасига муносабатда ҳам — ҳамма ҳолларда характерига хос бош хусусиятни намоён этади. Айрим ўринларда ёзувчи қаҳрамонларини атайи маълум вазиятларга солаётганлиги сезилиб қолади, чунончи Муҳсинанинг Марат билан касал она ҳузурига боришга қарор қилиши сунъийроқ туюлади. Аммо ҳикоянависнинг шундай йўл тутиши учун маълум бадий зарурат бор: ёзувчи Марат характерини севги синови фонида очишни мақсад қилиб қўйган; Марат маъшуқа Муҳсина учун сир, жумбоқ; Маратнинг бутун ғисоти, кирдикори Муҳсина кўз олдида намоён бўлиши лозим; шунга кўра маъшуқа қиз ҳамма ерда, жумладан, қишлоқда она ҳузурида, тоға хонадонида, ёшлар можаросида ҳозири нозир. Бунинг устига асарда Маратининг хатти-харакати икки шахс — ҳам ёзувчи, ҳам маъшуқа қиз нигоҳи орқали баҳоланади, ёзувчи баҳоси билан қиз баҳоси бир-бирига яқин келади.

Пировардида «Илдизлар»даги яна бир фазилатни алоҳида таъкидлаш зарур. Ёзувчи ҳикояда маълум маънавий-ахлоқий муаммони кўтарган экан, қаҳрамон характерини шу муаммо нуқтани назаридан таҳлил этар экан, масаланинг социал мөҳиятини очишга алоҳида эътибор беради, натижада ҳикоядаги Марат ўзига хос тип даражасига кўтари-

лади. Дарҳақиқат, ҳикоядаги Марат бугунги кунда ҳаётдаги муайян ҳодиса моҳиятини ўзида ташувчи ёрқин бетакрор шахсdir. Ёзувчининг бу борадаги тажрибаси ёш қаламкашлар учун ибрат бўла олади.

Хуллас, «Бодом қишида гуллади» ва «Илдизлар» ҳикояларида кўхна севги туйғуси ўзининг янги сеҳрли кучини яна бир бор намойиш этади; ҳар икки ҳикоя автори ҳам севги орқали бугунги куннинг жиддий ва долзарб гапини топиб айта билғанлар.

## 6. Инсониятнинг садоқатли ҳамроҳлари

Адабий муҳокамалардан бирида таниш адабиётчи дўстим: «Кейинги йилларда паррандаю даррандалар, хилма-хил жондорлар образи жуда кўпайиб кетди, аммо улар ҳар доим ҳам ўзларига юкландган ғоявий-бадиий вазифани яхши адо этолмаётирлар», — деди ва кўп миллатли совет адабиётининг бу борадаги нодир намуналарини эслатиб, ўзбек адабиётида уларга тенглаша оладиган асарлар яратилмаётганлигидан ташвишда эканлигини айтди.

Дўстимнинг мулоҳаза ва ташвишларида асос бор. Дарҳақиқат, бизда кейинги йилларда паррандаю даррандалар, хилма-хил жондорлар образини яратишга майл хийла кучайган бўлса-да афсуски, айтайлик, Гавриил Троепольскийнинг машҳур қиссасидаги Оқ бим Қора қулоқ, Чингиз Айтматов асарларидан бизга таниш Гулсари, Шоҳдор Она Буги, Қоранор сингари катта фалсафий бадиий умумлашмалар даражасига кўтарилған образлар ҳали яратилган эмас.

Миллний адабиётда пайдо бўлган ҳар бир янгиликни кўпмиллатли совет адабиётининг энг яхши намуналари бўйи билан ўлчаб баҳолашга интилиш яхши. Бироқ бу ишнинг бир нозик томони ҳам бор. Чўққига маҳлиё бўлиб қолган одам баъзан оёқ остига қарамай, йўлдаги кичик, аммо гўзал, керакли, истиқболи порлоқ ниҳолларни пайқамай ўтиши ёки баъзан тоғтаб кетиши ҳам мумкин. Биз — адабий танқидчилар юксак чўққиларни нишонга олиб иш кўриш билан баробар ниҳол шаклидаги адабий ютуқларимизни авайлаш, қўллаб-қувватлашга бурчлимиз. Шундай ютуқлар бугунги ҳикоячилигимизда парранда-даррандалар, жондорлар образини яратиш бобида ҳам бор. Эътиборга молик томони шундаки, ҳикоянависларимиз паррандаю даррандалар образи, уларнинг инсон билан муносабати, ўзига хос ҳаёт тарзи, қисмати ифодаси орқали ҳозирги кунда ҳамманни ўйлантираётган экология муаммосига ўз муносабатларини билдиримоқдалар; энг муҳими, инсон ҳаётининг мураккабликларини кўрсатишга, муҳим ижтимоий, маънавий-ахлоқий муаммоларни ўртага қўйишга, ҳаёт ҳақиқати, унинг чигалликлари хусусидаги ўймушоҳада ва мулоҳазаларини илгари суришга интилаётирлар.

Бу хил ҳикояларнинг деярли барчасида ҳодисалар хийла кескинлаштириб берилади, уларда воқеалар жондорларнинг ҳалокати билан хотималанади: Шукур Холмирзаевнинг «Подачи» ҳикоясида қариянинг садоқатли ҳўқизи ҳаром ўлади, «От эгаси»да қаҳрамон қадрдон ҳамроҳи — Қорабайир отини ўз қўли билан отиб ташлайди; шу ёзувчининг

«Чўлоқ турна» ҳикоясида «бош қаҳрамон» олис сафарда ҳамроҳларига тенг келолмай ҳалокатга учрайди; Нортўхта Қиличевнинг «Юзма-юз» ҳикоясида болакай севимли тарғиљ мушугининг бошини уриб ёради; «Зилзила» асарида чолнинг вафодор ити машина тагида қолади; Ўқтам Үсмоновнинг «Тунда увлаган ит» ҳикоясида эса ит эгаси ўлимидан кейин ҳаётни тарк этади; Нусрат Раҳматовнинг «Чол, от ва бола» ҳикоясида оиласа кўп заҳмати сингган саман охири қассобнинг қўлига тушади; Олим Отахоновнинг «Даргоҳи кенг дунё» ҳикоясида болалари ғамида ўзини ўтга-чўққа урган она мушук пировардида қаттиқ зарбага учраб жон таслим этади ва ҳоказо.

Воқеалар ечимидаги шу хил муштаракликка қарамай, мазкур ҳикояларнинг бирор таси иккинчисини асло такрорламайди. Чунки ҳар бир ҳикояда жондор персонажни ҳалокатга олиб келган омиллар, уларнинг таҳлил ва тасвири, бадий даражасидан ҳатъи назар, ўзгача бетакрор. Бу ҳикоялар ўзига хос ҳаётний савол-жавоблардан иборат. Ҳар бир ҳикояни ўқиганда ўзимизча нега шундай фожиа юз берди, дея савол қўямиз ҳамда шу саволга жавоб излаймиз ва ҳар бир ҳикоядан шу саволга турли хил, турли даражадаги жавоблар топамиз. Ҳикоялардаги фожей хотима таъсирчан, ўқувчи қалбидаги ўқинч-изтироб туғдиради, бироқ улар тушкунлик, умидсизлик кайфиятларидан холи; уларда ҳаётнинг шафқатсиз ҳақиқати мардонавор бир позицияда туриб ифода этилади, фожиага олиб келган омиллар, бадий ифода даражаси турлича бўлишига қарамай,

ҳаётий, мардона бўлгани учун ўқувчини сен-  
тиментал кайфиятга солмайди, балки ҳаёт,  
унинг муаммолари, чигалликлари устида  
жиддий мушоҳада қилишга чорлайди.

Гапни Шукур Холмирзаевнинг «Подачи»  
ҳикоясидан бошлай қолайлик. Қари ола ҳў-  
киз подачи Останақул чол учун ниҳоятдэ  
қадрдон, бу ҳўкиз билан чол неча йиллар  
эл-юрт хизматида бўлган, бу тилсиз садо-  
қатли ҳамроҳ қариянинг кўп оғир кунларига  
яраган, ҳўкиз касалланиб жон таслим эта-  
ётганида чол унинг ёнида қўлда пичоқ билан  
мижжа қоқмай тонг ортиради, жон берадёт-  
ганилигини кўра туриб қўли ҳўкиз бўғзига  
пичоқ қадашга бормайди, сўнгги дақиқалар-  
да ҳам унинг соғайиб кетишига умид боғлай-  
ди. Шу тариқа ҳўкиз ҳаром ўлади. Ўша  
мураккаб вазиятдаги чолнинг аҳвол-руҳияти  
ифодаси ёрқин, таъсирчан, маънодор, бир  
ҳикоя учун етарли. Бироқ ёзувчи бу билан  
чекланмайди, воқеа давом этади —чолни муз-  
ҳокама қилишади, чолнинг аҳвол-руҳиятидан  
бехабар гумроҳ бандалар уни бепарволикда  
айблашади, ҳўкиз хунини тўлашни талаб  
этишади. Бу олижаноб қария ўша топда  
одамларга ҳақиқий аҳволни гапириб бериш-  
ни ортиқча деб билади, сира оғринмай, ҳўкиз  
хунини тўлашга рози бўлиб қўя қолади. Бу  
мутелик ёки пассивлик оқибатими? Иўқ, чол-  
нинг ҳолати ва хатти-ҳаракатини фақат бо-  
шидан шу хилдаги иш ўтган одамгина тушу-  
ниши, ҳис этиши мумкин, холос. Тўғри, ҳўкиз  
— эл мулки; ҳақиқатан ҳам чол ҳўкизни  
ҳалоллаб, эл мулкини асраб қололмагани  
учун айбдор. Лекин қарияда утилитар ман-  
фаатлардан юқорироқ турувчи ноёб инсоний

туйғу бор; бу туйғу чолни ўзи учун бамисоли тирик одамдай бўлиб қолган жондор бўйнига пичноқ қадашга йўл бермайди. Шуниси қизиқки, чолнинг аҳвол-руҳиятидан хабардор китобхон бу ишда уни асло айбор санагиси келмайди. Қария ўша вазиятдаги айни шу хил «гуноҳи», кўнгилчанлиги билан кўзимизга ниҳоятда ёқимтой кўриниб кетади.

Шу ёзувчининг «От эгаси» ҳикоясида «Подачи»дагига нисбатан акс ҳолни кўрамиз. «Подачи»да-ку қаҳрамон садоқатли ҳамроҳи — касал қора ҳўқизни сўйишга қўли бормаган эди, нега энди «От эгаси» қаҳрамони севимли ҳамроҳи — кўркам ва соғлом қорабайирини ўз қўли билан отиб ўлдириди? Бу жоҳиллик ёки шафқатсизлик оқибатими? Ҳодисанинг асл боиси билан танишган китобхон бу ерда ҳам қаҳрамонни айبلاغиси келмайди. «От эгаси» қаҳрамони И nod асло жоҳил, шафқатсиз эмас, балки дилкаш, аламдийда бир одам. У жониворни ёқтиргани учун эмас, унга бўлган чексиз меҳри, токи у тирик экан, ундан айри яшашни тасаввур ҳам этолмаслиги, уни бировнинг, айниқса бир ярамас, пасткаш кимсанинг қўлида кўришни асло истамагани учун ҳам отиб ўлдиради.

Ҳаётда нималар бўлмайди дейсиз. Тасодиф туфайли И nodнинг бошига оғир мусибат тушган — уйига ўт кетиб хотини, икки фарзандидан жудо бўлган; шунда мусибат зарбидан гангигб, савдоий бўлиб қолган йигит дардига ота мерос қорабайир от ора киради. И nod бу отда дала-қирларни сайр этиб ўзини овутади: шу тариқа қорабайир унинг

яна ҳам азиз, қадрдон бўлиб қолган, бу отсиз у ҳаётини тасаввур ҳам этолмайди. Мана шу отга қаллоб бир кимсанинг ишқи тушиб қолади, қандай қилиб бўлмасин уни қўлга олиш пайига тушади. Қаллоблар ниҳоятда устомон бўладилар, улар ўзларининг шахсий ғаразли мақсадларига эришиш йўлида одатда ҳеч нарсадан тап тортмайдилар, ҳукумат ишониб топшириб қўйган мўътабар мансаб ва вазифаларни сунистеъмол қилишдан ҳам қайтмайдилар; ҳукуматнинг адолатли қарорларини, йўл-йўриқларини ўз муддаларига мослаштиришдан ҳам тоймайдилар. Бу борада қулай келган ҳар бир фурсатдан фойдаланишга ўта чапдаст бўладилар. Ҳикоядаги вакил — Эгамберди ана шундай нусхалардан. Бу одамга ғоят масъулиятли вазифа топширилган, у қимиз ишлаб чиқарадиган янги совхозга аҳолининг ортиқча байталларини сотиб олиш учун вакил қилиб тайинланган. Эгамберди учун қулай вазият келади, мансаб воситасида кўпдан бери кўз остига олиб қўйган Инод отини қўлга киритишга чоғланади; ҳар хил найрангларни ишга солади, ниҳоят дўйқ-пўписага ўтади. Инод ҳам ўз навбатида қорабайирни олиб қолиш учун ҳамма ишни қиласди, бироқ қаллоб аҳдидан қайтмайди. Шунда Инод иложсизликдан қорабайирга қаратса ўқ узади. Ҳикояни ўқинганда китобхон бу иш осон кўчмаганлигини, қаҳрамон учун ниҳоятда қимматга тушганлигини кўриб, ҳис этиб туради. Инод қўлидаги милтиқдан отилган ўқ садоси қаллобликка, нопокликка, мунофиқликка ва ҳиссизликка қарши ўзига хос бир исён каби янграйди.

Нортўхта Қиличевининг «Юзма-юз» ҳикоясида ҳам «От эгаси»дагига ўхшаб қаҳрамон қадрдон ҳамроҳини ўз қўли билан ўлдиришга мажбур бўлади. Бироқ бу срда болакайниң шафқатсизлик қилишига — севимли эрмаги — кечалари қўйнида олиб ётадиган, кундузлари ундан бир қадам ҳам ажрамайдиган тарғил мушугини уриб ўлдиришига сабаб ва бу ҳодисадан келиб чиқадиган сабоқхулоса тамомила ўзгача. Болакай илк бор шафқатсиз ҳаёт ҳақиқати билан юзма-юз келиб, қадрдон ҳамроҳининг беозор чумчук полапонига тажовуз қилганини, уни ғажиб еганини кўриб, ўзи учун ғоят даҳшатли кўринган бу ҳодисага қари бувисининг бепарвогина муносабатда бўлганлигини сезиб, бу ишларга чидолмай, шафқатсизликка шафқатсизлик билан жавоб қайтаради, бехос қўлидаги тешача билан мушук бошига туширади. Қисқаси, ҳикояда арзимасдек кўринган бир шафқатсизлик, катталардаги бепарволик мурғак қалбда шафқатсизлик туйғусини туфдиради.

Шу ёзувчининг «Зилзила», шунингдек Нусрат Раҳматнинг «Чол, от ва бола» ҳикояларида ҳам жонворларга қилингандай шафқатсизлик баҳонасида ҳаётнинг мураккабликларини кўрсатишга, муҳим маънавий-ахлоқий масалаларни қўзғатишга интилиш бор. Чунончи, «Зилзила»даги зилзила оқибатида ҳовли-жойидан ажralиб янги «дом»га кўчиб ўтган чолнинг ҳаётдан бевақт кетган ўғлидан ёдгор — вафодор ит туфайли чеккан ташвишлари, бу итнинг «дом»га сифмай сарсон-саргардон бўлиши, инжиқ қўшнилар дастидан охири бу садоқатли ҳамроҳни йўқотиш пайи-

ига түшгани ҳикоя қилинади; «Чол, от ва бола» асарида эса оиласа янги келин бўлиб тушган аёлнинг ичи торлиги, зиқналиги, зуғуми оқибатида бу оила аъзолари учун қадрдан бўлиб қолган от қассоб қўлига тушади... Нимаси биландир машҳур «Муму»ни зэслатадиган бу икки асарда жониворларни ҳалокатга олиб келган ҳаётий ғомиллар чуқурроқ, теранроқ таҳлил этилганида, мураккаб вазиятнинг пок қалблардаги акс садоси батағсилоқ кўрсатилганида ҳикояларнинг жамоли яна ҳам очилиб кетган бўларди...

Шундай ҳикоялар ҳам борки, уларнинг «қаҳрамонлари» фақат паррандаю даррандаларнинг ўзлари; уларда одамлар образи ҳдеярли учрамайди, учраганда ҳам фақат иккинчи планда ёки саҳна ортида кўринадилар. Бир қарашда улар масалга ўхшаб кетадилар, уларда ҳам рамзий маъно бор. Бироқ улардаги рамзийлик ўзгача, масалдагига ўхшаб ўғитга ўтиш, қиссадан ошкора ҳисса ҷиқариш йўқ. Биз назарда тутаётган ҳикояларда паррандаю даррандалар ҳаёти, турмуштарзи, саргузашти гўё ўз ҳолича, холис-объектив тарзда ифода этилаётгандай туюлади; паррандаю даррандалар турмуши, ҳаёт тарзи, саргузаштлари ифодаси инсон ҳаётига оид ошкора имо-ишоралар йўқ ҳисоб. Аммо шунга қарамай, паррандаю даррандалар ҳаётидан баҳс этувчи бу ҳикоялар бенхитиёр сизни инсон ҳаёти, унинг муаммолари ҳақида ўйга толдиради.

«Чўлоқ турна»да қаламга олинган ҳодисалар — турналар ҳаётига оид ғаройиб тартиботлар: улардаги олий интизом, бирдам-

лик, ўз сафларини ҳар доим покиза ва соғлом бўлиши устида тинмай қайфуриш, зурриёт ташвиши, фарзанд тарбияси, болалари ни кичиклигиданоқ ҳаётга, олис сафарга тайёрлаш, ҳаёт ва сафар мاشаққатларига бардошли қилиб ўстириш — буларнинг барасида инсоният ҳаёти учун қандайдир ибратли сабоқлар мавжуд.

Олим Отахонов аввалроқ ёзган «Нур», «Чаноқ» ҳикояларида худди «Чўлоқ турна»-даги каби паррандалар турмуш тарзини, саргузаштини тасвирлар экан, улардан кишини ўйга толдирадиган маъно қидиришга интилган, бу борада у маълум тажриба ҳам тўплаган эди. Ёш ёзувчининг «Даргоҳи кенг дунё» деб аталган янги ҳикоясида айни шу хусусият хийла чуқурлашган.

Агар «Нур» қалдирғочлар, «Чаноқ» кантарлар ҳаётидан олиб ёзилган бўлса, «Даргоҳи кенг дунё» ҳикояси учун бир қари ёввойи она мушук ҳаёти, аччиқ қисмати асос бўлган. Асар она мушукнинг оддий кундалик юмуши ифодасидан бошланади:

«Кичкина, заиф боласини тишлаб олган ёввойи мушук пастак девор устидан енгил чопиб келиб ерга сакради. Ортидан шириллаб тупроқ тўкилади. У чўчиб таққа тўхтадида, атрофга қулоқ тутди: жимжит. Биронта бегона товуш йўқ. Хавф-хатар йўқлигига ишонч ҳосил қилгач, ҳайҳотдай ҳовли этагига қараб юрди. Боласини жилдираб оқаётган ариқ лабидаги барра чимга қўйиб, ўзи изига қайтди. Зум ўтмай яна девор тепасида пайдо бўлди, худди олдинги сафаргидек атрофни кузатди, сўнг иккинчи боласини ҳам бояги ерга ташлади. Учинчи боласини келтиргач,

башдан ҳушёр тортиб, ҳавони исқади, учбур-  
чаак қулоғини чимириб анчагача жим қолди,  
сўнг чиройли бошини силкиб-силкиб қўйди:  
унинг кўзлари жуда мунгли эди...»

Парчадаги тасвирнинг тиниқлиги, детал-  
ларнинг кўримли ва кўркамлигидан ташқари  
онна мушук хатти-ҳаракатлари, ҳолатига  
этътибор беринг; унинг оғзида боласи билан  
чәаққон югуришларида, теварак-атрофга сер-  
гзак-ҳушёр боқишлиарида, мунгли кўзларида—  
бзарчасида фарзандларига бўлган улкан меҳр  
уғуриб туради. Ҳикоянинг ilk сатрларида-  
ни оқ кўриниб турган она мушукдаги бекиёс  
бзир сирли, сеҳрли, фидойи меҳр асарга алла-  
қандай ички ҳиссий оҳанг баҳш этади, ҳикоя  
діавомида шу ғайритабий, тенгсиз меҳр тобо-  
рия кучайиб ўзига хос пафосга айлана боради.  
Она мушук болаларининг осойишталиги,  
кхамоли деб тиним билмайди; ҳимоясиз, заиф  
блолаларини еру кўкка ишонмайди, уларни  
щеб доим хавотирда, безовта, салгина хавф-  
хатар сезилгудек бўлса, ўзини қўярга жой  
ттополмай қолади. У қари, ҳорғин, лекин бола-  
лари очликдан ғингшиганда танида аллақан-  
дай шиддат, ёввойи куч жўш уради, бола-  
ларига ризқ-рўз излаб хатарли овларга шай-  
ланади, бало-офатларга ўзини уради; овдан  
ҳориб-толиқиб келгач, болалари оромини  
кўриб, бир дамда ҳамма чарвоқларини уну-  
тади, яна майин-мулойим бўлиб қолади,  
болаларини эмизиш чоғида аъзойи баданида  
ёқимли ҳузур ҳис этади...

Она мушук не-не хавф-хатарлар ичида,  
не-не машаққат, заҳматлар билан болалари-  
ни мустақил ҳаётга тайёрлайди. Ажабо, бола-  
лар улғайиб, мустақил ҳаётга ўргана борган

сари оналарини унута борадилар; она мушук бунга ҳам бепарво, у болалари учун жонини жаҳонини беришга тайёр, аммо бунинг эвазига улардан ҳеч нарса тама қилмайди, унинг учун болалари эсон-омон улғайиб, мустақил ҳаёт кечира оладиган паллага етсалар бўлгани! Она мушук фарзандлари мустақил ҳаёт кечириш палласига етгандан кейин ҳам улар ғамини тарк этолмайди, эркатой болаларини деб яна хатарли овга чиқади, қопқонга тушади, калтакланиб қора қон қусади, ахлатхонага итқитилади... Тунда ёққан ёмғирдан ҳушёр тортиб кўз очганида, ажабо, яна дарҳол болаларини ўйлайди, ўлар ҳолда, хаста-майиб аҳволи билан кулбаси — болалари томон силжийди.

Она мушукнинг сўнгги дамлари тасвирланган лавҳа ғоят таъсири:

«Она мушук сўнгги кучини йигиб, судралиб уясига етиб борди. Аммо уяда ҳеч зоғ йўқ эди. У қаттиқ, аъзойи баданни титратиб нола қилиб юборди. Товуш атрофга бир текис таралди-ю, жавоб келмади. У яна чинқириб шундай миёвладики, ёпирилиб келаётган қора тўн ҳам ларзага келди. Шундан кейин овози ўчди...»

Эҳтимол, мана шу даҳшатли дамларда мустақил бўлиб олган мушукбаччалар қаерлардадир она ҳолидан бехабар дайдиб, ўйнаб юргандирлар...

Оддий жонивор — она мушук қисмати ҳақидаги бу ҳикоя ўқувчини ларзага солади, ўйга толдиради, чунки она мушукнинг аччиқ қисмати инсон ҳаётига доир айрим муаммоларни ёдга туширади.

\* \* \*

Биз юқорида тилга олган, баҳоли құдрагаттағылар этиб үтгандар ҳикояларни адабиётимиздаға фавқулодда катта кашфиётлар деб бүлмәйди, албатта. Аммо, айни пайтда, улардаги фәзилатларни назар-писанд қылмаслик ҳам иңсофдан әмас. Сон-саноқсиз ҳикоялар оқими ичидан сарапаб олған бу асарларни әл-юрга отпидиң күз-күз этиш учун баҳосини бир оз ошириб «кичик мүъжизалар» деб атадык, алгар муболаға қылған бүлсак — узр. Адабиётимизнинг юксак парвози учун қызғын кураш көстаётгандар бир пайтда бу хил кичик мүъжизаларнинг ҳам маънавий ҳаётда ўз ўрни, құдри, аҳамияти бор. Шоир Асқад Мухтор айтганидай:

Қаттасини куту кичигидан қолма,  
Кичик мүъжизалар ҳар куни керак.

1990—83 й.

## УЙГУНЛИК

(1984 йил роман ва қиссалари ҳақида  
муроҳазалар)

Коммунистик партия ҳозирги босқичда жамият турмушининг барча соҳаларини такомиллаштириш йўлини тутмоқда. «Бунда гап, — дейди КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев 1985 йил 11 марта партиямиз Марказий Комитети навбатдан ташқари Пленумида сўзлаган шундек, — ишлаб чиқаришнинг моддий-техника базасини тубдан ўзгартириш тўғрисида бормоқда. Гап ижтимоий муносабатлар, аввали, иқтисодий муносабатлар системасини такомиллаштириш ҳақида бормоқда. Гап инсоннинг ўзини камол топтириш ҳақида, унинг турмуши ва меҳнати моддий шароитларини, унинг маънавий қиёфасини сифат жиҳатидан яхшилаш тўғрисида бормоқда». Партиямиз шахсни камол топтиришда, унинг маънавий қиёфасини сифат жиҳатидан яхшилашда адабиёт ва санъатнинг ролига алоҳида эътибор берадиган; кишиларнинг ижтимоий феъл-авторини ва ҳис-туйғуларини тарбиялашда, онгга ҳам, қалбга ҳам таъсир ўтказишда ҳеч нарса адабиёт, санъатнинг ўрнини боса олмайди, деб ҳисобламоқда. Бундай юксак вазифани санъаткор фақат халқ ҳаёти билан мустаҳкам алоқада бўлиш, чуқур

гоявийлик, терап гражданлик ва бадий маҳоратнинг юксак савияси орқалигина адо зэтини мумкин. Бинобарин, бадиий асарга, ижодиётга ҳам ҳаққонийлик, ҳам гоявийлик, ҳам гражданлик, ҳам бадиийлик мезонлари сорқали уйғун ҳолда ёндашиш бугунги кунда элоҳида аҳамият касб этаётир. КПСС XXVI съезди ҳужжатлари, партиямизнинг адабиёт ва санъат ривожининг координал масалала-ронга онд кейинги қатор қарор ва йўл-йўриқлари, шунингдек, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг адабий-бадиий танқидчилик ҳақида 1985 йил 29-январда қабул қилган қарори шундай руҳ билан сугорилган.

Халқ ҳаётига, дилига яқинлик, чуқур гоявийлик, гражданлик ва бадиий маҳоратнинг юксак савияси мезонлари асосида ҳозирги піроздамизга назар ташлаганда нималарни күзатиш мумкин? Адиларимизни ҳаётнинг қайси жиҳатлари, қандай муаммолари, қанақа одамлар тақдири қизиқтиряпти, ҳаяжонга солояпти? Улар бизга ҳаётнинг қай жиҳатларини, қанақа одамларни кашф этиб бердилаар? Ёзувчиларимиз қаламга олган мавзу, ҳаётний муаммо, зиддият, характеристарларнинг аффода йўсини, кўлами, таъсир кучи қай даражада?

Аввало шуни таъкидлаш керакки, носирларимизни биз бошдан кечираётган давр муаммолари қизиқтирмоқда, улар ҳаммадан кўпроқ ҳаётнинг чигал, зиддиятли ҳодисаларига мурожаат этмоқдалар, шахснинг қамолоти билан боғлиқ муҳим маънавий-захоҳий масалаларни ўртага қўймоқдалар, шу тариқа халқининг дилида, тили учи-

да турган гапларни айтишга интилаётирлар.

Үткір гражданлик рұхы билан йүғрилған, қескин ҳаётій зиддиятлар асосиға қурилған, қаҳрамонларнинг маънавий олами теран бадний таҳлил этилған ҳаққоний асарлар жамоатчилік орасида катта қизиқиши уйғотмоқда. Мурод Мұҳаммад Дўстнинг «Истеъфо», Эркин Аъзамовнинг «Жавоб», Ғаффор Хотамовнинг «Қудуқ тепасидаги ой», Эмин Усмоновнинг «Кўнгил кўзи» қиссалари, Муроджон Мансуровнинг «Мангу жанг» романы, муайян кам-кўстларига қарамай, айни шу йўналишга мансуб асарлар экани билан қимматлидир.

Бу асарларда үткір ҳаётій зиддиятлар шунчаки «бадний интрига» учун бир восита эмас, балки ҳаёт ва шахснинг бадний тадқиқи, жиғдий ўй-мушоҳадалар учун асос бўлиб хизмат этади; роман ва қисса муаллифлари шу қескин вазият, зиддиятлар воситасида қаҳрамонлар табиатига, маънавий оламига йўл қидирадилар, улар табиатидаги мураккаб, кўз илғамас нозик жиҳатларни, жараёнларни кашф этишга ҳаракат қиласидилар; адилларимизни азалий яхшилик ва ёмонлик орасидаги зиддиятлар билан баробар бир қарашда дарҳол моҳиятига етиш қийин бўлған инсоний хусусиятлар, уларнинг давр, мұхит билан тўқнашувдан келиб чиқаётган маънавий муаммолар ҳам қизиқтироқда. Шуниси қизиқки, муайян вазиятда бир асарда ижобий баҳога муносиб бирор инсоний хислат бошқасида, ўзга бир шароитда салбий моҳият касб этади. Худди шу жиҳати билан бу асарлар бир-бiriини тўлдиради,

бири иккинчисини давом эттиради ва, айни пайтда, бир-бирлари, қолаверса аввалроқ яратилган айрим қисса ва романлар билан пинҳона баҳсга киришади. Йўқ, бу шунчаки баҳс эмас, балки ҳаётий жараёнлар моҳиятини қидириш, тагига етиш, давр руҳи, талабини англашга бўлган астойдил интилиш оқибатида туғилган ҳолатлардир. Гарчи бу асарларда инсон ва унинг табиати, инсоний хислатлар талқинида баҳсли ўринлар бўлсада, адилларимиз бир масалада яқдилдирилар — улар инсоннинг ҳаётдаги ўз ўрни, бурчи, вижони, масъулнини англаш, инсон шаъни қадр-қиммати туйғусини, гражданлик, курашчанлик хислатларини бебаҳо, тенгсиз фазилатлар сифатида ардоқлайдилар.

«Истеъфо» қиссаси собиқ раҳбар ҳақида. Унинг қаҳрамони Эломонов аслида ҳалол, эзгу ниятли одам. У яқин ўтмишда кўп марта қаламга олинган ва ҳозир ҳам асарларимизда кенг ўрин олаётган ҳиссиз «темир одам»лар ёки худбин, шуҳратпаст, қолоқ, маънавий бузуқ, олгир раҳбар ходим образларидан кескин фарқ қиласди. Эломонов — ишчан, меҳнаткаш ходим, ўттиз йиллик ҳаётини бутунаси жамоат ишига баҳш этган; у дилкаш, самимий, одамларга меҳрибон, имкон борича бирорларнинг ҳожатини чиқариш пайнда бўлади; мол-дунёга ҳирс қўймаган, зебу зар йиғиш тугул ҳамёни ҳам қаппаймаган, қўл учida тирикчилик қиласди, бузуқлик кўчасига кирмаган, оилада ҳам батартиб, хотини, умуман аёл зотини ҳурмат қиласди, фарзандлари кўнглига қарайди, адабиёт ва санъатдан ҳам ўзича хабардор...

Қизиқ, шунча фазилатларга эга бўла ту-

риб, бу одам негадир сизни ўзига мафтуи эта олмайди. Унда чинакам раҳбарга хос зийраклик, қатъият, донишмандлик этишмайди, оқ билан қоранинг фарқига бормайди, кимга яхшилик, саховат қилишни ҳам билмайди, неча йиллар ёима-ён туриб бирга ишлаган муовини Қўшшаевнинг мунофиқ, юлғич кимса эканини асло сезмайди, йигирма беш йил бирга яшаган ёстиқдоши кўнглини дурустроқ аугламайди, эр киши учун хотинининг неча холи борлигини билишнинг ўзи камлик қилишини тушуниб етмайди, довдираб қуруқ ҳавас билан шеърнят даргоҳига кириб қолган истеъдодсиз хотинига ҳақ гапни айтишга журъат этолмайди; унда ўзини англаш, ўзининг қобилият, имкониятларини ҳисобга олиш, ўзига танқидий қараш туйғуси ўтмаслашиб кетган... Аслида ҳалол, эзгу нияти гуноҳсиз бу одам узоқ йиллар назорат идорасидек муҳим постда туриб ўзининг ана шу занфликлари билан катта гуноҳларга, нопокликларга йўл очиб беради. Ўзининг инсонлик шаънини, нафсониятини оёқ ости қиласиди. Авторининг бадиий кашфи ана шунда, асаннинг гражданлик пафоси, тасвир кучи ана шу ўринларда, айниқса, равshan намоён бўлади.

Қисса муаллифи қаҳрамон фожиасини очиш билан кифояланмай, ундаги ўзини англаш, тушуниш жараёнини ҳам кўрсатишга уринади, ҳатто буни ўзи учун муҳим деб билади. Дарҳақиқат, Эломоновда муайян ўзгариш рўй беради, «Менинг ҳаётим энди бошланди», дейди, унда қандайдир журъат пайдо бўлади, муовинни қилмишларини охиригача фош этишда фаоллик кўрсатади, янги

тайнинланган пост ўз жойи эмаслигини, бошқа бир қобилиятли ёш йигит ўрнини эгаллаб турганлигини билди у ердан кетади, хотининг бачкана қилиқларига тоқат қилолмай юзига тарсаки тортади, ҳаётдан, ўзи туғилиб ўсган юртидан узоқлашиб қолганини сезиб, у ерга талпина бошлийди... Афуски, бундай ўзгаришлар жараёни ифодасида аввалги бадиний терапилик, таъсирчанлик, характерлардаги пластик кўримлилик етишмайди; асар бошидаёқ бизни мафтун этган тасвирдаги ҳиссий оҳанг, ним табассум, киноя-кесатиқ пировардида қандайдир сунъийроқ шиддаткор ритмика билан алмашинуви туфайли қиссанинг поэтик яхлитлиги дарз кетгандай бўлади. Шу билан баробар танқидчи И.Faфуров «Зерикарли одамнинг истеъфоси» тақризида («Ўзбекистон адабиёти ва санъати», 1984 йил, 6 июль) тўғри таъкидлаганидек, автор бу ношуд одамни узоқ вақт масъулиятли постларда туришига сабаб бўлган омиллар — таниш-билишчилик, бир-бирига маҳкам суюниш, қўллаш каби ярамас иллатларни туб илдизи билан очишга яқинлашади-ю, тезда ундан узоқлашиб кетади, боя айтилганидек, характердаги ўзгаришларни таъкидлаш билан ортиқча овора бўлади.

Эркин Аъзамовнинг «Жавоб» асари қаҳрамони Элчиев ҳам «Истеъфо»даги Эломонов каби ҳалол, ўта камтар, камсуқум, эзгу нияти одам, унда ҳам ўзига, ўзгаларга талабчанлик етишмайди, у ҳам теваракатрофда юз берайётган ҳодисаларга лоқайд, бефарқ яшайди. Эломоновдан фарқли ўлароқ, Элчиев аслида тиришқоқ, қобилиятли,

ўт-олов йигит бўлган. Ёзувчи қаҳрамондаги ўзгаришлар боисини ҳам очади; Элчиев олие қишлоқдан ўрмалаб чиқиб шаҳарда баҳт топди, аломат қиз Мастура меҳрини қозонди, уйли-жойли, бола-чақали бўлди, ишга жойлашди. Бундан у беҳад миннатдор, кичкинагина баҳтини катта деб билади, борига шукур қилади, бошқасига интилмайди, борини қўлдан чиқариб юборишдан қўрқиб панада катта мақсадсиз, журъатсиз жўнгинағимирлаб умргузаронлик қила бошлади. Унинг бўш қўйган қайғи тизгинсиз, сарсари қалқиб ногаҳон довулга дуч келади чилпарчин бўлади: безори олифталар томонидан дўппосланади, нафсонияти, ор-номуси оёқ ости этилади, омонат оғайнилари ташлаб кетади, ўз ўғли менсимайди, қаллоблар унинг инсонлик шаъни ҳисобига жиноят иззий ёпмоқчи бўладилар... Бу Элчиевнинг қилмишига яраша тақдирнинг, ҳаётнинг жазоси — жавоби! Бемавруд сафдан чиққан, курашлардан ўзини четга олган, шиддатли оқимда умр кемасини бўш қўйган, лоқайд, бефарқ одамнинг жазоси шу! Асар, бошдан-оёқ лоқайдликка, бефарқликка, журъатсизликка қарши бир исён руҳи билан йўғрилган; унда воқеанавислик, психологик таҳлил, жўшқин публицистик талқин бир бутун ҳолда қўшилиб-чатишиб ўзига хос тасвир оҳангини таъмин этган; «Истеъфо»да ўзини у қадар оқламаган ҳолат — қаҳрамоннинг ўз-ўзини аяглаш, ундаги кескин ўзгариш жараёни ифодаси бу ерда хийла мароқли чиққан, чунки бу ҳол фақат автор бадиий ниятигагина эмас, характер мантиқига ҳам тўла мувофиқ, аслида Элчиев оғир синовлар, пайтида ўз-

ўзини англаш, ўзи йўл қўйган хатолардан теран сабоқлар чиқаришга қодир одам.

«Жавоб» теварагида бўлган баҳсда Мурод Абдуллаев асарда Элчиевни тушуна оладиган, қўллаб-қувватлайдиган кучлар етарли кўрсатилмайди, наҳотки унинг атрофида биронта маслакдош кимса бўлмаса, дейди («Ўзбекистон адабиёти ва санъати», 1984 йил, 14 декабрь). Ҳолбуки қиссада Элчиевни тушуна оладиган, қўллаб-қувватлайдиган кучлар бор. Энг қийин, оғир синов дамларида садоқатли умр йўлдоши Мастира унинг ёнида бўлади, бир пайтлар ўзи месимаган, эътибор бермаган қизи Жасура отаси шаъни деб оёққа турари, қаллоблар отасининг ор-номуси эвазига тутқазаётган жирканч садақани уларнинг башарасига улоқтиради, ўзи яхши билмаган, қадрига етмаган балерина аёл Дина унинг учун қайгуради... Асарда бошқа бир камчилик бор; ёзувчи бош қаҳрамонни танҳо ҳолда тақдиди, характеристи, руҳиятини жонли, батафсил тасвир ва таҳлил этади, аммо унинг бошқа персонажлар билан мулоқотлари, тўқнашувлари ифодасига келганда изчиллик ва теранликка етарли риоя қилмайди; энг керакли, тифиз, характеристлар бисоти тўла намоён бўладиган тўқнашув, олишув дамларда тасвир қиёмига етмай қолади. Бу ҳол характеристлар мантиқига, қолаверса асарнинг поэтик мукаммаллигига маълум даражада путур етказади. Бош қаҳрамон теварагидаги бир қатор яхши ва ёмон одамлар, асарда муҳим ғоявий-бадиий функцияни адо этиши мумкин бўлган талай персонажлар характеристининг яхши очилмай, ҳаттоқи уларнинг асарда бор-йўқлиги се-

зилмай қолиш сабабларидан бири ҳам шунда.

Бундай камчилик таңқидчиликда умуман ижобий баҳо олган F. Ҳотамовнинг «Қудуқ тепасидаги ой» қиссасида яна ҳам равшанроқ кўринади. Бу қисса қаҳрамони ҳам ҳаётда адашган, сўнг хатосини, гуноҳини англаб руҳий изтироб чекаётган шахс. Қисса қаҳрамони Ҳакимбекни шунчаки адашган дейиш камлик қиласи, у ошкора хиёнат ва жиноят йўлига кирган кимса: севгисига, севгилисиға хиёнат қиласи, кўркам бир қизни йўлдан оздириб баҳтига зомин бўлади, бугина эмас, қаллоблар билан ҳамтабоқ тутиниб, халқ бойлигини ўмарид, даври-даврон суради, айш-ишратга муккасидан кетади, жинонӣ ишларга бош суқади, даҳшатли қотиллик юз берганида қотилларни билгани ҳолда индамай юраверади... Бирдан ана шундай одамда кескин ўзгариш юз беради. Таңқидчиликда таъкидланганидек, қаҳрамон маънавий-руҳий оламида, характеристида фавқулодда рўй берган бу муҳим ўзгаришларнинг ижтимоий-психологик сабаблари чуқур очилмаган. Асада Ҳакимбекнинг руҳий изтироблари ифодасига жуда кенг ўрин берилган, бундай тасвири бир қадар зерикарли чиққан, руҳий қийиноқлар, изтироблар тасвирида ички динамика, олға силжиш, характеристи, ҳодисаларни янги-янги томонлардан кашф этиш, чуқур маънодорлик, фалсафий теранлик этишмайди. Гап-сўзлар нуқул бир доирада айланаверади-айланаверади. Ёзувчи руҳий изтироблар, восвослар тафсилотларига ортиқча маҳлиё бўлиб кетиши оқибати бўлса керак, Ҳакимбек билан мулоқотда бўлган талай шахслар сояда қола-

ди, Ҳакимбек билан хотини Ҳанифа, севгилиси Ойбарчини, кўнгилхуни Гавҳар, отаси Ёдгор калта, шунингдек раис Зобитов, колхоз ветеранлари Тошев, Истарчи момолар орасидаги чигал, мураккаб муносабатлар етарли бадний таҳлил этилмайди: Ҳакимбекни йўлдан оздирган, асарда рўй берган кўпдан-кўп қабоҷату жиноятлар бошида турган раис Зобитов жонли одамдан кўра, шунчаки ёвузлик тимсоли, олабўжи бир махлуқ бўлиб қолган.

Бадний ижодда қаҳрамонни танҳо ҳолда бадний тадқиқ этиш, маънавий-руҳий оламига чуқур кириб бориш муҳим, аммо унинг теварак-атрофдаги одамлар билан чигал муносабатларини, ўзаро мулоқот, тўқнашув, олишувларни изчил, жоопли гавдалантириш, моҳиятини очиш, бир эмас, бир неча персонажни мушкул, чигал вазиятлардан, О. Ёкубов ибораси билан айтганда, «эсон-омон олиб ўтиш», персонажлар бисотини очиқ майдонда, ошкора олишув-тортишувларда намоён этиш ундан ҳам муҳимроқ, мушкулроқ ва масъулиятироқ ижодий иш. Ёзувчининг ёзувчилик санъати, айниқса, шундай ўринларда билинади. Э. Усмоновнинг «Қўнгил кўзи», М. Мансуровнинг «Мангу жанг» асарларида бош қаҳрамонларнинг руҳий-психологик ҳолатлари тасвири, булар баробар персонажларнинг ўзаро муносабатлари ҳам аксари кенг, жонли, таъсирчан гавдалантириб берилганки, бу йўл таҳсинга сазовордир.

«Қўнгил кўзи» асосида юқорида тилга олинган қиссалардан фарқ қиласроқ, бир эмас, икки йирик бир-бирига зид характер тақдирни ётади, ёзувчи сўнгги нуқтада туриб ҳар икки қаҳрамоннинг босиб ўтган йўлига

Назар ташлайди; Вали ака ҳам, Карим ҳам хаёлан ўз умрларини сарҳисоб этадилар. Карим нуқул хиёнат, қаллоблик билан яшаган, нопок ота ҳомийлиги таъсирида нопок бир кимса бўлиб етишган, у қингир йўллар билан армиядан қолади, тенгдошига хиёнат қиласди, унинг севгилиси номусини, шаънини поймол этади, қийин жанг йиллари одамларга кўп зуғум ўтказади, ниҳоят тенгдоши Вали ака учун азиз жондор ноёб киинки отиб ўлдиради... Ёзувчи бу одамнинг руҳияти тасвирида ундаги қандайдир ўзгаришларга, пушаймонга ўхшащ изтиробли кечинмаларга ҳам урғу берадики, бу ҳол ишонарли чиқмаган. Худди F. Хотамов қиссансида бўлгани каби бу ерда ҳам нопок, гуноҳкор, ашаддий жиноятчи одамининг ўзгариши, руҳан покланиши сабаблари деярли очилмайди. Вали ака хаёлидан кечган ўйлар, унинг умр сарҳисоби, армонлари тасвири эса хийла жонли, табиий, самимий, таъсирчан. Айниқса, унинг ёшликда Қумри билан бўлгани севги хотиралари, Қумрининг сирли ҳалокати туфайли чеккан изтироблари, кейиниги кўнгилсиз турмуш, ундаги кўнигиш, севган касби — ўрмончилик, табнатни асраш-авайлаш билан боғлиқ ишлари ўқувчи дилига мунгли ва нурли қўшиқдай кириб боради. Вали — ҳалол, ишонувчан одам. У ўзгаларга, ҳаттоқи рақиби Каримга ҳам нуқул яхшилик, саховат кўрсатадио эвазига ҳеч нарса тана этмайди, унинг самимийлиги, ишонувчанлиги, қалб саховати баъзан ўзи учун қимматга тушади, ҳаёт тақозосига кўра, у гоҳо мурасасозликка ҳам боради, бундан ўзи эзилиб азоб чекиб юради. Бироқ у принци-

ниал масалаларда ҳамиша эътиқодига содик. Шунга кўра китобхон ундаги ожизликларни кечиришга тайёр.

Вали ака, хусусан Карим ички дунёси, қиёфаси, айниқса улар бир-бираига рўпара келгани кезларда равшан кўринади. Қиссанинг энг мароқли, таъсирчан ери — икки рақибнинг сўнгги учрашуви, тўқнашуви картинаси. Бу ерда улар ёлғиз әмаслар. Учрашув баҳонасида биз бир қарашда ҳақиқатчи, дангалчи, кўнгли оқ, аммо қингирликдан ҳам қайтмайдиган, ўзгаларга ҳиммат кўрсатаман деб айшқ ҳизматини қилиб қўядиган дўсти нодон, оромини, оила фаровонлигини унугтиб, тиним билмай ҳар хил йўллар билан мол-дунё йиғиб фақатгина тўю маърака қилиб шуҳрат топишнигина ўйлайдиган чўпон Содик ва яна бир галати хавфли кимса Ҳамидовлар билан учрашамиз. Хусусан Ҳамидов образи — ёзувчининг жиддий ютуғи, кашфиёти. Адабиётда хушомадгўй, муноғиқ, муросасозлар башарасини кўп кўрганимиз, Ҳамидов ҳам шулар тоифасидан; аммо бу одам ўзгача, маслакдошларининг ҳеч бирига ўхшамайди. У — ўта қув, устомон, «вездеход», доимо қўли кўксида, ўз шахсий манфаати пайида яхшига ҳам, ёмонга ҳам, дўстга ҳам, душманга ҳам бирдек хушмуомала; устомонлик билан дўсту душман кўнглига бирдек йўл қидиради; ўзидан катталар олдида пойи-патақ, айни пайтда иш битириш учун мансаб жихатидан қўйи одамлар қаршисида бўйин эгиб ялиниб-ёлворишдан ҳам тоймайди, шахсий манфаат олдида унинг учун халқ манфаати ҳам, ўз инсонлик шаъни-ғурури ҳам бир пул; ҳеч нарсани ўзига юқтири-

майди, ҳеч нарсадан таъсирланмайди, ўзидан бошқа ҳеч кимсага ачинмайди. Унинг бефарқлиги туфайли бир оила барбод бўлган, бу унинг парвойига ҳам келмайди. Тубан мақсад йўлида дўсти нодонларни ишга солишдан ҳам қайтмайди... Масъулиятли постда турган мана шу «кантиқа» одам ашаддий рақиблар Вали aka билан Каримни яраштирмоқчи, жиноятни босди-босди қилмоқчи. Аммо Вали aka унинг йўриғига юрмайди, эътиқодига содик қолади. Бу интриганинг пироварди ғоят ҳаяжонли. Асли паст одам ўта пасткашлиқ қиласи. Шу пайтгача Вали учун сир бўлиб келган Қумрининг номуси ҳақидаги ҳақиқатни Карим беҳаёларча ошкор этади. Диёнатли одам учун бундан ортиқ зарба, азоб борми: «Вали аканинг ич-инчиди нимадир узилиб кетгандек бўлди. У Каримнинг ҳамиша ёмонлик қилишига кўнишиб кетган, аммо бу қадар тубанликка борар деб сира ўйламаган эди. Мунофиқ, муртад!.. Агар ҳозирги гапни ўзи оғзидан гуллаб қўймаганида, Вали aka бу фожиани баҳтсиз тасодифга йўйиб юраверар. Қумри ҳақидаги маъюс хотираларига ғозор етмас эди. Карим уни баҳтидан жудо қилгани камдек, тиниқ хотираларини ҳам булғади... Энди Қумрини, унга боғлиқ ҳам фараҳбахш, ҳам маҳзун хотираларни эслаш малол, азоб!..»

Шунда у беихтиёр шафқатсизлик кўчасига киради, девордаги милтиқни олиб рақибиға ўқталади; лекин у, барибир, чин инсон, инсон боласига қаратса ўқ узолмайди, ўқни осмонга отади. Бу одамнинг фазилати ҳам, ожизлиги ҳам шунда. Ҳарҳолда ўқ узилди... Вали aka узган ўқ унинг исёни, тоғ-тошни

ларзага солган ўқ овози гўё унинг қалб садоси. Гарчи Вали ака узган ўқ рақибини қулатмаса-да, у маънавий жиҳатдан ғолиб; рақибларнинг калтакесақдай эмаклаб қочиши уларнинг маънавий ожизлиги, таслим бўлганига зўр бир ишора!

Агар қиссадаги тасвир бошдан-оёқ худди шу сўнгги картинадагидек теранлик касб этганида — Карим характери айрим мантиқ-сизликлар, ҳаддан ташқари қора бўёқлар, ўзини арига талатиш сингари натуралистик тафсилотлардан холи этилганида, Ҳамидов билан Каримнинг бир-бирини қўллаш тарихи бир оз тўлдирилганида, Вали ака билан собиқ жангчи дўсти орасидаги енгил-елпи муносабатлар жиддийроқ тус олганда асар яна ҳам очилиб кетган бўларди.

«Мангу жанг» романи қаҳрамони Бурҳон нимаси биландир «Синчалак»даги Қаландаров, «Диёнат»даги Отақўзиларни ёдга туширади, Бурҳон ҳам мураккаб ва яхлит характер, кучли шахс, ишбилармон раҳбар ходим. Узоқ йиллар катта хўжаликка бош бўлиб ҳам кўп яхши ишлар қилган, ҳам жиддий хатоларга йўл қўйган.

Асар қаҳрамоннинг сўнгги кунларда, тўшакда ётиб чекаётган ҳам хасталик, ҳам руҳий изтироблари тасвиридан бошланади, автор ҳозир бизда хийла кенг расм бўлиб бораётган усулни ишга солади — қаҳрамонига қўшилиб хаёлан у босиб ўтган йўлга назар ташлайди; бирин-кетин кўз олдимиизда инқилобнинг дастлабки йиллари, колхоз тузилиши ва ниҳоят, Улуғ Ватан уруши, урушдан кейинги тикланиш даври воқеалари гавдаланади. Йўқ, булар шунчаки хаёлдан

кечган узуқ-юлуқ хотиралар эмас, балки улар, хусусан инқилобнинг дастлабки йиллари — Бурҳоннинг дўстлари Қодир ва Акбар билан совет ҳокимиятини ҳимоя этиш учун олиб борган жанг ва курашлари, Ватан уруши даври — Акбарнинг бир гуруҳ тракторчи қизларга бош бўлиб чўлни ўзлаштиришда кўрсатган жасорати воқеалари — тарихимиз муайян босқичининг кенг ва яхлит манзараларидир. Асарда китобхонни ҳаяжонга соладиган жонли, рангли ва пластик лавҳалар талайгина. Бурҳоннинг босмачилар томонидан қаттиқ қийноққа солиниши, ўша кескин драматик дамларда ҳадсиз азобларга дош беролмай ўз ҳаёти ҳисобига беихтиёр дўсти Қодирни сотиб қўйиши; Бурҳоннинг Акбар билан тўқиашувлари, Акбарнинг севги саргузаштлари, чўлдаги меҳнат шижоати, ойдин кечада безори йўлтўсралар билан олишуви, ҳалокати, ўша мудҳиш қотиллик рўй берган дамларда бундан бехабар хотини Ойжамолнинг бешик тепасида сурган нурли ва ҳазини хаёллари, ўша ойдин тунида қишлоқ одамларининг таҳликали ва ташвишли сўзсиз ҳолат, хатти-ҳаракатлари, ниҳоят, узоқ давом этган руҳий олишувлардан кейин Бурҳоннинг мардларча инсофга келиши, дўстлари Қодир ва Акбарлар хизматига тан бериб, ўзининг улар қаторида тура олмаслигига иқрор бўлиши, улар олдидағи айни юрақдан ҳис этиши ифодаси — булар ҳақиқий ёзувчининг дастхатидан далолат берувчи ёрқин картиналардир.

Ёзувчи босиб ўтилган йўлни, ўтмиш воқеаларини жопли, ҳаяжонли гавдалантириш билан баробар уларнинг моҳиятини

сошишга, улардан ибратлии сабоқлар фиқа-  
ришга интилади. Энг муҳим сабоқ шуки,  
роман бош қаҳрамони Бурҳон — талай фази-  
златларга, катта имкониятларга эга бўлган бу  
кучли шахс ўзидағи худбинлик туйғусини  
енга олмайди, бу туйғу уни манманлик,  
шуҳратпарастлик, мансабпарастлик касалига  
мубтало этади; мансабга эришиш, мавқеида  
муҳим туриш мақсадида у яқин дўстлари,  
маслакдошларидан, чинакам иқтидорли, пок,  
ҳақгўй одамлардан узоқлашади, атрофига  
хушомадгўй, истеъодосиз, маслаксиз кимса-  
ларни йиға бошлайди, ўзи ҳам юқори лаво-  
зимлардаги иззатталаб кимсалар олдида  
хушомадгўйликка ўтади, шуҳратига шуҳрат  
қўшаман деб кўзбўямачилик, қаллоблик  
кўчасиға киради, ҳақиқатга, виждонига зид  
гапларни айтаверадиган бўлади, эгри йўллар  
 билан шуҳрат, мукофотларга эришади. Бур-  
ҳон қисматидан чиқадиган яна бир муҳим  
сабоқ шуки, бизнинг жамиятимизда нопок  
йўл билан узоққа бориш мумкин эмас, бун-  
дай кўйга тушған одам эртами-кечми қат-  
тиқ жазога маҳкум; Бурҳон муайян ғалаба-  
ларга, шуҳратга эришган бўлса ҳам булар-  
ниң барчаси кўпикдай омонат, ҳаётнинг  
тоза шабадасига дуч келиши билан кунпая-  
кун бўлиб кетади, ҳаттоки қаҳрамон кўнг-  
лида уйғонган тоза виждон пировардида  
ўзининг ўтмишини қатъиян рад этади...

Кўриниб турибдикни, юқоридаги роман ва  
қиссаларда авторларни тўлқинлантирган  
муаммолар ғоят ҳаёттийдир; бу асарлар  
партиямиз ташаббуси билан сўнгги йиллар-  
да мамлакатимизда, улкан хонадонимизда  
тартиб ўрнатиш, интизомни мустаҳкамлаш,

социалистик ҳаёт, коммунистик ахлоқ нормаларидан ҳар қандай четга чиқишларга қарши муросасиз кураш олиб боришдан иборат оммавий ҳаракатларга ҳамоҳангдир, адибларимиз Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XVI пленуми ғояларини астойдил қўллаб-қувватлаётганликларидан далолатдир.

«Мангу жанг» романида кўнглимиз тўлмай қолган ўринлар ҳам йўқ эмас. Асарда бир сулоланинг уч фарзанди — ота, ўғил, набира образлари берилган; муаллиф ниятига кўра, уч авлод уч хил характерга, ҳаётий концепцияга эга; ҳар ҳолда ота — Бурҳон образи дуруст чиқсан, ўғил ва набира орқали автор айтмоқчи бўлган гап гаплигича қолган; чунончи, Қудрат ота сояси ва кўмагида ўқиб одам бўлган, юқори мартабага эришган, у ота олдидаги шахсий бурчини яхши ҳис этади, аммо ота фалсафасини қабул қила олмайди. Бурҳон хўжаликни бошқаришда ўта қаттиққўл, талабчан, гоҳо у шафқатсизликларга ўтади. Қодир эса одамларга ишониб, жиловини хийла бўш қўяди... Бу ҳам бирёқламаликка олиб келиши мумкин. Мана шундай муайян концепцияни ташиши лозим бўлган шахс образ сифатида қиёмига етмай қолган. Чўлда шижоат кўрсатган тракторчи қизларнинг руҳий оламига чуқурроқ кириш, индивидуал бисотини яна ҳам кенгроқ, таъсирчанроқ очиш мумкин эди.

«Мангу жанг»да, шунингдек, юқоридаги қатор қиссаларда бурч, виждан туйғуси тасвири, таҳлили кенг ўрин олса-да, уларнинг маъно доираси тордек туюлади. Айниқса, улар «Йўл танлаш», «Ўйин», «Асрга татигу-

лик кун», «Абадият қонуни», «Дата Туташхия», «Диёнат», «Юлдузли түнлар» каби романлар билан шу жиҳатдан солиштирганда бу нарса яққол сезилди. Уларда шу романларга хос бурч, виждон туйғусини умумбашарий муаммолар билан боғлиқ ҳолда талқин этиб катта умуминсоний масалалар даражасига күтариш етишмайды. Кимдир яхши айтган: «Виждон күлами аслида шахснинг күлами демакдир». Адабиётимиз виждон туйғуси талқинида кенг күламларга, бинобарин, күламли қаҳрамонларга жудажуда муҳтож.

Кишиларимизнинг онлавий-маиший ҳаёти, турмуш уринишлари, ёш авлод тарбияси ҳам адабиётнинг азалий мавзуларидан. Чинакам истеъодд эгаси қўлида шахсий ҳаёт чигалликлари, зиддиятлари ҳам улкан ҳаёт ҳақиқати билан туташиб-чирмасиб муҳим маънавий-ахлоқий, катта социал аҳамият касб этиши мумкин. Афсуски, бизда миший, шахсий ҳаёт мавзуи ифодаси айни шу жиҳатдан оқсамоқда. «Ойдинда юрган одамлар» қиссасининг асосий камчилиги ҳам шунда. Бошқа айрим асарларда ҳам шахсий турмуш драмаси, чигилликларини конкрет давр фонида кўрсатиш, алоҳида шахслар билан улкан ҳаёт орасидаги бевосита ёки билвосита алоқаларни, одамлараро мураккаб муносабатлар, улар табиатидаги сирли, сеҳрли жиҳатлар, ўзгаришлар моҳиятини замон контекстида теран бадиий идрок этиш маҳорати етишмай қолаётир. Бундай камчилик фақат бизда эмас, бошқа қатор қардош ҳалқлар адабиётларида, жумладан грузин ёш ёзувчилари ижодида ҳам йўл қўйилаётганлиги «Лите-

ратурная газета» ёшлар ижодига бағишилаб ўтказган давра сұхбатыда алоқында таъкидланды («Лит. газета», 1985 йил, 20 февраль).

Ёш ёзуви Хамид Маллаевнинг «Зурёд» қиссаси бир қатор фазилатларга эга. Асар бошдан-оёқ лиро-романтик жилолар билан йүғрилган; тоғ қишлоғи лавҳалари, деҳқон меҳнати, қишлоқ одамларининг удумлари, тўю маъракалари, улоқ манзаралари мароқ билан чизилган. Асар марказида турувчи персонаж — Равшанинг ўсмирилик ёшидаги ҳолат-кайфиятлари, содда-самимий севги кечинмалари — у меҳр қўйган от — Элтўриқ билан боғлиқ ҳодисалар ифодаси ҳам мароқли чиққан. Аммо асардаги энг асосий нарса — ота-она жанжалли, отасининг шаҳарда бошқа бир кўркам аёл билан бўлиб кетиши, улар орасидаги тотув муносабат, отадаги ўзгариш — совхоз директорининг ножӯя йўриғига юрмаган бу мағрур одамнинг шаҳарда мурасоз, хушомадгўй кимсага айланиши воқеалари ифодасига келганда эса ёш қаламкаш тажрибасизлик қилиб қолади. Бундай ўринларда автор персонажларни ичдан эмас, кўпроқ ташқи томонлардан кузатади, тасвирлайди. Агар муаллиф қисса имконияти доирасида лоқал ота, она, шаҳарлик аёл дилига чуқурроқ нигоҳ ташлаганида, уларнинг кўнгил рози, майлларини, теранроқ очиб берганида персонажларнинг қиёфаси янада равшан тус оларди; шунда, чунончи, кўп асарларда учрайдигаи енгилтабиат аёллардан тубдан фарқ қылувчи дилбар, меҳрибон ўгай она топилма образ даражасига кўтарилиши мумкин эди. Агар отадаги ўзгариш лаганбардорликка айланиши шунчаки имо-

ишоралар орқали эмас, бунинг туб сабаблари яхшироқ кўрсатилганида, эҳтимолки; бу ҳолат унинг оилавий-шахсий турмушидаги чигилликлар билан алоқадор эканлиги қидирилганида образнинг, қолаверса, қиссанинг маънавий-ижтимоий қиммати ортган бўларди.

Манший ҳаёт чигилликлари тасвири ва талқинида гоҳо юзакилик билан баробар ўта биқиқлик, жўнлик, ибтидоийлик ҳолатларига дуч келаётирмиз. Бу ҳол айниқса, оддий, хокисор камсуқум одамлар деб аталган тоифа ҳаётига бағишлиланган асарларда яққол кўриняпти. Камсуқум одамлар тақдири орқали ҳам ҳаётнинг катта ҳақиқатларини бериш, муҳим маънавий-аҳлоқий муаммоларини ўртага қўйиш мумкин эканлигини В. Шукшин ижоди, биздаги айрим яхши асарлар тажрибаси тўла тасдиқлади. Эргаш Раимов «Қўз илғамас шуълалар» қиссасида шундай асарларга эргашадио улар дараражасига кўтарила олмайди. Асар қаҳрамонлари аслида таги бутун одамлар, масалан Болтавой — инқиlobчи фарзанди, Ватан уруши қатнашчisi, унинг яқин кишиси Шер ота эса революция ветерани; ҳар иккиси ҳам уруш қурбони, уларнинг кейинги тақдири ниҳоятда аянчли, мунгли; Шер ота ночор аҳволга тушиб қолган, турмуш тебратиш мақсадида бир судхўрдан қарз кўтариб қассобчилик қилмоқчи бўлади. Пулини бозорда чўнтак-кесарларга олдириб қарзга ботади, судхўр қарзини сўраб уни хўрлайди, нафсониятини оёқ ости қиллади, ота бу хўрликларга чидай олмай пиқ-пиқ йинглайди, сўнгра у уйида чойхона очиб маъмурий органлар таъқибига учрайди, орага ғаламис, порахўрлар арала-

шади... Болтабой эса ота касбини давом эттириб, шаҳарма-шаҳар, қишлоқма-қишлоқ кезиб, тўйма-тўй юриб айиқ ўйнатиб дарбадар ҳаёт кечиради; Шер ота ҳолига ачиниб: «Бизни сийласангиз сизни худо сийласин, бизга бирни берсангиз худо сизга мингни берсин!» деб одамлардан садақа йифиб, отани қарздан қутқаради, ниҳоят ўзи аянчли ҳолда бехосдан келган юрак санчиғи туфайли ёруғ жаҳон билан видолашади. Аввало асарда инқилоб ветерани, Ватан уруши қатнашчиси бўлган одамларнинг бу даражада ночор, нотавон, тўпори ҳолга тушиб қолиш сабаблари очилмаган. Борингки улар қандайдир сабабларга кўра, шу ҳолга тушиб қолди дейлик. Шунда ҳам авторнинг тутган йўли — тирикчилик ғамида майда ишлар билан банд бўлиб хийла майдалашиб мискин ҳолга тушиб қолган Шер отани зўр бериб ҳимоя қилиши, Болта ака уринишларни олижаноблик, қаҳрамонлик сифатида талқин этиши ғалатироқ туюлади. Ёзувчи бу одамларни сунъий равишда ҳаётимиз ёрқинлигини таъминловчи, нурлантириб турувчи шуълалар деб таърифлаш ўрнига уларни катта ижтимоий ҳаёт оқимиidan четлашиб шу ҳолга тушиб қолиш сабаблари устида ўйлаши, граждан сифатида бундан ларзага келиши лозим эди-ку!

Бу қисса бадиниятнинг муҳим бир томони устида жиддийроқ ўйлашга ундейди: етук асар яратиш учун фақат кузатувчанлик, ҳодисаларни жонли гавдалантириш, тирик одам, характер яратишнинг ўзи асло кифоя қилмайди; айни пайтда ҳодиса ва характерларни тўшуниш, улар моҳиятини чуқур ҳис

ва идрок этиш, ҳодиса ва характерлар хатти-ҳаракатидаги зарурий шуқта маъносини ту-йиш ҳам ниҳоятда муҳим. «Кузатаётган ҳоди-са ракурсини белгилаш бошни қотирадиган масала, — дейди ёзувчи Н. Думбадзе тан-қидчи В. Этов билан сұхбатда, — бунинг учун ўткир нигоҳ ва кузатувчанликнинг ўзи етар-ли эмас. Фикр ва түйғу теранлиги ҳам керак. Адабиётнинг «сири», маҳоратнинг сири худди шу ерда намоён бўлади. («Литератур-ное обозрение», 1985, № 1, 36-бет.) Э. Рай-мов қиссасида жонли лавҳалар, тирик одам-лар бор, хусусан Тўхтахон исмли айиқ билан боғлиқ саргузаштлар, бош қаҳрамон ҳаёти-даги чигалликлар, зиддиятлар — барчаси жон-ли гавдалантириб берилган, аммо жонли лавҳалар, тирик одамлар, уларнинг уриниш-лари ракурсини белгилашга, моҳиятини очишга келганда муаллиф чалкашиб кетган, қалаванинг учини йўқотиб қўйгац. Ҳақиқий реалистик асар қаҳрамони қандайдир дара-жада замон, давр руҳини, унинг зиддиятла-рини ўзида акс эттириши керак. Э. Раймов қиссасида эса буни кўрмаймиз.

Қекса адилларимиздан М. Исмоилийнинг «Ўзингдан кўр», Ҳ. Назирнинг «Тоҳир ва Зуҳра қиссаси» ўсмирлар ҳаётидан олинган, ҳар икки асар бизда ҳам тарбиявий роман, қисса турлари шаклланиб муайян анъана тусини ола бошлаганидан далолат беради. Ҳар икки асарда ҳам инсон боласининг «қи-йин ёш»даги мураккаб ҳолат, кечинмалар, чигал вазиятлардан, илк турмуш синовлари-дан ўтиш жараёни кўрсатилади. Ҳ. Назирни кўпроқ ўсмир тарбияси ва тақдирида катта-лар, ота-оналар, уни қуршаган муҳитнинг

таъсири қизиқтиради. М. Исмоилий эса бевосита ўсмир қаҳрамоннинг ўз характер йўналишидан келиб чиққан можаролар, ўз айни туфайли бошига тушган чигал савдолар ҳақида ўй суради; шуниси диққатга сазоворки, ҳар икки қисса қаҳрамонлари ҳам чигал, қийин вазиятлардан асосан ўзлари йўл топиб чиқадилар, улардаги мустақил фикрлар, синовларда туғилиб тобланган эътиқод ёш китобхон учун ибрат ва сабоқ бўлиши мумкин. Ҳар икки асарнинг ҳам умумий, ҳам ўзига хос кам-кўстлари бор. Ҳар иккисида ҳам бир оз эзмалик, тасвир ритмикасида, воқеалар динамикасида сусткашлик мавжуд, ҳолбуки, уларда тасвир темпини ошириш учун драматик асослар, муҳайё. Асарларнинг алоҳида камчиликларига келсак, чунончи, «Тоҳир ва Зуҳра қиссаси»да ота-она — турли маслакдаги эр ва хотин орасидаги чигил муносабатларни кенгроқ очиш, қишлоқ болалари ҳаётидан олинган бу асада қишлоқ мактаби турмушига оид ўткирроқ масалаларни кўтариш мумкин эди. Асада ярим умри далада, меҳнатда ўтаётган қишлоқ болаларнинг совхозга ёрдамга чиқиши фавқулодда бир ҳодиса, ҳудди байрамдек тасвирланади, қиз ва ўғил болаларнинг терим пайти каналда бирга чўмилиши муҳим ахлоқий муаммо қилиб қўйилади... Қисса бошдан-оёқ ўшларни касб-ҳунарга ундаш руҳи билан сугорилган; бу яхши, аммо асада касб-ҳунар билимда нўноқ, ўқиши эплолмайдиганлар иши, деган фикрга урғу берилган. Ҳар ҳолда қисса қаҳрамони Тоҳир саргузаштидан шундай маъно<sub>0</sub> келиб чиқади. Бунга қўшилиб бўлмайди.

Муҳаммад Саломининг «Мувозанат» асари

«ишлаб чиқариш» романы анъаналари руҳида битилган. Үнда райком секретари лавозимига күтарилилган ишбилармон — тадбиркор, ғайрат-шижоатли ходимининг меҳнат фаолияти, иш кунлари ёритилади, секретарь Собит Рустамов фаолияти билан боғлиқ ҳолда район хўжалигининг хилма-хил соҳаларига оид муаммолар тилга олинади, раҳбар кадрлар билан ишлаш, кадрларни кашф этиш ва жой-жойига қўйиш бош масала сифатида талқин этилади.

Автор роман учун танланган мавзу-материални, қишлоқ райони ҳаёти, муаммоларини анча яхши ўрганганди. Аммо ҳаёт ҳақиқатини бадиий ҳақиқатга айлантиришга, ҳаёт ҳодисаларини бадиий идрок этиб моҳиятини очишига келганда ожизлик қилган. Асарда ҳаётга яхлит ҳолда бадиий қараш этишмайди, асар бир райком секретарининг биринки йиллик фаолияти ҳақидаги оддийгина репортаждан иборат бўлиб қолган. Романда бош қаҳрамонни, ундаги воқеаларни ҳаракатга келтирадиган яхлит бадиий конфликт, муаммо йўқ; секретарь ўз фаолиятида, масалан райком биноси қаршисидаги хиёбонни янгилаш, қадимдан қолган тарихий ёдгорликларни асраш, раҳбарларни алмаштириш, илгор тажрибаларни оммалаштириш, савдо соҳасидаги чатоқликларни тартибга келтириш, чорвачиликни ривожлантириш, чўлни ўзлаштириш, ўқувчиларни хўжалик ишларида ортиқча банд этмаслик каби ўнлаб масалалар бўйича баъзи қийинчилик ва тўсиқларга дуч келади, булар эса осонгина ҳал этилади, қаҳрамон ғалаба устига ғалабага эришаверади. Асардаги энг қал-

тис можаро — ишдан олинган бир галамиснинг секретарь устидан «думалоқ хат» ўюштиришию унинг жонига қасд қилмоқчи бўлгани. Бу интригалар эса ўта сунъий, бачкана. Асарда талқин этилишича, қисқа бир муддат ичидаги секретарь район ҳаётини алғов-далғов қилиб юборади, ҳамма соҳада тартиб ўрнатади, катта бунёдкорлик ишларини амалга оширади. Аммо китобхон бундай фаолият қаҳрамон учун қанчалик қимматга тушганлигини, бундай улкан ишларнинг улкан драмасини, шунчалар катта қаҳрамонликнинг жозибасини асло ҳис эта олмайди.

Назаримда автор бир қишлоқ райони ҳаётини, ташаббускор райком секретари фаолиятини дурустгина ўрганган, яхшигина тадқиқот очерки учун материал йиққан, афсуски, очерк жанри талаблари асосида тадқиқотни, давом эттириб, маромига етказиш ўрнига, уларни чучмалроқ бир «бадиий» либосга ўраб ундан роман ясашга беҳуда уринган. Натижада аросат бир нарса майдонга келган.

Кейинги йилларда очерк, журналистика жанрлари имкониятларига етарли аҳамият бермай очеркбоп материалга бадиий зеб бериб уни зўрма-зўраки равишда беллетристикага айлантиришга уриниш, истеъододли журналист ва гоҳо яхши олимларнинг беллетристикага ўта ружу қилиш ҳоллари кенг ёйилиб бормоқда. Атоқли адаб В. Ка-таев «Литературная газета»даги суҳбатида (1984 йил, 7 ноябрь) бу ҳодисадан қаттиқ ташвишланиб: «Менинг ўзим ёшлигимда журналист бўлганман, турли-туман вақтли

нашрлар учун кўп нарса ёзганман, шунга кўра бу соҳани биламан ва журналист оғай-ниларимга катта ҳурмат билан қарайман. Бироқ ҳозирги кунда яхшигина журналистларинг бир илож қилиб ёзувчи — беллестрист бўлишга интилишларини асло тушуна олмайман, улардан эса аксари аросатдаги ёзувчилар чиқади», — дейди. Шундай ташвишли фикрни танқидчи Ю. Суровцев ҳам ўртага ташлади. У қишлоқ прозасига оид чиқишида В. Овечкин тажрибасига оид бир характерли фактни келтиради. Атоқли очеркист «Районнинг оддий кунлари» очеркини танқидчилар беллестристик проза доирасига киритмаганларига ранжиган экан. Аммо унинг архивида «Беллестристикадан холи» деб аталган қўлёзма бўлиб, унга: «Бунинг маъноси шуки, мен ҳеч қанақа сюжет, ҳеч қандай ёрқин адабий либос ва қизиқтирувчанлик ваъда қилмайман. Бу ҳаёт ҳақидаги соф бепардоз, ошкора гап-сўзлардан иборат», — деб изоҳ берган экан. («Вопросы литературы», 1984, № 12, 27—28-бетлар). Ҳа, ҳаёт ҳақида сунъий безакларсиз ошкора ифода, яъни публицистик тадқиқотнинг қиммати ҳақиқий бадиий асарнинг қимматидан асло кам эмас. Буни унутмаслигимиз керак.

\* \* \*

1

СССР Ёзувчилар союзининг юбилей пленумида бугунги кун кишисини ўтмиш хотиравари, тарих сабоқлари орқали тарбиялашнинг аҳамияти алоҳида таъкидлаб ўтилди, тарихий мавзуни ёритишда чуқур ўйлаб иш

тутиш, тарихий ҳақиқатга изчил риоя қилиш, ўтмиш ҳақида марксча-ленинча позицияда туриб жиддий, вазминлик билан гапира олиш маҳорати муваффақият гарови экани айтилди. Бу гап аслида тарихий мавзуда ҳам юксак гоявийлик, тражданлик ва маҳорат уйғунлигига эришиш асосий масала демакдир. Тарихий мавзуда бизда кўплаб асарлар битиляпти, аммо булар орасида ўшандай уйғунликка эришганлари ниҳоятда оз.

Ш. Холмирзаевнинг «Қил кўприк» романи 1982 йили «Шарқ ўлдузи»да эълон этилган, у баъзи баҳс-мулоҳазаларга сабаб бўлган эди. 1984 йили роман тубдан қайта ишланиб китоб ҳолида чоп этилди. И. Фафуров «Инқи-  
лоб

— коласида («Ўзбе-

1984 йил,

ї мазмуни,

Онг сиятларни а хос хусу-  
таъкидла ... танқидчи тўғри  
очилган : ман инқилобимизга  
ли биз и ... ирча, бу дарча орқа-  
зараси — ... нг мураккаб ман-  
зарий ва ошқи ... икни ва ташқи, пинҳо-  
ний ва ошқи ... лари, ўта жоҳил, қў-  
пол-дағал рақи ... и билан баробар кучли,  
зиддиятли ва қув-маккор шахслар қиёфаси  
билан танишамиз. Ёзувчи Иброҳимбек ва  
айниқса, Эшони Судур образларини бутун  
мураккаблиги, фожиаси билан гавдалантириб  
беради; Эшон билимдон, ижтимоий-сиёсий  
ҳодисалардан хабардор, муайян маънода  
ростгўй, камбағалпарвар, кўнгилчан, хокисор  
одам; айни пайтда у Шўронинг ашаддий душ-  
мани, Шўро ҳукуматининг тенглик, эркпар-  
варлик сиёсатини асло қабул қила олмайди,

шунга кўра у оигли равишда душман лашкарларининг раҳнамосига айланган. Рөман бош қаҳрамони — кечагина Эшом етагида бўлғаи, эндигина инқилоб томонига ўтиб, қизил аскарлар сафиға қўшилиб ва шу заҳоти муҳим топшириқ билан аждаҳо комига юборилган Қурбоннинг қалтис вазиятдан — қил кўприкдан ўтиши, шу қалтис синов вазиятида унинг ўзлигини топиши, шахс сифатидә унда илгари кўрилмаган уйқудаги жиҳатларнинг уйғониши қадам-бақадам батафсил бадинӣ таҳлил этилган. Ёзувчи характердаги ўзгариш, ўзлигини топиш жараёнини яхши кўрсатадио, аммо ана шу ўзгаришлар жараёни драмасини етарли очиб берса олмайди; энг мураккаб, қалтис дамларда ҳам Қурбон айтарли иккиланмайди, қийналмайди, охириг ҳалокатини мустасно этганда аждаҳо комида бошига оғирроқ кулфатсавдо тушмайди. Қаҳрамоннинг ўзлигини топиши хийла осон, ички қаршиликларсиз, оғриқларсиз силлиқ кечади. Шунинг учун бўлса керак, талай фазилатларга эга, қаҳрамонона ишлар қилган бу одам шу фазилат ва ишлари билан китобхонни ўзига тўла ром этолмайди.

Е. Березиковнинг «Қизил Бухоро» романни биринчи китоби «Қора довон» эзгу ният билан ёзилган. Автор тарихий ҳужжатларга, таяниб, Бухоро ва унинг атрофида Октябрь революцияси арафасида юрт тақдири, инқилоб қайғуси ibrilan яшаган маҳаллий миллат ва рус зиёлиларининг илғор вакиллари, бу ўлканинг уйғонган зиёлилари онгига марксизм гояларининг таъсири, ўзбек ва рус халқи орасида туғилган чинакам дўстлик,

ҳамкорлик сарчашмалари ҳақида қалам теб-  
ратади; асарда революцион кайфиятдаги  
ёш рус знёлиси Нашекин, унинг Россияда  
таълим олиб қайтган Абдулла ва ўлкадаги  
бошқа илғор фикрли кишилар билан муло-  
қотлари меҳр ила қаламга олинган. Аммо,  
шуниси ҳам борки, романда ҳали авторнинг  
ниятлари тўла бадий шаклга тушиб улгур-  
маган, образлар моҳиятига, ички оламига  
чукур кириб борилмаган. Асарда персонаж-  
ларни ичдан ёритиш етишмайди, Нашекин  
ҳам, Абдулла, унинг отаси, Сариқ табиб,  
Черневский, Морозов, Вяткин шунингдек,  
қатор салбий шахслар, жумладан Миролим —  
барчаси характер ирода йўналиши асосида  
эмас, автор хоҳиши билан ҳаракат қилаёт-  
ганлиги шундоқ билиниб туради; тарихий  
ҳодисалар, турли-туман зиддиятлар, чунончи  
Бухорода бўлиб ўтган шиалар билан сунний-  
лар орасидаги можаро қаламга олинганда  
автор ҳодиса моҳиятини бадий тасвир ва  
таҳлил орқали очиш ўрнига уларни илмий ва  
актиқ жиҳатдан шарҳлаш билан банд бў-  
эди. Нашекин фаолиятидаги энг муҳим  
уқта — унинг чўлларга сув келтириш йўли-  
даги жонбозлиги тасвирида асосий гап бу  
ёқда қолиб қаҳрамоннинг тоғлардаги экзотик,  
ғаройиб саргузаштлари биринчи планга ўтиб  
кетади. Бугина эмас, бошқа ўринларда, чунончи  
Миролим, унинг таҳтга келиши, юртда-  
ги ҳар хил тоифа шахслар, чет эллик вакил-  
лар, агентлар билан мураккаб, зиддиятли  
муносабатларида ҳам жиддий бошланган гап  
бирдан фавқулодда саргузашт-экзотик характер  
касб этиши туфайли ифода, талқин чуч-  
маллашади. Қисқаси, романда ҳали мураккаб

тариҳий ҳақиқатга яхлит ва теран бадиий нигоҳ етишмайди. А. Каттабековнинг «Литературное обозрение»даги тақризидаги (1984, № 10) бадиий заифлиги аён кўриниб турган бу романнинг баҳоси хийла ошириб юборилган. У С. Айний, К. Яшин, А. Мухторларнинг инқилобий Бuxоро ҳақидаги асарларига ўринсиз равишда тенглаштириб қўйилган. Бу асар таржимаси, журнал ва китоб вариантларидағи кескин тафовутлар, ўта ўзбошимчаликлар, эркин таржиманинг чегаралари тўғрисида таржимашунослар ўз сўзларини айтарлар..

Улуғ Ватан уруши ҳақида битилган бир қанча асарлар — драма, киносценарий, романлар муаллифи, жангчи адаб И. Раҳим галдаги «Генерал Равшанов» романни билан яна ўзи севган ва яқиндан биладиган мавзуга қайтди. Бу асарда ёзувчи совет қўшинларининг Москва остоналарида немис босқинчиларига қарши олиб борган курашларини, жумладан, ўзбек жангчиларининг шу ҳаёт-мамот жангидаги иштирокини кўрсатмоқчи бўлган. Полковникдан армия генерали даражасига кўтарилиган Равшанов — романнинг бош қаҳрамони. Ёзувчи бу одамни шиддатли жанглар, мураккаб ижтимоий-сиёсий ҳодисалар ичидан олиб ўтишга уринади, уни бир қатор атоқли партия ва давлат арбоблари, машҳур саркардалар — Сталин, Жуков, Будённий ва бошқалар билан мулоқотга солади; айни пайтда унинг аянчли, мashaқатли, чигал ҳаёт йўлини, шахсий-оилавий саргузаштларини, шунингдек, Ватан урушидан буруноқ жангчи ва инсон сифатида тоблашиш тарихини сўзлаб беради. Демак, асар

қаҳрамони — кўпни кўрган, оғир ҳаёт синовларидан ўтган, донгдор қўмондонлар қўлида тарбия олиб тобланган етук шахс.

Асар ҳаётий интригаларга бой: қаҳрамон қаршисида сон ва техника жиҳатидан устун қаттол душман таҳлика солиб турибди, орқада Москва, шу қалтиқ дамларда унга отлиқ аскарлар дивизияси тузиш, уни бошқариш вазифаси юклатилган, бу осон кўчадиган иш эмас, бунинг устига унга баъзи ғаламис шахслар шубҳа билан қарашади, устидан хатлар уюштирадилар, жанг стратегияси ва тактикаси бобида айрим командирлар билан келиша олмайди; булар ёнига Ватан хоини, эски таниши Тангрибердихўжаев можароси, ўғли Олимжон, севгилиси Шарифа билан боғлиқ кечинмалар келиб қўшилади...

Хуллас, асарда бир роман учун арзингулик драматик асослар бор. Афсуски, буларнинг бадий ифодаси, талқини кўнгилдагидек эмас. Аввало жанг эпизодлари, сўқишувлар тафсилотлари ҳаддан ташқари кўпайиб, чўзилиб кетган, жанг манзараларини жонли гавдалантириш бору уларнинг магзини чақиши, улардан маъно чиқариш заиф; бу хил тасвирлар, Ч. Айтматов ибораси билан айтганда оддий «репортаж реализми»дан иборат бўлиб қолган. Гоҳо бундай тафсилотлар, чунончи отлиқ аскарлар дивизияси тузиш, уни жангга тайёрлаш воқеалари ўта жўнлашиб, болаларнинг «уруш-уруш» ўйинига ўхшаб қолган.

Равшанов устида жанггоҳда бўлган қатор можаролар, унинг устидан уюштирилган шубҳа ва туҳматлар юқори лавозимдаги шахсларнинг аралашуви билан осонгина

бартараф бўлиб кетади, кучли рақиб Владов билан унинг орасидаги ғоявий зиддият ҳам охиринга етмай қолади. Энг муҳими, қалтиқ дақиқаларда давр руҳини, қаҳрамонларининг даврга мос кайфият-ҳолатини етарли ҳис эта олмаймиз. Масалан, узоқ жудоликдан, кўп кўргуликлардан сўнг жангда ота билан боланинг учрашуви — ўқувчини ларзага солиши мумкин бўлган ҳолат ўта жўн чиққан. Ёки Равшановнинг Сталин билан учрашуви картинасини эслайлик. Фашист қўшинлари Москва остоналарида қутуриб хуруж қилаётган, мамлакат тақдири қил устида турган трагик дақиқалар... Сталин ҳеч нарса бўлмагандек осойишта, гёё Равшановни тўй маслаҳатига чақиргандек аввал уни зиёфат қиласди, ўртада грузин виносию Қува анори ҳақида гап бўлади, шу орада телефон жиринглаб Ўзбекистондан хушхабарлар келади, бош муддао — отлиқ аскарлар дивизияси тузиш масаласи ҳам силлиққина ҳал бўлади...

Кўпни кўргаи, ҳаёт синовларида тоблангаи, атоқли саркардалар ишончини қозонгаи генерал, отлиқ аскарлар дивизияси командири даражасига кўтарилиган Равшановнинг айрим хатти-ҳаракатлари ифодаси, талқини ўқувчини таажжубга солади. Бу одам Сибирда эканлигида дуч келган бир руҳонийнинг васиятига амал қилиб у ҳадя қилган тасбеҳии асло қўлдан қўймайди, ҳатто Сталин ҳузурига ҳам қўлда тутиб кираётганида аранг олиб қолишади; хонин Тангрибердихўжаев асир олинганида қаҳрамон бошқа иши йўқдек, у билан анча вақт ғалати қилиқ қиласди — эски қадрдошлик хурмати аввал уни роса сийлаб, зиёфат қилиб мири-

қиб суҳбатлашиб, сўнг сўкишга ўтади, ҳеч ким билан ҳисоблашмай уни ўз қўли билан шартта отиб ташлайди; ярадор бўлиб Москва касалхонасида ётганида врачларга ишонмай синган оёғини даволаш учун тезда Тошкентдан Моштабибни келтиришларини талаб этади; дард азобида оғриқни енгиш учун бир овоз билан: «Смело мы в бой пойдем, За власть Советов!..», «Яша Шўро!..», «Боғаро-о қўйсам қадам» қўшиқларини куйлади, ҳатто ўзи ҳам янги қўшиқ тўқиб юборади.

Ётук қаҳрамонда ҳам инсоний ожизликлар, кам-кўстлар бўлиши, улар ҳам гоҳо хатоларга йўл қўйиши мумкинлиги ҳаммамизга аён. Равшанов ҳам тирик инсон сифатида боягидек ҳолатларга тушиши, гоҳо ожизликлар қилиши, хатоларга йўл қўйиши табиний. Бу ерда гап қаҳрамоннинг бояги вазиятдаги ҳолатлари, хатти-ҳаракатлари ифодасида ёзувчи нуқтан назарининг, Н. Думбадзе айтган кўриш-кузатиш ракурсининг теранлиги устида бораётир. Худди ўша ракурснинг мужмаллиги туфайли ўша дақиқаларда ўқувчидаги қаҳрамон ҳақида бошчача тасаввур туғилиб қолади. Масалан, қаҳрамон касалхонада оғир дард ческяпти, китобхони бу оғриқни ҳис этиши, унга ачиниши ва шу драматик дамлардаги ҳолатига, хатти-ҳаракатига қараб унинг ирод-бардошига қойил қолиши керак. Лекин ракурс нотўғри олингани учун Равшановнинг ҳолати, хатти-ҳаракатлари кулгилироқ бўлиб чиқкан.

Асар тил, тасвир жиҳатидан ҳам оқсайди, мавзу, материал руҳига, вожеалар ривожи, оқимиға мос оҳанг товланиши йўқ, ҳамма

персонажлар, ҳар хил картиналар, турли вазият ва ҳолатлар бир хил ритмикада ифода этилди; ўзбеклар ҳам, руслар ҳам, немислар ҳам бир хилда ўзбекча оҳангда ганирадилар.

Уруш даврини кенг эпик кўламда кўрса-тишга жазм этилган бу асарда фақат воқеаларнинг кенг қамровигина эмас, ҳаёт ҳақидаги бадиний мушоҳадаларнинг ҳам кенгроқ қамровли, теранроқ бўлишини истаймиз. Адабиёт ва санъатда кўп марта қаламга олинган жанг воқеаларининг шунчаки қайта жонлантирилган тафсилотларинигина эмас, уруш воқеаларига кутилмаган томонлардан янгича ёндашиш, янгича талқинларни кўришни истаймиз.

Адабий танқидчиликда «Генерал Равшанов» романининг жанр хусусияти хусусида баъзи чалкаш фикрлар айтилди. Н. Бекмирзаев ва Б. Маҳмудов «Ҳарбий-публицистик роман» сарлавҳали тақризда («Ўзбекистон адабиёти ва санъати», 1985 йил, 15 февраль) асарни «тўла маънодаги генерал образини яратган ҳужжатли роман» деб таърифлайдилар. «Асарнинг жанр хусусияти, услуби ҳақида шуни айтни жонзки, «Генерал Равшанов» публицистик руҳда ёзилган ҳужжатли романдир», — дея алоҳида таъқидлайдилар. Ҳолбуки, асарда айрим тарихий шахслар, реал тарихий фактлар мавжуд бўлсада, у тўла ҳолда ҳужжатли роман эмас. Ёзувчининг ўзи асарга ёзган кинчик сўз бошисида «бу тарихий асар ёки хотиранома эмас, бинобарин, қисмлар, жойлар ва одамларнинг номларини (айримларидан ташқари) эркин ишлатишига тўғри келди», деб изоҳ бериб

ўтган. Мақола авторлари асарни «тўла маънодаги генерал образини яратган ҳужжатли роман», дейиш билан баробар бошқа ўринда ўзларига зид равишда асар бош қаҳрамони Равшанов ҳаётда бор шахс эмас, балки «Ватан учун адолатли жангларда тобланган офицерларнинг йиғма образи», деб ёзадилар. Модомики, асарнинг бош қаҳрамони йиғма, тўқима образ экан, уни «тўла маънодаги генерал образини яратган ҳужжатли роман» дейиш мантиққа зид.

Кейинги йилларда бизда тўла маънодаги бир қатор ҳужжатли проза намуналари ҳам пайдо бўлди. Уларнинг аксарияти маданият арбоблари, олим ва адаблар ҳақида. Таниқли адабиётшунос Азиз Қаюмовнинг Беруний, Бобур ҳақидаги илмий-бадиий лавҳалари жамоатчилар орасида қизиқиш уйғотди, муаллифнинг янги «Абу Али ибн Сино» асари «Шарқ ўлдузи»нинг йиллик мукофотига сазовор бўлди. Кибриё Қаҳҳорованинг Абдулла Қаҳҳорга бағишлиланган китобидан эълон этилган парчалар, хусусан бу улкан сўз устасининг атоқли ёзувчи К. Симонов билан мулоқотларига оид лавҳалар кўпчиликка манзур бўлди; сал олдинроқ Мели Норматовнинг Ҳ. Олимжон ҳаётидан баҳс этувчи «Шоир болалиги» китоби чоп этилган эди, ўтган йили «Ёшлик»да ёш журналист ёзувчи Туроб Мақсаддинг худди шу мавзуда «Бешик» қиссаси чиқди. Ёш шоир Отаёр Миртемир ҳақидаги шогирдлик эҳтироми билан йўғрилган «Мен қўёши кўргали келдим» асарини эълон этди. Ёш қаламкаш Қўлдош Мирзо «Сеҳрли садо» қиссасида Гулханий ҳаётини ёритмоқчи бўлган,

Шулардан айримлари — «Абу Али иби Сино», «Мен қуёшни кўргали келдим», «Сеҳри садо» ва «Бешик» устида озроқ тўхталиб ўтсак, чунки буларда ҳозирги ҳужжатли прозамизга хос муайян тенденциялар, ютуқ ва камчиликлар ёрқинроқ кўринади.

«Абу Али иби Сино» А. Қаюмовнинг аввалги шу тур асарлари сингари аввало классик адабиётимиз анъаналари руҳида битилган, худди «Макоримул ахлоқ», «Бадонул вақое» сингари бу асар ҳам улуғ аллома ҳаётига оид ҳарактерли лавҳа, ҳикоятлардан ташкил топган, бу лавҳа ва ҳикоятларда аллома характеристери ёки фаолиятининг муайян қирралари ёритилади. Айни пайтда бу асар ҳозирги давр етук адабиётшунос олимининг қаламига мансуб, муаллиф тарихий-адабий фактларга изчил риоя этади, авторнинг бош муддаоси — шу тарихий-адабий фактларни, илмий хуносаларни система-га солиш ва бугунги китобхонга етказиш, асардаги бадиий либос эса, асосан илмий талқинни жонлантириш, қизиқарли, таъсирчан қилиб беришга қаратилади. Истардикки, асардаги бадиий безаклар фақатгина фактларни, илмий асосни жонлантириш, картиналар яратишгагина хизмат қилиб қолмай, уларнинг моҳиятини таҳлил этишга, хилманил томонлардан очишга ҳам қаратиласа... Шунда асарнинг қиммати янада ортарди.

«Мен қуёшни кўргали келдим» асарида Отаёр Миртемир ҳаёти, оилавий муҳити, ижодига оид кўп фактларни келтиради, шонрнинг ижодий лабораториясига кириб боришга интилади, шоир шахсиятнiga доир қатор

фазилатларни таъриф-тавсиф этади; ниҳоят-да хокисор, ўқтам, дилкаш, меҳнаткаш, оддийлардан оддийроқ умр кечирган, ҳеч кимга ёмонликни раво кўрмаган, одамларга, хусусан шогирдларига ўта меҳрибон, уларни «азиз киприкларим» деб атагувчи, бошига синоғлии тушганда ҳам ёзишдан, тарж маъюс онларда а тинмаган, энг ёзганларидан ини йўқотмаган, қаноат ҳосил қилмаган, нон ан халқи олди- да ҳамиша ўз этган, ҳаётда сокини шеърият- нинг тепган, «Юра» си дер: қовурама.

«...н нечун ҳануз мен беун — узим биламан...» деб ўтган аломат бир шоир — инсон сиймосини гавдалантиришга жазм этади. Гарчи Отаёр ўз асари жанрини «Эссе» деб белгилаган бўлса-да, аслида у «Эссе»дан кўра танқидчи А. Литынина «Литературная газета»даги мақоласида (1985 йил, 20 февраль) таърифлаган «шахсий жанр»га яқин туради. Худди шу — шахсий жанр табиатидан келиб чиқиб автор эркин ҳаракат қилади, гоҳ илмий-адабий, гоҳ хотира, гоҳ беллетристика, гоҳ публицистик талқинга ўтади; аммо шогирдининг устоз ҳақидаги шахсий ўйлари, устоз сиймоси ва ижодига онд шахсий кузатишлари, чексиз шогирдлик эҳтироми асар моҳияти-пафосини ташкил этади. Асар журналда тўлиқ ҳолда эълон этилгани йўқ. Шунга кўра у ҳақда ҳозирча узил-кесил хулоса чиқариш қийинроқ. Бироқ ҳозирнинг ўзидаёқ авторга баъзи эътиroz ва истаклар билдириш мум-

кин. Асарда такрорий ўринлар, жўнроқ гаплар, гоҳо ўта жимжимадор иборалар, яхшигина бошланган фикр, масалани поёнига-қиёмига етказмай туриб бошқасига ўтиб кетишҳоллари кўп учрайди; шу жанрнинг энг яхши намуналарига хос донишмандлик, теран адабий-фалсафий мушоҳадакорлик, адаб шахси ва ижодига фавқулодда кутилмаган янги томонлардан ёндашиш ҳар доим ҳам етишавермайди.

«Бешик» аниқ ҳужжатлар асосига қурилган, ҳаётда бор одамлар турмушидан олинган бўлса-да, автор соф беллестикик талқин йўлидан боради, аввалроқ адабий-танқидий ишлардан, айрим хотиралардан, М. Норматовнинг «Шоир болалиги» қиссасидан бизга таниш шахслар, Ҳ. Олимжоновнинг болалик муҳити, бобоси, ота ва амакилари, опаси, ука-сингиллари билан ўзича таништиromoқчи бўлади. Асарда бўлғуси шоир тақдирида муҳим роль ўйнаган ўз даврининг етук кишиси саналмиш мулла Азим образи анча жонли гавдалантирилган; унинг чор амалдорларидан бири Рукин билан мураккаб, чигал муносабатлари дуруст кўрсатилган. Аммо асарга автор тутган йўл — соф беллестикик талқин талаблари асосида ёндашидиган бўлсак, қисса бу жиҳатдан оқсайди, унда персонажлар хатти-ҳаракати психологик жиҳатдан етарли далилланмайди, энг қалтис, мураккаб вазиятларда, масалан Комиланинг ўз қайнисига узатилиш пайтидаги руҳий психологик ҳолати, қайнин-куёвнинг мураккаб кечинмалари очилмай қолади, мулла Азим ҳаётидаги энг муҳим палла—унинг мардикорликка олиниши, Пензага

бориб қайтиши шунчаки баён этилади; бўлгувси шоир ижодий тақдирига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган Жиззахда хўжандлик ойимноми билан машҳур бўлган шоира Муаззамхон, Фозил бахши ҳақидаги гап-сўзлар қисса сюжет тўқимасига сингмай ора йўлда қолиб кетади; ёш автор шоир туғилиб ўсган муҳитининг унга таъсири, Ҳамиддинг болалигига ёқ кўзга ташланга бошлаган шоирона зеҳни-закоси қирраларини акс эттиришни вадда қилади амалда буни унутиб қўяди, ёш Ҳамид кечинмалари, шоирона зеҳни-зако қирралари ифодасини деярли кўрмаймиз. Шунингдек, қиссада анча кенг ўрин тутган машҳур 1916 йилги Жиззах қўзголони, жиззахликларнинг чўлга бадарга этилиши шундоққина «Наврўз» таъсирида ёзилган, ёш авторда бу тарихий ҳодисани ўзича бадний идрок этиш этишмайди. Қисқаси, мулла Азим образи талқинидаги муайян муваффақиятларни мустасно этганда қисса бўлгувси шоир оиласвий муҳитининг жўигина беллестистик баёнидан иборат бўлиб қолган.

Худди шунингдек, Қ. Мирзонинг «Сеҳрли садо» қиссаси ҳам Гулханий ҳаёти тўғрисида мавжуд маълумотларнинг шоир шахсий-оиласвий турмушига, фаолиятига онд айrim чучмал тўқималар, масалан, Муҳаммад Шарифнинг Соҳира исмли қизга пинҳона меҳри, Холиқ исмли бойваччанинг орага гоз бўлиши, Намангандаги Фазлий жиянига зўраки уйланиши, Қўқонда амирга навкар тушган кезлардаги саргузаштлари билан тўлдирилган шунчаки беллестистик баёнидир. Ёш автор ўз даврининг жасур шоирни бўлмиш бу одам

билин уни қуршаган муҳит, шаронт орасидаги ҳақиқий зиндигиятлар моҳиятини оча олмаган, Гулханий, шунингдек бошқа айрим тарихий шахсларни жонли концептуал образ даражасига етказолмаган.

Ниҳоят, ҳужжатли проза устида гап кетганды биздаги яна ўша беллетристикага ортиқча маҳлиё бўлиб кетиш, публицистик таҳлил, талқиннинг имкониятларига менсимиай қарааш оқибатида келиб чиқаётган нохуш фактлардан яна бирига эътиборни тортмоқчиман. «Авлодлар» қиссаси муаллифи И. Сулеймон—истеъодди журналист, топқир очеркист. Бу асари учун ҳам у чиройли фактик материаллар топган: тақдир тақозоси билан ўн уч ёшида уруш гирдобига тушиб қолиб қонли жангларда қатнашган, дивизия ўғли номини олган фаргоналлик Жумабой Мирзаев, беш ёшида опаси билан Украинаада ҳарбий хизматни ўтаётган поччаси олдига бориб, бехос бошланган уруш ичида қолган Оминахон Содиқова саргузаштлари ўз ҳолича қоғозга туширилиб публицистик воситалар орқали чуқур тадқиқ этилганида, уруш воқеалари ўша ёшлиар кўзи, ишиғи орқали гавдалантирилганида ажойиб оригинал ҳужжатли асар майдонга келиши мумкин эди. «Авлодлар» муаллифи шундай ноёб материалларга эга бўла туриб, негадир уларга ишонқирамай, қандайдир тўқималар, беллетристик саргузаштлар баёнига кўчади, натижада ниҳоятда қулай имкониятлар бой берилган, кўплаб кино ва китоблардан таниш жанг лавҳаларини ёдга туширувчи жўнгина бетаъсир қисса майдонга келган.

Ўтган йилги роман ва қиссаларимиз усти-

даги муроҳазалар яна бир бор шундан далолат берадиган, фақат ҳалқ ҳаётига яқинлик, ҳаққонийлик, чуқур ғоявийлик, гражданлик ва маҳоратнинг юксак савияси уйғунлашган тақдирдагина чинакам бадиий кашфиёт, баркамол асар майдонга келади. Партиямиз санъаткорларни шундай уйғунликка қайта-қайта даъват этаётганлиги бежиз эмас.

## ЗАРУР ОДАМ

(Ижобий қаҳрамон проблемасига доир)

КПСС Марказий Комитетининг 1983 йил Июнь пленуми, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XI Пленуми материалларида янги инсонни тарбиялашда, унинг маданий, социал билим доирасини кенгайтиришда, ҳаётий, гражданлик позициясини шакллантиришда адабиёт ва санъатнинг роли ғоят катта эканлиги алоҳида уқтириб ўтилди. «Халқнинг маданий савияси ўса борган сари,— дейилади партия Марказий Комитетининг Июнь пленуми ҳужжатларида — санъатнинг кишилар ақлига ўтказаётган таъсири кучайиб бораётганлигини ҳаммамиз кўриб турибмиз. Шу тариқа санъатнинг ижтимоий ҳаётга актив аралашиб имкониятлари ҳам ошмоқда»<sup>1</sup>.

Коммунистик партия худди шуни назарда тутиб ижодкорлар эътиборини кўпроқ ҳозирги замон масалаларига, замонавий мавзуларга, актуал соҳаларни қаламга олувиши асарлар устида ишлашга жалб этмоқда. КПСС Марказий Комитетининг «Адабий-бадиий журналларнинг коммунистик қурилиш тажрибаси билан ижодий алоқалари тўғри-

<sup>1</sup> «Совет Ўзбекистони», 1983 йил, 16 июнь.

сида» деб чиқарған қарори апа шундай руҳ билан суғорилган эди. Қарорда, хусусан замондош ижобий қаҳрамон образини яратиш масаласи жуда кескин қилиб қўйилди. «Совет кишиларининг янги авлодлари бадиий кашфиёт деб қабул этиладиган, одамларниң феъл-авторига таъсир қиласидиган, халқ тақдирини акс эттирадиган, ўзининг руҳи ва замонавийлиги жиҳатидан дилга яқин бўлган ижобий қаҳрамон билан танишишга муштоқдирлар»<sup>1</sup>, — дейилади мазкур тарихий ҳужжатда.

Адабий жамоатчилик партиямизнинг бу йўл-йўриқларига жиддий эътибор билан қарамоқдалар, ижобий қаҳрамон масаласининг аҳамияти ва масъулиятини теран ҳис этмоқдалар. СССР Ёзувчилар союзи Правлениесининг биринчи секретарин Г. Марков бу масала аҳамияти устида тўхталиб дейди: «Табиийки, адабиёт кўпқиррали... унда ҳамма нарса муҳим, бироқ ҳозирги кунда бизнинг диққат-эътиборимиз энг асосий нарса — коммунизм бунёдкори, ватанпарвар ва интернационалист ижобий қаҳрамон образини яратишга қаратилган. Жаҳонда синфий кураш кескинлашган бир шароитда ижобий қаҳрамон ҳақидаги масала сиёсий аҳамият касб этмоқда. Фоявий мухолифларимиз истаганидек, адабиётимизни ижобий қаҳрамондан холи этиш — бизни қуролдан маҳрум этиш, социалистик жамият тарбиялаётган инсон ҳақидаги ҳақиқатни, совет кишисидаги бошка тузум одамларидан ажратиб турадиган

---

<sup>1</sup> «Шарқ юлдузи», 1982, № 10, 3-4 бет.

жамики идеал ва фазилатларни шубҳа остида қолдириш бўлар эди».<sup>1</sup>

Ижобий қаҳрамон масаласининг аҳамияти яна шундаки, бизнинг чет элдаги дўстларимиз, янги дунё одами, унинг қалби билан танишишга иштиёқмандирлар, асарларимиздан улар шундай одамларни қидирадилар. Покистонлик атоқли шоир Файз Аҳмад Файз ёзувчи Чингиз Айтматов билан суҳбатда совет адабиёти «биз учун жуда кўп фазилатларидан ташқари яна янги дунё кишисининг қалб кўзгусидир»<sup>2</sup>, — деганида хориждаги миллионлаб холис инятли китобхонларниң ҳам фикрини изҳор этган.

Ижобий қаҳрамон устида гап кетганда бошдаёқ бир масалага аниқлик киритиб олайлик. Ҳозирги кунда ижобий қаҳрамон проблемасига жиддий эътибор берилаетган экан, бу ҳол социалистик реализм адабиётида бошқа хил қаҳрамонларниң ҳам бўлиши табиий эканлигини, уларниң ғоявцӣ, тарбиявий, эстетик қимматини асло инкор этмайди. Чунончи, марказида курашчи, бунёдкор одамлар эмас, балким адашган, мураккаб, зиддиятли характерга эга кишилар турган «Клим Самгин ҳаёти», «Тинч Дон», «Сарсонлик-сағардонликда», биздаги «Сароб» сингари асарларда ҳам социализм йўлидаги кураш, социализм ҳақидаги ҳақиқат катта маҳорат билан ифода этилганлигини яхши биламиз. Улар социалистик реализм адабиё-

<sup>1</sup> Герой эпохи: борец за мир. «Литературная газета», 1983, № 42.

<sup>2</sup> Ч. Айтматов — Ф. А. Файз. Высокий долг писателя. «Вопросы литературы», 1983, № 9, 8-бет.

тининг классик асарлари қаторидан муқим ўрин олган. Социалистик реализм адабиётининг ана шу традициялари йўлидан бориб 60—70-йилларда яратилган «Қизил бодрек», «Яша ва ёдингда тут», бизда эса «Қонли сароб», «Умид», «Баҳор қайтмайди», «Одам бўлиш қийини» сингари асарлар жамоатчилик орасида катта қизиқиш уйғотди, улар адабий танқидчиликда муносиб баҳосини олди.

Ҳозирги кунда ижобий қаҳрамон масаласига жиҳдий эътибор берилаётган, бу борадаги аҳвол маълум даражада ташвиш түғдираётган экан, бунинг учун муайян асослар бор, бу соҳада гапланиб оладиган талай муаммолар йиғилиб қолган. Аввало, адабий тажрибанинг ўзида бу тур образларни яратиш билан боғлиқ кўпгина қийинчилклар мавжуд, қолаверса бу масала хусусида қатор назарий чалкашликлар, бирёзлама қарашлар мавжуд.

«Литературная газета» саҳифаларида 1984 йили давом этган «Ижобий қаҳрамон — кечава бугун», шунингдек, «Шарқ юлдузи» журнали ўюштирган «Замон ва ижобий қаҳрамон» мавзуидаги баҳсларда бир вақтлар қизғин мунозараларга сабаб бўлган «идеал қаҳрамон» проблемаси яна тилга олинди. Бир қатор адабиётшунос ва ёзувчилар идеал қаҳрамон образини қувватлаб чиқдилар. Масалан, таңқидчи Лазиз Қаюмов: «Идеал қаҳрамон ҳаётда ҳам, ижодда ҳам бор деб биламан», — дейди («Шарқ юлдузи», 1984, № 2, 115-бет). Ёзувчи Иброҳим Раҳим: «Идеал қаҳрамон яратиш айни муддаёт», деса («Шарқ юлдузи», 1984, № 3, 157-бет), Ҳаким

Назир ҳаётда ҳам, адабиётда ҳам бундай қаҳрамонлар борлиги аёнигини алоҳида таъкидлайди. («Шарқ юлдузи», 1984, № 3, 159-бет.) Салоҳиддин Мамажонов эса идеал қаҳрамон тушунчасини кескин рад этади. «Идеал қаҳрамон деган тушунча аллақачон таъзирини еган, — деб ёзди мұнаққид. — У ноҳаёттій, жонсиз, ясама, схематик образ демакдир» («Шарқ юлдузи», 1984, 173-бет).

Л. Қаюмов, И. Раҳим, Ҳ. Назирлар ҳаётда, адабиётда бошқалар учун ибрат, намуна бўла оладиган шахсларин идеал қаҳрамон деб биладилар, чуюнчи К. Маркс, Ф. Энгельс, В. И. Ленин, Чапаев, Ҳамза, Корчагин, «ёш гвардиячилар», Космодемьянская, Мересьев, Давидов, Соколов образларини ана шундай қаҳрамонлар деб санайдилар. С. Мамажонов эса схематик, ҳаётдан узоқ қаҳрамонлар билан идеал қаҳрамон тушунчасига тенглик аломати қўяди, аммо схематик, жонсиз, ҳаётдан узоқ бирорта «идеал қаҳрамонни» далил сифатида келтирмайди.

Бу хилдаги баҳслар яна бир бор шундан далолат берастирики, биз танқидчи ва адабиётчилар термини, атамаларни ишилатишда бир оз эҳтиёткор бўлмогимиз даркор экан. Модомики, Л. Қаюмов, И. Раҳим, Ҳ. Назирлар назарда тутган «идеал қаҳрамон»лар ҳаётда мавжуд, бошқалар учун ибрат, намуна бўла оладиган реал шахслар, бинобарин ҳаёттій, реалистик ижобий қаҳрамонларнинг ўзгинаси экан, уларни «идеал қаҳрамон» деб аташ шарт эмасга ўхшайди. Шунингдек, С. Мамажонов тутган йўл — схематик, ҳаётдан йироқ қаҳрамонлар билан идеал қаҳрамонлар орасига тенглик аломати қўйиш ҳам

ўринсиз. Ҳаммага аёнки, ижобий қаҳрамон соҳасидагина эмас, салбий ёки сатирик характерлар яратишда ҳам ҳаётдан узоқлашиш ҳоллари кўп учрайди.

Ҳозиргача ҳаттоқи, ижобий қаҳрамон мезони — қандай образни ижобий қаҳрамон деб аташ масаласида ҳам яқдиллик йўқ, бу тушунчани ҳар ким ҳар хил талқин этмоқда. Чунончи, «Ёшлик» журнали уюштирган мунозарада баҳс қатнашчиларидан бири Х. Султоновнинг «Қоғоз гуллар» ҳикоясидаги мослашувчан, уддабурро, эпчиллик билан фана юксак унвон ва мартабаларга эришган шахс Омон Фаниевич образини онгли курашчи, янги жамият бунёдкори, бинобарин чинакам ижобий қаҳрамон сифатида талқин этади, баҳс қатнашчиларидаи яна бири эса шу ҳикояядаги аслида адолатпарвар, ростгўй, аммо адолат учун кураш йўлини билмайдиган, тақдиридан қўл силтаб кетган, майда, бачканга гаплар билан ўралашиб қолган чапани кимса Сайдазни ҳақиқат, адолат, табиийлик тимсоли, ибрат ва сабоқ олишга арзийдиган қаҳрамон деб атайди. «Зоро, — жамиятимизнинг табний бир гули. Биз сабоқни Сайдазга ўхшаш табний гуллардан олмоғимиз керак», — деб ёзади («Ёшлик», 1983, № 8, 74-бет).

«Қоғоз гуллар» — яхши ҳикоя, асаддаги ҳар иккала персонаж ҳам баҳс-мунозара учун озуқ беради, аммо ҳикоя персонажларини ўз номлари билан аташ керак эди, уларга асло «курашчи» қаҳрамон мезони билан ёндашиб бўлмайди. «Курашчи» (русча «боубец») сўзи қаҳрамонликнинг, қаҳрамон шахснинг муҳим сифатидир, қандай қилиб

бундай сифатин Омон Фаниевич ёки Сайдаз сингари қаҳрамонликдан йироқ турувчи ким-саларга нисбат бериш мумкин? Бу тариқа ёндашиш орқали ҳикоя персонажлари моҳиятини очиш мумкин эмас. Бундай йўл назарий чалкашликларга, ижобий қаҳрамон тушунчасини ўта жўнлаштириб, тушириб юборишга олиб келади.

Айрим ўртоқлар, масалан танқидчи Л. Лавлинский, аксинча, ижобий қаҳрамонга жуда катта талаб билан ёндашади. Унингча, совет адабиёти ривожининг илк босқичидаёқ ижобий қаҳрамон концепцияси ишлаб чиқилган, бу концепцияга кўра, ижобий қаҳрамон кўплаб одамлар тақдирни, мамлакат тақдирни учун жиҳдий масъулнитни ўз зиммасига олган шахсdir. Мана шу мезонга таяниб, у ҳаттоқи «Асрга татигулик кун» романидаги Едигейни ҳам том маъноли ижобий қаҳрамон қаторига қўшгиси келмайди, уни ижобий қаҳрамонга хос қатор хусусиятларга эга бўлган, аммо ўзгача мезон билан қаралиши лозим образ деб билади («Вопросы литературы», 1983, № 10, 33-бет).

Ижобий қаҳрамон тушунчасини тушириб юбориш ноўрин бўлганидек, унга ўта катта талаблар билан ёндашиш ҳам бирёқламаликка олиб бориши, ижобий қаҳрамонлар доирасини торайтириб қўйниши мумкин. Ч. Айтматов ижобий қаҳрамон ҳақида соддагина қилиб: «У — зарур одам. Усиз ҳаёт маънисиз»,<sup>1</sup> дейди. Ҳа, ижобий қаҳрамон биринчи галда одамлар учун, жамият ва

<sup>1</sup> Человек бесконечен. «Литературное обозрение», 1983, № 19, 13-бет.

мамлакат учун, тараққиёт учун ниҳоятда керакли-зарур одам, ҳаётда, ҳар бир соҳада ўз ўрнига эга бўлган шахс, у бўлмаса дарҳол ўрни билинади, ҳаттоқи ҳаёт ўзининг асл маъносини, гўзаллиги, тугаллигини йўқотади. Бинобарин, у адабиёт ва санъат учун ҳам ниҳоятда керакли — зарур шахс.

Кейинги йилларда танқидчилар орасида ҳам, ёзувчилар орасида ҳам ана шундай керакли — зарур одам — ижобий қаҳрамон масаласига бир оз менсимай қараш қайфияти пайдо бўлди, танқидчи Матёқуб Қўшжонов таъкидлаганидек, бутун-бутун авлодлар руҳий оламига таъсири ўтказган Павел Власов, Павел Корчагин, Олег Кошевои сингари образларнинг яратилишидаги услуб ва ифода йўлларини бадиий ижодининг ўтмиш босқичига чиқарини ҳоллари юз берди<sup>1</sup>.

Икки йил бурун «Театр» журнали уюштирган мунозараада бир қатор драматурглар тўғридан-тўғри ижобий қаҳрамон проблемасини сунъий, чайналтган, месъдага теккан муаммо деб чиқди.тар, уларнинг даъвосига кўра, ҳозирги кунда ишонига баҳо беришининг қатъий йўл-йўриклари йўқ эмиси. Ёзувчи А. Кешоков танқидчи Қазбек Султонов билан суҳбатда «Театр» журнали мунозарасида айтилган фикрга яқин мулоҳазани ўртага ташлайди, ижобий қаҳрамонига эътибор сусайғанилиги, адабиётда «гўзал-ижобий шахслар» образи камёб бўлиб бораётганлиги сабабини изоҳлаб: «Ўйлайманки, гап бу масалани атайнин менсимаслик ёки унинг аҳамиятига етарли баҳо бермасликда эмас,

<sup>1</sup> «Адабиёт ва замон», 1980, 82—83-бетлар.

балки ҳозирги давр адабиётида бадий далиллаш табиатининг мураккаб тус олганлигидар. Замондошимиз мураккаблашди, ҳаёт мураккаблашди, ҳаёт чигалликлари ичидатўғри йўлини топиб олиш қийини бўлиб қолди. Қаҳрамонининг бир хилдаги монолитлиги ҳозирги пайтда сунъий, ясама оҳанг касб этмоқда», — дейди («Литературное обозрение», 1983, № 7, 9-бет).

Баъзи танқидчилар: «Ҳозирги адабиётда нега ўтган — XIX аср адабиётидаги каби йирик характерлар кам?» деган савол қўйиб, унга ҳозир ёзувчиларда характерларни типпештиришга бўлғаи майл сусайиб бормоқда, натижада тип бадиий ҳодиса сифатида йўқолиб кетмоқда, дейдилар. Бунинг сабабини улар ҳастиниг ўзидац, унинг тезкор суръатидан қидирмоқдалар, уларниң фикрича, гўё ҳозирги пайтда ҳаёт ғоят тез ривожланаст-ганилиги ва ўзгараётганилиги туфайли индивидуал характерларни тип даражасига кўтариш имконияти бўлмаётган эмиш<sup>1</sup>.

Бу хилдаги назарий чалкашликлар, менимча, ижобий қаҳрамон тушунчасини тор, бирёқлама англаш, талқин этиш оқибатидир. Ижобий қаҳрамон проблемасини эскирган, чайналган, сунъий деб аташнинг ўзида қандайдир сунъийлик бор. Сўз санъати пайдо бўлибдики, қаҳрамон проблемаси мавжуд: ижобий қаҳрамон масаласи — кўҳна-қадимий, аммо ҳамиша навқирон муаммо, ҳар бир даврнинг ўз қаҳрамони, қаҳрамонликни белгилайдиган ўзига хос мезонлари бўлади,

<sup>1</sup> «Контекст. 1981», Москва, изд-во «Наука», 1982, 249-бет.

айни пайтда, ҳамма давр қаҳрамонларини, қаҳрамонликларини туташтириб турадиган ворислик робиталари ҳам мавжуд, инсонга меҳр, инсон, ҳалқ, ватан баҳт-саодати, ҳақиқат,adolat учуң кураш ана шундай доимий, зарурый робиталарданди. Ҳозирги пайтда ҳаётнинг, инсон шахснинг ўзгарганлиги, мураккаблашганлиги, ҳаётдаги жараёнлар тез суръатлар билан ривожланаётганлиги рост, бу ҳол адабиёт олдида, жумладан ижобий қаҳрамон образини яратиш бобида янги талаблар қўяётганлиги ҳам тўғри, бироқ мана шундай шароитда инсонга баҳо беришнинг қатъий йўл-йўриқлари, мезонлари йўқолди, ижобий характерларни бадиий тип даражасига кўтариш имкони бўлмай қолди дейишadolatдан эмас, бу ҳозирги адабиётнинг ўзидағи мавжуд тажрибаларни назар-писанд этмаслик, муайян ютуқлардан кўз юмиш бўлар эди. Ч. Айтматовнинг «Асрга татигулик кун», Н. Думбадзенинг «Лабадият қонуни», Одил Ёқубовнинг «Диёнат» сингари асарлари шундан далолат берадики, ҳозирги тезкор мураккаб шароитда ҳам инсонга баҳо беришнинг қатъий, зарурый мезонлари бор, ҳозирги кун одамларини ҳам катта умумлашма — бадиий тип даражасига кўтариш мумкин. «Қаҳрамоннинг бир хилдаги монолитлиги ҳозирги пайтда сунъий — ясама оҳанг касб этмоқда», деган гапга келганда шуни айтиш керакки, ижобий қаҳрамон фақат бир хилдаги бўёқ билан чизилган ва монолитлаштирилган образлардан иборат эмас, ҳозир яратилаётган энг яхши асарлардаги ижобий қаҳрамонлар тасвирида ўшандай бир хиллати монолитликдан қочини мавжуд. Танқидчя

В. Озеров айтганидек, ижобий қаҳрамон образи асарларимизда бутун кучи, кўпқирралги, жозибаси билан намоён бўлиши устида қайгуриш бугунги кунда энг муҳим вазифалардан бири бўлиб турибди.<sup>1</sup>

Ҳаётдаги янгиликларни, ҳаёт қаҳрамонларини адабиётга олиб кириш, адабиёт қаҳрамонларини ҳаёт қаҳрамонлари билан қиёсий ўрганиш масаласида ҳам бирёқламаликларга дуч келиб турибмиз. Сўз санъатидаги, жумладан, социалистик реализм адабиётидаги янгиликларнинг, бинобарин новаторликнинг бош асоси ҳаётнинг ўзи эканлиги маълум, ҳаётдаги янги жараёнлар, ижтимоий муносабатлардаги туб инқилобий ўзгаришлар, янгилинишлар, ана шу жараёнларда туғилиб шаклланган янги типдаги инсон шахсини ифодалаш орқали социалистик реализм адабиёти тўхтовсиз янгилиниб, бойиб бораётганлигини яхши биламиз. Айни пайтда ҳаётдаги янгиликларни, ҳаёт қаҳрамонларини адабиётга олиб кириш ғоят машаққатли, мураккаб ижодий муаммо эканлигини ҳам унутмаслигимиз даркор. Баъзан мана шу мураккаблик етарли ҳисобга олинмайди. Танқидчиларимизнинг адабиёт ва ҳаёт қиёсига онд мақолаларини эслайлик. Ўшандай мақола муаллифи ҳаётдаги бирор муҳим янгиликни, шу янгилик ижодкори бўлган шахсни, унинг фазилатларини таъриф-тавсиф этади, сўнгра бундай янгиликлар, қаҳрамонлар ҳали адабиётда ўз аксини топмаганингини афсусланиб қайд қилади. Бу хил

<sup>1</sup> Герой эпохи: борец за мир. «Литературная газета», 1983, № 42.

мақолаларни ўқигаңда шундай таассурот қолади, ҳаётдаги ўша янгиликлар, қаҳрамонлар, уларга хос фазилатлар шундоққина адабиётта олиб кирилса — бўлди, новаторона асар, янги адабий қаҳрамон туғилади... Ҳаттоди, ҳурматли танқидчимиз Матёқуб Кўшжоновнинг «Адабиёт ҳаёт қиёсида» сарлавҳали мазмундор мақоласи ҳам шундай кайфиятдан холи эмас.

Ҳаёт янгиликлари, янги мавзулар, янгилик ижодкорлари қаламга олинган асарларни баҳолашдаги бирёқламалик ҳамон тугаб битган эмас, асар мавзуининг актуаллиги, ёзувчининг тезкор ва ҳозиржавоблиги, асар қаҳрамонларининг мавқеи, улар адо этаётган ишларининг аҳамияти, характеристига қараб ёзувчи меҳнати, маҳорати хусусида ҳукм чиқариш Иброҳим Раҳимнинг «Оқибат» романига бағишиланган айрим такризларда яққол кўринди. Биргина мисол. Ҳ. Абдусаматовнинг «Дўстлик маддхи» мақоласида («Ўқитувчилар газетаси», 1983 йил, 19 октябрь) «Оқибат» романининг қимматли томони «ҳаётимиизда эндиғина пайдо бўлган, ҳали кўпчилик мағзини чақиб етмаган янгиликларни зудлик билан адабиётта олиб кирганлиги», аниқроғи «Ноқоратупроқда олиб борилган яратувчилик шижаатини биринчи бўлиб катта адабий жанрга олиб кирганлиги ҳамда у ерларни ўзлаштиришнинг оламишумул аҳамиятини очиб берганлигига», деб таъкидлайди, асар «тезкорликнинг ёрқин намунаси» эканлигини айтади, «бундай тезкорлик асарнинг гоявий-бадиий савиясига путур етказмаган»лигини ҳам эслатиб ўтади. Танқидчи бунинг далили сифатида шуларни ёзади:

«Ёзувчи гоявий-бадиий тўлақонликка ўша ердаги ўзбек ва қардош халқлар намояндаларининг ҳаёти ва меҳнат фаолиятларини, уларининг характерларини чуқур ўрганиш, масаланинг моҳиятини кенг англаб стиш туфайли эришди». Асарнинг гоявий-бадиий тўлақонлигини кўрсатиш учун келтирилган бу далилнинг ўзи исботга муҳтож. Модемики танқидчи романда Ноқоратупроқ ерларни ўзлаштиришининг оламшумул аҳамияти очиб берилган, деб ёзган экан, бундай катта даъвони илмий жиҳатдан асослаши зарур эди.

Мақола муаллифи асардаги етакчи ижобий қаҳрамонлар Қудратов ва Йўлдошев образларига юксак баҳо беради: «Қудратов ҳам, Йўлдошев ҳам қўз олдимизда яхши ташкилотчи раҳбарлар, олижаноб фазилатли чин маънодаги инсонлар, олам-олам маънавий қувватга эга бўлган ходимлар сифатида гавдаланади». Асардаги яна бир шахс—раҳбар партия ходими Розиқов ҳақида танқидчи дейди: «Розиқовнинг ҳам ўзига хос образи яратилганки, бу билан ўзбек совет адабиётида партия раҳбар ходимларининг образлари галереясига янгилик олиб кирилган».

Хўш, партия раҳбар ходими Розиқов образида ёзувчи кашф этган янгилик нимадан иборат, Қудратов ва Йўлдошев образларининг ютуғи фақат уларининг яхши ташкилотчи одамлар эканлигидами, қаҳрамонлардаги ёзувчи қаламга олган фазилатлар—«олам-олам маънавий қувват» асарда китобхонни ҳаяжонга, ларзага солар даражада юксак маҳорат билан бетакрор тарзда акс

этилганми, қаҳрамонлар тақдири үқувчини үйга толдирадими, биз яшаётган замон, унинг инсоний, маънавий-ахлоқий муаммолари ҳақида жиҳдий бош қотиришга ундиҳимикин — мақолада бу хилдаги саволларга ҳам тайнили жавоб тополмаймиз. Мақола автори романда «кatta foя, яъни ҳалқлар ўртасидаги дўстлик, уларга хос ғамхўрлик ва меҳрибонлик» ифода этилганлигини эслатади, бизнингча, у бу масалада ҳам бирёқламаликка йўл қўяди, ҳаётдаги тайёр катта foяни тўгридан-тўғри асарнинг foяси деб билади, ҳаётдаги бу катта foя ёзувчи қалбидан ўтиб, унинг «ижод қозони»да пишиб, етилиб, қанчалик оригинал бадиий концепцияга айланган ёки айланмаганлиги билан иши бўлмайди.

Мақолада умуман ижод жараёни, ижодкор меҳнати ҳақида ғалати фикр илгари суриласди. «Ҳақиқий адабиёт фидойилари турли юмушлари қанчалик кўп бўлишига қарамасдан, қalam тебратмасдан тура олмайдилар, ёзиш шартли рефлексга айланиб қолади», — дейди танқидчи. Наҳотки ҳақиқий адабиёт фидойиларининг ижод жараёни «шартли рефлекс» — тўхтовсиз қalam тебратишдан, шу тариқа ҳаётда пайдо бўлган ҳар бир янги ҳодисани тезкорлик билан адабиётга олиб кираверишдан иборат бўлса. Шу ўринда ёзувчи ўткир Ҳошимовнинг бир мулоҳазасини эслатиб ўтиш ўринли бўлар эди. «Қўпинча дўстларим менга тайёр ҳикоя ёки ҳатто повесть бўла оладиган сюжетларни айтиб беришади. Бир қарашда бу воқеаларда ҳамма нарса етарлидек. Фақат қофоз-қalam олиб ёзилса бас. Лекин нима учундир уларни

ёзолмайман. Кейинчалик бунинг босини билдим. Уша нарсалар қалбимни қаттиқ ҳаяжонга солмагани учун ёза олмаган эканман» («Шарқ юлдузи», 1982, № 11, 185-бет). Ҳа, ҳақиқий адабиёт фидойиси, чинакам талант соҳиби ҳеч қачон «шартли рефлекс» қонунияти асосида қалам тебратмайди, ҳаётдаги ҳар қандай ҳодисаларни, ҳаттоқи тайёр сюжетларни, янгиликларни қаламга олавермайди, қалбида чуқур ҳис этилган оригинал бадиий концепция туғилиб етилгандагина ёзув столига ўтиради, ўзини қаттиқ ҳаяжонга солган, қалб мулкига айланган нарсаларнингина қоғозга туширади. Чинакам оригинал асар, ҳақиқий адабий қаҳрамон «қалб инқилоби» тарзида туғилади...

Бу билан мен «Оқибат» романининг қимматини асло камситмоқчи эмасман, роман ёзувчи ижодида, кейинги йиллар ўзбек насли ривожида ўзига хос ўрин тутади. Адабий танқидчилик уни ижобий баҳолади, асар Ҳамза номидаги республика Давлат мукофоти билан тақдирланди. Бу ерда гап романнинг ижобий фазилатларини, роман қаҳрамонлари тасвири ва талқинидаги ўзига хосликларни профессионал жиҳатдан пухта, асосли, ишонарли кўрсатиш, масала моҳиятига чуқурроқ кириб мулоҳаза юритиш даркорлиги устида бораёттир.

«Литературная газета»нинг 1983 йил саҳифаларида бўлиб ўтган ҳозирги адабиёт-нинг замонавийлиги ҳақидаги мунозарада танқидчи А. Бочаров мухим бир фикрни ўртага ташлади: «Ҳаётдаги янгилик ҳар доим ҳам санъатда янгилик бўлавермайди, санъатдаги янгилик ҳамиша ҳаётга янги

томондан ёндашиш туфайли тугилади». («Литературная газета», 1983, № 34.) Санъат, адабиёт асари учун ҳаётий материалнинг, ҳаётдаги янгиликларнинг аҳамиятини, янги, актуал мавзуларга қўл урган адиллар ташаббусини заррача камситмаган ҳолда танқидчининг бу гапларида жиҳдий асос борлигини уқтириб ўтмоқчиман. Адабий тажрибада кўриб турибмиз: баъзан ҳаётдаги янгиликлар, донгдор кишилар ҳақида тезкорлик билан асалар битилади, уларни адабиётда катта янгилик деб кўкларга кўтарувчи мақолалар пайдо бўлали, лекин кўп ўтмай улар унутилади, китобхон қалбида, адабий жараёнда сезиларли из қолдиrmайди. Аксинча, ёзувчи баъзан аҳамиятсизроқ туюлган ҳодисага нигоҳ ташлайди, муҳим постларда эмас, ҳаётда жуда камтарона мавқе тутган оддий одамларни қаҳрамон қилиб олади, шуниси қизиқки, ана шу аҳамиятсиз туюлган ҳодисалар орқали даврининг энг муҳим, жиҳдий маънавий-ахлоқий, ижтимоний-сиёсий муаммоларини кўтарали, китобхонининг дилида, тилининг учида турган гапларни айтали, камтарона мавқели оддий одамларни даврининг ҳақиқий қаҳрамонлари даражасига кўтаради, уларнинг характери ва тақдиррида халқ руҳиятини, замон идеалларини ифода этади. Демак, ёзувчининг ҳодисаларга санъаткорона муносабатида гап кўп. «Санъатдаги янгилик ҳамиша ҳаётга янги томондан ёндашиш туфайли туғилади» деган гап адабиёт ва санъат табиатига мос тушади, оддий кўринган ҳодисалардан теран маъно топиш, «ишланган мавзу»ларнинг доимий янгиланиб туриш, аввал қаламга олинган

тарихий шахслар ҳақида янгідан-янги асарлар яратаверинш мумкинлигини назарий жиҳатдан асослашга хизмат этади. Шу билан баробар бундай қараш мавзунинг муҳимлиги, актуаллиги, бадий заиф асарлар учун қалқон бўлмаслиги зарурлиги ҳақидаги партийни йўл-йўрикқа изчил амал қилишга даъват этади, ҳаётдаги янгилеклар, ҳаёт қаҳрамонларини бадий ҳақиқатга айлантириш фоят машаққатли ва масъулиятли иш эканлигини, ҳаёт янгилеклари чинакамига бадий идрок этилган, кашф қилинган тақдирдагина санъат мулкига айланажагини эслатиб туради, бинобарин ҳаёт қаҳрамонларини шунчаки адабиётга олиб кириш билан иш битмайди, бундай йўл билан иш битириш даври ўтган, ҳозирги китобхон шунчаки тезпишар «қаҳрамон»га эмас, партия қарорида айтилганидек, бадий кашфиёт деб қабул этиладиган чинакам замондош ижобий қаҳрамонларга муҳтоҷ, муштоқдирлар.

Қаҳрамонни бадий кашфиёт даражасига кўтариш... Бу айтишга осон. Бунинг учун ёзувчидан жуда кўп нарса талаб этилади. Кейинги пайтларда фақат ижобий қаҳрамон эмас, умуман адабиёт олдига фоят катта талаблар қўйиляпти, ана шу катта талаблардан келиб чиқиб сўз санъатининг спецификасига доир янгича қарашлар илгари суриляпти. Маълумки, адабиётни — инсоншунослик деб аташ кенг тарқалган. Адабиётнинг функцияси хилма-хил бўлиб бораётганлигига асосланиб, адабиётшунос Арк. Эльяшевич «эҳтимол адабиёт фақат «инсоншунослик»дангина иборат эмасдир» деган фикрни ўртага ташлайди ва шуларни ёзади: «Ахир

адабиёт ҳам инсон орқали берилган таріх, ҳам алоҳида хусусиятга молик жамиятшунослик, ҳам бутун бир ҳалқ ҳаёти ҳақидаги ҳақиқат, ҳам ҳаттоқи, истасангиз, табиатнинг эстетик ва ахлоқий жиҳатларини қамраб оловчи табиатшуносликдир. Ёзувчи ҳам публицист, ҳам социолог, ҳам тарихчи, ҳам философ сифатида иш кўради. Қаранг, унинг вазифалари нақадар кўп. Шунга кўра, эҳтимол, у ёки бу роман ва повестнинг баднияти ва замонавийлик қимматини чуқур индивидуаллаштирилган қаҳрамонлар характеристи сонига қараб белгилаш шарт эмасдир<sup>1</sup>.

Дарҳақиқат, адабиётнинг тарих, жамиятшунослик, табиатшунослик каби фанлар билан туташтирадиган жиҳатлари кўп, чинакам улкан санъаткор бир вақтнинг ўзида ҳам публицист, ҳам социолог, ҳам тарихчи, ҳам философ сифатида иш кўриши мумкин, бироқ бундай хусусиятлар бизнингча, адабиётнинг «инсоншунослик» эканиға шубҳа билан қараш учун асос бўлолмайди, ҳақиқий санъат асари тарих, жамиятшунослик, табиатшунослик функцияларини ўзига хос тарзда адо этиш билан баробар инсоншунослигича қолаверади, повесть ёки романнинг бадиий қиммати, замонавийлиги биринчи галда уларда яратилган чуқур индивидуаллаштирилган, юно-барин оригинал концепцияга эга бўлган қаҳрамонлар характеристига қараб белгилана-ди. Агар асарда шундай характерлар бўлмаса ёзувчининг публицистлиги, социолог, тарихчи ёки философлиги ҳеч нарсага арзинчаланади.

---

<sup>1</sup> Арк. Эльяшевич. Право на многообразие. «Лит. газета», 1983, № 14.

майди. Замонамиз ва замондошларимиз ҳақидаги янг яхши асарларни, чунончи, «Асрғататигулик кун», «Адабият қонуни», «Йўл бошида», «Диёнат», «Дунёнинг ишлари» каби йирик асарларни эслайлик, уларда муаллифларнинг ҳозирги ҳаёт устидаги тадқиқи, ҳаётий жараёнлар хусусидаги фалсафий ўй-мушоҳадалари, ҳукм ва хуносалари, одамлар ўтмиши, ҳозир келажакка оид мулоҳазалари — б о индиви- дуаллаштирилган хиж ахрамон- лар характери о бўлган. Авторлар ҳаммадан ён учун ўшандай қаҳрамони маънавий-руҳий чотини, лар, дарвоҳ мани очиш адабиётнинг вазифасидир.

Энг яхши повесть ва романларимизнинг ютуғи аввало қаҳрамонлар қалбини, маънавий-руҳий оламини кашф этишда намоён бўлгани сингари замонамиз тўғрисидаги асарларнинг заиф томонлари, замондошларимиз образини яратиш билан боғлиқ қийинчиликлар ҳам биринчи навбатда айни ўша курашчи, бунёдкор қаҳрамонларнинг маънавияти, социал характерлар ўз ҳаракат ва ҳаётийлигининг ички томир уриши ифодаси масаласига бориб тақалади.

Ўткир Ҳошимовнинг «Қазарлар» қиссаси бугунги қишлоқ мактаби ўқитувчиси ҳаётидан баҳс этади, ёзувчи шу баҳонада ўқитув-

<sup>1</sup> В. И. Ленин. Тўла асарлар тўплами, 29-том, 134-бет.

чининг билим савиаси, маданий-маънавий қиёфаси, ўз қасби-мехнатига муносабати, ўқитувчиллик қасбининг қадри, шарафи, қишлоқ мактаби болаларининг ўқув ва меҳнат шаронти, уларининг ишлаб чиқаришда ортиқча банд бўлиб қолаётганлиги, ўқитувчи билан ўқувчи, мактаб билан хўжалик раҳбарлари, ота-оналар муносабати сингари муҳим социал, маънавий-ахлоқий муаммоларни қаламга олади. Асарда қарама-қаршиғояларни ташишга қодир персонажлар ҳам мавжуд: заҳматкаш, фидойи муаллим Омонулла Рустамов, унинг зидди Ҳамроев, меҳнаткаш деҳқон фарзанди, пок қалб эгаси Тошпўлат, унинг акси такаббур савдо ходими ўғли — олифта, тантик, қуруқ бола Мамат... Китобхонни ҳаммадан кўпроқ чин муаллим Рустамов билан сохта домла Ҳамроев орасидаги зиддият, улар тутган йўл оқибати, қарама-қарши характерлар хатти-ҳаракати, руҳияти, тақдирни қизиқтиради. Омонулла Рустамов — астрономия ўқитувчиси, географиядан ҳам дарс беради. У ўқитувчиллик қасбини жони дилидан севади, ўз соҳасини пухта билади, болаларга яхши билим беради, унинг лекция-суҳбатларини болалар берилиб тинглайдилар. У ўқувчиларга меҳрибон, ҳалқ иши учун фидоийи, бетоб бўлишига қарамай, ноқулай об-ҳаво шаронтида пахта теримига чиқкан ўқувчиларга бош бўлиб келган, бу ерда у болаларга оталарча меҳр-мурувват кўрсатади, уларга қулай шароит яратиш учун курашади, дағал, маданиятсиз кимсалар йўлини тўсади, қийин, мураккаб шаронтда болалар кўнглини овлаш, улар ғуруҳини кўтариш, маърифат йўли билан улар дилига

чироқ ёқиши пайида бўлади. Хусусан илк севги оташида ёнган, қаллоб Мамат, дағал табелчи қинғирликлари жабрида ўрташган, хасталик азобида қийналган Тошпўлатга катта мурувват-ҳиммат қўлини чўзади. У ҳар қандай вазиятда адолатни, ҳақиқатни ҳимоя қилади. Қишлоқдаги оғир шаронтга, қишлоқ мактаби олдида турган қийинчиликларга, Ҳамроев типидаги кимсаларнинг қинғирлиги, таъна-дашномлари, камситишларига қарамай, бу шаҳарли зиёли йигит «иссиқ жойи»га қайтиб кетишини хаёлига ҳам келтирмайди, ҳаётдаги ўринини ўша қийини, мураккаб масканда деб билади, у мураккаб қишлоқ шаронтида яшаса-да, мослашувчалик йўлига ўтмайди, ўша мураккаб шаронтда ҳам маданий-маънавий қиёфасини, юксак инсонлик шаънини, ўқитувчилик касби шарафини баланд тутади, юксак эътиқодига тўла содиқ қолади...

Ёзувчи ўз қаҳрамонини ана шундай фазилатлари, олижаноб ишлари, хатти-ҳаракатлари эвазига ўқувчи-шогирдлари учун ибратнамуна бўлиб қолганлиги, энг катта юлдуз—Казарга айланганлигини айтади. Кизиқ, шунча ижобий фазилатларнинг соҳиби бўлган, шунчалар кўп хайрли ишлар, хатти-ҳаракатлар қилган, ёшлар учун ибратнамуна, Казар деб таъриф этилган шахс—ижобий қаҳрамон Рустамов негадир бизни ўзига тўла мафтуни этмайди, унинг ишлари, хатти-ҳаракатлари, ҳаёт йўлидаги қийинчиликлар билан курашиби қалбимизни кутилган даражада ҳаяжонга, ларзага солмайди, бизни чукур ўйга толдирмайди. Бунинг асосий сабаби шундаки, асарда қаҳрамоннинг фазилатлари, хайрли ишлари ҳар хил йўллар билан қаламга

олинади-ю, ўшандай фазилатлар эгаси бўлган, кўп хайрли ишларни адо этётган одамнинг қалби, қалбидаги жараёнлар керагича таъсирчан ифода этилмайди. Асар охирида қаҳрамоннинг шахсий-оилавий турмушидаги чигалликлардан, бу чигалликлар туфайли унинг қалбida юз берган қийиноқлардан, дилида армон бўлиб ётган аламлардан озми-кўпми хабардор ёбўламиз. Худди ўша ўринларда у бир дақиқа бутун борлиғи — ҳам ожиз, ҳам кучли томонлари — қайсарлиги, қатъияти, айни пайтда итоати билан кўрингандай бўлади. Қани энди, бошқа ўринларда ҳам қаҳрамон шу тарзда қалб дарди, армонлари, борингки, айрим зиддиятлари билан тўла намоён бўлса! Шаҳарлик зиёли йигитнинг қишлоқдаги мураккаб шароитда олдинда турган қийинчиликларни бартараф этиш учун кураш олиб бориши осонгина кўчадиган ҳол эмас, булар киши қалбida хилма-хил кечинмалар, қийиноқлар, ларзалар, қолаверса муайян шубҳалар, иккиланишлар орқали амалга ошиши табиий. Китобхон қаҳрамон қалбидаги ана шундай жараёнлар билан анишишни истайди, ана шундай жараёнлар гаҳлилигина ўқувчини ҳаяжонга солади, ҳаёт ва унинг чигалликлари, муаммолари ҳақида ўйлашга ундайди... Уша охирги картина даги қаҳрамон қалби ифодасида унинг характери, қисмати ҳақида баҳс юритиш учун асос берадиган ўринлар мавжуд. Чунончи, имоишораларга кўра муаллим шаҳарда ўзи севмаган хотини билан ажрашган экан, суд эса уларни зўрлаб қайта яраштироқчи, муаллим бундан хуноб... Шунга асосланиб қаҳрамон, бир чеккаси, оилавий чигалликлар туфайли

шаҳардан, ўз уйидан кўнгли совиб, улардан беziб қишлоқда қолиб кетган эмасмикан, деган хаёлга ҳам бориш мумкин. Қисқаси, қаҳрамон ғалбиға чуқурроқ кирилса, у адо этаётган хайрли ишларнинг, хатти-ҳаракатларнинг туб сабаблари китобхонга тўлароқ аён бўлаверади. Реалистик асарда қаҳрамоннинг хатти-ҳаракатлари психологияк асосланган, ўз ҳаракат ва ҳаётийликнинг ички томир уриши очилган тақдирдагина эстетик қиммат касб этади.

Худди шундай гапни муаллим Рустамовнинг зидди — домла Ҳамроев ҳақида ҳам айтиш мумкин. Ҳамроев, Рустамовга қарама-қарши ўлароқ, аввало маданийтсиз, кўрининши, кийиниши хароб, қолаверса, билим савияси паст, дарс ўтиши nocte, зерикарли, ахлоқий жиҳатдан ҳам тубан: тамагир, инопок; Рустамов сингари маданий, ҳалол, фидойи одамларни кўролмайди, улар устидан бўлмагур гаплар тарқатади; ўқувчиларга ота-оналарининг мавқеига қараб муомала қиласди; ўқитувчилик касбиға шунчаки «сабаби тирикчилик» сифатида қарайди; у ўқитувчиликни ташлаб дала ишига — бригадирликка ўтиб кетади, буни эса гўё қалб амири билан адо этилган ташаббус деб овоза қиласди... Ҳамроевнинг бу хилдаги кирдикорлари психологик жиҳатдан далиллаб берилганида ўз-ўзидан уни шу кўйларга солиб қўйган ҳаётий омиллар ҳам очилар, бу одамнинг бунчалик тубанлашиб кетганлиги сабабларини яхшироқ билиб олар эдик, айни пайтда ижобий қаҳрамоннинг маънавий-руҳий бисоти, ҳар икки қутб орасидаги зиддият моҳияти янада равшанроқ кўринган бўларди.

Эҳтимол, кичик бир қиссада қаҳрамонлар руҳиятига чуқурроқ кириб бориш имконияти йўқ деб эътиroz билдиришлари ҳам мумкин. Қалови топилса қор ёнар деганларидек, тажрибали ёзувчимиз бунинг йўлини топини мумкин эди. Чунончи, асарда Рустамовнинг билимдонлигини таъкидлаш учун унинг ўз фанига ва бошқа соҳаларга оид кўп ганилари келтирилади, унинг сўзларида илмий маълумотлар қалашиб ётибди. Мана, ўша нутқлардан парчалар:

«Биз чексиз коннотда шиддат билан учиб юрибмиз, — дейди муаллим ўйчан оҳангда... — Учиб юрибмиз-у, ўзимиз билмаймиз. Ер шари ўз ўқининг атрофида соатига бир минг етти юз эллик километр тезликда айланади. Унча-мунча самолёт столмайди...»

Қаҳрамон сўзида давом этади: «Оlam чексиз. Биз яшаб турган ер шари олам олдида заррадек бир гап. Ҳозирги астрономия фани етмиш беш миллион галактикани аниқлаган. Шундан учтаси бизнинг галактикага яқин жойлашган. Биттаси Катта Магеллан, биттаси Кичик Магеллан, яна биттаси Андромеда туманлиги. Андромеда туманлининг нури Ерга икки миллион йилда етиб келади...»

Муаллиф юлдузлар абадий яшаши, ўзи сўнгандан кейин ҳам нури бизга етиб кела-вериши, ўлкамизда астрономияга қизиқишибадимдан кучли бўлгани, бобомиз Беруний бундан минг йил илгари Ернинг диаметрини аниқ ўлчаганини, Тунгуска воқеасини, бобомиз Улуғбек бир минг ўн саккиста юлдузнинг ҳаракат харитасини чизгани ва ниҳоят,

ўта катта юлдуз Квазарлар ҳақида узундан-узоқ сўзлайди...

Бир ўринда қаҳрамон фазодан бир озгина ерга тушгандаи бўлади: «Осмондаги юлдузлар бизга бир текис жойлашгандек кўринади. Лекин ёнма-ён тургандек кўринган юлдузлар ҳам аслида бир-биридан жуда узоқда бўлади.— У негадир маъюс хўрсиниб қўяди.— Одамларга ўхшаб... Бир хил одамлар бор. Ёнингда турганга ўхшайди-ю, ўзи олисда бўлади. Жуда олисда.» Қани энди қаҳрамон тилидан берилган бошқа фазовий сўзлар, маълумотлар ҳам шу тариқа заминдаги ташвишларга, қаҳрамон дилини қийнаб ётган муаммоларга келиб тақалса! Модомики илмий маълумотларнинг аксарияти муаллимнинг билимдонлигини таъкидлаш, ўқувчилар билан самимий мулоқотини кўрсатиш учунгина келтирилган, замин ташвишлари, муаммолари билан узвий боғланмаган экан, уларни ихчамлаштириб диққат-эътиборни кўпроқ қаҳрамоннинг ижтимоий, маънавий-ахлоқий аҳамиятга молик хатти-ҳаракатларини кенгроқ ва конкретроқ кўрсатишга, психологик жиҳатдан далиллашга қаратиш мумкин эди-ку, деган хаёлга борасан киши.

Езувчи Одил Ёкубов биз билан сухбатда курашчи қаҳрамонларнинг дунёга келиши «курашга», илмий тил билан айтганда ҳаётини конфликтга боғлиқ, принципиал масалалардаги конфликтлар, «ғоялар драмаси» осон ҳал бўлмайди, улар гоҳо қирғоқларни емирувчи тошқин янглиғ инсон ҳаётини ағдар-тўнтар қилиб ташлайди деган эди<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> «Талант тарбияси», 123-бет.

Ҳозирги пайтда ижобий қаҳрамон яратиш йўлидаги яна бир қийинчилик ана шундай «тошқин янглиғ инсон ҳаётини ағдар-тўнтар қилиб ташлайдиган» курашлар ифодаси, уларнинг талқини билан алоқадордир.

Самар Нуровнинг «Майсаларни аёз урмайди» қиссасини дастлаб муайян қизиқиш ва умид билан ўқий бошлаймиз. Асли қишлоқдан чиқиб, шаҳарда ўқиб шаҳарлик бўлиб қолган, лекин шаҳар ҳаёти, «дом»даги турмуш тартиботларига тўла мослашолмай, амалиётдан йироқ илмий муҳитга кўниколмай қийналаётган ёш олим Нусратбекнинг ҳолат ва кайфиятларини тушунамиз, унинг киндик қони тўкилган, болалик йиллари кечган она юртига, у ердаги илмий текшириш институти филиалига ишга таклиф этилган пайтидаги, тор шаҳар муҳитидан кенг чўл бағрига келишдаги ҳам сурурли, ҳам қандайдир ҳазин кечинмалари кўнглимида аллақандай нурли ва дардли кайфият уйғотади. Гап шундаки, Нусратбекнинг қувончи — қишлоққа келиши қимматга тушмоқда, шаҳарда туғилиб, қишлоққа келин бўлиб тушган, бу ишидан пушаймон бўлиб юрган, ниҳоят, тор, тифиз муҳитда ясада, қайта шаҳарлик бўлиб олганидан мамиун Холиса эри қилмишидан қаттиқ норози, ўзигина эмас, болаларининг ҳам қишлоққа кетишига қарши. Нусратбек ана шу қаршиликларга қарамай, қишлоққа отланган. Шу сабаб қаҳрамон қувончлари ғам-ташвишлар билан туташ. Ёзувчи Нусратбекнинг она юрта қайтиш воқеаси билан боғлиқ ҳолда қишлоқ ҳаётининг сурурли, поэтик томонларини завқ-шавқ билан қаламга олади,

айни пайтда уларни асло идеаллаштирмайди. Асар қаҳрамони ҳар бир қадамда қишлоқ ҳаётининг муаммоларига дуч келади, қишлоқда қарор топган ёки эндиғина туғила-ётган янгиликлар, янгича урф-одатлар, уларнинг ҳам мусбат, ҳам манғий томонлари, қишлоқ кишилари маданияти, ўз кучини, таъсир доирасини сақлаб қолаётган удумлар, фойдали, зарур, аммо йўқолиб бораётган анъаналар, фан-техника революцияси, она табиатни асраш, экология муаммолари, қишлоқ аёлларининг меҳнати — сиғир соғиш, таппи ёпиш, қош-киприкни куйдириб тандир оқартириш, ҳовуз-қудуқдан чelаклаб сув ташиш, бола тарбиясидан тортиб то терим машинаси штурвалини бошқаришгача адо этила-ётган ғоят хилма-хил юмушлари, қишлоқнинг ёзилмаган қонунлари — мактаб ўқувчилари нинг дарс, имтиҳони асосан далада, нон, кийим-кечак бунёд этилаётган жойда кечачётгани — буларнинг барчаси қаҳрамон кўнглида ҳар хил ўй-кечинмалар уйғотади, гоҳо жиддий руҳий драмаларга асос бўлади. Асар қаҳрамонлари ўзаро мулоқотларда баъзан ҳозирги тараққиётнинг ўткир, чигал жумбоқларини тилга оладилар, характерли, ҳаяжонли фактларни келтирадилар. Бир ўринда Нусратбек билан Пайғамов орасида шундай гап бўлиб ўтади:

«Экинзорларимизда махфий жанг кетяпти. Йўқ, чинакам уруш. «Правда» газетасида ўқиган эдим: 1973 йили қишлоқ хўжалик экинлари зааркунandalарига қарши кураннига мамлакатимиз ўн икки миллиард сўм сарфлади. Улуғ Ватан урушида ҳам ҳар

йили ҳарбий мақсадларга ўн икки ярим миллиард сўм сарфланган экан.

— Ҳа, — деди Нусратбек миясидаги фикрларни бир нуқтага тўплолмай, — экиннинг ҳимоячиси бўлиш ўрнига заараркунаандаси бўлиб қолдик.

— Танқид қилишга ҳаммамиз ҳам уста. Кимёнинг юзига қоракуя чаплаш ҳам инсофада эмас. ДДТ ихтироиси Мюллера вақтида Нобель мукофоти берилган. Энди «яшил инқилоб» тарафдорлари бу буюк ихтирони инсониятнинг аламли хатоси деб баҳолашяпти. Сирасини айтганда ўзбек пахтаси ҳам шу кимё «соябони» остида жон сақлаб келди, ҳосилдорлик уч баробар ошди!..

— «Кимё шамшири» табиатнинг мувозанатини бузиб, тарозининг бир палласини босиб кетганини ҳеч ким инкор этолмайди. Бунга ихтисослаштириши ҳам сабаб бўлди. Жуда катта майдонларда бир хил экин..» («Шарқ юлдузи», 1983, № 7, 66-67-бетлар).

Бу хил мулокот, «масала талашиш»ларда ҳам озми-кўпми драматик зарядлар бор, бироқ ҳали улар асардаги асосий «жанг»нинг шабадалари, холос. Асосий «жанг»ни бетоқат бўлиб кутамиз, ниҳоят у бошланади: Нусратбек катта умид билан илмий тажриба ва тадқиқотга киришади, аммо кўп ўтмай янги илмий даргоҳда мураккаб вазиятга тушиб қолади, алданади, бошда унга марҳамат қўлини чўзган, билимдон, ҳаётни, одамларни пухта биладиган, мулоҳазакор бўлиб кўринган бошлиқ Бўри Пайғамов нопок, ғаламис, қаллоб бир кимса бўлиб чиқади, ўзгаларнинг, жумладан Нусратбек-

нинг илмий кашфиётларини маккорлик билан ўзиники қилиб олади, йигитга зуфум ўтказиб, сарсон-саргардон этади... Ёзувчи қаҳрамоннинг ана шу можаролар асносидағи руҳий ҳолатини ҳам бир қадар ифода этади, бироқ бу можаролар тасвири бизни кутилган ҳаяжонга солмайди, руҳий драмалар тасвири эса қаҳрамон ва унинг қалби ҳақида деярли янгилик бермайди. Сабаби маълум: айни шундай можаролар «Умид», «Гирдоб» романларида ифода этилган, хусусан «Гирдоб»да мураккаб вазиятга тушиб қолган ёш олимнинг мушкул аҳволи, руҳий драмаси маҳорат билан кўрсатилган, қаллоб олимнинг тубан маънавий дунёси чуқур очилган эди. Модомики «Майсаларни аёз урмайди» қиссанинг муаллифи айни шундай муҳит, вазиятга, бир тоифа одамлар ҳаётига қўл урган экан, уларга янги томондан ёндашиш устида жиҳдий бош қотириши, ўзгача оригинал йўллар қидириши лозим эди... Ҳодисаларниң кейинги ривожи, можароларнинг ечими ифодасида ҳам ёзувчи тайёр, очилган йўлдан боради: самимий, дилкаш, адолат-парвар қишлоқ кишилари, диёнатли раҳбар ходимларнинг аралашуви, мадади билан ёш илмий ходим ўзини ўнглаб олади, ҳақиқат юзага чиқади...

Ўйлаб қоласан киши, наҳотки илмий даргоҳларда истеъдодли ёш олим учун нуқул тайёр ошга шерик бўладиган, бировларнинг кашфиётига кўз ола қиласидиган бошлиқдан ўзга ғов, «жанг» — конфликт учун бошқа асос топилмаса?! Биламизки, илм-фан даргоҳида гоҳо ўшандай плагиаторлик факлари ҳам содир бўлиб туради, бундай

жиниоий, фельстонбоп ҳодисалар ҳақида ҳам гапириш, ёзиш мумкин. Лекин асосий можаролар бу ёқда қолиб кетма-кет нуқул плагиаторлик ҳақида бир-бирига яқин асарлар яратилаверса меъдага тегар экан. Бизнингча, илм-фандаги энг катта кураш одатда хилма-хил концепциялар орасидаги зиддиятлардан туғилган. Афсуски, ўшандай зиддиятлар адилларимиз эътиборидан бир оз четда қолиб кетяпти. Тайёр ва осон кураш йўлидан бориб оригинал курашчи қаҳрамон образини яратиш мушкул.

Романдаги бошқа можаролар — қўпол хўжалик раҳбарларининг фанга, фан кишиларига нописанд муносабати, ўшандай одамнинг ўзбошимчаликлари туфайли ёш олим илмий тажрибаларнинг завол топиши, қаҳрамоннинг шахсий-интим ҳаётидаги чигалликлар тасвирида ҳам қандайдир китобийлик — «Гирдоб», «Меҳригиё», «Диёнат» сингари асарлардаги вазиятларнинг бошқачароқ қайтарифига, бир оз дағал, аммо содда, самимий, адолатпарвар қишлоқ кишисин Аҳмад бригадир, диёнатли обком секретари образларида эса олдиндан таниш адабий қаҳрамонларга хос қатор хислатларга дуч келамиз. Буларнинг ҳаммаси жам бўлган ҳолда, қиссанинг, биринчи галда қиссадаги ижобий қаҳрамоннинг оригинал, баркамол чиқишига монелик қилган.

Ҳаёт мураккаблашди, ижобий қаҳрамонларгина эмас, ҳаётдаги салбий кучлар ҳам мураккаблашди, нозиклашди деган гапларни кўп эшитамиз. Аммо асарларимиздаги салбий қаҳрамонлар аксар ҳолларда ҳамон бирёзлама, бутун вужудидан салбий хусусиятлар

ёғилиб турадиган, худбин, мақсадларига  
 дангал ва осонгина эришаверадиган ёки ўта  
 ношуд-нотавон кимсалар сифатида бериляп-  
 ти, ўшандай асарларни ўқиганда ижобий  
 қаҳрамонлар қаршиисида турган салбий  
 кучларнинг маккорлигини, унга қарши  
 кураш мушкул ва мураккаб эканлигини, у  
 билан олиб борилган жанг қаҳрамон учун  
 қанчалар қимматга тушганлигини ҳар доим  
 ҳам етарли ҳис этавермаймиз. Қаҳрамон  
 йўлида кўндаланг бўлиб турган кучнинг ўзи  
 ўта ношуд, ожиз-нотавон, майда, арзимас,  
 омонат кимса бўлса, табиийки, унга қарши  
 олиб борилган курашнинг шиддати ҳам заиф-  
 лашади, маъно салмоғи сусаяди. Шу хил  
 ҳолга ҳатто Нурали Қобулнинг умуман яхши  
 ёзилган, ташқидчиликда ижобий баҳо олган  
 «Яшаш учун кечикма» қиссасида дуч кела-  
 миз. Қисса автори коммунистликка номзод  
 Абдумаликнинг одам боласи дош бериши  
 мумкин бўлмаган мушкул бир вазиятда, ғоят  
 оғир оби-ҳаво шароитида халқ мулки — сов-  
 хоз қўй-қўзиларини фалокатдан сақлаб  
 қолиш учун олиб борган курашини, мана шу  
 кураш жараёнидаги асабий, кескин руҳий-  
 драматик аҳволини ёрқин, таъсирчан ифода  
 этади. Ана шу мушкул дамларда қаҳрамон-  
 нинг лоқайд укага, айбизз тракторчи йигитга  
 қилган ўринсиз ҳамлаларини кўриб, булар  
 шунчаки дағаллик, шафқатсизлик эмас, бал-  
 ким ноиложлик, чинакам жонкуярлик нати-  
 жаси эканлигини билиб турамиз. Рўй берган  
 мashaқатлар бошда фақат табиат инжиқ-  
 ликлари оқибатидай туюлади. Бора-бора бу  
 мушкулотнинг социал-ҳаётий сабаблари ҳам  
 маълум бўла боради, айрим масъулиятсиз,

бепарво раҳбарларнинг халқ мулкига, чорвадор меҳнати ва турмушига бепарво, лоқайд муносабати туфайли вазият янада чигал тус олганилигини сезиб оламиз. Қийин вазиятда қаҳрамон тўқнаш келган кучлар анчагина. Бироқ қаҳрамоннинг асосий рақиби — дангаса, лоқайд Турсунбой ҳам эмас, суругва вақтида хашак етказиб беролмаган тракторчи Жўрақул ҳам, отарга ёрдам бериш баҳо-насида ўз манфаатини деб келган довдирFaффэр ҳам эмас, балким мўътабар постни, партия ташкилоти секретарлиги лавозимини эгаллаб турган bemаслак шахс Нарзиев эканлигини англаб етамиз. Ака билан ука орасидаги келишмовчилик охири бирмунча юмшайди, қийин дамда акасини ёлғиз ташлаб кетган Турсунбой яна акаси ёнига киради, Абдумалик Жўрақулни жаҳл устида ноҳақ ҳақорат қилганлигини, у билан ўринисиз ёқалашганилигини англаб хижолат чекади, Абдумалик ибрати туфайли довдир Faффор ҳам анча ўзига келади, ниҳоят кўп кулфатлар келтирган табиат инжиқлклари ҳам енгилади. Энди китобхоннинг бутун лиққат-эътибори асосий кураш майдонига — Абдумалик билан Нарзиев орасидаги зиддиятга қаратилиади. Курашга отилган қаҳрамонда гўё шернинг шижаоти бор, афсуски қаршисидаги рақиб қуёндек ожиз-нотавон. Нарзиев ўзини «кичик одам» деб атайди, унда мустақиллик, инсоний фуурур етишмайди, у шунчаки директорнинг юргурдаги, партком секретарлигини «директорга чой ташувчилик» деб билади. Шундай бўлгандан кейин қаҳрамонимиз у билан bemалол олишаверади, уни ошкора фош этаверади, оғзига нима келса сира тортин-

май айтаверади, рақиб эса индамай бош эгиб тураверади. Тўғри, Нарзиев зидан Абдумаликка панд бергани, кандидатликдан шартия аъзолигига ўтишига тўсқинлик қилиши мумкинлиги, сурувдаги фалокат учун уни айборгра чиқармоқчи бўлгани ҳақида гапсўзлар бор асарда. Аммо ана шу қаршилик ва ғаламисликлар оқибатида юз бериши лозим бўлган драмаларни қиссада деярли кўрмаймиз, етарли ҳис этмаймиз. Эҳтимол, курашчи қаҳрамон билан муҳим постда турган ношуд-нотавон, мустақилликдан маҳрум, пассив шахс орасидаги ўзига хос зиддият орқали ҳам ҳаётининг муайян муаммоларини, давр драмасини очиш мумкиндир, бироқ бундай пайтларда кўламни бир оз кенгроқ олиш, Нарзиевдай нотавон кимсаларнинг масъулиятли постга келиб қолиш сабабларини очиш, бундай кимсалар ўта хавфли куч эканлигини бутун борлиғи билан кўрсатиш талаб этилади. Шундагина қаҳрамон дуч келган кучнинг чин салмоғи, моҳияти аён бўлади, у олиб борган курашнинг маъноси теран тус олади.

Ниҳоят, яна бир масалага эътиборни жалб этмоқчиман — асарларимизда тасвири этилаётган юқори лавозимдаги раҳбар ходимлар образи ифодаси билан боғлиқ бир мулоҳазани ўртага ташламоқчиман. Замонавий мавзудаги деярли барча романиларимизда юқори лавозимдаги раҳбар ходим образига дуч келамиз. Улар катта меҳр-муҳаббат билан қаламга олинади, улар сиймосига хос хислатлар таъриф-тавсиф этилади, уларнинг асар воқеалари ривожида муайян ўрни, роли бор, улар асосан ҳожатбарор одамлар

сифатида кўриниадилар. Лекин, иегадир, улар қалбидағи, борингки ҳаётидаги драмалар, мураккаб, зиддиятли кечинмалар, ўймушоҳадалар адилар эътиборидан кўпинча четда қолиб келяпти ёки юзакироқ ифода этиляпти. Ҳатто «Оқибат» романида анчакенг ўрин олган республика партия Марказий Комитети секретари Ризоков образида ҳам шу ҳол мавжуд. Ижобий қаҳрамон, Чингиз Айтматов айтганидек, бутун вужуди билан даврни ҳис этадиган одам, чунки давр ҳаммадан бурун унинг қалбida бунёдга келади, айни пайтда у моҳиятига кўра, трагик қаҳрамон, чунки ўйлаб ўтирмай одамлар баҳтсаодати учун жонини фидо қилишга тайёр шахс («Литературное обозрение», 1963, № 10, 13-бет). Бу гап раҳбар ходим образига ҳам дахлдор. Мана шундай хусусият улкан раҳбар ходимлар образига алоҳида жозиба, зўр эстетик таъсиричалик баҳш этиши табиий. Бу жиҳатдан ҳозирги тарихий романларимиздаги буюк сиймолар—Улугбек, Ибн Сино, Бобур образлари ибратлидир. Улар ўзларининг трагик пафоси билан китобхонни ларзага солади, ўйга толдиради. Адиларимиз бу борада, шунингдек, рус ва қардош халқлар адабиётидаги раҳбар партия, давлат арбоблари, хусусан В. И. Ленин образини яратиш бобидаги тажрибалардан, улардаги кучли драматик тасвир санъатидан ўрнак олсалар яхши бўларди. Айни пайтда ўзимизда мавжуд муайян анъаналар — «Синчалак», «Уфқ», «Чинор», «Юлдузлар жамоли», «Шошма, қуёш», «Бўронларда бордек ҳаловат» сингари асарларимизда бу борада қўлга

киритилгап ютуқлар дадил ривожлантиришга мухтож.

Маълум бўляптики, тўлақонли, баркамол, таъсирчан ижобий қаҳрамон яратиш, уни бадиий кашфиёт даражасига кўтариш фоят мураккаб, масъулиятли ижодий муаммо. Бунга тинмай изланиши, оригинал концепциялар қидириш, энг муҳими, образ қалбига, маънавий оламига чуқурроқ кириб бориш, қалб бисотини янги, кутилмаган томонлардан очиш, қалб драмасини кўрсатиш, у орқали давр ҳақиқатини тадқиқ қилиш, ҳаёт муаммоларини кўтариш, шу тариқа унда халқ тақдири ва руҳиятини ифодалаш орқали эришиш мумкин. Шундагина ижобий қаҳрамон зарур одам деган шарафли номга мусасар бўлади.

1983 йил, ноябрь

## ОБРАЗ ҚҰЛАМИ

Кейинги йилларда адабиётимизда тарихий шахслар, машхур кишилар ҳаёти, тақдирига қизиқыш тобора кучайиб бормоқда. Бу борада талай яхши тажрибалар түпланды, уларни чуқурроқ ўрганиш, умумлаштириш пайти келди. Айни вақтда тарихий шахслар ёки машхур кишилар образини яратиш билан боғлиқ бир қатор проблемалар майдонга чиқаётирки, улар ҳақида жиуддийроқ гаплашиб олиш зарурияти туғилмоқда.

Аввало оддий бир масалани олиб күрайлик. Хүш, тарихий шахслар, машхур кишилар ҳаётини қаламга олишдан боштақсад нима? Тарихий мавзуда яратилган ужжатли асарнинг вазифаси ўқувчини шаххур кишилар ҳаёти билан шунчаки таништириш, фактларни беллетристик тарзда шарҳлаб беришдан иборатми? Ёзувчининг хизмати бирор тарихий, машхур шахсни биринчи бўлиб адабиётга олиб кирганлигига ёки ўша шахс ҳаётининг адабиётда ёритилмаган томонларини қаламга олганлигидами? Бир тарихий шахс ҳаётига қайта мурожаат этган асарларнинг оригиналлигини, қимматини белгилайдиган бош мезон нимадан иборат? Бир қарашда анчайин жўн, осон

туюлган шу хил масалаларни биз танқидчи-адабиётшунослар амалда ҳали узил-кесил ҳал этиб ололганимизча йўқ.

Тарихий мавзудаги асарлар устида гап кетганда баҳс-мунозаралар кўпроқ прототип, ҳаётий факт ва бадний тўқима муносабати масалалари теварагида айланниб қоляпти, ҳолбуки тарихий асар учун прототип, фактларнинг чинлиги ҳаёт-мамот масаласи эмас. Тўғри, тарихий ёки ҳужжатли асарларнинг маълум специфик томонлари бор. Бироқ тарихий ёки ҳужжатли асар ҳам баднийликка дахлдор экан, бадииятнинг умумий талабларига жавоб берниши шарт. Адабий асарлардаги тарихий шахс — аввало бадний образ, у ҳам барча образлар каби тирик инсондек бутун борлиги билан китобхон кўз олдида гавдалансин, ҳаёти, тақдири ўқувчини ҳаяжонга солсин, тўлқинлантирсин, ўқувчининг ўша кишилар ҳақидаги тасаввур ва билимларини бойитсин, улар тақдири, кечинмалари орқали китобхон ўзини қийнагац, ўйга толдирган саволларга жавоб топсин. Тарихий ёки ҳужжатли асарлар таҳлили пайтида масаланинг шу томонларига етарли эътибор берилмаётир, кўпинча тарихий асарга нуқул тарихчининг, ҳужжатли асарга эса оддий журналистнинг кўзи билангина қаралаётир. Тарихчи ёки журналистнинг иши тугаган жойда ёзувчининг фаолияти бошланади, деган гапда ҳикмат кўп. Ёзувчи тарихий ёки машҳур шахс ҳаётини бадиият воситалари билан мустақил, ўзича тадқиқ этган, ўша шахс ҳақидаги ўзининг оригинал бадний концепциясини илгари суролган тақдирдагина асл муддаога эриша олади, тарихий ёки

машхур шахс образининг салмоғи, таъсирчанлиги ўша шахснинг ҳәётидаги ўрни, обрў-эътибори билан эмас, ҳаммадан бурун ёзувчининг даҳоси, маҳорати, ғоявий-бадиий концепциясининг оригиналлиги, ҳаққонийлиги, кўламдорлиги билан белгиланади.

Бадииятнинг сири, сеҳри шундаки, ёзувчининг маҳорати, даҳоси туфайли асли ҳаётда бўлмаган шахслар ўқувчи томонидан худди тарихий сиймо сифатида қабул қилиниши ёки жуда оддий, камсуқум одамлар улкан, машҳур шахс дарајасига кўтарилиши мумкин. Аксинча, баъзан ёзувчининг уқувсизлиги оқибатида ҳаётда ўтган тарихий шахсларнинг қадри тушиб кетиши, машҳур кишиларнинг сиймоси хира тортиб қолиши ҳам мумкин.

Грузин адаби Чабуа Амирэджибининг «Дата Туташхия» романи эълон этилганида кўпчилик китобхонлар асарнинг етакчи қаҳрамонларини ҳаётда ўтган тарихий сиймолар сифатида қабул қилдилар. Ҷарҳақиқат, роман қаҳрамонлари тимсолида ўтган аср охирларидаги грузин халқи тарихининг, маънавий ҳаётининг кўп томонлари жуда ёрқин очиб берилган. Авторнинг кейинги интервьюларида бирида шу нарса маълум бўлдики, асар персонажларининг биронтаси ҳам аниқ прототипга эга эмас экан. Худди шунингдек, Мирмуҳсиннинг «Меъмор» романни бош қаҳрамони меъмор Нажмиддин Бухорийнинг ҳам конкрет ҳаётий асоси — прототипи йўқ, у бошдан-оёқ тўқима образ, шунга қарамай китобхон назарида у аниқ тарихий шахс каби гавдаланади. Одил Ёқубовнинг «Улугбек хазинаси», Пиримкул Қодиров-

нинг «Юлдузли туилар» романларидаги маҳорат билан чизилган қатор тарихий ва тўқима образлар орасида чегара-тафовут йўқ даражада, худди тарихий шахслар — Улубек, Абдуллатиф, Бобур, Хонзода, Малика Байда каби тўқима образлар — мавлоно Муҳиддин, Қарноқий, Фазлиддинлар ҳам бирдек ўқувчиши қизиқтиради. Энди бошқа хилдаги — марказида оддий, камсуқум кишилар образи турган асарларни эслайлик. Чингиз Айтматовнинг «Асрга татиғуллик кун» романи бош қаҳрамони Едигей оддий темир йўл ишчиси, у бепоён саҳродағи уч-тўрт хонадонлик кичик бир разъездда яшайди, меҳнат қиласи. Ёзувчи мана шу оддий, камсуқум одамнинг турмуши, тақдири, кечинмалари орқали асри-мизнинг улкан ҳақиқатини ифодалайди, даврнинг ҳаёт-мамот масалаларини кўтаради. Яна бир мисол. Уткир Ҳошимовнинг «Дунёнинг ишлари» асари марказида оддийгина уй бекаси — она образи туради, ёзувчи хилма-хил эпизодлар орқали шу жуда оддий, камсуқум аёлнинг улкан қалбини очишга муваффак бўлади, натижада оддий уй бекаси ўқувчи назарида муҳим ижтимоий фигурага айланади..

Бу хил мисолларни келтиришдан мақсад шуки, модомики адабиётда асло ҳаётда ўтмаган одамларни сўз санъати сеҳри билан улкан тарихий шахслар, оддий, камсуқум кишиларни эса катта ижтимоий фигуralар даражасига кўтариш мумкин экан, бу жиҳатдан кўп қулайликларга эга бўлган тарихий шахслар ёки машҳур кишилар образига нисбатан талаб ва масъулият янада каттароқ ҳамда жиддийроқ бўлади.

Тарихий мавзунинг, ҳужжатли асарнинг мана шу масъулиятини чуқур ҳис этган ҳолда қалам тебратадётган шоир ва ёзувчиларимиз кўп. Бу ўринда фақат иккита асарни тилга олиб ўтишни истар эдим.

Эркин Воҳидовнинг «Рұхлар исёни» достони аниқ тарихий шахс — оташин бенгал шоир Назрул Ислом ҳақида. Маълумки, ҳинд халқининг озодлик учун кураши тарихида, ҳинд адабиёти ривожида оташнафас, гуманист шоир Назрул Исломнинг муносаб ўрни бор. Достонга ёзилган сўз бошида айтилганидек, Назрул Ислом ўзининг исёнкорона шеърлари билан бутун Ҳиндистон ярим оролини ларзага солган эди, унинг эркпарвар нидоси халқни бирлаштирумокқа, ўзаро диний эътиқодлар низосидан халос бўлиб, қабиҳ мустамлакачилик зулмига қарши жанг қилмоққа чорлади. Шоир номи бутун Ҳиндистонда исёнкорлик тимсолига айланди, унинг қисмати фоят фожиали. Эрк, озодлик душманлари зулми, тазинки остида шоир айни навқироглиқ, ижоди гуллаган, ҳали ўттиз бешга тўлмаган бир пайтда эс-ҳушидан айрилди. Назрул Ислом етмиш беш йил умр кўрди, шу йиллар ичида унинг она юритида катта ўзгаришлар рўй берди, шоирнинг кўп орзулари рўёбга чиқди. Ҳиндистон мустамлакачилик кишанларини улоқтириб ташлади. Буларнинг барчаси Назрул Исломнинг кўзи олдида содир бўлди, лекин шоир буларнинг ҳеч бирини сезмади, билмади...

Назрул Исломнинг фожеий тақдири Эркин Воҳидовни кўпдан бери ҳаяжонга солиб келар, у ҳақда ibrор асар ёзиш хаёлида юрар эди. Эркин Воҳидов шоир ҳаёти ва

ижодини астойдил ўрганди, бой материал тўплади; шоир ҳаётига оид фактлар билан яқинроқ танишиш ниятида Хиндистонга бориб келди, шоир яшаган жойларда бўлди, шонрни яқиндан билган кишилар билан суҳбат қурди. Хабарим бор, шу материаллар, таассуротлар асосида шоир бир шеърий қисса ёзди, унда Назрул Исломнинг ҳаёт йўли, кураши, фожиали тақдирни яхшигина ҳикоя қилиб берилган эди. Лекин бу асардан шонрнинг кўнгли тўлмади.

«Фоят ҳаяжонли ҳодиса, улкан шахс ҳақидаги асарни тугатиб, қайта ўқиганимда негадир у ҳатто ўзимни ҳам ҳаяжонга солмади, қизиқтирмади,— дейди шоир биз билан суҳбатда.— Кейин билсам, мен унда Назрул Ислом ҳаётига оид кўпчиликка таниш фактларни шунчаки шарҳлаш, ҳикоя қилиб берниш билан чекланиб қолган эканман. Шоир ёки носирнинг вазифаси бирор шахс ҳаёти, саргузаштини шунчаки ҳикоя қилиб беришдан иборат бўлса, дунёда ёзувчилик ёки шонрликдан осон ҳунар бўлмасди... Назрул Исломга багишланган асар устидаги изланишлардан шу нарсага амин бўлдимки, шоир машҳур тарихий шахсларни қаламга оладими ё оддий кишилар ҳақида ёзадими, барибир унинг ўша шахс ҳаётига оид фақат ўзи кашф қилган ҳақиқати, чуқур ҳис этган концепцияси, ўша шахс ҳаёти баҳонасида айтадиган салмоқдор гапи бўлиши зарур экан, образ, у тарихий ёки тўқима бўладими, барибир, шоир ҳаётий-маънавий тажрибаларининг, ҳаёт ҳақидаги кузатишлиари, ўй-мушоҳадаларининг самараси, синтези сифатида майдоинга келади. Бундай ўй-

муроҳалар қанчалик оригинал, тераң, кўламдор, ҳаётий бўлса, образ ҳам шунчалик оригинал, таъсирчан, кўламдор чиқади...»

Бу ҳақиқатга амал қилған талабчан шоир тайёр шеърий қиссадан воз кечиб, Назрул Ислом ҳақида тамомила янги бир асар ёзишга киришди, кўп ижодий изланишлардан кейин ҳозир жамоатчиликка яхши таниш «Руҳлар исёни» достони майдонга келди. Достон ҳозирча адабий танқидчилик томонидан атрофлича таҳлил этилгани йўқ, ҳолбуки бу асар адабиётимизда муҳим ҳодиса, жумладан у биз бу ерда мулоҳаза юритилётган машҳур кишилар, тарихий шахсларнинг бадиий талқини муаммоси учун ҳам бой материал беради.

Гарчи «Руҳлар исёни» достони Назрул Исломга бағишлиланган бўлса-да, асар фақат оташин шоир ҳаёти лавҳалари инфодаси билан чекланиб қолган эмас, асар образларининг ўғли, кўлами хийла кенг. Муаллиф шоир ҳаёти баҳонасида ўзининг умуман шоирлик, инсонлик, фидойилик, эрк ташналиги ҳақидаги, эркка ташна ижод аҳлининг замонаси, халқи билан мураккаб муносабати ҳақидаги, қолаверса инсон ҳаётининг маъноси, ҳаётининг ҳам шафқатсиз, ҳамadolatli ҳақиқати ҳақидаги ўй-муроҳадаларини илгари суради. Достоннинг шакли ҳам мақсад, мазмунга мос тарзда мураккаб, кўп қиррали. Шоир Назрул Ислом ҳаётига оид реал картиналар билан бир қаторда ўй-хаёллар, меваси бўлмиш хилма-хил ҳаяжонли ривоятларга мурожаат этади, бу ривоятлар эса ўз навбатида ҳаёт ҳақиқати моҳиятини чуқур-

роқ очишга хизмат қилади, шоир илгари сурган фалсафий мушоҳадалар учун даилийсбот ролини ўтайди.

Бу асар катта ҳаётий тажрибага эга бўлган, бадиинят ва унинг сирлари билан яхши таниш бугунги юксак савияли шеърхонлар диди ва завқини назарда тутиб ёзилган. Нозик дидли китобхон назокат билан айтилган, рамзий воситалар орқали ифодаланган терапикрларни, гап тагидаги гапларни яхши уқиб олишига аминмиз.

«Руҳлар исёни» туғилишидаги жараёнга ўхшаб кетадиган ҳодиса «Бухоронинг жинкўчалари» қиссаси авторида ҳам бўлган. Асқад Мухтор республика радиосида 1980 йилнинг июль ойида шу қиссага бағишлиланган баҳс пайтида санъаткор ёзувчининг вазифаси ўқувчини шунчаки машҳур кишилар ҳаёти билан таниширишдан иборат эмаслигини, «Бухоронинг жинкўчалари» асарида тарихий сиймо Файзуллонинг ёшлик йиллари орқали бугунги кунда бутун жамоатчиликни ўйга толдираётган маънавий-ахлоқий муаммоларга жавоб ахтарганлигини айтган эди.

Худди «Руҳлар исёни»да бўлгани каби «Бухоронинг жинкўчалари» автори ҳам тарихий шахс воситасида ўзининг инсон шахси, унинг маънавияти, даврига, даврининг ижтимоий ҳодисаларига муносабати, умуман инсон ҳаётининг моҳияти ҳақидаги ўй-мушоҳадаларини ифода этади. Достон жанри табиатига кўра, «Руҳлар исёни»да авторнинг изтиробли ўйлари кўпроқ лирик қаҳрамон кечинмалари шаклида берилса, эпик асар «Бухоронинг жинкўчалари»да бу нарса бево-

сита бош қаҳрамоннинг қалбига кўчирилади. Қисса автори Файзуллонинг 12-16 ёшлар оралиғидаги ҳаётига доир фактларга таянган ҳолда, ўша давр Бухородаги конкрет тарихий-ижтимоий жараёнлардан келиб чиқсан ҳолда, бутун диққат-эътиборни қаҳрамоннинг руҳий дунёсига қаратади. Бадавлат оиласа мансуб бир ўғлоннинг даврнинг ғоят шиддатли, зиддиятли тўлқинлари ичидан, машаққатли ўйлар, адашишлар, тинимсиз изланишлар орқасида инсон-граждан сифатида шаклланиш,adolat, социал озодлик ғоясига келиш йўли таҳлил этилади. Файзулло адолатни деб, эл-юрт баҳт-саодати деб нақадар катта заҳматлар чекади, олижаноб орзу-идеаллар йўлида ота бойлиги, салтанатидан юз ўгиради, ўзининг шахсий ҳузур-ҳаловатидан воз кечади. Булар киши учун осон гап эмас! Қиссани ўқигандан китобхон қаҳрамоннинг руҳий қийноқларини, изтиробли ўйларини бутун вужуди билан ҳис этиб туради. Қисса билан танишгандан киши беихтиёр ўзини Файзулло ўрнига қўйиб кўради, ўзига ўзи: «Файзулло ўрнида бўлганимда қандай йўл тутардим, шу хил оғир синовларга, изтиробларга дош бера олармидим», деб савол бергиси келади. Бу асарни ўқиб киши ҳушёр тортиб кетади, ўзининг ҳаётидаги мавқеи, эл-юрт олдидаги бурчи ҳақида ўйга толади. Эҳтимол, бу тарихий қиссанинг замонавийлиги, замондошларимиз маънавиятига дахлдорлиги ҳам шундандир.

Шундай илиқ гаплардан кейин адабиёти-миздаги машҳур тарихий шахслар талқини билан боғлиқ камчиликлар, қийинчиликлар ҳақида сўзлаш, салбий фактларни тилга олиш

нокулай, албатта. Лекин, начора, улар ҳақида гапирилмаса, камчиликларнинг олди олинимаса бора-бора маддалаб кетини мумкин. Бу ерда ҳам иккита мисол — бир шеърий, бир насрин асар хусусидаги айрим мулоҳазалар билан чекланаман.

Эътибор Охунованинг номи дунёга машҳур механизаторимиз ҳақидаги «Турсуной» достони ўқувчилар орасида у қадар шуҳрат қозонолмади. Тўғри, достонда яхши сатрлар бор, қаҳрамон шаънига кўп илиқ гаплар айтилган, қаҳрамон ҳаётининг айрим лавҳалири дурустгина чизиб берилган. Бироқ яхлит ҳолда асар бизни қаттиқ ҳаяжонга солмайди, ўйга толдирмайди. Гап шундаки, автор Турсуной ҳақида биз эшитган, билган фактларни шунчаки шеърий сатрларга солиб шарҳлаб берган, қаҳрамон шаънига мадҳиялар айтиш билан чекланган, унда қаҳрамон ҳақида шоиранинг ўзи кашф этган оригинал концепцияси, қаҳрамон тақдири орқали илгари сурадиган салмоқдор фикрини кўрмаймиз. Асарининг баён тарзи, структураси ҳам кўпроқ журналистик асарни — ҳозирда кенг тарқалган оддий репортаж ва очеркларни эслатади, автор қаҳрамон билан учрашади, суҳбатлашади, қаҳрамон ўз ишлари, бошдан кечган қийинчилклар ҳақида гапириб беради, муаллиф эса қаҳрамон сўзларини шарҳлайди... Шу тариқа асарда қаҳрамон билан таништириш, фаолиятини шарҳлаш бор-у, қаҳрамон ҳаётининг, жаҳоншумул ишларининг моҳиятини очиш, чуқур умумлаштирилмалар чиқариш, бадиий таҳлил этиш йўқ.

Ёзувчи Омон Мухтор хайрли ишга қўл уриб жангчи шоир Султон Жўра ҳақида

«Учқур поездлар» деб аталган ҳужжатли қисса авторининг шоир ҳәтини яхши ўрганғанилиги кўрениб туриди. Қиссани ўқиганда бирин-кетин ўқувчи кўз олдидан Султон Жўранинг оғир болалик йиллари, оиласвий муҳити, меҳнат фаолияти, фронт йўлларидағи, жангдаги саргузаштлари ўтади, автор Султон Жўра шахсиятининг айрим томонлари билан ҳам бизни таништиради — шоирнинг оила аъзоларига, қариндош-уруғларига, дўстларига муносабати, меҳри, шунингдек, унинг ижод онларидағи руҳий ҳолатлари яхши кўрсатилган. Қиссанинг ифода тарзи ҳам ўзига хос — бир оз мунгли, вазмин, осойишта, унда уруш даврининг драматик руҳи, нафаси сезилиб туради. Аммо, шуларга қарамай, қиссани ўқиганда негадир ундан китобхоннинг кўнгли тўлмайди, қиссадаги қаҳрамон образи ҳаётдаги, ўқувчи тасавуридаги жанговар, фидойи шоир Султон Жўрага кўра ғарифроқ чиқиб қолгандай туюлади. Автор Султон Жўра ҳаётидаги икир-чикирлар, табиатидаги оддий хислатлар ифодаси билан ўралашиб қолиб, фавқулодда, қаҳрамонона жиҳатларига етарли эътибор бермаганмикин? Ёки асарда ўткир драматик конфликтнинг йўқлиги, Султон Жўра зидди сифатида келтирилган Хўжақул билан боғлиқ өюқеаларнинг муаллақ тарзда қолганлиги, кўп ҳолларда шоирни бир оз пассив, ланжроқ одам сифатида кўрсатилганлиги — айни шулар бош қаҳрамон характеристидаги ёрқин томонларга соя туширганмикин? Ёки, балким, энг муҳими, асарда бошдан-оёқ қаҳрамон ҳаёти тасвирини нур бўлиб ёритиб турувчи аниқ-

равшан бош бадий концепциянинг йўқлиги ёки бир оз мужмаллиги туфайли шоир обра-зи кўлами торайиб қолганмикин? Бу тах-минларнинг ҳар бирида озми-кўпми ҳақиқат бор.

Қисқаси, тарихий шахслар ёки машҳур кишилар ҳақида ёзиш савоб иш, бироқ унинг масъулияти ниҳоятда катта, жиддий мавзу ўз навбатида юксак бадий маҳоратни тақозо этади; КПСС XXVI съездидаги таъкидлаб ўтилганидек, хом-хатала, бадий жиҳатдан бўш асарлар актуал мавзуни ўзига қалқон деб билмаслиги керак.

## ТАНИШ СИЙМОЛАР

(Портретлар учун чизгилар)

АДИБ НАСРИНИНГ БАЪЗИ ХИСЛАТЛАРИ

В. И. Ленин Лев Толстой вафоти муносабати билан ёзган мақоласида бу гениал санъаткор қолдирган меросда ўтмишга айланмай келажакка мансуб бўлган жиҳатлар кўп эканлигини уқтирган эди. Даҳо ёзувчи ижоди таҳлилидан келиб чиқиб айтилган бу доно гап барча улкан адилар қатори халқимизнинг фахри, адабиётимизнинг ёрқин, сўнмас юлузларидан бири бўлиб қолган Faфур Fулом меросига ҳам дахлдордир.

Fафур Fулом қирқ йилдан ошиқроқ ижодий фаолияти давомида бой адабий хазина яратди, у foят хилма-хил адабий тур, жанрларда қалам тебратди ва ҳар бирнида ўша тур, жанрнинг моҳир устаси даражасига кўтарила олди. Faфур Fулом деганда биринчи галда унинг шеърияти кўз олдимизда намоён бўлади. Қардош халқлар, чет элдаги дўстларимиз ҳам уни аввало улкан шоир сифатида танийдилар. Дарҳақиқат, Faфур Fулом адабиётга шоир сифатида кириб келган эди, гарчи бошқа соҳаларда — проза, драматургия, адабиётшунослик, журналистика, таржима бобида кўп меҳнат қилган бўлса ҳам, у бир умр шеъриятга содик қолди,

қирқ йил давомида ўзбек совет шеъриятининг сероҳанг симфониясидаFaфур Гуломнинг бетакрор қудратли овози баралла жараплаб турди, бу овоз мамлакатимизнинг, жаҳоннинг олис чеккаларигача етиб борди. Бироқ Faфур Гуломнинг бошқа соҳалардаги ижоди, хусусан насрин мероси ҳам гоят салмоқдордир. Ўзбек реалистик прозасининг туғилиши ва ривожида Faфур Гуломнинг хизмати Абдулла Қодирний, Ойбек, Абдулла Қаҳҳор сингари атоқли носирларимиз хизматидан асло кам эмас. Faфур Гулом ўн томлик асарлар мажмуасининг учта салмоқдор жилди насрин асарлардан ташкил топган. Faфур Гуломнинг насрин мероси тўрт повесть («Нетай», «Тирилган мурда», «Ёдгор», «Шум бола»), кўплаб ҳикоялар, эллика яқин фельетон, ўнлаб миниатюралар, латифалар, очерклар, публицистик мақолалардан иборат. Адибнинг қатор ҳикоялари адабиёт хрестоматияларидан жой олган. «Ёдгор», «Шум бола» қиссалари эл орасида жуда машҳурдир. Айниқса, «Шум бола» кўп қардош ва чет эл тилларига таржима этилган. Қисса қаҳрамонлари театр саҳналарига, киноэкранларига чиқкан.

Гарчи Faфур Гулом насрин ҳақида баъзи илмий тадқиқотлар яратилган бўлса-да, бу улкан адабий мерос ҳали етарли ўрганилган, керагича тарғиб этилган эмас. Бу ноёб хазинанинг ҳануз адабиётшунослар нигоҳидан четда қолиб келаётган ёки кам эътибор берилган жиҳат ва жилолари беҳисоб.

Faфур Гулом насрин асарларининг гултожлари саналмиш «Ҳийлаи шаръий», «Ёдгор», «Шум бола»лар яратилгандан буён орадан қирқ-эллик йил ўтди, сўнгги энг

яхши ҳикояларидан бири «Менинг ўғригина болам» билан танишганимизга ҳам, мана, салкам йигирма йил бўляпти. Қизиқ, бу асарларни қайта мутолаа қилгандек туюлади, уларда бугунги насримиз ривожидаги бир қатор тенденциялар билан оҳангдош жиҳатлар, умуман ҳозирги адабиёт тараққиётига дахлдор хислатлар кўп.Faфур Ғулом прозаси ҳозирги пайтда жаҳон миқёсида қизғин баҳсларга сабаб бўлаётган кўпгина назарий масалаларни ўртага қўйиш, улар ҳақида фикр юритиш ва уларга аниқлик киритиш учун қизиқарли материал беради.

Кейинги йилларда адабиётдаги прогресснинг бош омили нимадан иборат, бадиий асарнинг умрбоқийлик, таъсирчанлик сири нимада деган масалалар теварагида азалий баҳслар яна қўзғалиб қолди. Баъзи олимлар адабий прогресснинг бош омили ҳаққонийликда десалар, бошқалар даврнинг муҳим ижтимоий, маънавий-ахлоқий муаммоларини ўртага қўйишда деб биладилар, яна бир груп адабиётшунослар, жумладан, А. Бушнин гуманизм — бадиий прогресснинг олий мезони деб ҳисоблайди.

Дарҳақиқат, адабиётда ҳаёт ҳақиқатини айтиш, ифодалаш, ҳаққонийлик ҳам муҳим, даврнинг жиддий ижтимоий, маънавий-ахлоқий масалаларини кўтариб чиқиш ҳам муҳим, бироқ оқибат-натижада бадиий асарнинг таъсир кучи, умуман адабиёт ривожининг даражаси, кўлами унинг гуманизми, гуманистик ғояларнинг теранлиги ва миқёси билан белгиланади. «Шоҳ Эдип»дан тортиб то «Тинч Дон»га, «Оттело»дан то «Асрға

татиғулиқ кун»га, «Анна Қаренина», «Жиноят ва жазо»дан тортиб то «Яшайверу унумта» қиссасигача, «Хамса»дан то «Бой ила хизматчи» ва «Утган күплар»га қадар — жамики шоҳ асарларни эсланг, улар биринчи галда инсонга бўлган чексиз меҳр-муҳаббат билан, инсонни ардоқлаши, унинг имкониятларига ишончи, инсон зотига ададсиз ҳамдардлик-мурувват туйғуси билан қалбимизни асир этади, туғёнга солади. Шунга асосланиб чинакам бадиий асар аввало инсонга меҳрдан туғилади деб баралла айтиш мумкин.

Faфур Гуломнинг «Софииш», «Сен етим эмассан» сингари тенгсиз шеърлари қатори энг яхши насрй асарларида ҳам айни шу хислатлар барқарор. Худди шеърларидағи каби қисса ва ҳикояларида ҳам инсон қисматига ҳамдардлик-мурувват туйғуси ёзувчи қалбидан қўшиқдек отилиб чиқади.

Жаҳон адабиётида шундай шоҳ асарлар борки, уларнинг қаҳрамонлари ҳаётнинг мураккаб гирдобига тушиб қолган, қандайдир даражада адашган, «гуноҳкор» шахслар, шуниси характерлики, буюк адиллар ўша шароит, вазият тақозосига кўра гирдобга тушиб қолган «гуноҳкор» одамларнинг аччиқ қисматини, оғир кўргиликларини, руҳий изтиробларини фавқулодда бир маҳорат ва зўр инсоний меҳр-шафқат туйғуси билан қаламга оладилар. Шоҳ Эдип, Отелло, Раскольников, Анна Қаренина, Нехлюдов, Григорий Мелехов, бизда эса «Паранжи сирлари»даги Холисхон ана шундай қаҳрамонлар тоифасидандир. 60-70-йиллар адабиётида шу тур қаҳрамонлар хийла кўпайди. Хусусан

В. Шукшин, В. Распутининг қисса ва ҳикояларида, Мирмуҳсин, Одил Еқубов, Пиримқул Қодиров, Ўлмас Умарбеков, Шукур Холмирзаев, Ўткир Ҳошимов каби адилари мизнинг роман ва повестларида яратилган шу типдаги қатор персонажлар катта қизиқиши уйғотди, қизгин баҳсларга сабаб бўлди.

Ғафур Ғулом ҳикоя ва қиссаларидағи талай персонажлар ўзларидан олдин ва кейин яратилган ўша тур одамлар образини ёдга туширади. Шуниси характерлики, улкан адиларда бўлгани каби Ғафур Ғулом асарларида ҳам бошда қандайдир «гуноҳкор» бўлиб кўринган шахслар пировард-натижада олижаноб қалб эгаси, меҳр-мурувватга, ҳимояга муҳтоҷ одамлар бўлиб чиқадилар. Дарҳақиқат, бир қараашда «Нетай» қаҳрамони — бузук йўлга кириб қолган анчайин бир жувон, «Тирилган мурда»даги Мулла Мамажон оддий бир дангаса — ялқов, «Ёдгор»да эса эркин севги деб енгилтаклик қилиб қўйган, сўнг айбини ёпиш учун порасида чақалоқни ташлаб кетган бемеҳр аёл, ўша аёл макрига учиб бошига ғалва орттириб олган чапани, тўпори бир йигит, «Шум бола»да эса, асар номидан ҳам кўриниб турнибдики, қўлидан ҳар бало келадиган бебош бир бола, ниҳоят, «Менинг ўғригина болам» ҳикояси қаҳрамони — ҳақиқий ўғрининг ўзгинаси...

Езувчи қаламининг сеҳри шундаки, асарларни ўқиши давомида китобхоннинг мазкур қаҳрамонлар ҳақидаги илк тасаввuri бутунлай ўзгариб кетади. Адилнинг чуқур реалистик таҳлили туфайли шу нарса аён бўладики, қаҳрамонларни гуноҳ йўлга бошлаган, уларнинг инсонлик шаънига доғ солган нар-

са — нобои шаронт, мураккаб мұхит. Бегуноқ қизалоқ Нетай ўтган асрнинг охирларида юз берган конкрет тарихий ҳодисалар — чоризм-нинг ғалаён күттарган халққа қылган зулми, зуғуми оқибатида дарбадарликка учраб ногаҳсн гирдобга тушиб қолади, бой-ваччаларнинг кўнгил очувчи эрмагига айла-нади, шунинг учун ҳам ёзувчи бу аёл қисматини чуқур бир ички дард билан ҳикоя қиласди, «Тирилган мурда»даги Мамажон қуллик, қарамлик, тенгсизлик ҳукм сурган замонда меҳнатдан, ҳаётдан совиб, бефарқ, бемаслак жонли бир мурдага айланиб қолган, янги замон эпкини, янгича инсоний муносабатлар таъсирида у тирилиб чин инсон қиёфасига кира бошлайди, ёзувчи Мамажондаги ана шу ўзгаришлардан қуво-ниб, унда пайдо бўляётган ҳар бир катта-кичик инсоний фазилатларни чин дилдан ардоқлаб қалам тебратади... «Ёдгор»даги Мехри эскича урф-одатлар зулматини дадил ёриб чиқишга интилади — эркин севги йўли-ни тутади, бироқ ёшлиқ қилиб қалтис хатога йўл қўяди, қонунсиз туғилган чақалоқни макр йўли билан соддадил бегона йигитга ошира-ди, у маълум йўқотишлар эвазига асл муд-даога эришади, аммо узоқ йиллар ўзи қилиб қўйған қалтис иш жабрни тортади. Мехри—чин инсон, ҳаммадаш бурун у аёл, она, оналик бурчи, меҳри олдида унинг севгидаги баҳти ҳеч нарса эмас, чақалоққа, соддадил йигитга қилган жабр — улар олдидаги гуноҳ туфайли севгидаги баҳти ҳам унга мутлақо татимайди. Аёлдаги ана шу чуқур инсоний туйғу ёзувчининг ҳадсиз ардоғига сазовор бўлади. Шўх-шаддод, ўта қув Шум бола дов-

дираб кўп қалтис ишларга қўл уради, ёзувчи эса гўё меҳри дарё отахон каби бола қалтис ишлар қилиб қўйганида ҳам гуноҳларини кечириб юбораверади, боланинг хилма-хил ҳаёт сўқмоқларидағи ғаройиб саргузаштларини катта хайриҳоҳлик, ўзига хос илиқ бир юмор билан сўзлаб беради, қисса давомида оддийгина Шум бола бир оз жабрдийда, бир оз исёнкор ва энг муҳими, жуда ёқимтой болажонга айланади...

Буларнинг барчаси майлику-я, «Менинг ўғригина болам» ҳикоясидағи бориб турган ўғрининг ҳикоя давомида китобхон наздида ижобий шахсга, меҳр ва ардоққа муносиб кимсага айланиб қолиши... Бу энди ёзувчи маҳоратининг ажойиб сеҳри, адаб қалб саҳовати — гуманизмининг буюк бир эҳсони, қолаверса автор реализмининг мўъжизакор қудрати!

Ўғри йигит шум ният билан Қора буви хонадонига тушади, тўрт норасида етим набира тирикчилиги, тақдири ғамида уйқуси қочиб ётган кампир хонадонига ўғри тушганида чўчиш у ёқда турсин, уни хуш қабул қиласди, чунки у дардлашадиган одам топилганидан хурсанд, ўғрига дардини тўқиб солади. Ўғри ҳам очилиб кетиб кампирга ҳасрат қиласди: «... менинг ҳам икки болам, хотиним, битта кампир онам бор, бир товуққа ҳам дон керак, ҳам сув керак, деганларидек, шуларни боқишим керак. Тўртта чавати нон топиш учун ўзимни ўтга, чўққа, Алининг тифига ураман...» Йигит ҳасратининг чеки йўқ. Маълум бўладики, йигит аслида белида қуввати бор, тагли-жойли, ақл-ҳушли одам, ҳозир қилиб турган ўғрилик

касби ўзига ҳам маъқул эмас, бундан орқилади. Аммо чаппасига кетган замона зайди, рўзгор тебратишни замони уни шу кўйга солиб қўйган, ноиложлик туфайли ҳаром йўлга қадам босган. «Ҳамма касбларнинг ҳам бозори касод, — дея ҳасратида давом этади йигит. — Ота касбим кавушдўзликни қиласми? Аввало шуки, кавуш тикишга на чарм бор, на спрач, на мих, на лок. Масаллигининг ўзи битиб чиққан кавушдан уч баробар қиммат. Ҳаммоллик қиласми десам, аввалгидек қоплаб ғалла, қоплаб савзи-шолғом оладиган бадавлатларнинг тухуми қуриган. Тунов куни шу маҳалланинг девкор этикдўзларидан Бувамат ота бутун қолипу шону сўзан, бигизларини улгуржисига икки пуд жўхори унга моваза қилди. Яхши қилди. Унинг этигини киядиган ўзбек, қозоқ, қирғиз деҳқонлари қаёқда дейсиз, қолган эмас. Фақат уларнинг етимларигина шаҳримизни тўлдириб юрибди. Қайси бурчакка, қайси чордеворга бош суқманг, ўн бешта етим ювуқсиз қўлини чўзиб: «Амаки, нон беринг», дейди. Нон-а, ўзимниги тополмайман-у! Битта мен эмас, буви, маҳалладаги ҳамма косибларнинг аҳволи шунаقا. Пичоқчилар ҳам, ғўёқчилар ҳам, кўнчилар ҳам, борингки, мактаб домлалари ҳам, муллаваччаларнинг ҳам ранги пано. Бир қошиқ оби ёвғонга зор. Санқиб юрибди».

Кампир ва ўғри ҳасратидан биринчи жаҳон уруши тўзони туфайли ночор аҳволга тушиб қолган меҳнаткаш халқ турмуши манзараси шундоққина кўз олдингизда гавдаланади, кампир ҳам, ўғри ҳам ўша тўзоннинг икки зарраси, кампир ҳолидан хабардор бўл-

ган ўғри ўзининг шум ниятини унутиб кампирнинг ҳамдардига айланади — унга «бувижон» деб мурожаат қиласди, ўтини ёриб бериб озгина бўлса-да, кампир ҳожатини чиқармоқ истайди, кампир эса ўгри дардидан огоҳ бўлиб, унинг ҳолига чиндан ачинади, уни ўзига яқин олиб «ўғригина болам» дея эркалади, қутлуғ уйдан қуруқ кетмасликни маслаҳат беради, унга бекор ётган ярим нудлик қозонни инъом этади, йигит эса етимлар ризқини олиб кетишни ўзига эн кўрмайди... Шу тариқа бошда кўзимизга бориб турган ўғри бўлиб кўринган кимса яхшигина дилкаш, жафокаш одам бўлиб чиқади, ҳикоя давомида шум ниятли одамнинг чин инсоний фазилатлари намоён бўлади ва бу одам ўқувчига ёқиб қолади.

Маълум бўляптики, ёзувчининг гуманизми бефарқ гуманизм эмас, адаб гуманизми инсондаги ҳар қанақа гуноҳларни, қусурларни суриштирмай кечириб юбораверадиган, қинғирлик ва ёвузликка нуқул яхшилик билан жавоб қилишга undайдиган гуманизм эмас, ёзувчи гуманизми инсонга нисбатан талабчан, юксак ахлоқий принципларга таянадиган изчил синфиий, партиявий, шу билан баробар, шахснинг имкониятларига, истиқболига катта ишонч руҳи билан йўғрилган гуманизм, айни пайтда ёзувчи гуманизми инсон тақдирни, хатти-ҳаракатларини, унинг гуноҳларини, бошига тушган савдоларини конкрет тарихий шароит, муҳит билан мустаҳкам алоқадорликда таҳлил этувчи чуқур реалистик принципларга асосланувчи гуманизм!

Ғафур Гулом прозасининг ярқ этиб кўзга

ташланиб турадиган, ўқиганда дилни қувонтирадиган яна бир фазилати, хислати ўша гуманистик руҳ билан узвий боғлиқ, балким унинг давоми бўлмиш чуқур халқчиллик ва миллий ўзинг хосликдир. Адиб асарларида ўзбек халқининг руҳияти жуда ёрқин акс этади, халқнинг ҳаёт тарзи, урф-одатлари, кайфияти, кулгиси, орзу-интилишлари, кучли ва ожиз томонлари яққол намоён бўлади, ҳар бир жумла, ҳар бир деталь, тафсилотда халқ турмуши, ўзбек тупроғининг нафаси барқ уриб туради. Faфур Гулом асарларида ҳар бир катта-кичик персонаж — Шум боладан тортиб ўғри йигитгача, аламдийда Меҳридан тортиб меҳри дарё Қора бувигача, ташибал Мулла Мамажон, меров Матмусадан тортиб олижаноб Жўраю Саодатгача — барчасида халқ характеристикинг қандайдир жилолари мужассам... Faфур Гулом прозаси ўта миллий колоритли проза, аммо унда ҳеч қаерда миллийликни кўз-кўз қилиш, экзотикага берилиш йўқ, тасвирдаги миллий бўёқ ҳеч қачон қуруқ либос бўлиб қолган эмас, миллий руҳ билан йўғрилган ҳар бир ҳаётий лавҳа, персонаж чуқур социал анализ самараси, ҳосиласидир ёки жиддий социал, маънавий ахлоқий муаммолар тасвири, таҳлили учун асосдир. Адиб асарларида миллий руҳ ўта табиий, ҳаётий, тарихан конкрет. Биламизки, миллийлик ўзгармас хусусиятлар йиғиндисидан иборат эмас, миллийлик тарихан аниқ, ўзгариб, бойиб борувчи тушунча. Faфур Гулом асримизнинг биринчи ярмида — буюк инқилобий ўзгаришлар даврида яшаб ижод этди, асарларида асосан халқ ҳаётининг ана шу социал ўзгаришлар даврини акс

эттирди, бинобарин у яратган персонажлар тақдири характерида ўша даврдаги социал зиддиятлар, инқилобий ўзгариш, янгиланишлар хилма-хил кўринишда ўз аксини топди. Шуниси характерлики, Ғафур Ғуломнинг аксари асарларидағи етакчи персонажлар маънавий-ахлоқий, маданий жиҳатдан ўзгариб, юксалиб борадиган шахслардир. Ўлар характеридаги ўзгаришлар эса бутун бошли ҳалқнинг миллий онгидаги ўзгариш-янгила-нишдан далолатдир. Адибнинг машҳур досто-ни қаҳрамони Кўкан асар бошида ҳаддан ташқари гўл, тўпори йигит, «Ёдгор»даги Жўра, унинг ўз сўзи билан айтганда, қип-қизил чапани, «Тирилган мурда»даги Мулла Мамажон афсонавий Абу Танбални йўлда қолдирадиган таибали... Езувчи Кўкан, Жўра, Мамажонларни ўшандай кўйга солиб қўйган омилларни ҳам шарҳлаб беради, сўнгра ўқувчи диққат-эътиборини она юртдаги ўз-гаришлар, кишилар орасидаги янгича муносабатларга қаратади, шу ўзгариш, муносабатлар таъсирида, қайноқ ҳаёт қучофида Кўкан, Жўра, Мамажонлар тамомила янги типдаги шахсларга айланадилар, шуниси муҳимки, маънавий жиҳатдан тирилиб эл-юртнинг олдига ўтиб олган Мамажон ҳам, тўпориликни ортда қолдириб катта ташкилотчи даражасига кўтарилган Кўкан ҳам, чапаниликдан маданий киши, зиёлига айланган Жўра ҳам, қўйингки ҳар бири ёрқин миллий характерлигича қолаверади. Бир қарашда персонажлар характери бу хил кескин ўзгаришлардан холи, турғунроқ бўлиб туюлган «Нетай», «Шум бола», «Менинг ўғригина болам» каби асарларида ҳам инқилобий сил-

осилалар, маънавий-ахлоқий янгиланишларга ҳозирлик нафасини туйиб турамиз:

Қисқаси, Ғафур Ғулом прозасидаги ёрқин миллийлик чуқур социал анализ билан йўғрилган, персонажлар характеристидаги миллий рух, улар табиатидаги ўзгаришлар халқ ҳаётидаги муҳим социал жараёнларни ўзида ифода этади. Қандай удумлар эскирган, тараққиётга зид, қайсиси илфор, халқни олға етаклашга қодир — ёзувчи талқинида булар ниҳоятда аниқ-равшан. Янгича ахлоқий нормаларни, социалистик ҳаёт тарзини тасдиқлаш ёзувчи асарларининг асосий пафосини ташкил этади. Ҳатто ўз даври тақозосига кўра, кўпинча бу хусусиятлар ташвиқий характер касб этади.

Маълумки, кейинги йилларда кўпмиллатли совет адабиётида бўлгани каби ўзбек насида, хусусан кейинги авлод ижодида миллий-маънавий манбаларга қизиқиш, халқ характеристига хос азалий маънавий хислатларни топиб тасвир этиш, ардоқлаш тенденцияси хийла кучайиб бормоқда. Бу билан ёш қаламкашларимиз устозлар анъанасини янгича кўринишида давом эттиromoқдалар. Бу интилиш ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлашга молик. Бироқ айрим ҳолларда азалий миллий-маънавий хислатлар тасвири ва талқинида социал таҳлил заифлашиб қолмоқда, баъзан азалий удумларга социал жиҳатдан бефарқ муносабат содир бўлмоқда. Шундай ҳолларга дуч келганда беихтиёр яна устозлар ибрати ёдга тушади, жумладан, бошдан-оёқ чуқур халқчил, миллий рух билан йўғрилган, миллий-маънавий манбаларга ниҳоятда яқин турган Ғафур Ғулом прозасига

хос социал аниқлік ёш носирларимиз учун яхши ибрат-сабоқ бўла олади. Тўғри, ҳозир адабиёт олдида турган вазифалар 30-йиллардагига кўра ўзгача, ҳаёт ҳодисаларига муносабат, баҳо ҳам бугунги кунда мураккаброқ тус олиши табиний. Аммо бу ҳол бизнинг адабиётимизда ёзувчи позициясининг, социал анализнинг аниқ-равshan бўлиши зарурлигини асло инкор этмайди.

60—70-йиллар давомида социалистик реализм поэтикаси, унинг бой имкониятлари, жумладан социалистик реализм адабиётида ҳалқ оғзаки ижодига хос тасвир хусусиятлари билан реализмнинг муносабати хусусида кўп баҳслар бўлди, айни шу йилларда кўпмиллатли совет адабиётида, жаҳон тараққийпарвар реалист ёзувчилари ижодида фольклор шаклларига, мифларга қизиқиш хийла активлашди. Бу ҳодисани бутунлай янгилик деб аташ, баъзан эса фольклор шаклларига мойилликни қоралаш, реализмдан чекиниш деб баҳолаш ҳоллари ҳам рўй берди. Биламизки, реализм билан фольклор шаклларининг қўшилиб-чатишиб келиш тенденцияси ҳозирга келиб тасодифан пайдо бўлиб қолгани йўқ, бу ҳодиса реалистик адабиётда азалдан мавжуд, қолаверса улкан реалистларда фольклор анъаналари ҳеч қачон ҳаётнинг реалистик картинасини чизиш, ҳодисаларнинг социал моҳиятини очишга монелик қилган эмас, аксинча, уларда реализмнинг чуқурлашувига хизмат этган. Бунинг учун ёрқин далиллардан бири — Faafur Fулом прозаси.

Faafur Fуломнинг насрый асарлари гўё ҳалқ оғзаки ижоди бағридан ўсиб-униб

чиққандек туюлади, адебнинг «Бисотдаги гаплар», «Латифалар» туркумидаги талай асарлари шундоққина халқининг оғзидан олиб қозға туширилгандек таассурот қолдиради: «Афанди ўлмайдиган бўлди», «Мулла Насриддин Афанди ва Шайтон алайҳ-ул лаъна», «Энг расво намози аср», «Ҳасан Қайфий» асарлари айни халқ ҳикояларининг ўзгинаси. «Тирилган мурда», «Ёдгор», «Шум бола», «Хийлан шаърни», «Менинг ўғригина болам» сингари реалистик қисса, ҳикоялари ҳам бошдан-оёқ оғзаки ижодимиз руҳи билан суғорилган, фольклорнинг ранг-баранг бўёқлари билан безатилган. Бу асарларда реализм билан фольклор хусусиятлари шу қадар туташиб-чатишиб кетганки, қаерда реалистик тасвир тугаб, қаерда фольклор анъанаси бошланади, ёки, аксинча, қаерда фольклор шакли тугаб, қаерда реалистик тасвир бошланади — ажратиш қийин.

Китобхонни лол қолдирадиган ери шундаки, бошдан-оёқ фольклор руҳи безаклари билан йўғрилган ҳикоя, қиссалардаги лавҳалар реал ҳаёт картинаси, персонажлар эса аниқ ҳаёт типларидир. «Бир бор экан, бир йўқ экан шу замонда» деб эртаклардек бошланувчи машҳур достоннинг қаҳрамони Кўкан ҳам, «Минг бир кеча» қаҳрамонига қиёсан яратилган «Тирилган мурда»даги Мамажон ҳам, халқ оғзаки ижодига хос гаройиб саргузаштлар бағридан қад кўтарган Шум бола ҳам, машҳур қиссадаги талай персонажлар — барчаси фольклор асарлари қаҳрамонларидан фарқли ўлароқ, конкрет тарихий шароит маҳсули саналмиш, чуқур социал таҳлил самараси бўлмиш типик

характерлардир. Фольклор тажрибаларига қизиқишиг фоят кучайган ҳозирги пайтда баъзан реализмнинг энг муҳим шарти — характерларниг шаронит билан алоқаси, социал моҳияти таҳлили бир оз заифлашиб қолаётирки, бу борада ҳам устозлар, жумладанFaфур Гулом сабоқлари фоят ибратлидир.

Ниҳоят, Faфур Гулом прозасининг ўзбек адабиётида ҳеч қайси носир ижодида учрамайдиган яна бир ўзига хос хусусияти ҳақида икки оғиз сўз. Адибнинг насрй асарлари, хусусан ҳикояларини ўқиётганда шундай ҳолатга тушамиз — гўё улар ёзилган эмас, балки авторнинг ўзи гапириб бераётгандек, унинг ўз овозини баралла эшитаётгандек бўласиз. Faфур Гуломни яқиндан билганлар учун аён: у оғзаки ҳикоянинг моҳир устаси эди, бу жиҳатдан уни Ираклий Андрониковга ўхшатиш мумкин. Адиб кўпчилик насрй асарларини аввал давраларда дўстларига, таниш-билишларига неча бор сўзлаб берган, сўнг қофозга туширган. Шахсан мен 1965 йилнинг январида «Совет Ўзбекистони» редакцияси адабиёт бўлими хонасида «Менинг ўғригина болам» ҳикоясини адибнинг ўз оғзидан эштиш шарафига муюссар бўлганман, оз фурсатдан кейин бу ҳикоя қофозга тушиб, газетада эълон этилди. Умрининг охиrlарида халқ оғзаки ижоди йўлида яратган бир неча ҳикоялари адибнинг ўз оғзидан ёзис олинган, бу ноёб хазина республика радиоси фонотекасида сақланади, уларни эшитган тингловчи Faфур Гуломнинг оғзаки ҳикоя қилиш санъатига тан беради. Эҳтимол, Faфур Гулом ҳикояларининг халқ дилига осон йўл топиш сирларидан бири шундага

дир — ёзувчи асарларини оғзаки ҳикоя қилиб бериш орқали китобхон дилига, дидига мослаб, созлаб олгандир, эҳтимол, адаб насрий асарларининг руҳан халқ оғзаки ижодига яқинлиги, улар билан оҳангдошлик сири шундадир.

Faфур Гулом тажрибасининг яна бир ибратли томони шундаки, ҳозирги кунда кишиларимизнинг маънавий ҳаётида кино ва телевидение ғоят катта ўрин олмоқда. Радио ва телевидение имкониятларидан шоирларимиз нисбатан яхши фойдаланмоқда, қани энди носирларимиз ҳам ўз асарларини шоирлардек кўпчиликка етказиш — радио ва телевидение орқали ўқиб-сўзлаб бериш санъатини эгаллаган бўлсалар! Ҳозирги кунда Ираклий Андроников, Faфур Гулом сингари оғзаки ҳикоя усталарига бўлган талаб-эҳтиёж давр, тараққиёт эҳтиёжи бўлиб турибди. Ёшлар бу санъатни эгаллашлари керак. Орамизда оғзаки ҳикоя қилиш истеъодидига эга ёш адиллар бор, масалан, ҳажвчи Немат Аминовнинг радио ҳамда телевидениега чиқишилари кўпчиликка маълум ва маъқул. Бундай истеъодод эгалари жиддийроқ эътибор ва рагбатга муҳтож...

Хуллас, Faфур Гуломнинг насрий меросида фақат кечаги кун учун эмас, адабиётимизнинг, маданиятимизнинг бугунги ривожи, истиқболи учун ҳам ибрат-сабоқ бўладиган хислатлар кўп.

## АДИБ ДУНЁСИ

Асқад Мухтор бир шеърида «Мен дунёга желиб дунё орттирдим» дейди. Адаб орттири-

ган дунё бу — унинг олтмиш йилдан ошиқ ҳаёти давомида тўплаган бой тажрибаси, қирқ йиллик меҳнат фаолияти давомида ўзи мұхаррирлик қилған китобларга, «Шарқ юлдузи», «Гулистан», журнallарига, «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасига тўккан кўз нурлари эвазига миллионлаб ўқувчилар қалбидан ёқсан чироқ, Ёзувчилар союзига раҳбарлик қилған йилларидан қолган яхши таассурот, ўзи қашф этган ўнлаб ёш истеъдод эгалари... Адиб орттирган дунё бу — садоқатли умр йўлдоши, эл-юрт ишида юрган азамат ўғиллари, сон-саноқсиз қадрдан дўстлари... Ниҳоят, адиб орттирган дунё бу — кундаковликка тенг меҳнат, тинимсиз изланиш, уйқусиз тунлар, беором ўйлар самараси бўлмиш теран лирик шеърлари, достонлари, ҳикоя, қисса, романлари, драмалари, мақола ва таржималари...

Асқад Мухтор яратган маънавий бойлик социалистик реализм адабиёти деб аталмиш улкан маънавий хазинанинг бир бўлаги, бу бойлик ўзига хос, бетакрор.

Асқад Мухтор — кўп қиррали ижодкор: моҳир таржимон, синчков публицист, адабий танқидчи, драматург, юморист, болаларга аталган ўнлаб яхши асарларниң муаллифи. У қайси соҳа, жанрга қўй урмасин, ўша соҳа, жанрниң пешқадам вакиллари даражасига кўтарила олган. Шундай бўлса-да, Асқад Мухтор ҳаммадан бурун шоир ва носир, унинг истеъдоди жилолари, қалб бисоти лирик шеърларида, насрый асарларида тўлароқ, мукаммалроқ кўринади.

Асқад Мухтор поэзияси бугунги ранг баранг ўзбек шеърияти бўstonида ўзига хос

ўрин тутади. У илк шеърлариданоқ ҳеч кимга тақлид қилмай, ҳеч кимникига ўхшамайдиган ўз сози, овози билан куйлай бошлаган эди, мана, ҳозирга қадар у ўз созига содик қолиб келяпти, унинг одатдаги шеърий ўлчовларга сифмайдиган, жонли сўзлашувга яқин, вазмин, осойишта, безаксиз сатрлари бошқа баъзи бирорларга эришроқ туюлди, шоир ўз сози, бетакрор овозини элга манзур бўладиган ҳолга етказиш учун кўп йиллар тинимсиз тер тўкди, ўзи танлаб олган йўлда қатъий турди, услугига янгидан-янги сайқаллар бера борди. Ниҳоят, 60-йилларнинг бошларида «99 миннатюра» деб аталмиш жажжигина шеърий китоби пайдо бўлди. Адабий танқидчилик бу китобни адабиётни эда муҳим ҳодиса деб баҳолади, шоирнинг қаламкаш дўстларидан бири бу тўплам поэзиямизнинг йўналишига катта турткি бўлди, яна анча йиллар шеърий тўпламлар даражасининг мезони бўлса ажаб эмас, деб ёзди. «99 миннатюра»да намоён бўлган эстетик принциплар шоирнинг «Қуёш беланчаги», «Сизга айтар сўзим» тўпламларида, кейинги шеърий туркумларида янада мустаҳкамланди, чуқурлашди.

Асқад Мухтор лирикаси ҳозирги замон фалсафий-интеллектуал лириканинг яхши намуналари қаторида туради. Шоир ўз ижодида бугунги рус, илгор жаҳон поэзиясининг энг сўнгги тажрибалари, бинобарин замонавий поэтик тафаккур билан қадимий шарқ шеърияти донолигини ажойиб бир тарзда туташтиришга эришди. Асқад Мухтор шеърнинг қадимий, аммо ҳамма даврлар учун зарурий, актуал мавзу-муаммолари —

инсон ҳаётнинг маъноси, туғилиш, яшаш, ўлим жумбоқлари, табиат сирлари, оламнинг чексизлиги ва яхлитлиги, макон ва замон иисбати, инсон табиати, ақл-заковати, ундаги меҳр ва қаҳр туйфусининг қудрати, инсоннинг инсон олдидағи бурчи, жамият ва табиат билан бир бутунлиги — шулар теварагида баҳс юритади. Асқад Мухтор ҳамиша ҳалқнинг кўнглини кўтарадиган, одамлар қалбига қувонч, нур олиб кирадиган, уларни ўйлатиб қўядиган, дунёнинг, ҳаётнинг сир-асорларидан воқиф этадиган сўзларни топиб айтади. Шоир кўзи билан ҳаётга, оламга нигоҳ ташласангиз гўё ҳайратлар гирдобига тушасиз, дунё сирга, сехрга тўлади, ҳар бир нарса, ҳодиса ўзига хос маъно касб этади, мавҳум тушунчалар моддий тусга киради, она табиатга ўзингизни жондош ҳис этасиз, жимжитлик суронини эшитиб турасиз, япроқни худди китобдай ўқийсиз, қалбингизда булбуллар чарх ургандай бўлади, ойга қараб кўзингиз ёшланади, назарингизда дарёда сув эмас хотиралар оқади, дарё кечалари узоқ ёшлигингиз, дарё оқими босиб ўтган умр йўлингиз бўлиб кўринади, тун сукунатини бузиб тинимсиз сайраётган чигиртка созида туннинг ўйини, табиатнинг тугаллигини туюзиз.

Оқшом кўринишда осуда, сўлим,  
Лекин у бир олам ўй, спр сақлайди,  
Ингичка кишинаса узоқда қулун,  
Биянинг кўзида юлдуз чақнайди...

Бу каби гўзал, сирли-сеҳрли манзаралар тасвирини шоир бисотидан истаганча топиш

мумкин; дунёдан сир, сеҳр қидиришни шоир  
принцип даражасига кўтариади:

Менга гўзал, сеҳрий дунё керак,  
Сирру мўъжизасиз яшай олмайман!

Оlamning, инсон ҳаётининг сири-сеҳри  
ҳақида баҳс кетганда шоир Умар Ҳайём,  
Навоий, Бедил сингари Шарқнинг мутафак-  
кир шонрларини ўйга толдирган ва ҳатто  
фан-техника революцияси асрида ҳам инсон  
тафаккурининг парвози ҳали етиб бормаган  
сарҳадларига хаёлимизни тортади:

Нур оқади, кун-тун нур оқади,  
Нур оқади қуёшдан ~~ғ~~рга.  
Юлдузлардан тинмай нур оқади,  
Кун-тун чўмилади куррамиз нурда.

Нур ҳам — материя, дейди олимлар.  
Ер шарни кун сайнин оғирлашарми?  
Нимага бўлмаса зулмат ваҳъаси  
Гирдобига олар гоҳо бу Шарни?

VI

Миллиард йиллар ича миллиард юлдуз  
Ер деб нур хирмонини ҳамон уяди.  
Нимага бўлмаса унда одамлар  
Қора кунларини оғир туяди?

Бу хил саволлар ҳамон ўз жавобини кута-  
ди...

Чамамда шоирнинг романтик руҳ билан  
жилолангандан сатрлари қанотида бир оз замин-  
дан юқорилаб кетдик шекилли. Аслида Асқад  
Мухтор шеърларида романтик парвоз нақа-  
дар баланд, хаёллар, ўйлар бениҳоя чексиз

бўлмасин, поэтик мақсад, фикр-хулоса жуда аниқ, конкрет, табиат, олам сирлари ҳақидаги ҳар қандай чексиз ўй-хәёллар ҳам оқибат-натижада замин ташвишларига, социал масалаларга, кундалик турмуш муаммоларига келиб тақалади. Қаранг, юқоридаги шеърда миллиард йиллардан бери ерга ёғилаётган нур устидаги баҳс биз яшаётган заминдаги бугунги кунда ҳам ҳаммамизни ташвишга солаётган «зулмат ваҳмаси», одам зоти учун кўргилик бўлмиш «қора кунлар» ташвиши билан тулашиб кетади.

Бевосита инсон табиати, одам умрининг моҳияти устида сўз боргандга социал анализ, инсон хатти-ҳаракатини маънавий-ахлоқий жиҳатдан баҳолаш хийла кескинлашади, шоирнинг лирик қаҳрамони она юртга чин фарзанд экани билан фахрланадиган, эл-юрт ичидаги ўз ўрнини, қадрини яхши англайдиган, теварак-атрофда юз бераётган барча ҳодисаларга, яхши ва ёмон ишларга ўзини дахлдор деб биладиган, ҳар, қадамда вижидони олдида ҳисоб бериб турадиган маънавий жиҳатдан юксак, мустаҳкам эътиқодли бир шахс. У жуда босиқ-осойишта ва айни пайтда исёнкор, ўта камсуқум, хокисор, шу билан баробар доно, донишманд. У ўзгаларга ҳам, ўзига ҳам ғоят талабчан, кези келганда ҳатто ўзини ҳам аямайди, ўз ҳаётини ҳам шафқатсизлик билан сарҳисоб эта олади, шундан бўлса керак, фалсафий мушоҳадага мойил осойишта қалбда баъзан кескин танқид, киноя-кесатиқ, ҳажвий ҳамлалар ҳам уч бериб қолади. Шоирнинг лирик қаҳрамони ором билмайдиган, доимо изланувчи, масала моҳиятига интилиувчи қалб эгаси, у «ин ҳам меғу-

зарад» қабилидаги юпатувчи, ўнгай фалса-  
фани кескин рад этади. Унингча:

59)

Ин ҳам мегузарад. Тугиб олиниг дилга,  
Чиндан, ҳамма нарса, сўзсиз, ўтади,  
Лекин ҳамма нарса ўзи билан бирга  
Умринг бир қисмини олиб кетади.

Агар шу ўтган умр беҳуда кечса, изсиз  
кетса — даҳшат, эл-юрт манфаати йўлига  
фидо этилса, ўтган умрдац ёрқин из қолса, бу  
энди қувонч, бундай одам учун ҳаттоқи ҳаёт-  
нинг сўнгги бекати — ўлим ҳам кўрқинчли  
эмас:

Севгай гуларимга кўз нуримни бердим,  
Қилган ишларимга ўтди ҳаётим.  
Айтган сўзларимга қайноқ ҳислар ўтди,  
Руҳим, шубҳаларим, ўйларим, отим...

Бир-бир нарсаларга ўтди борлиғим,  
Кўзларимдан ўтди, ўтди қўлимдан,  
Дилимдан, тилимдан зарра-зарра ўтди,  
Энди мен қўрқмайман ўлимдан!

Асқад Мухтор поэзиясини айрим ўртоқлар  
рационализмда айблашади, унда ҳиссиёт  
стишмайди деб иолишади. Эҳтимол шоир  
ижодида бундай койишлар учун асос беради-  
ган ўринлар ҳам бордир, бироқ унинг энг  
яхши шеърларида доно фикр ҳамиша гўзал-  
лик туйғуси билан йўғрилган: шоир фикри-  
ча, «ҳиссиёт ҳаётнинг аслига тўғри», «ҳаётга  
муҳаббат ва яашанинг ўзи ҳаёт маъносидан  
улугроқдир». Шоирнинг етук мисраларида  
худди ана шундай улуғ муҳаббатдан туғил-

ган туйғулар уфурнб ётибди, бироқ бу жүшқин туйғуларнинг изҳори, ифодаси жимжимадорликдан, ошириб-тоширишлардан холи, жуда табиий, инсоний, замонавий, маданий.

Очиғи, биз танқидчилар Асқад Мухтор поэзиясини кўпроқ тор доирадаги зиёлилар тушунади, қадрлайди деб-ўйлар эдик. Адиб таваллудининг олтмиш йиллиги муносабати билан Самарқанд ва Бухорда, Фарғона водийсида ўтказилган минг-минглаб китобхонлар билан учрашувлар, юзма-юз мулоқотлар шуни кўрсатдики, шоирнинг теран фалсафий лирикаси кенг китобхонлар оммаси қалбидан аллақачон ўрин олган экан, оддий колхозчи, ишчи ҳам уни яхши тушунар, қадрлар экан. Бу, бир томондан, ҳозирги китобхоннинг диди, савиаси ошганлигини кўрсатса, иккичи томондан, Асқад Мухтор лирикасига хос донишмандликнинг чуқур халқчиллигидан, анъаналаримиз билан мустаҳкам алоқадорлигидан далолат беради. Аслида Умар Ҳайём, Навоий, Бедил шеърларининг мағзини чақиб ўрганган, Ойбек,Faфур Гулом, Шайхзода, Зулфиянинг ўткир фалсафий шеърлари руҳида тарбияланган, бугунги рус ва жаҳон илғор поэзияси дурданаларидан хабардор ўзбек китобхони учун Асқад Мухтор фалсафий лирикасининг тушунарли ва қадрли бўлиши табиий. Асқад Мухтор лирикаси шакл жиҳатидан янгича, лекин мазмуни, руҳи, йўналиши томонидан шу кунларда яратилаётган айрим традицион вазнадаги асарларга кўра классик шеъриятимизга яқинроқдир. Чунончи, анъанавийликка даъвогарлик қилаётган, рубоий деб тақдим этилаётган баъзи бир жўн гаплар, оддий панд-

насиҳатлардан ташкил топған түрт қаторлик назмларни эмас, терен фикрли Асқад Мухтор миниатюраларини бугунги куннинг чинакам руబойлари деса бўлади.

Асқад Мухтор прозаси гўё шеъриятининг давомидек туолади, шеърларига хос ўйчаник, мушоҳадакорлик, масаланинг моҳияти билан қизиқиши, шафқатсиз реализм ва романтик рух, тасвирдаги аниқлик ва символика, шартлилик, заминга яқинлик ва хаёлий парвоз — барчаси насрини асарларига ҳам кўчиб ўтган. Адибнинг қатор қисса ва романлари энг яхши шеърлари сингари шакл жиҳатидан ҳам адабиётимизда ўзига хос янгилик бўлди. Ҳар бир асари адабий жамоатчилик орасида фикр қўзғатди, қизғин баҳсларга озиқ берди. Асқад Мухтор қисса ва романлари орқали ўзбек насрининг ифода кўлами кенгайди, адаб ўзбек насрнiga мушоҳадаларга бой, орнаментализмдан холи, романтик жило билан йўғрилган шафқатсиз реалистик услубни олиб кирди, реализм асосида миф, афсона, ҳикоятлар тажрибасини ижодий ўзлаштиришнинг яхши намунасини берди.

Асқад Мухтор прозасининг мавзу мундажаси ранг-баранг, қаҳрамонлари хилмалил. Бироқ асарлари марказида меҳнат мавзуи, замондошимиз образи туради. Маълумки, социалистик реализм адабиёти ишчи инсон образини куйлаган «Она» романни билан бошланган. Асқад Мухтор М. Горький анъяналари изидан бориб ўзбек адабиётида ишчилар ҳаётини ёритишда ғоят самарали ва ибратли иш қилди. Унинг насрдаги илк машқи «Дарёлар туташган жойда» қиссаси урушдан кейинги йиллар ўзбек прозасида ишчи-

лар ҳаёти сари қўйилган дастлабки қадам эди. Ёзувчи бирин-кетин яратган «Опасингиллар», «Туғилиш», «Давр менинг тақдиримда», «Чинор», «Бўронларда бордек ҳаловат» асарлари орқали бу ҳаёт бағрига, унинг қатламларига чуқурроқ кириб борди, бу асарлар яхлит ҳолда республикамиизда ишчи синфининг туғилиши, шаклланиши, бугунги камолоти ҳақида маълум тасаввур беради. Ёзувчи ишчи ҳаётини бамисоли ишчи бўлиб ишчи кўзи билан ичдан ёритишига эришди, ишчи инсоннинг меҳнат психологиясини бадиий таҳлил объектига айлантирди, ишлаб чиқариш билан боғлиқ можароларни катта ижтимоий-сиёсий, маънавий-ахлоқий муаммолар даражасига кўтара олди. Хусусан, «Бўронларда бордек ҳаловат» қиссаси бу жиҳатдан кўпмиллатли совет адабиётининг кейинги энг яхши намуналари қаторида туради.

Социалистик реализм адабиётида ҳаёт ҳақиқатини ифодалаш йўллари кўп, хилмажил одамлар, ижтимоий типлар унинг қаҳрамони бўла олади. Асқад Мухтор биринчи галда асримиз ҳақиқатининг бадиий тадқиқотчиси, асрдош — замондошимиз куйчиси бўлиб танилди. Унинг қаҳрамонлари елкасида аср юкини кўтарган, тақдирида бутун бир даврни ташийдиган, давр яратган инқилобчи, жангчи, меҳнаткаш, бунёдкор кишилардир, улар давримизнинг энг мўътабар ахлоқий идеалларини ўзида мужассам этувчи шуюксак идеаллар йўлига ҳаётини тиккан фидекор шахслардир, адаб асарларидағи етакчи қаҳрамонлар ҳаётнинг мураккаб чигалликларидан, жинкўчаларидан дадил ўта олади-

ган, бало-офтларни енгиб ўрганган, чин маънодаги кучли, социал актив, матонатли характерлардир. Адибнинг матонатли характерлар яратиш санъати «Опа-сингиллар» романидаёқ уч берган эди, кейинги асарларида бу хусусият янада ёрқинроқ кўринди. «Қорақалпоқ қиссаси»даги Жапақ, «Тугишиш»даги Луқмонча, «Давр менинг тақдиримда» романидаги Аҳмаджон, «Чинор»даги Очил бобо, Ориф, Қомила, «Бўронларда бордек ҳаловат» қиссасидаги Заргаров — булар китобхон учун ибрат намунаси бўла оладиган адабий қаҳрамонлардир. Фоят камсукум, хокисор, лекин қалби дарё, фидойи йигит Луқмонча аллақачон ёшларнинг севимили қаҳрамонлари, маънавий ҳамроҳларидан бирига айланган. Очил бобо образини адабий танқидчилар ўзбек ҳалқининг йигма образи, жонли тимсоли деб атадилар. Бутун бир ҳалқининг жонли тимсоли бўла оладиган образ яратиш ёзувчи учун катта баҳт, шараф! Заргаровда биз бугунги ишчи синфиға хос талай хислатларни кўрамиз. Заргаров характеридаги етакчи хислат — фикрий, ҳиссий, маънавий миқёснинг кенглигига. Ў ҳар жиҳатдан одатдаги андазаларга сиғмайди, кенгликни, безовта, жанжалли, миқёсли ишларни севади, у «буғунни ҳам, эртани ҳам, бутун дунёни ҳам калласида олиб юрадиган», «ҳаддини билмайдиган, борига қаноатланмайдиган» одам. Унга бегалва, осойишта ҳаёт эмас, «одамнинг асрий орзуларига уланган бу дунёда ишнинг кўплиги, армон, дард, чигалликларнинг кўплиги» ёқади.

Шу тариқа изчил реалистик позицияда турган ҳолда романтик руҳдаги кучли характер

терлар яратиш ёзувчи ижодининг етакчи хусусиятларидан бирини ташкил этади. Адиб фақат насрый асарларида эмас, драма ва поэмаларида, болаларга аталган ҳикояларида ҳам асосан шу хил матонатли кишиларни бош қаҳрамон қилиб олади, ҳатто таржима учун ҳам кучли характерлар мавжуд асарларни танлайди, унинг айни «Шоҳ Эдип», «Қароқчилар», «В. И. Ленин», «Үн икки», «Оловни ташлама, Прометей!» сингари асарларни таржима қилғанлиги тасодифий эмас.

Асқад Мухтор ижодига хос фазилатлардан яна бири ҳақида гапирмай ўтиш мумкин эмас. Адиб қайси жанрда, қандай мавзуда қалам тебратмасин, унинг ижтимоий-ахлоқий, партиявий позицияси жуда аниқ, изчил, фаол. У ҳаётнинг ғоят мураккаб, чигал муаммоларига, шафқатсиз ҳақиқатига қўл урганида ҳам ҳеч қачон социал ориентацияни йўқотиб қўймайди, ўта зиддиятли характерлар талқинида ҳам энг адолатли йўлни топа олади, ҳар қандай шахснинг ҳам социал қис-фасини чуқур очиб бера олади. Мана шу фазилат унинг кейинги асари «Бухоронинг жинқўчалари» қиссасида жуда ёрқин намоён бўлди. Ёзувчи бу асарида Файзулло тинидаги мураккаб тарихий шахснинг, Файзулло жинқўчаларда дуч келган хилма-хил одамларнинг туб социал моҳиятини катта маҳорат билан бадний таҳлил этиб берди. Улкан реализмга хос бу хилдаги социал анализ йўли бугунги адабиётимиз ривожи учун принципиал аҳамиятга эга. Баъзан бизда, хусусан ёшларда тирик одам образини яратиш, шахсни мураккаблиги билан ўз ҳоли-ча «холис» кўрсатиш шиори остида социал

ориентацияни йўқотиб қўйиш ҳоллари ҳам  
мучраб қоляпти. Бугунги кун улкан реалистлари  
иқатори Асқад Мухтор тажрибаси — шахсни  
социал жиҳатдан таҳлил этиш, аниқ, конкрет  
одамлар тимсолида, тирик инсон образида  
социал кучларнинг моҳиятини оча билиш  
маҳорати ҳам ёш қаламкашлар учун ибрат  
бўла олади.

Асқад Мухтор асарлари ҳозирча 30 га яқин  
тилга таржима қилинган. Унинг энг яхши  
қисса ва романлари Зулфия, Ҳамид Ғулом,  
Сайд Аҳмад, Мирмуҳсин, Раҳмат Файзий,  
Одил Ёқубов, Пиримқул Қодиров, Ҳудой-  
берди Тўхтабоев асарлари қаторида бугунги  
кунда республикамиз ҳақидаги ҳақиқатни,  
халқимизнинг қалб бисотини Иттифоқимиз-  
даги, чет эллардаги минглаб китобхонларга  
етказишдек хайрли вазифани ҳам адо эта-  
ётир.

Асқад Мухтор асарлари камчиликлардан  
ҳам холи эмас, албатта. Ижодидаги қийин-  
чиликлар, кам-кўстлар танқидчиликда қайд  
этилган, уларни адабимизнинг ўзи биздан  
кўра яхшироқ билади.

Улкан ижодкорларда ўз тақдири, истиқбо-  
линни олдиндан бехато кўра олиш, ҳис этиш  
лаёқати бўлади. Бу хислат Асқад Мухтор  
учун ҳам бегона эмас. Шоир ўттиз ёшида  
ёзган бир шеърида айтган эди:

Умрим узоқ бўлар  
(Сезиб турар кўнгил) —  
Баракали бўлар, шубҳасиз,  
Кумуш чўққисига қарайман дадил:  
Мен бормасман унга туҳфасиз.

Бу гаплар ҳақ бўлиб чиқди. Адиб умри-  
нинг олтмиш йиллик кумуш чўққисига катта  
туҳфалар билан келди. Шоир олтмиш ёш-  
лиги бўсағасида энди мана бундай ёзади:

Мен дунёга келиб дунё орттирдим,  
Ҳаммасини қолдириб кетарман.  
Қалбин эса сўнгги ҳужайрасигача  
Ловиллатиб ёндириб кетарман.

Шундай бўлишига шубҳа йўқ.

## ОЛИМ, ТАРЖИМОН, МУРАББИЙ

Шонслом акани кўп қиррали ижодкор дейишади. Дарҳақиқат, у аввало адабиётшунос олим, айни пайтда нуктадон таржимон, ўзига хос шоир, шу билан баробар, яхшигина носир... Унинг фаолият, машғулот доираси ҳам кенг, хилма-хил: педагог-мураббий, ношир, илм-фаннынг моҳир ташкилотчиси — кўп йиллар Тошкент Давлат университети шарқ факультетига деканлик қилган, чет эл шарқи адабиёти кафедрасини бошқарган, Ўзбекистон Давлат нашриётида шарқ халқлари адабиёти редакциясига мудир, анча йиллар университетга проректор бўлди. Коммунист олим бир қатор жамоат ишларини ҳам олиб боради. Совет — Эрон дўстлик жамияти Ўзбекистон бўлими бюроси, Осиё ва Африка мамлакатлари билан ҳамкорлик комитети президиуми аъзолигига сайланган, СССР Ёзувчилар союзининг аъзоси, «Шарқ юлдози» журнали редколлегияси аъзоси, ТошДУ ҳузуридаги ўзбек адабиёти бўйича ихтисослаштирилган совет раиси...

Хилма-хил соҳа, вазифа, машғулотлар билан банд бўлиб кетиб, ўзининг ижодий қиёфасини йўқотиб қўйган ижодкорлар ҳам йўқ эмас. Шонслом ака ўзига юклатилган

барча вазифаларин қойилмақом қилиб адо этади, қайси соҳага қўл урса унга сидқидилдан ёндашади. Аммо Шоислом ака учун шундай бир соҳа, шундай бир ўқ борки, гўс унинг бутун онгли ҳаёти, фаолияти шу ўқ теварагида айланади. У биринчи галда форстожик классик адабиётининг мафтуни, жонкуяр тарғиботчиси, бу соҳанинг ҳақиқий билимдони. Агар сиз бу одамнинг суҳбатида бўлсангиз, қандай мавзуда гап бормасин, у албатта ўрнини топиб шарқ бадиияти ҳақида сўз очади, ўз фикрининг далили учун ё Саъдий, ё Умар Ҳайём, ё Ҳофиз, ё Навоий, ё Жомий ёки Бедилдан бирор байт келтириб мағзини чақиб беради, у қандай иш билан машғул бўлмасин, хаёлининг бир учи ё Фирдавсий мисрасининг ўзбекча ифодаси, ё Саъдий, Бедил байтларининг янги маъноси, талқини ёки Ҳофиз ижодининг бирор ечилмаган жумбоги билан банд эканлигини пайкаш қийин эмас.

Агар унинг кабинетига кирсангиз иш столининг бир четида турган қадимий қўлёзмаларга кўзингиз тушади, ташкилий ишлардан қўли бўшаса ёки танаффус пайти келса, дарҳол ўша қўлёзмаларни титкилашга тушади, унинг дам олиш кунлари, меҳнат отпускаси ҳам ҳамиша ижодий ишлар билан ўтади.

Таниш-билишлари, дўстлари унинг ишчанлигига, ўз соҳаси бобида билимдонлигига, фидойилигига қойил қоладилар. «Шоислом билан Қора денгиз бўйида ҳам бўлган эдим, бирга ишлашган эдик,— деб ёзган эди шоир Миртемир.— Мени ҳаммавақт ундаги ишчан-

лик, топогонлик, бой қалб, маънавий давлат лол қилиб келади»<sup>1</sup>.

Шоислом акада шарқ классик шеъриятига мафтунлик жуда эрта уйғонган. Навоний ижодидан илҳомланиб ўн бир-ўн икки ёшлариданоқ шеърлар ёза бошлаган, ўша кезлардаёқ шарқ классик адабиёти бўйича мутахассис бўлишни, ҳаётини шу соҳага бахшида этишни кўнглига туғиб қўйган. Бироқ она юрт бошига тушган оғир кулфат — Улуг Ватан урушининг бошланиши ёбу ниятни орқага сурди. Шоислом ака Ватан урушининг биринчи кунлариданоқ ёвуз душман билан юзмайоз жанг қилди, жангда оғир яраланди, даволанди, яна анча вақт ҳарбий хизматда бўлди. Ўша кезларда ҳам қўлидан қалам, қўйнидан классиклар девони тушмади, шеър мутолааси, шеър машқи давом этди. Ниҳоят, анча кечикиб бўлса-да, мақсадига эришиді — 26 ёшида САГУнинг шарқ факультети талабаси бўлди, А. Н. Болдиров, А. Т. Тагирджанов сингари донгдор шарқшунослардан таълим олди, университетни имтиёзли диплом билан тамомлаб, шарқ факультетида ишда қолди, ҳозирги замон прогрессив эрон шонри Эҳсон Табари ижоди бўйича кандидатлик, «Форс-тожик адабиёти классиклари ижодида гуманистик ғоялар тараққиёти проблемасига доир» деган темада докторлик диссертацияларини ёқлади... Шу тариқа унинг ғоят қизғин, кўп қиррали ижодий фаолият даври бошланди, қисқа бир муддат — чорак асрлик давр ичидаги ўнлаб илмий, бадиий, таржима

<sup>1</sup> Миртемир. Етуклик. «Совет Узбекистони» газетаси, 1971 йил, 5 июнь.

китоблари, юзлаб мақолалари, шеър ва лав-ҳа-ҳикоятлари чиқди, хусусан унинг Фирдавсий, Саъдий, Умар Хайём, Ҳофиз, Навоий, Жомий, Бедил ҳақидағи илмий ишлари, аруз вазни, таржима назарияси ҳамда амалиётига оид кузатиш ва хулосалари, Фирдавсий «Шоҳнома»сидан, Саъдий, Умар Хайём, Деҳлавий, Жомий, Бедил асарларидан қилган таржималари маданий ҳаётимизда қувончли ҳодиса бўлди.

Маълумки, ўзбек халқи маданияти, санъати ва адабиёти жуда қадим замонлардан форс-тоҷик маданияти, санъати, адабиёти билан яқиндан ҳамкорликда ривожланган, ўзбек китобхони форс-тоҷик адиларининг шоҳ асарларини худди ўз миллий, маънавий бойлиги сифатида қадрлаган, ўтмишда Фирдавсий, Саъдий, Умар Хайём, Ҳофиз, Жомий, Бедилни билмаган ўзбек зиёлиси деярли бўлмаган, уларни таржимасиз оригиналда ўқиб ҳузур қила билган. Айни пайтда илгор ўзбек ижодкор зиёлилари бундай улкан сўз усталари яратган санъат дурданаларини кенг меҳнаткаш халқ орасига ёйиш, уларни ўз она тилига кўчириш учун ҳам ҳаракат қилганлар. Бироқ бу ният Октябрь инқилобидан кейингина тўла рўёбга чиқа бошлиди, совет ҳокимияти йилларида форс-тоҷик адабиётининг республикамиздаги пропагандаси, илмий тадқиқи ва таржимаси изчил бир йўлга тушди, хусусан 60-70- йилларга келиб бу иш янги босқичга кўтарилди. Шоислом Шомуҳамедовнинг қизғин ижодий фаолияти худди шу даврга тўғри келади. Шоислом ака ҳам олим-тадқиқотчи, ҳам тарғиботчи, ҳам таржимон, ҳам ношир, муҳаррир, ҳам ташки-

лотчи, ҳам мураббий сифатида бу ишга ғоят улкан ҳисса қўшди, аниқроғи, бу ишнинг бошида турди.

Шонслом Шомуҳамедовнинг форс-тожик адабиёти классиклари ҳақидаги ишлари ҳар бирни алоҳида ҳолда ҳам ғоят қимматли, олим ҳар бир санъаткор ижодига оид етакчи хусусиятларни катта билимдонлик, нозик дид билан очиб беради, айни пайтда атоқли сўз усталари ижодига хос муштарак томонларни ҳам кўрсатади. Олимнинг уқтиришича, классикларни бир-бирлари билан туташтириб турган энг таъсирчан, ҳаётбахш ғоявий-эстетик омиллардан бири улар ижодига хос гуманизмдир, тадқиқотчи классик шоирлар ижодини ҳаммадан бурун худди шу гуманизм нуқтаи назаридан текширади, натижада гуманизм тадқиқи илмий ишларининг етакчи концепциясига айланади, олим илмий ишларининг маълум синтези бўлмиш докторлик диссертацияси худди шу форс-тожик классик адабиётида гуманизм масалаларига бағишлиганлиги ҳам тасодифий эмас.

Неча йиллар, балким асрлардан бери сўз санъатининг мангулик, умрбоқийлик сири, санъат ва адабиётдаги прогресснинг бош омили устида баҳслар кетади, бу хусусда ғоят хилма-хил, ҳаттоқи зиддиятли фикрлар бор. Бир гуруҳ тадқиқотчилар, санъаткорлар чинакам санъат асарининг умрбоқийлик сири ундаги гуманизмда деб биладилар, гуманизм санъат ва адабиётдаги прогресснинг бош омили деб ҳисоблайдилар, гуманизм санъат ва адабиётда фақат ғоявий масала бўлиб қолмай, унинг бадниятига ҳам кучли таъсир кўрсатувчи фактор деб қарайдилар. Бизнинг-

ча, бу фикр ҳақиқатга яқинроқдир. Ш. Шомухамедов ўз тадқиқотларида айни шу концепцияга таянади, фақат форс-тожик адабиёти тараққиётida мұхым ўрин тутган даҳо санъаткорлар ижоди мисолида, ғоят ёрқин далиллар асосида ўз фикрини исбот этади ва классиклар учун гуманизм — абадийлик ялови деган афористик илмий хуносага келади.

Шоислом Шомухамедовнинг таржималари пухта илмий-назарий асосга қурилган. Шоислом ака дуч келган асарни эмас, аввало форс-тожик адабиёти классикларининг энг характерли, ибратли, бугунги ўзбек китобхони учун қизиқарли, ниҳоятда азиз асарларни танлаб таржима қиласы, таржима учун танланган асарларни эса илмий асосда чуқур ўрганиб, ҳар бир сатр, сўзга жо этилган образли маънонинг тагига етиб, уни чуқур ҳис этган ҳолда ўзбекчага афдаради. Таржимон асли шоир бўлгани, маълум шеърий завқ, тажрибага эга экани, ўзбек адабиётини, она тилининг шеърий имкониятларини яхши билиши таржимада унга ниҳоятда қўл келади. Ш. Шомухамедов бадий таржима бобида Faфур Fулом, Абдулла Қаҳҳор, Миртемир каби моҳир сўз усталари билан ҳамкорлик қилиш баҳтига мусассар бўлган, улардан катта кўмак, сабоқ олган таржимондир. Унинг Үмар Ҳайём рубоийларидан қилган таржималарига Faфур Fулом, «Шоҳнома» таржимасига эса Миртемир муҳаррирлик қилган эди.

Ш. Шомухамедов таржималари ҳақида талай мақолалар эълон этилди. Таржималарнинг аҳамияти, сифати, авторнинг таржимон-

лик маҳорати хусусида кўп илиқ гаплар айтилди. Таржимон санъатидан далолат берувчи баъзи далиллар қелтириб ўтайлик. «Шоҳнома»даги йоят ҳаяжоили, таржимон учун ниҳоятда масъулиятли ўринилар — Рустам билан Суҳроб тўқнашуви, ота билан ўғил жангиги, ўғилнинг ота томонидан ҳалок этилиши, Суҳробнинг ўз ўғли эканидан воқиф бўлган отанинг ададсиз руҳий қийноқлари, Суҳроб жасади устида чеккай нолалари тасвирини эслайлик. Мана, Рустам қалб изтиробларининг акс садоси бўлмиш айрим сатрлар:

Бундай иш тушганми ҳеч кимсага, боқ!  
Уз ўғлим ўлдирдим, сочга тушиб оқ...

Мендекни кўрганими дийдан жаҳон,  
Гўдак тепасида бўлсан зўравон.

Кесилса бўларди ҳар икки қўлим,  
Қора ер сарнга йўналса йўлим...

Не дерман, нечун у ўлди бегуноҳ,  
Нечун қилдим ёруғ айёмим сиёҳ?

Қайси ота қилмиш бундай мудҳиш иш?  
Сазоворман қанча олсан сарзаниш.

Қай ота ўлдирмиш жонажон ўғлин?  
Ақлли, баҳодир, навқирон ўғлин?

У тождор бобоси эшитса магар,  
Покиза онага не бўлур хабар?

Сом наслига нафрат ёғилур осон,  
Дерлар мени бедин, беақлу имон..

Деярли минг йил бурун битилган, чуқур инсоний дард билан йўғрилган, бугунги кун-

да ҳам китобхонни ларзага соладиган бу хил шоҳ сатрларни шу тарзда — оригинал колоритини сақлаган ҳолда ҳозирги ўзбек шеърий тилига кўчириш ҳазилакам иш эмас!

Ёки Умар Ҳайёмдан қилингандан, эл орасида жуда машҳур бўлиб кетган мана бу рубоний таржимасини олайлик:

Май иссанг оқилу доно билан ич,  
Ёки бир гул юзли зебо билан ич.  
Оз-оз ич, гоҳ-гоҳ ич, ҳам яширин ич,  
Эзма, расво бўлма, ҳаё билан ич.

Бир томондан, асл нусхадаги маънога жуда яқин турувчи, иккинчи томондан, сўзмасўзликдан қочиб оригиналдаги сатрларга, образларга эркин, ижодий ёндашишдан туғилган бу хил мисралар жуда катта ижодий изланишлар самарасидир.

Жомийнинг мана бу қитъаси таржимаси чинакам бадиий кашфиёт даражасидадир:

Пўлатдан бир парча тиш билан узмоқ,  
Тирноқ билан тошда ариқлар қазмоқ,  
Жаҳаннам ўтига бош билан кириш,  
Кўзлар милки билан олов-чўғ териш,  
Юз тева юшини бўйнига илиб,  
Шарқдан то Фарбгача югуриб-елиб —  
Бормоқлик Жомийга енгилроқ, жўра,  
Пастлар миннатини тортгандан кўра!

Аниҳоят, Бедилдан олинган ушбу рубонийни тинглаб кўринг:

Ўз васфида олим гуфтори қизиқ,  
Ўз ишқида мажнун ашъори қизиқ.  
Бу даштинг қумлари тўзғиб битгуинча  
Лофу ҳангоманинг бозори қизиқ.

Таржимон Бедилга хос мураккаб образли, тагдор, сержило маъноли, айни вақтда ўта жозибадор сатрларни катта маҳорат билан ўзбекчалаштира олган!

Унинг қаламига мансуб шу хил таржималар туфайли, унинг баркамол илмий тадқиқот ва тарғиботлари туфайли ўзбек китобхони учун нодир хазина — бой классик форс-тожик адабиёти гўё янгидан кашф этилди. Шоир Миртемир Шоислом аканинг бу борадаги хизматларидан қувониб: «Шоислом улкан ва фусункор хазина эшигини кенгроқ очиб қўйгани рост. У ўша афсонавий ва бой хазина эшигига туриб: «Қани бир кўринг-чи!» дегувчи эшик оғасига ўхшайди хаёлимда» деган эди. Ёзувчи Пиримқул Қодиров худди шу фикрни давом эттириб дейди: «Ота-боболаримизда одат бўлган саъдийхонлик, бедилхонлик, хайёмхонлик анъаналари бугун янги бир асосда давом эттириляпти. Яхши-яхши давраларда Ҳофиз ғазалларини, Умар Хайём рубоийларини ўзбекча ёддан айтиб ўтирган китобхонларни кўрасиз. Шунда бу рубоий ва ғазалларнинг тарғиботчиси ва таржимони Ш. Шомуҳамедовга эҳтиромингиз ошади<sup>1</sup>.

Ш. Шомуҳамедовнинг бутун илмий, тарғиботчилик, таржимонлик ва ташкилотчилик фаолияти чуқур интернационал руҳ билан йўғрилган, ҳар қадамда унинг форс-тожик классик адабиётига, бинобарин жаҳонга буюк даҳоларни берган улуғ халққа чексиз меҳр-муҳаббати барқ уриб туради, табиийки,

<sup>1</sup> П. Қодиров. Қўл ва қалб. «Узбекистон маданияти» газетаси, 1971 йил, 4 июнь.

бу түйғу ўзгалар қалбига ҳам күчіб ўтади, унинг тадқиқотлари, таржималари билан танишган китобхон бир умрга шу буюк адабиётнинг, буюк халқнинг мафтуни бўлиб қолади.

Ш. Шомуҳамедовнинг бадий асарлари ҳам аслида шарқ классик адабиётига бўлган улкан меҳр самарасидир. Унинг қўшиқ қилиб айтиладиган талай ғазаллари, ўқувчиларга маъқул бўлган рубоийлари, лавҳа-ҳикоятлари Саъдий, Умар Хайём, Навоий, Жомий, Бедил анъаналари руҳида битилган, уларда муаллиф шарқ классикларига хос гуманистик мотивларни давом эттиради, чин инсоний фазилатларни улуғлайди, инсонийликка ёт, инсон шаънини ерга урадиган одат-таомилларни қоралайди, автор шарқ классик адабиётининг қатор барқарор шаклларида бугунги куннинг гапларини ҳам айтиш, ифодалаш мумкинлигини намойиш этишга интилади. Хусусан, унинг «Гулистон», «Баҳористон» каби машҳур асарларни эслатадиган, ҳаётий кузатишлар асосидаги ибратли лавҳа-ҳикояттардан ташкил топган «Гулбоғ» китоби қувчиларга манзур бўлди, адабий танқидчилик унга яхши баҳо берди. Қисқаси, Шоислом Шомуҳамедов бадий ижодда ҳам ўзлигига содиқ қолади, шарқ классик адабиётининг мафтуни эканини яна бир бор намойиш этади.

Шоислом Шомуҳамедовнинг тадқиқотчилик, тарғиботчилик, таржимонлик фаолияти республикамиздан ташқарида ҳам маълум ва машҳур. Унинг қатор илмий асарлари қардош республикаларда, чест элларда ҳам нашр этилган, бу ишлар илмий жамоатчи-

лик томонидан йўжобий баҳо олган, И. Брагинский, Д. Д. Комиссаров, Б. Фафуров, Р. Ходизода, О. Шарафиддинов, Иржи Бечка каби мўътабар олимлар унинг ҳақида кўп илиқ сўзлар айтган. Унинг хизматлари ҳукумат томонидан ҳам муносиб тақдирланган. Форс-тожик адабиётини оммалаштириш, шарқшунос кадрлар тайёрлашдаги хизматларини ҳисобга олиб Шоислом Шомуҳамедовга 1974 йили Ленинград Давлат Эрмитажи директори, академик Б. Б. Пиатровский билан бир қаторда Фирдавсий номидаги халқаро мукофот берилди, республикада филология фанини ривожлантириш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш борасидаги хизматлари учун у 1977 йили Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби фахрий унвони билан тақдирланди.

Олим, таржимон, мураббий учун энг катта мукофот кўплаб адабиёт ихлосмандлари ва шогирдларининг унга бўлган меҳри, миннатдорчилик туйғусидир.

### ДЎСТИМ ҲАҚИДА СУЗ

Ўзинг яқиндан билган ёзувчи дўстинг ҳақида ёзиш ҳам осон, ҳам қийин бўларкан. Ҳар гал Худойберди тўғрисида ёзишга чоғланганимда шундай ҳолга тушаман. Бу гал дўстим элликка тўлган паллада — босиб ўтилган йўлни бир сарҳисоб қилиб олиш пайти келганида ҳам шундай туйғу кўнгилдан кечди. Яқиндан билган дўстинг ҳақида ёзишнинг осонлиги шундаки, унинг ҳаёти, ижоди миридан-сиригача сенга аён, қийинлиги шундаки, дўстинг ҳақида ёзиш ўзинг тўғрингда ёзиш-

дай гап: фазилатларини айтсанг, ўзингни мақтагандай, камчиликларини танқид қилсанг, сирини очсанг, ўзингни фош этгаңдай бўласан... Начора, сенга ким бўлишидан қатъи назар, талант — халқ мулки, бинобарин у ҳақда бор гапни дангал айтавериш керак. Шунга кўра мен ҳар қандай ўй-андишани йиғишириб қўйиб, бу ўзига хос иштедодли адаб ҳақида билганларимдан баъзиларини сиз азиҳ китобхонларга сўзлаб беришга жазм этдим.

Худойберди иккимиз деярли тенгдошмиз, ҳамқишлоқмиз, бир-бирини Катта Фаргона канали иккига ажратиб турадиган қўшини қишлоқларда туғилиб катта бўлганмиз, иккаламиз ҳам бир вақтда қишлоқдан чиқиб, гарчи икки шаҳарда бўлса-да, бир тур билим юртида ўқидик, университетда ҳам бир факультетда олдинма-кейин таълим олдик, дастлаб иккимиз ҳам фан йўлидан боришига жазм этган эдик, мен адабиётшуносликни, у эса психология фанини танлаб олди, талабалик йиллари академик И. П. Павлов назариясига таяниб инсон руҳияти хусусида қизиқарли тадқиқотлар олиб борди, илмий жамоатчилик олдида мароқли докладлар қилди, унинг шу соҳадаги диплом ишига мутахассислар «салкам кандидатлик диссертацияси» деб баҳо берган эдилар... Сўнгра йўлимиз айри тушди, мен ўзим аҳд қилган адабиётшунослик бўйича кетдим, Худойбердини эса бошда ўзи ҳам сезмаган қандайдир «сеҳрли куч йўлдан оздирди», у журналистика, адабиёт оламига шўнгигиб кетди. Дарвоҷе, бошқача бўлиши мумкин ҳам эмас эди; Худойберди табиатан ёзувчи бўлиб туғилган эди;

у ёзувчиликни, журналистикани касб-хунар тарзида танлагани йўқ, қалбидаги сеҳрли туфён, меҳр-иштиёқ уни шу соҳага бошлади. Худойберди болалигидаёқ қандайдир машрабона табиати, фантазёрлиги билан ажраби турагар эди, университетда ўқиган йиллари энг жиiddий илмий муаммоларни ҳам образли қабул қилас ва бошқаларга ҳам образли қилиб тушунтириб берар эди. Ҳали у ёзувчи бўлишни хаёлига ҳам келтирмаган, илм-фан иштиёқида юрган кезлари улкан бир психолог мураббиймиз унинг фикрлаш тарзига қараб, илк илмий машқлари билан танишиб «Бу йигитда бир гап бор» деб қўяр, ҳазиллашиб «Шонир» деб атар эди.

Биз бадний истеъдод табнати ҳақида кўп гапирамиз, истеъдод тарбияга, мададга муҳтожлигини кўп такрорлаймиз. Шахсан мен бадний истеъдоднинг ибтидоси меҳр-иштиёқдан бошланса керак деб ўйлайман. Асло сўнмайдиган, ҳеч қанақа куч-тазиيқ йўлдан оздирмайдиган фидои мекр-иштиёқдан!

Худойбердини адабиёт даргоҳига ҳеч ким қўлидан етаклаб олиб киргани йўқ. Қандай қилиб ёзувчи бўлиб қолганлигини ўзи ҳам аниқ айтиб беролмайди. Гоҳо ундан: «Ёзувчиликни қандай бошлагансиз?» деб сўрасалар: «Ёзгим келган эди, ёзавердим» деб жавоб беради ҳазиллашиб. Эҳтимол Худойберди шахсий ҳаётида рўй берган қийинчиликлар бошқа бирор кимса бошига тушганида аллақачон журналистикани, ёзувчиликни йиғишириб қўйиб ўзга, ёғлироқ соҳага ўтиб кетган бўларди... Худойбердининг болалиги хийла оғир кечди, жуда эрта отадан етим қолди, эл-юрт бошига тушган мусибат —

Улуғ Ватан уруши, урушдан кейинги давр мاشаққатлари Худойбердилар хонадонига ҳам ўз таъсирини кўрсатди. Худойберди анча вақт болалар уйида бўлди, у ўзгаларга боқим бўлишни ор билиб барвақт қўлига кетмон олди, болалигига ёқ ўз ризқини ўзи топиб ейишга одатланди, аввал Қўқон педагогика билим ютида, сўнг Тошкент давлат университетида ўқиган кезлари фақат стипендия ҳисобигагина кун ўтказарди, аммо шундай шароитда у қилган меҳнатлар, у ўқиган китоблар, дарслардан ортган пайтлардаги ижодий машқлар...

Ўйқу жой танламас, муҳаббат чирой, деган нақл бор. Шу гапни бадиий ижодга ҳам тадбиқ этиш мумкин. Бадиий ижод, илҳом ҳам алоҳида шароит яратилишини кутиб ўтирмайди, чинакам истеъдод эгаси ҳар қандай вазиятда ҳам ижод этаверади. Бугунги кунда айрим ёш қаламкашларнинг ёзиш учун қулай шароит йўқ деб нолишларига ҳайрон қоласан киши. Худойбердининг ёзувчи сифатида шаклланиши мураккаб шароитда кечди. Университетни тугатгач, Фаргона областининг Боғдод районида ўқитувчи бўлиб ишлади. Қишлоқ мактабида ўқитувчилик қилиш нима эканлигини бу соҳага дахлдор одамгина яхши билади, ҳис этади. Қишлоқдаги ўқитувчи учун мураккаб меҳнат шароити Худойбердини довдиратиб қўймади, балки оз фурсат ичидан ўзи ишлаган колектив орасида моҳир педагог, жамоатчи, таргиботчи сифатида обрў қозонди, бу ерда оила қуриб рўзғор тебратиш ғами ҳам бошга тушди, айни пайтда шуларнинг ҳаммасидан ортиб ижод машқини мунтазам давом эттир-

иши, матбуотда бирин-кетин унинг ҳикоя, очерк, феельетонлари босилиб турди. Бадий истеъ-жоддинг тўла рўёбга чиқиши учун ҳаётий таажриба билан бир қаторда маълум адабий муҳит ҳам сув ила ҳаводек зарур экани маълум. Адабий муҳит ташналигида юрган Худойбердига бирдан омад кулиб боқди, уни республика пойтахтига редакцияга ишга тақлиф этишди. У зўр қувонч билан Тошкентга оғтланди, энди у ўз ишидан мамнун, ажойиб шижодкорлар, меҳрибон мураббийлар орасида. Аммо у пайтлар, яъни 50-йилларда шаҳарда ўй-жой муаммоси ниҳоят танг эди, Худойбердинг ижарага уй қидириб сарсон-саргардон юрганини, деярли ҳар ойда адреси ўзгариб, икки йил ичида ўн уч жойга кўчганлигини эсласам кулгим қистайди. Бу орада оғир дардга чалиниб чўп-устихонга айланниб оёқда аранг турадиган ҳолга келиб қолганлигини эсласам беихтиёр кўздан ёш чиқади. Бироқ, шуниси ҳайратланарлики, Худойберди худди шу саргардонлик, хасталик йилларида чинакам ёзувчи — ҳажвчи ҳикоянавис, моҳир журналист — очеркист ва фельетончи бўлиб танилди, унинг «Сир очилди», «Сеҳрли қалпоқча» каби қиссалари ўша кезларда битилди. У кўч кўтариб юрганида ҳам, оғир дард азобида бағрини ёстиққа босиб ётганида ҳам бирор кун қўлидан қалам тушган эмас. Мен дўстимдаги тенгсиз ижодий иштиёқ-меҳрга ўшандан тан берганман, бадий ижод алоҳида шаронт ташламаслигига ўшанда иқрор бўлганман.

У кунлар орқада қолиб кетди. Болалиги даноқ меҳнатга, мустақилликка, машаққатларни енгизишга одатланган Худойберди тез

орада ҳаётини тиклаб олди, ҳовли-жойли бўлди, мана, бугун бир-биридан ширин олти фарзанднинг отаси, қиз узатиб набира кўрди... У моҳир ташкилотчи сифатида ҳам танилди, анча вақт «Ёш гвардия» нашриётида бош редактор лавозимида ишлади, бир неча йиллар давомида «Гулхан» журналига редактор, сўнг «Шарқ юлдузи»да редактор ўринбосари, «Ёш куч»га редактор бўлди. Бу орада у болалар ёзувчиси сифатида катта довруғ қозонди — «Сариқ девни миниб», «Сариқ девнинг ўлимни», «Беш болалик йигитчя», «Қасоскорнинг олтин боши» романлари кенг китобхонлар оммасига манзур бўлди. Қатор асарлари кўпгина қардош халқлар тилларига таржима этилди, чет элларда чиқди, улар ҳақида кўп илиқ гаплар айтилди, асарлари бир талай мукофотларга сазовор бўлди... Бу йилларда Худойберди яна бир қалтис синовдан — шуҳрат синовидан муваффақиятли ўтди. Ҳа, ҳар қандай соҳада бўлгани каби ёзувчи учун ҳам шуҳрат — зўр синов, мукофот ва мақтовлар туфайли ёзувчи баъзан ўз кучига ортиқча баҳо бериб юбориши, ўзига нисбатан талабчанликни, масъулият ҳиссини сусайтириб қўйиши, ўзгаларни менсимайдиган ҳолга тушиб қолиши ҳам мумкин. Бу энди ёзувчи учун завол. Энг ёмони, атоқли адаб Г. Маркес айтмоқчи, шуҳрат кўпинча одамдаги адолат туйғусини емиради, унинг шахсий ҳаётда пок бўлишига таҳдид солади... Бахтимизга Худойберди асло шуҳратга учмади — ўша талабалик, муҳтоҷлик йилларида қандай бўлса шундайлигича қолди, ҳамон ўзимиз билган бир оз машрабона, жайдари табиат, меҳнатсевар, тиришқоқ, ҳамиша

бёзевта, беором, болаларча бегубор, соддасаммий ўша Худойберди. Кибр-ҳаво, сипотарчилик унинг учун бутунлай ёт.

Худойберди табнатига хос баъзи хислатлар хусусида маҳсус гапирса арзиди. Аввато шуки, Худойберди она заминга жуда яқин соадам, дехқончиликни, боғдорчиликни, кетмон билан тер тўкиб ишлашни жон дилдан яхши кўради. Унинг учун дунёда иккита ттенгисиз мўъжиза бор: бири — она табиат, иккинчиси — адабиёт, унингча, иккиси ҳам инсон даҳоси, меҳнати туфайли йўқдан бино иқилади, бири инсонни тўйдиради, кийдиради, иккинчиси унга маънавий, руҳий озиқ беради, унинг учун дунёда иккита севимли ва сеҳрли гашғулот бор: бири — дехқончилик, иккинчиси — ёзувчилик, оддий тупроққа маълум мақсад билан ишлов берасан, уруғ қадайсан, уруғ ниш уради, уни парвариш қиласан, кўз солдингда ҳаш-паш дегунча вояга етади, ҳосил тугади, пишиб етилади, ҳосилидан ўзинггина эмас, ўзгалар ҳам баҳраманд бўлади.. Бадний ижод жараёни ҳам айнан шундай..

Баҳор, ёз, куз ойлари эрта тонгдами, кечқурун ишдан кейинми ёки дам олиш кунларими Худойбердини қидириб борсангиз, албатта иш столида ёки ағдарма этик, эски чопон кийиб, белни белбоғ билан маҳкам боғлаган, боши қийиқ билан танғилган, қўлда кетмон тутган ҳолда ҳовлиси теварагидаги боғ ёки экин орасида учратасиз. У ўзи экиб парвариш қилаётган экин-текинларни, довдараҳтларни сизга бирма-бир кўрсатади, сўнг боғ ичидаги столга тузалган дастурхонга таклиф этади, мева-чевалар билан сизни сийлайди. Бу пайтлардаги унинг қувончини

кўрсангиз.. Фақат асл деҳқонда, тугма боғбондагина шу ҳолатни кўзатиш мумкин. Бу билан кифояланмай, Худойберди пишиқчилик пайти машинасида юриб уззукун дўстлари, қариндошлари хонадонига мева-чева улашади. Дўстим ҳар гал китоби чиққанида ҳам дастхат ёзиб таниш-билишларига тарқатади. Ҳар икки ҳолда — ўзи етиштирган мева-чевалардан, ўзи ёзган китобдан ўзглар, аввало яқин кишилари баҳраманд бўлаётганлигини кўрганида бирдай қувонади!

Бир адабий учрашувда Худойбердидан «Агар Сиз ёзувчи бўлмаганингизда ким бўлардингиз?» — деб сўрашганида у: «Мен албатта деҳқон ёки боғбон бўлардим, мазза қилиб ер чопардим, экин экардим, боғ-роғлар барпо этардим», — деб жавоб қилганди. Бу шунчаки кўнгил учун, расмият учун эмас, чин дилдан айтилган гап!

Худойберди меҳнатсиз асло туролмайди. У саломатлиги ёмонлашган пайтлари шифокорларнинг тазиёки билан икки-уч бор санаторийларга борди, аммо ҳар гал ярим муддатга қолмай қайтиб келаверди. Узоқ иили бирга Сўқоққа дам олиш учун отландик. Иккимиз ҳам ўта толиққанмиз, бирор ой у ерда турмоқчи эдик. Кўнгилдагидек ҳордиқ чиқариш учун ҳамма шароит муҳайё. Бироқ уч кун ўтмай Худойберди безовта бўлиб қолди, кечаси билан уйқуси қочиб каравотда тўлғаниб чиқади, мени уйга қайтишга ундайди, мен уни овутишга ундайман. «Ҳа, майли, — дейди у, — яна бир кун сабр қиласайчи, одамлар Сибирь сургунига ҳам дош берганку!» Билдим, меҳнатга ўрганган бу одам бекорчиликдан зерикяпти. Йўлини топдик.

Дам олиш уйининг экин-тикинига қарайди-  
гән кекса боғбон билан танишириб қўйдик,  
ҳаш-паш дегунча иккаласи апоқ-чапоқ бўлиб  
кетишиди, гулзор парвариши, картошка чо-  
пинги, узум хомтоки билан овора бўлиб ўзига  
келди қолди, кечалари мириқиб ухлайдиган  
бўйлди, уйга қайтиш васвасаси йўқолди.

Худойбердига хос яна бир хислат шуки,  
уғинидик қони тўкилган она қишлоғи билан  
мустаҳкам боғланган. Сир эмас, қишлоқдан  
чиқиб шаҳарда ўқиб шаҳарлик бўлиб кетган,  
шаҳарда обрў-мартаба орттириб туғилган  
жойини, ҳамқишлоғу қариндош-уруғларини,  
ижечаги кунини бутунлай унугиб юборган  
жимсалар ҳам бор ҳаётда. Бу борада Худой-  
берди тутган йўл уларга ибрат бўлиши мум-  
кин. Худойбердининг бир қулоғи ҳамиша ўз  
қишлоғида, қишлоғида юз берган катта-  
ничиқ воқеалардан, янгиликлар, ўзгариш-  
лардан доим хабардор, ҳафтада бўлмаса ҳам  
сойда бир бор қишлоғида бўлади, қариндош-  
уруғларининг тўю маъракаларида ҳамиша  
ҳозири позир, азаларда ҳассакаш, оддий кол-  
хозчи дехқон ёки чўпон тенгдоши ҳашарга  
айтганида, албатта боради, ҳеч иккиланмай  
енг шимариб лойга тушиб кетаверади. Уйинг  
бу хислатига мен чин дилдан ҳавас қила-  
ман.

Ниҳоят, Худойберди — ўта болажон одам.  
Узи ота меҳрига зор бўлиб ўсганиданми  
болаларини ҳаддан зиёд яхши кўради, фақат  
ўз болалари эмас, умуман гўдак зотига дуч  
келса, улар билан гурунг қурса кўнгли яйрай-  
ди, кичкинтоллар билан дарров тил топишиб  
олади, улар ичида болага айланади-қолади.  
Меҳмондорчиликка борганди чеккароқда

турган бирор болани кўрса, дарҳол даврадан чиқиб унинг ёнига ўтади, у билан бўлиб кетади. Шундай кезлари ўтирганлардан бир оз хижолат бўлган рафиқаси Санобархон: «Хой, дадаси, элликка кириб ҳам сира қуйилмадингиз, болалигингиз қолмади-қолмадида...» дея дакки беради, дўстим эса бу гапларга парво қилмай, кулиб қўя қолади. Айрим жиддий кимсалар учун бир оз эриш туюладиган бу хислат аслида болалар ёзувчи учун зарурый, табиий, бебаҳо хислат. «Худойберди аканинг табиатида ўзи қандайдир мўъжаз, яхши маънода болалик бор», — дейди ёзувчи Шукур Холмирзаев. Айни шу — яхши маънодаги болалик, болаларча соддалиқ, самимият, катталар тажрибаси, билимини кўнгилга жо этган ҳолда ҳаёт ҳодисаларини болаларча идрок этиш туйғуси бўлмаганида, балким, Худойберди болалар қалбига йўл тополмасди.

Худойберди ёши улгайган сари бир нарсадан хавотир олади — болалик туйғусидан узоқлашиб қолишдан қўрқади. Шунинг учун бўлса керак, у янги ёзган асарини илк бор ўз фарзандлари билан бирга қўни-қўшниларнинг болаларини ҳам уйига йиғиб уларга ўқиб беради. Болалар кайфиятини кузатади, ўқилган парча болаларга маъқул тушса, улар чеҳрасида ё табассум, ё қайфу, ё ҳайрат аломатларини кўрса, таскин топиб қўллёzmани оққа кўчиради, агар болалар ўқиганларига лоқайд қараса, қўллёzmани қайта ишлайди, болаларга манзур этгандан кейин катталарга ўқишига беради. Унинг бу тажрибаси болаларга ёзадиган ёш ёзувчилар учун қўл келиши мумкин деб ўйлайман. Гениал Лев Толстой-

—нинг дәхқон болалари билан қўшилиб ҳикоя  
—гандарни бежиз эмас-да!

Биламизки, ёзувчининг шахсияти, хислат-  
Эрои, ҳаёт тажрибалари қандайдир шаклда  
Чининг ижодига, у яратган асарларга кўчиб  
саиди. Буни Худойберди ижоди мисолида  
ами кўриш мумкин. Чунончи, болаликдан  
Олган энг оғир таассурот — етимлик унинг  
Ситчилик асарларида ўз ифодасини топган.  
Беёш болали йигитчача» романи ўша оғир  
таассуротлар түфёни ифодаси сифатида май-  
ёнга келган, «Қасоскорнинг олтин бо-  
ши» романида, «Йиллар ва йўллар» деб  
таалган янги асарида етим болалар тақ-  
ирии зўр изтироб билан қаламга олин-  
зин...

Ёзувчи табиатидаги она заминга яқинлик,  
емқон, боғбон меҳнатига чин меҳр барча  
асарларининг қон-қонига сингиб кетган, адаб  
Сариқ девни миниб» романида қаҳрамони  
Юшимжонининг хаёл қанотида она заминдан  
зилиб қолгани, енгил йўллар билан меҳ-  
атсиз, заҳматсиз омадга эришмоқчи бўлга-  
ни учун унинг устидан кулади, «Беш болалик  
йигитчача» қаҳрамони Орифжон меҳнати,  
иришқоқлиги, заҳматкашлиги туфайли уруш  
ўзони ҳалокат ёқасига элтиб қўйган — тўз-  
истиб юборган оилани қайта тиклаб, ота-она  
нироғини қайта ёқишга муяссар бўлади,  
«Қасоскорнинг олтин боши» романида халқ  
рўки, баҳт-саодати учун қўлга қурол олиб  
урашга отланган Номоз тинч-осойишта кун-  
аар келишини; ўшанда ер ҳайдаб, дон экиб,  
осил кўтаришни орзу қиласди, шу орзу унга  
енгсиз завқ ато этади, ниҳоят, ёзувчининг  
Жонизар юлдузлари» китоби она ерга меҳр

қўйған дехқон, унинг бунёдкор мөхнати шаънига битилган ўзига хос қасидадир!..

Киндиқ қони тўкилган она қишлоқ билан мустаҳкам алоқа, ҳамқишлоқларига бўлган меҳр ёзувчи учун катта наф келтирмоқда. Худойбердининг талай асарлари персонажлари прототиплари — қишлоқдаги танишбилишларидири, юрагига яқин қишилардир. Ўзи туғилиб ўсган Катта Тагоб ва унинг теварак-атрофидаги қишлоқларга хос географик мұхит, сўлим табиат, у ерларнинг ўтмиси ва бугунги кунига онд ҳодиса, воқеалар, ҳамқишлоқларига хос урф-одатлар, хилмашил удумлар, ота-боболаридан қолган ривоят ва афсоналар, қишлоғидан чиққан санъаткор, қизиқчи, аскиябозлар гурунги — барчаси Худойберди асарларига бетакор колорит — руҳ бахш этади.

Худойберди ижодига хос характерли хусусиятлар, ижодининг бош йўналиши хусусида кўп гапирилди. Кўпчилик адабиётшунослар Худойбердини сатирик ёзувчи деб ҳисоблайдилар. Атоқли адабиётшунос Матёкуб Кўшжонов Худойберди Тўхтабоев «ижодида танқидий йўналиш устун туради», деса, бошқа улкан адабиётшунос Салоҳиддин Мамажонов шундай ёзади: «У турмушдаги ва одамлардаги иллатнинг томирини қирқиши учун курашни ҳаёти — ижодининг бош йўли деб тушунади».

Танқидий йўналиш, иллатларни фош этиш Худойберди ижодининг бош йўналиши деган гап бир оз мунозарали, аниқроғи изоҳга муҳтож. Бу гап кўпроқ ёзувчи ижодининг илк даврига тегишли. Худойберди дастлаб ҳаётдаги иллатларни фош этувчи фельетон-

лар, ҳажвий ҳикоялар ёзди, аммо ўша пайтдаёқ унинг дилида ҳаётнинг нурли томонларига майл, уларни ардоқлашга иштиёқ икучли эди, шунинг учун бўлса керак, унинг ҳажвий ҳикоялари, ҳаттоки айрим фельетонлари қувноқ, ҳаётбахш юмор билан йўгрилган, «Жонгинам, шартингни айт!», «Сариқ девни миниб», ҳаттоки «Сариқ девнинг ўлими» асарларида заҳарханада қаҳқаҳа билан ардоқли табассум ҳамиша ёндош ҳолда келади ва асарларига ўзига хос жозиба баҳш этади, табиатида айрим зиддиятлар, ожизликлар, танқидбоп қусурлар бўлишига қарамай, Усмонжон, Яйрахон ва Ҳошимжонларни биз салбий сатирик қаҳрамон дея оғлаймиз, балким улар айни шу ожизликлари, кам-кўстлари билан ҳам бизга ёқиб қўлади. Шуниси қизиқки, сатирик руҳ анча икучли бўлган «Сариқ девнинг ўлими» романнида шумтабнат Ҳошимжон чин маънодаги фоаол ижобий қаҳрамонга айланади, ёзувчи худди шу романнида халқ милициясининг фойдойи арбоби образини яратишга муваффақ бўлади. Адибнинг кейинги романи «Беш бўлали йигитча»да танқидий йўналиш айтарлини йўқ, «Конизар юлдузлари» туркуми, «Қасоскорининг олтин боши», «Йиллар ва йўллар» романлари эса бутунаси қаҳрамонлик йўналишидаги асарлардир. Тўғри, бу асарлар бағрида ҳам айрим ҳажвий лавҳалар, сатирик персонажлар мавжуд, бироқ уларда ижобий кучлар фаолияти етакчилик қиласади. Шуниси характерлики, ёзувчи ижобий ҳодисалар, ижобий қаҳрамонлар талқинида ҳаётбахш, қувноқ юмордан унумли фойдаланади, ҳаётда туғилган янгиликлар тасдирида ҳам,

қаҳрамонлар мислсиз жасорати ифодасида ҳам, персонажлар ҳаётидаги энг қалтис драматик дамларда ҳам — ҳамма ҳолларда қувноқ табассум ёндош келаверади. Бу — бебаҳо хислат. Ҳавас қиласа арзигулик фазилат. «Худойберди Тўхтабоевнинг ижодидаги бир хусусиятга жуда ҳавас қиласман, — дейди ёзувчи Ўткир Ҳошимов. — Унинг китоблари ни ўқинганда киши баъзан йиғлаб туриб кулади, баъзан кулиб туриб йиғлади. Ишонинг, бунга эришиш жуда қийин. Тўғри, ҳаётнинг ўзида кўзёши билан табассум кўпинча ёнма-ён юради. Бироқ, мана шу ҳолатни китобхонга сингдириш учун катта маҳорат керак». Ўткир Ҳошимовнинг фикрига қўшилган ҳолда унга яна бир гапни илова қилишни истардим: бунинг учун ёзувчининг ўзида туғма юмор туйғуси бўлиши керак, Худойбердининг зуваласи эса айни шу табассум туйғуси билан йўғрилган — болаларча бефубор, ҳаётбахш юмор туйғуси билан! Эҳтимол, Худойберди табнатидаги «яхши маънодаги болалик» ўша қувноқ, ҳаётбахш юморнинг манбаидир. Ёзувчидаги шу бефубор ҳаётбахш юмор туйғуси хусусан унинг тарихий-инқиlobий мавзудаги романларида меҳнаткаш халқ орасидан чиқсан баҳодирлар образини яратишида, халқ ҳаётининг хилма-хил манзараларини кўрсатишида, энг муҳими халқ руҳиятини очишида қўл келмоқда.

Худойберди чин маънода болалар ёзувчиси. Худойбердининг болалар ёзувчиси эканлиги фақат унинг болалар, ўсмирлар ҳаётидан асарлар ёзганлигидами? Дарҳақиқат, Худойберди бир қатор ҳикояларида, «Сариқ девни миниб», «Беш болали йигитча» асар-

ларида кичкинтой ва ўсмирларнинг жозибадор, эсда қоладиган образларини яратган, уларнинг ўзига хос, рангин дунёсини чуқур очиб берган. Аммо Худойберди катталар ҳаёти ҳақида ҳам кўп ёзғаи, аниқроғи катталар ҳаётига бағишиланган асарлари кўпчиликни ташкил этади, фельетонлари, очерклири, «Жонгинам, шартингни айт» қиссаси, «Конизар юлдузлари» китоби, «Қасоскорнинг олтин боши», «Йиллар ва йўллар» романлари қаҳрамонлари асосан катталардир, бевосита болалар ҳаётидан олиб ёзилган асарларида ҳам бир талай катталар образига дуч келамиз. Бироқ, шунга қарамай, Худойбердини, барибир болалар ёзувчиси деб биламиз. Чунки, у, боя айтилганидай, катталар ҳаётини болалар нигоҳи орқали идрок этиб ќофозга туширади, зотан болалар адабиётининг вазифаси нуқул кичкинтойлар ҳаётини қаламга олишдан иборат эмас, болаларни катталар ҳаёти, халқ тарихи, халқ орасидан чиқсан улкан алломалар тақдирли, катта ҳаёт муаммолари билан танишириш ҳам болалар адабиётининг бурчидир. Худойберди кейинги йилларда айни шу йўлдан боряпти. Табиийки, бу йўлда у айрим қийинчиликларга, бадиий жумбоқларга ҳам дуч келмоқда. Катталар ҳаёти, жиiddий муаммолар, чигал инсоний тақдирлар ҳақида болаларбоп қилиб ёзиш, асар давомида бола ва ўсмир китобхон психологияси мезонига бирдек риоя этиш ниҳоятда мушкул вазифа. Бу борада яхши тажрибалар, доно маслаҳатлар кўп, аммо тайёр аидаза йўқ, бўлиши мумкин эмас, чинакам ёзувчи ҳар гал бу муаммони ўзича ҳал этади, янгидан кашф қиласди.

## АДАБИЙ СУҲБАТЛАР

### ШЕЪРИЯТДА ЎЗИГА ХОСЛИК ВА МУШТАРАҚЛИҚ МУАММОСИ

(Шоир Омон Матжон билан суҳбат)

ТАНҚИДЧИ. Адабиёт, жумладан, шеърият ривожида ҳамиша диққатга сазовор бир диалектик жараённи кузатиш мумкин. Муайян даврда яшаб, қалам тебратган бир авлодга мансуб чиннакам истеъдод эгалари ижодда, бир томондан, ўзига хос йўлдан боришига, ўзлигини намоён этишга интиладилар, биз — танқидчилар бундай интилишни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаймиз, чунки адабиётда ёрқин, бетакрор истеъдодлар қанча кўп бўлса, ҳар бир асарида шоирнинг қалб бисоти, ўзлиги қанчалик тўла рўёбга чиқса, шунчалик яхши! Айни пайтда, шоирларнинг ўзларига сезиладими-йўқми, улар ижодида муштарак жиҳатлар ҳам бўлади, бундай муштараклик баъзан интенсив тус олади. Мана шундай муштаракликдан адабиёт ривожининг етакчи тенденциялари юзага келади. Ижодда бетакрорлик, ўзига хослик, индивидуаллик тарафдори бўлган биз — танқидчилар ўз навбатида бундай муштаракликни ҳам қўллаб-қувватлаймиз. Қаранг, ҳақиқий ижод, бир томондан, хусусийлиги, ўзига хослиги, бетакрорлиги билан, иккинчи томондан, муштарак жиҳатлари билан жозибадор ва ардоқлидир.

Узоққа бориб ўтирмайлик, мақтовнинг ҳожати йўқ. Омонжон, Сиз бошдаёқ шеъриятга ўз созингиз, бетакрор овозингиз билан кириб келган эдингиз, шеъриятингиздаги шу ўзинга хослик йиллар ўтган сари тобора равшан тортиб бормоқда. Айни пайтда сўнгги йиллардаги ижодингизда бугунги шеърияти-мизнинг пешқадам вакиллари, биринчи галда Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов изланишлари билан муштарак жиҳатлар хийла кучайиб бораётир. Яқинда бир танқидчимиз Сизнинг ижодингизга бағишлиланган мақоласида Омон Матжон ижод соҳасида Эркин Воҳидов ва Абдулла Ориповни қувиб келаётган, гоҳ орқада қолиб, гоҳ олдинга ўтиб беллашаётган, улар билан ижодий баҳслашаётган шоир, деб ёзи...

Бу ҳақда ўзингиз нима дейсиз? Ижоддаги муштараклик омили нимада деб биласиз? Сизда Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов ёки бошқа бирор замондош, тенгдош шоирга эргашиш, улар билан мусобақалашиш, баҳслалишиш кайфияти бўлганми? Ёки ижодингиздаги ўзгалар билан маълум муштаракликлар бенхтиёр юз берадими?

ШОИР. Давр шарт-шаронтлари ижодкорнинг идеалларини маълум бир ўзанларга, ўлчовларга солади. Шунга қарамасдан ҳар бир кишининг ҳаёти ўз эҳтиёжлари, ўз имкониятлари ва ўз «маҳсулотлари» билан бир қадар ўзича давом этади. Демак, бир пайтда яшаган кишиларда ўзлари истасалар ёки истамасалар ҳам ҳаётларида муштарак йўллар ва муштарак хусусиятлар бўлиши табиий.

Қуёшда ҳар ўн-ўн икки йилда бир марта

активлик даври бўлади. Деярли худди шундай ҳодисани одамлар ҳаётida ҳам, адабиётда ҳам кузатиш мумкин, вақти-вақти билан адабиётда авлодлар «янгиланиши» ҳодисаси бўлиб туради. Янгиланиш деб янги порлаган истеъдодлар даврасини, улар ҳали орбита-сида «жойлашиб» ололмай турган, каттароқ ёшдагилар уларга гоҳ ишониб, гоҳ ишонмай қараган пайтларини назарда тутмоқдаман. Шунингдек, бу даврда каттароқлар кичикроқларнинг қувиб етиб келиб қолишидан хиёл таҳликага тушиб қолсалар, кичикроқлар ё анов, ё манов йўл билан олдинроққа ўтиб кетиш пайида бўладилар...

Эркин Воҳидов ва Абдулла Ориповларга келсак, бу икки номни ажратиб таъкидла-шингизнинг сабаби — улар адабиётимиз кўкидаги 60-йиллар катта бир юлдузлар туркумининг фаолроқ элчилари эканини назарда тутаётганингиздан бўлса керак. Мен улар ёнига Ҳусниддин Шарипов, Жамол Қамол, Барот Бойқобилов, Муҳаммад Али, Ҳалима Худойбердиева, Ойдин Ҳожиева, Рауф Парфи каби қатор исмларни қўшишни истардим. Эркин Воҳидов ва Абдулла Орипов шулар орасида ижодий фаолиятининг ранг-баранглиги, асарларининг салмоқдорлиги ва поэтик оҳангларининг турфа тарқатувчанлиги жиҳатидан шеъриятимизнинг овозини олисроққа етказаётганлардан! Мен ҳар иккала шоирдан ёш жиҳатдан ҳам, шеърларимнинг республика матбуоти юзини кўриш даври эътибори билан ҳам беш-үн ёш «кичик»роқман. Шунинг учун ҳар иккалолварини устозларим дейишим мумкин. Уларнинг шеъриятдаги йўллари бир қадар ўзла-

ридан олдиндагилар, айниқса кейиндагилар, яъни ёш шоирлар учун ибрат йўлиди. Ҳар бир авлод адабиётга ўз сози, таъкиди, даъвати, ранг-бараңг бўёқлари билан киради, лекин ҳеч бир авлод ўзининг алоҳида адабиётини яратган эмас. Агар бир дақиқа кўзни юмиб, инсоният идеалларини келин билан куёв деб тасаввур қилсак, уларнинг бир-бирларига етишуви ва олиймақом турмуш қуриб кетишлари учун ёзувчи ва шоирлар ҳар бири ўзича ва биргаликда хизмат қилиб турган кишилардир. Шу ҳаракатда ҳар бир авлод кишилари ўзларича уринишда давом этаверадилар.

Мен тақлид қилишни ёмон кўраман. Чунки ҳар қандай тақлид пародиядир. Демак, Эркин Воҳидов ва Абдулла Орипов шеъриятига баъзи менгзашларим бўлса, бу айрим муаммоларнинг ва уларга мурожаат қилинган вақтнинг, шунингдек, ўша пайтдаги ижтимоий кайфиятнинг бир хиллигидандир. Мен ҳеч қачон шеърларимда, қанчалик ноёб бўлмасин, кимлар қачонлардир айтган гапларнинг, ишланган ташбеҳлар, образларнинг «гастроль» қилиб юришларини истамайман. Сезаманки, юрагимда ўзимдан ёши каттароқ бўлган бир ғурур бор, у мени кимларнидир такрорлашдан ва шунингдек, бошқа майдагарчиликлардан тийиб турса ажаб эмас.

Замондош шоирлар билан баҳслашяпманми? Менингча, йўқ. Мен ўзимни кечасими-кундузими, уйқудами-ўнгимдами, ватандами-хориждами, ҳар қандай шаронтда — дилга яқин шоирларимни эъзозлашга ва зарур бўлса, ҳимоя қилишга қодир сезаман. Уларнинг энг яхши шеърларини, янги ларзакор мисралари-

ни ўқиб: «Оҳ, боплабди, шу ҳақда ёзиш нега олдинроқ менинг хаёлимга келмади?!» деб баралла айта оламан. Бу қойил қолиш, ўзгалир ютуғига тан бериш, ўзимни ларзага солган, изтиробга солган воқеалар, ҳолатлар, манзарадарни ёзишимга сира халал бермайди. Янги шеърни ёзиб тугатсам, хаёлимда кўпинча ўзим билган кишилар, шеърларими ни синчиклаб кузатиб юрадиган дўстлар ва устозлар, мен танимайдиган, аммо ғойибона мени ёдлаб, ҳурмат қилиб, хатлар ёзиб, бирорларга мен ҳақимда эзгу гаплар айтиб юрадиган таниш-нотаниш шеър мухлислари кўз ўнгимга келади. Қандай ажойиб шеърхон юртимиз бор, дея фахрланаман. Янги битганларимни уларга маъқул келадими, ҳеч бўлмаса аввалгилари даражасидами, деб чуқур истиҳолага бораман.

ТАНҚИДЧИ. Модомики гапни ижоддаги ўзига хослик ва муштараклик масаласидан бошлаган эканмиз, уни давом эттирайлик, конкретлаштирайлик. Менингча, бугунги шеъриятимиз ривожига хос муштарак фазилатлардан, характерли тенденциялардан бири шуки, шеъриятдаги тавсифийлик, мадҳиябозлик, риторика, дидактика, қуруқ патетика, шиорбозлик чекиниб, тобора мулоҳазакорлик, бадий таҳлил, масаланинг моҳиятига интилиш хусусиятлари ортиб бораётир. Табиийки, бу билан шеъриятда реализм чуқурлашмоқда.

ШОИР. Бугунги шеъриятда тавсифийлик, мадҳиябозлик, риторика, қуруқ патетика, шиорбозлик камайиб боряпти деяпсиз. Шундай эмас-ов, менингча! Шеърбозликнинг бу очофат ва мечкай кўриниши андак шакли-

ни ўзгартириб «маъни ирод» қила бошлади-ёв! Ҳатто улар назмимиз эришган юксак мавқелардан ҳам муваффақият билан фойдаланиб, радио, телевидение ва турли нашрларга суқилиб кириб, беш-ўн йил бурун адабиётимизда воқеа бўлган шеърлар оҳангига ё шаклини ямлаб-чайнаб, ўзлаштириб тақоррламоқда. Фарб фильмларида бир хил қароқчилар бор: юзига капрон пайпоқ кийиб олади-да, шу ниқоб ичида ҳаракатини қила-веради. Мен нашриётда ишлайман. Бизга келаётган баъзи шеър, ғазал, қўшиқлар мажмуасини кўриб энсанг қотади, улардаги ўша: «кўчат эк — савоб бўлади», «чойта қанд қўшиб ич — мазали...» тарзидағи сийқа гапларнинг бижиб ётганлигидан қофозга ҳам қарагинг келмайди. Ахир шеъриятнинг вазифаси фақатгина ақл ўргатишдан иборат бўлса, педагогика институтларининг нима кераги бор? Ёлиб ташлаш керак ҳаммасини! Энг содда, лекин чинакам шоирнинг ҳар елкасида ҳеч бўлмаганда биттадан ё Вольф Мессинг, Насриддин Афанди ё Чарли Чаплин турган бўлсин-да! Акс ҳолда энг жиддий шоирнинг ҳам трагизми «ўлиш ё қолиш»дан нари ўтолмай қолиб кетаверади. Мен шоирнинг жуда бўлмаганда ҳар учинчи ё тўртингчи шеъридан мўъжиза кутиш тарафдориман.

ТАНҚИДЧИ. Ташвишларингизда асос бор. Яхлит олганда шеъриятда биз тилга олган қусурлар тугаб битган эмас, муҳими шундаки, ўшандай қусурларга мубтало шеърлар танқидчилик ва китобхонларининг эътиборидан четда қолиб кетаётир, бир-икки дидсиз ёки тамагир танқидчилар шундай шеърларни у өр-бу ерда тилга олмаса, ҳеч ким

уларга эътибор бераётгани йўқ. Шуниси ҳам борқи, ёрқин кашфиёт даражасидаги шеърлар ҳамиша, ҳатто шеърият энг гуркираб ривожланган пайтларда ҳам фўр, ўртамиёна назмларга нисбатан ниҳоятда оз бўлади. Лекин шу озу соз шеърлар поэзия ривожининг бош йўналишини белгилайди.

ШОИР. Фўр, ўртамиёна шеърларга ўз вақтида қарши кураш олиб борилмаса, улар бамисоли печакдек ғовлаб талантли асарларни сояда қолдириши мумкин. Афсуски, тандидчилар улар қаршисида сукут сақлаб турибдилар, уларга қарши дадил кураш очишга журъат этолмаётирлар.

ТАНҚИДЧИ. Тўғри, аммо мен бу ерда диққатингизни камчиликларга эмас, кўпроқ шеъриятимиздаги етакчи ижобий тенденцияларга тортмоқчи эдим. Биз баъзан адабий жараёндаги камчиликлар, қийинчиликлар тўғрисида бор овоз билан гапириши хуш кўрамизу, ютуқларимизни кўз-кўз қилиш, яхши тажрибаларни умумлаштиришга келганда бир оз сусткашлик қилиб қоламиз.

ШОИР. Ижобий тенденциялар ҳақида сўзлаш керак бўлса, мен гапни хусусийроқ бир ҳодисадан бошлишни истардим. Бугунги поэзиямизда интим шеърнинг ипак қатимлари, нур қатламлари эзгу ҳосил бераётганини кўриб қувонасан киши. Мен шу тенденциянинг истиқболига умид қилгим келади. Нега деганда, минг йил ёрни, маъшуқани улууглаб келган Шарқ ишқининг кўпроқ висол ва айрилиқ изтироблари атрофида манзаралар, ҳолатлар яратиш билан банд эди. Модомики, севгининг айрим инсон юрагида, турли

ёшдаги кишилар ҳаётида буюк руҳий инқи-  
лоблар ярата оладиган куч эканини эътироф  
этиш, эътироф этишгина эмас, кашф этиш,  
унинг ҳудудсиз туйғу ва ранг товланишла-  
рини кашф этиш вақти келди! Кишилар бу  
сөхрли туйғулар камалагини кўра олсалар,  
юракларида кутилмаган яхшиликлар уйго-  
ниши мүмкин. Ахир адабиётда ҳар қандай  
масаланинг моҳияти инсонни, унинг руҳидаги  
улкан бойликларни рўёбга чиқаришдир.  
Атроф йўлда, турмуш гирдибодида толиқдан  
кишиларга файзиёб салқин дарахтзорни,  
осуда оқимни кўрсатсангиз, миннатдор бўла-  
ди, дуо ҳам қиласди.

ТАНКИДЧИ. Менимча, айни шу на-  
фис «ипак қатламлар»га эътибор туфайли  
шеъриятда инсонни тушуниш чуқурлашиб  
бормоқда, инсоннинг бугунги нотинч плане-  
тамиздаги мавқеи, инсон билан жамият ва  
табиат орасидаги мураккаб муносабат, инсон-  
нинг бугунги кун, шунингдек ўтмиш ва кела-  
жак, она табиат олдидаги қарзи, бурчи  
масалалари ғоят кескин қилиб қўйилмоқда.  
Худди шу масалаларга муносабатда инсон ва  
унинг қалбини мураккаблиги, зиддиятлари  
билан кўрсатиш, энг муҳими, инсон қалбини,  
интим оламини кутилмаган томонлардан  
очишга интилиш, шоирнинг ҳаёт ҳодисала-  
рига драматик муносабати характерли тен-  
денцияларга айланниб бормоқда. Қисқаси,  
поэзия фақат «хабар бериш», «улуглаш» ёки  
«фош этиш» билан кифояланмай, масала  
моҳиятини очишга, таҳлил этишга интилмоқ-  
да. Бу ҳаётга актив муносабатнинг олий  
кўринишидир. Бунинг учун «Тирик сайёralар»,  
«Руҳлар исёни», «Юзма-юз», «Нажот қалъ-

аси», «Ёнаётган дараҳт», «Ҳаққуш қичқириғи» китобларини варақлаш кифоя.

ШОИР. Гап шундаки, сайдерамиз кўз ўнгимизда кичрайиб қолаётир. Бугун эрталаб Америка қитъасида юз берган воқеалар ва айтилган гапларни деярли америкаликларнинг ўзларидан кечикмай эшиятпмиз, кўряпмиз. Ер юзида ейиш-ичиш, туриш-турмуш, расм-одатлар бирлиги юзага келаётганга ўхшайди. Предметлар, кийим-кечаклар бирлиги... Эзгулик эса кун сайин минг-минглаб шаклларда туғилишни истайдиган маънавий ҳодисадир. Шундай экан, «маънавий қийматлар» ўз-ўзидан жонга тегади, кеча ҳимоя воситаси бўлиб хизмат қилган нарса бугун шунчаки одим отишингизга ҳалақит бериб қолиши мумкин. Шунинг учунми, чинакам шоирлар ижодида «хабар бериш», «улуглаш» ёки «фош этиш»га кўра масаланинг моҳиятини очишга, бадиий таҳлил этишга мойиллик кучли. Фош қилиш эса ҳатто энг кичик эпизодларда ҳам «гамлет»лик талаб қиласди. Фақат «улуглаш»нинг ўзи билан ҳозирги китобхонни ҳаяжонга солиб бўлмайди, оддий поэтик хабарнинг эса унга асло кераги йўқ.

ТАНҚИДЧИ. Инсон ва табиат муносабати шеъриятнинг азалий мавзуи, муаммоси, қадимдан поэзияда «табиат лирикаси» деб аталган йўналишнинг мавжудлиги тасодифий эмас. Биласиз, бундай шеърларда авваллари инсон кўпроқ табиат мафтуни ёки табиатни ўзгартирувчи, табиат устидан ҳукмрон куч сифатида талқин этиларди. Эндиликда, асримизнинг иккинчи ярмига келиб ўзгача ҳолатга дуч келамиз — табиатни асраш-авайлаш муаммоси шеърият-

да, қолаверса бутун адабиёт ва санъатда бош масала қилиб қўйилмоқда. Жумладан, Эркин Воҳидов ва Абдулла Ориповда. Сизда ҳам шундай мотивлар илгари сурилган шеърлар кўп («Қайси йил кўкламда Жайҳун бўйида» деб бошланувчи шеър ва ҳоказо). Биламан, бунинг маълум асослари бор, мени бир ҳолат қизиқтиromoқда — ўша хил шеърларда негадир шикоятомуз руҳ, қандайдир илтижо, ҳазин, ночор бир кайфият, табиатга қилинаётган зугумлардан таҳликага тушиб қолиш, кўзёшлар тўкишга ўхшаш ҳолатлар хийла кучли (айниқса сизлардан кейин адабиётга кирган ёшлар шеърларида).

ШОИР. Инсоннинг табиат олдидағи беҳад ожизлиги бугун ўзини янгидан намоён қила бошлади. Аввал замонларда инсон табиат қаршисида ўз чорасизлиги туфайли ожиз эди, бугун, парадоксни қарангки, ўз қўлида бениҳоя қудратли қуролларни жо этгани учун кучсиз. Чунки, бу қуроллар арзимаган хато туфайли ўзи яшаб турган сайёрани кукунга айлантириб юборишга қодир эканлигини сезиб қолди инсон! Кимга нима деб фарёд қилишини билмайди! Ҳар қандай тараққий этган тузум даврида ҳам жоҳил кимсалар сақланиб қолаверишини бугун яхши биламиз. Янги даҳшатли қуроллар сутканинг бирор соатида шундай кимсалар қўлига тушиб қолмайди, деб ким кафолат бера олади?!

Ўрта асрларда кўплаб даҳолар, жасоратли олимлар ўтда куйдирилди, қатл этилди... Разил ва жоҳил руҳонийлар ўша пайтларда олимларни фақатгина черков манфаатларини ўйлаб, динга, одамларнинг азалий эътиқод-

ларига путур етказишинигина ўйлаб қатл этдимикан? Улар даҳрийлар қилган буюк кашфиёт воситалари жоҳил кимсалар қўлига тушиб қолса, ўнглаб бўлмас вайронагарчиликлар юз бериши мумкинлигини балки интуитив тарзда сезиб қолган бўлиши мумкин-ку! Ўтмиш шоирларининг (энг тараққий-парвар намояндаларининг) ижодида «аҳли замондин вафо кутманг...» деган ғоялар ҳам кўзга ташланмайдими?

Лекин биз ёшлидан яхшилик, эзгулик, инсон зотига шафқат-мурувват ғоялари руҳида тарбия топганимиз. Бизнинг бугунги камолотимиз шу ғояларни қанчалик амалга ошира олишимиз билан белгиланади. Кўпчилик ижодкорларда, хусусан ёшларда «нолиш» оҳангларининг борлиги — ана шу яхшилик ғояларини тўла амалга ошира олиш имкони йўқлигини билиб қолганидандир. Бунинг учун уларни айблаб бўлмайди. Лекин, Сиз айтгандай, нолишнинг ўзи билан муддао ҳосил бўлмайди, бунинг учун курашмоқ ҳам керак, курашсиз ўтмиш ҳам, келажак ҳам ўзининг бир кафт ерини бермайди.

**ТАНҚИДЧИ.** Табнатни асраш-ардоқлаш муаммоси билан баробар инсондаги табиий хислатларнинг, маънавий бисотларнинг тақдири масаласи ҳам ҳозирги кунда кўплар қатори Сизни ўйлатиш, ҳаяжонга солиш боисини билсак бўладими? Сизнинг «Табнатнинг қизил китобига», Абдулла Ориповнинг «Денгизга», «Қўриқхона», Эркин Воҳидовнинг «Зангори шуълалар», «Сирдарё ўлани» шеърларини назарда тутаётирман.

**ШОИР.** Бу ҳодисанинг боиси даври-мизининг кўп улкан фан ва маданият арбоби-

ларни томонидан айтилди, айтиляпти. Йттифоқ ёзувчиларининг VII съездиде Ф. Абрамов, Ч. Айтматов, Ю. Бондарев сингари сўз усталири бу хусусда жуда кескин гапирдилар, улардан ошириб бир нарса дейиш қийин.

ТАНҚИДЧИ. Сизнинг кейинги шеърларинизда ҳаётнинг, инсон умрининг энг драматик, ҳатточи фожеий дақиқаларини қаламга олишга ёки ҳодисалар драматизмини бутун кескинлиги билан кўрсатиш, фожеий пафос даражасига кўтариб тасвирлашга интилиш кучли. «Оқ уйда Жон Кеннеди портрети», «Чарли Чаплинни эслаб», «Амир Олимхоннинг сўнгги илтимоси», «Оқ қайин», «Роберт Сэндс исёни» каби шеърларинизда шундай. Бундай хусусиятни Эркин Воҳидовнинг «Рухлар исёни», «Арслон ўйнатувчи», Абдулла Ориповнинг «Маломат тошлари», «Номаълум одам», «Карвон», шунингдек, устоз шоирлардан Асқад Мухторнинг «Туш», «Янгам» сингари шеърларида ҳам кўриш мумкин. Ч. Айтматов, Д. Гранин, В. Тендряков сингари улкан адиллар ҳодисаларни шу тарзда бутун кескинлиги билан трагик пафос даражасига кўтариб тасвирлаш ўйлини қайта-қайта қувватлаб чиқаётирлар. Шу тенденция, шу масала хусусида Сизнинг фикрингизни билмоқчи эдим.

ШОИР. Жуда содда қилиб айтсак, «одамнинг хилини йўл айиради» дейди-ку халқимиз. Йўл — ҳаракат, у кутилмаган ҳолатлари билан кишиларнинг маънавий борлигини аниқлаб беради. Ёзувчилар қаҳрамонларини ўзлари маъқул топган йўлларга солиб, серсинов, иложсиз, трагик ҳолатларда синаб кўришлари шундан, Аслида бу ёзувчи

ўзига узоқ-яқин йўлда ишончли кишилар излашидир. Шундай йўлда ёзувчига ҳам кўринарли бўлади.

шундай шеър-  
ишларига ҳам-  
бинобарин гума-

ниэ

Е ёт ҳақиқати муаммосига  
кatt миз ва тўғри қиламиз.  
Айнi яътида ҳаёт ҳақиқати  
масал майдиган яна бир улкан  
муамм асонга мурувват, меҳр —  
гуманизм асидир, негадир бу масалага  
керагича эътибор бермай келамиз. Яқинда  
«Литературное обозрение» журналидаги сух-  
батда Расул Гамзатов яхши бир гап айтди.  
«Мен, — дейди у, — адабиётни инсонга меҳр  
деб аташни истардим. Ёзувчилардан кимдир:  
одамлар ҳақидаги ҳақиқатдан кўра уларнинг  
ўзини кўпроқ севаман, деган. Мен аслида  
шундай қарашга мойил одамман. Ҳар доим  
ва ҳамма соҳада инсонга садоқат — санъат  
шу билан тирик...»

ШОИР. Баъзи танқидчилар бир нарса-  
ни доим хотўғри тушунтириб келадилар.  
«Фалончи шоирнинг шеърида «дард бор»,  
«замондошларининг «дард»ини ифодалайди»,  
деган гапларни масъулиясизларча такрорлай-  
верадилар. Шу хил фикр илгари сурилган  
мақола билан танишган ўқувчи: «Э, фалончи  
шоир нуқул дардни ёзар экан, замонамиздан  
нуқул дарду ғам ахтарар экан!» — деган  
холосага келиши мумкин. Қаттиқ таъкидлаб  
айтаманки, муҳтарам адабиётшуносларимиз  
«дард» деб атаган нарса аслида бош ҳарф  
билан ёзилиши мумкин бўлган «Меҳр»дир.

Одамга, унинг тақдирига меҳрдир! Фидойи  
меҳр, адойи меҳр...

ТАНҚИДЧИ. Қизиқ, шоирларимиз ўткир драматик, фожсий руҳдаги шеърлар билан бир қаторда қувноқ, ҳайётбахш юмор билан йўғрилган шеърларни ҳам кўплаб битаётирлар. Боя тилга олингани ўткир драматик шеърлар ёнида «Собирман» (Асқад Мухтор), «Матмусанинг дутори», «Ёш шоирларга» (Э. Воҳидов), «Сув», «Жаннат», «Тулки фалсафаси» (А. Орипов), «Гўдак феълли дўстимга», «Мабодо дараҳтлар юар бўлсалар», «Қўшжонов домланинг уйнда», «Киши кайфияти, руҳига қараб»... (Сизда) каби ҳазил-мутонба руҳидаги шеърларни учратиш мумкин.

ШОИР. Аслида юмор ҳам инсонга меҳрининг бир кўришишидир. Қолаверса, ҳазил, қочириқ, киноя, пичинг ўзбекнинг шунчаки йўл-йўлакай, саломдан кейиноқ шартта-шартта айтиб кетаверадиган гапидир. Бутун ижодда ҳазил-мутонбадан холи бирорта ўзбек шоири йўқ, анчайин жиҳдий шоирларимиз ҳам ҳазилга мойил бўлиб қолганликларини баъзан ўzlари сезмай қоладилар. Ахир халқ фарзанди саналмиш шоирда халқига хос шу хислатлардан қандайдир улуши бўлмаса унинг шоирлиги қаерга борарди.

ТАНҚИДЧИ. Шуниси ҳам борки, бир қарашда шунчаки ҳазил-мутонбадек туюлган бу хил шеърлардаги ҳазилнинг таги хийла зил.

ШОИР. Ҳазил, киноя, қочириқдан мақсад оқибат-натижада у ёки бу одамнинг феълими, фаолияти ҳақидами, кескин фикр билдиришдир. Ҳа, фикр билдириш, муносабат

билдириш! Бу борада ёзувчи ва шоирларга буюк лирик, файласуф Ғафур Ғулом ҳар томонлама устозлик қила олади.

ТАНҚИДЧИ. Ҳозирги шеърият фақат ҳаётнинг драматик, фожеий ёки комик томонларини кўрсатиш, таҳлил этиш билангина чекланиб қолаётгани йўқ, ҳаётнинг нурли томонлари, халқимизнинг ажойиб фазилатлари ҳам улуғланаётир, энг муҳими, бундай шеърларда шоирларимиз қуруқ мадхиябозликка берилмай, ҳодисалар, инсоний тақдирлар драмасини четлаб ўтмаган ҳолда чуқур мулоҳазакорлик, бадиий таҳлил, баъзан эса самимий ҳазил-мутонба йўли билан ҳам ҳаётни, одамларни, халқа хос гўзал фазилатларни улуғлаш мумкин эканлигини яна бир бор исбот этмоқдалар. Эркин Воҳидовнинг «Бизлар ишлайпмиз», Абдулла Ориповнинг машҳур «Саратон», ниҳоят, Сизининг «Ўзбекистон мақтоби», «Пахтамиз хусусида нутқ», «Юртимдаги вазмин одамлар» шеърларингиз бу жиҳатдан характерли. Шу тур шеърларингиздан, чунончи «Юртимдаги вазмин одамлар»нинг яратилиш тарихи ҳақида сўзлаб берсангиз.

ШОИР. Бу шеъримда «Вазмин одамлар» деганда, биласиз, баъзи-бир сохта солдим кишиларни, яъни ўзини оғир карвон, сипо кўрсатиб, билимсизлигини, фаросатсизлигини ясама кибр билан пардалаб, кўпчилликка аралашмай ўтирадиган майда «одамча»лару, «арбобча»ларни сира назарда тутаётганим йўқ. Улар тилга олишга ҳам арзимайдилар, уларнинг авра-астарларини мен шундоқ бир қарашдаёқ рентгендагидек кўриб турман.

Бир гал Андижонга борганимизда баҳор оғир келган йил эди. Сел, дўл, бўрон-тўфон... Экинлар уч марталаб қайта экилган... Шаронт кишиларнинг ҳаётидаги «фожеий ҳолатларни» очиқ кўрсатиб турмоқда эди. Қийин вазиятда қолган оддий кишилар содда, меҳнаткаш кишилар... Лекин чеҳраларида осоиишта олижаноблик ёғдулари аён. Вазмин, пурвиқор кишилар. Буларни кўриб биз ҳам енгил тин олдик... Юртимизни ҳар қандай бўрон-офатлардан омон олиб ўтадиган инсонлар мана шулар экан деган фикр уйғонди юрагимда. Бундай сиймолар юртимизнинг ҳамма жойларида бор. Улар атрофимиизда — бизнинг ижод далаларимизни-да меҳр билан кўриб-кузатиб туришибди. Шундай одамларга муносабат билдириш истагидан бояги шеър туғилди.

ТАНҚИДЧИ. Энди эътиборингизни ҳозирги шеърият шаклидаги, услубдаги излашишлар муаммосига қаратмоқчиман. Бу борада икки тенденция мавжуд. Бир томондан, шоирларимиз рус, қардош халқлар ва жаҳон прогрессив поэзияси тажрибаларига таянган ҳолда шеъриятимизнинг поэтик арсеналини янгича ифодалар, поэтик шакллар, янгича фикрлар тарзи билан бойитишга ҳаракат қилаётирлар. Дастрлаб устозлардан Зулфия, Асқад Мухтор шеъриятида хийла ёрқин кўринган бу тенденция Рауф Парфи, Муҳаммад Солиҳ, Шавкат Раҳмон, Сулаймон Раҳмон каби ёшлар ижодида ўзгача кўринишда намоён бўлаётир. Иккинчи томондан, бошқа бир гурӯҳ шоирлар совет даврида таркиб топган барқарор миллӣ поэтик анъаналар, шеърий шакллар доирасида туриб

бу анъаналарни ичдан янгилаш, имкониятларини кенгайтириш йўлидан бораётирлар. Сўнгги йилларда шу йўналишдаги шоирлар ижодида яна бир мұхим хусусият кўзга ташланәтир — улар классик адабиёт, биринчи галда ҳалқ оғзаки ижоди бисотига, фольклор тажрибаларига, афсона, ривоят усулларига, ҳаттоқи мотивларга дадил мурожаат этаётирлар. Бунинг учун Эркин Воҳидовнинг «Руҳлар исёни» достони, «Тирик сайёralар»га кирган қатор шеърларини, Абдулла Ориповнинг «Жаннатга йўл» асарини, Сизнинг «Ҳаққуш қичқириғи» китобингизни эслаш етарли.

ШОИР. Мен ҳеч қачон адабиётда шакларнинг аҳамияти хусусидаги баҳсга аралашган эмасман. Шакл, менимча, хусусий ҳодиса. Шакл ҳеч қандай адабиётни ўзича бойитувчи омил эмас, у адабий-бадний бойликларни ташувчи восита, холос. Классик адабиётимизнинг ўзи шакллар хазинаси! Унда гул, кўза шаклидан тортиб оддий квадрат — тўрт томонига ўқилганида ҳам бир хил маъно берадиган шеърларгacha бор. Гап шоирнинг ўз фикрини, нима қилиб бўлмасин таъсирчан, салмоқдор ва кўринарли қилиб айта олиши дадир.

Ёшларнинг шакл изланишларига келсак, болаликда ҳаммамиз ҳам лой, қофоз, пластилиндан ғаройиб қиёфалар, қушлар, уйлар қурганмиз. Лекин ўшанда кўпинча одамларимиз уйларга, уйларимиз қушларга ўхшаб қолаверган. Қейинчалик ҳақиқий инсонларни, қушларни, уйларни кўргач эса, болаликдаги «ижод»ларимиз нақадар ибтидоий эканлигини билиб олганмиз. Шаклнинг қиммати ҳалқ

маънавияти бойликларини ўзида нечоғлик тўлароқ таший олиши, кўрсата олиши билан ўлчанади. Шекспирнинг айрим сонетлари ўз қуввати жиҳатидан унинг баъзи трагедияларидан қолишмайди.

ТАҲҚИДЧИ. Модомики, шакл — адабий-бадний бойликларини ташувчи восита экан, унга бефарқ қараб бўлмайди. Классик адабиётимиз шакллар хазинаси дедингиз, бу гап фольклорга ҳам тегишли. Фольклор анъ-аналари баъзан ҳаётни реалистик тасвирлашга монелик қилганини, фольклорга хос ўта шартлилик реаллик билан сифиша олмай қолганлигини биламиз, ҳозир ҳам шундай ҳолларга дуч келиб турамиз. Бироқ биз юқорида тилга олган асарларда фольклорга хос усул, восита ва мотивлар реализмга асло монелик қилмайди, аксинча, уларда реализмнинг чуқурлашувига, ҳодисалар моҳиятини тўлароқ очишга хизмат этади. Чунончи, «Руҳлар исёни»ни эслайлик. Асар марказида аниқ тарихий шахс — машҳурベンгал шоири Назрул Ислом тақдири туради. Достон муаллифи, бир томондан, Назрул Ислом ҳаётига оид реал картиналар чизади, иккинчи томондан, шоир ҳаёти билан боғлиқ ҳолда бир қатор қадимий ривоят ва афсоналарни келтиради, бу ривоят ва афсоналар эса қаҳрамон ҳаётининг моҳиятини теранроқ идрок этишга ёрдам беради, қаҳрамон ҳаёти ғоят фожеали, реал фожеалар ифодаси жуда таъсирли, шу фожеий ҳодисалар билан боғлиқ ҳолда келтирилган драматизмга тўла ривоят ва афсоналар эса қаҳрамон тақдирининг туб моҳиятини янада чуқурроқ тушуниш ва ҳис этишга хизмат этади.

«Ҳаққуш қичқириғи»да ўзгачароқ — унда бевосита афсона, ривоятлар ёки ривоятнамо нақллар көлтирилди, баъзан эса реал воқсалар, фактларга афсонавий, мажозий тус берилади, реал ҳәётий ҳодисалар ривоят тилида, мажозий тусда ифода этилади... Лекин ҳушёр китобхон афсона ва ривоятлар замиридаги реал гапни — муҳим ҳаёт ҳақиқатиниң уқиб туради...

Умуман афсона, ривоятларнинг ёки фольклорга хос усул, ифода воситаларининг ҳозирги кунда реалистик тасвир билан муносабати, бундай қўшилиш-чатишиш имкониятлари масаласига қандай қарайсиз?

ШОИР. Тилимизда «Гапингда жон бор» деган иборани кўп учратамиз. Бунинг тагида «Ишонса бўлади!» деган ҳикмат бор, холос. Афсона ва миф мотивлари минг-минг йиллар оғиздан-оғизга, халқдан-халққа ўтиб етук ва мукаммал шаклга эга бўлганлар, ишонтиришнинг энг кўтаринки, ҳатто романтик пафосига эришганлар. Схемалар, қолиплар, системалар, конвойерлар асрида, ҳатто жадвалнома одамлар, фаолий-даврий одамлар кўплаб пайдо бўлаётган бу даврда адабиёт ўз «жонини сақлаш» учун ҳам юқоридаги фольклорий, яъни «азалий руҳ» мавжуд воситаларга мурожаат қилиши табиий.

Яна бошқа бир гап: майли, шоир шеърида кекса қоратолга қанот бериб учирраб юборсин, темир бетон плитада сонсиз бойчеклар ўстирсан, лекин бизни шунга қаттиқ ишонтирсан, руҳимиз бу мўъжиза қаршисида лол қолсан!

ТАНҚИДЧИ. Афсона ва ривоят усулларига мойиллик оқибати бўлса керак, ке-

инги йилларда сюжетли-воқеабанд, жонли, лирик характерлар мавжуд бўлган шеърлар кўпайиб бормоқда, балладага яқинлашиб келадиган ё кескин драматик, фожсий тарздаги ёки юмористик руҳдаги, баъзан эса бу икки жиҳатни туташтириб-қўшиб юборувчи ўзига хос бир шеърий форма шаклланиб келмоқда.

Тўғри, воқеабанд шеърлар авваллари ҳам бўлган, биз бу ерда тилга олинаётган шакл драматизмининг кучлилиги, шу жиҳати балладага яқинлиги, драматик характерларнинг мавжудлиги, ифода, ҳикоя қилиш тарзи жиҳатидан ривоят усулига ўхшаб кетиши билан ажралиб туради. «Туш» (Асқад Мухтор), «Тандир ҳақида эртак», «Найнинг қисмати», «Матмусанинг дутори», «Оқсоқол» (Э. Воҳидов), «Ҳангома», «Шарқ ҳикояси», «Самовий меҳмон, беш донишманд ва фаррош кампир қисссаси» (А. Орипов), «Ҳаққуш қичқириғи»га кирган қатор шеърлар ана шундай шаклнинг яхши намуналаридир.

ШОИР Гапингиз тўғри, лекин Сиз адабиётшунос олимсиз, ўз илмий терминларингизни қойиллатиб ишләтирсиз. Мен шеър таҳлили билан шуғулланган эмасман. Бироқ ҳар қандай шеърни бир ўқишдаёқ нимага арзирлик эканини айта оламан деб ўйлайман. Воқеабанд шеърларнинг такомил топиб, кўпайиши умуман ёмон ҳодиса эмас. Аслида воқеий асоси бўлмаган шеърнинг ўзи ўйқ. Лекин гап биз нимани воқеа деб тушунишимиздадир. Ички руҳий ҳаракати бўлган ҳар қандай манзара шеъри ҳам аслида воқеийдир. Сюжет деганимиз ҳам шу гапга яқин. Айни пайтда, ўша лирик маънодаги воқеа-

банд шеърларнинг кўпайиб бораётганлигини кўп яхши ҳол деб ҳам бўлмайди. Чунки асл шеър руҳнинг лаҳзалик изтиробларидан йўналиш ва нур олиб туғилади. Кўз шеъри, илғаш шеъри, ҳол-ҳолат, ранглар шеъри кишида муайян кайфият қўзгайди. Шеърнинг ҳамма қолган шаклларининг моддий бошланмаси аслида шундай шеърлардир.

Воқеабанд шеърлар трибун шоирларга, яъни публицистик майли бор, тезроқ фош этишга, кашф этишга иштиёқманд шоирларга қўл келади. Бу типдаги шеърнинг яна бир афзаллиги бор: дейлик, маълум бир воқсанинг гувоҳи фақат ўзимман. Энди уни бошқа ҳеч ким такрорлай олмайди, кўчириб олмайди ёки тақлид ҳам қилолмайди. Сюжетли шеърларнинг кўпайишига сабаб аслида шоирнинг ўз шеърини «предметли», илғамли, «нарса»ли қилишга уринишлари сабаблидир. Ривоят ва афсоналар эса бу борада шоирлар учун тайёр гавҳар доналаридир.

Такрор айтаманки, шакл борасида баҳслашиш мен учун жудаям ёқимсиз бир ҳол. Айтиладиган гап бўлса бас, тил, кўнгил ва дид изҳор этиш мавриди ва меъёрини топар!

Оригиналликни хуш кўрсангиз унинг ҳам йўли бор. Дейлик, бирорвнинг туғилган кунига бормоқчисиз. Ҳали у одамни яхши билмайсиз. Шунинг учун энг «демократик» совғалар оласиз, яъни соат ва гул. Тамом! Иккисининг мазмуни ҳам содда, ҳам эзгу. Лекин сиз оригинал киши бўлиб кўринмоқчисиз. Шунинг учун энди соат ва гулнинг орасига занглаб кетган бир занжир топиб солиб қўйинг. Кўрасиз томошани! Йиғилганлар бу гаройиб совғанинг мантиқини қидиришга

тушадилар. Юбияр қолиб, сиз оласиз олқишини ва ҳоказо...

**ТАНҚИДЧИ.** Гарчи бу ерда шеърий шакл муаммолари, бу борадаги изланишлар хусусида гапиришни ёқтирмаётган бўлсангиз ҳам, мен аминманки, амалда Сиз шакл масаласига ҳеч қачон эътиборсиз қараган эмасиз, акс ҳолда шеърий ижодингиз шакл жиҳатидан бу қадар ранг-баранг бўлмасди. Бир қарашда традицион туюлган — аруз, бармоқ, шеърий драма, насрый назм, афсона-ривоят, опера либреттоси шаклларидағи асарларингиз аслида кўп ижодий изланишлар, ҳаттоқи дадил экспериментлар самараси эканлигига шубҳа йўқ!

Гарчи хуш кўрмасангиз ҳам шакл-ифода борасидаги баҳсни давом эттироқчиман. Ҳозирги ўзбек шеъриятида яна бир хусусият мавжуд: аксар шоирларимизда ҳодисаларга ўзларининг шахсий муносабатларини билдириш; шеърда шахсиятини намоён этиш (само-выражение) билан баробар, ҳодисанинг объектив манзарасини, ўз ички драмасини кўрсатишга, бошқачароқ айтганда объективликка интилиш кучли. Эҳтимол, лирик шеърларда воқеабандликнинг, лирик характерларнинг кўплаб пайдо бўлаётганлиги шундан-дир...

**ШОИР.** Шеърим — менинг муносабатмидир. Бу муносабатнинг ўзи фақат менинг шахсий бисотимнигина эмас, кимларниг манфаатлари учун қандай ҳукм чиқараётганимни ҳам аниқ намоён қилади. Манфаат деган сўзга алоҳида ургу беришнинг ҳожати йўқ бу ерда. Чунки манфаат деганда шу аснода ё ўзимниг, ё ёнимдаги кишининг

аҳвол-руҳиятини назарда тутмоқдаман. Чунки шонр «Кўмак, таянч, эзгулик ҳув фалон томонда!» деб йўл кўрсатиб қоладиган диспетчер эмас, аслида ўша сифатларнинг мужассамидир. Шонр одамларни ёнидан шундоқ бешарво ўтказиб юбора олмайди, одамларни ўзинга жо этади. Ҳар бир одамнинг ўз тарихи бор. Ҳар бир одамнинг умри— ўз мустақил, шахсий тарихини, яъни ўз эзгулиги ёки разиллиги тарихини яратишдангина иборат.

Демак, кичик бир ҳолат ҳам, кичик бир руҳий биография ҳам сюжет экан. Шундай бўлгач, лирик шеърга сюжет, воқеа кириб қолди дейишдан олдин бир нарсани қатъий аниқлаб олиш лозим. Яъни, бир неча киши иштирокида юз берадиган воқеа баёни этиладиган бўлса, бу сира лирик шеър бўла олмайди. Лирик шеър ҳар ҳолда муайян бир одамнинг руҳий кечинмалари районида чегараланиши керак. «Самовыражение» деган сўзни қисқача изоҳламоқчиман. «Самовыражение»— жуда бўлмагандага бошқалар айтган гапни индамайгина қўл кўтариб маъқуллашдан воз кечишdir.

ТАНҚИДЧИ. Умуман ҳозирги ўзбек шеъриятининг шакл ва ифодалар, услублар олами, изланишлар кўлами, даражаси, имкониятлари ҳақида қандай фикрдасиз? Менимча, шеъриятимизнинг ифодалар, шакллар оламини ҳозиргидан бойроқ, ранг-барангроқ қилиш имкониятлари бор... Шунга кўра изланувчи шонрларни, хусусан ёшларни бу борада чўчитмай, уларнинг изланишларини ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш лозим.

**ШОИР.** Фалон шакл ундей, фалон шаклнинг мана бундай афзаликлари бор, у-бу деб баҳс бошлишинг ўзи, такрорлайман, чалғишинг бошланишидир. Бунинг устига, манави шаклдаям ёзиб қўяй-да деб, шакл учунгина ёзилган шеърлар ҳам кўп. Шаклнинг имкониятлари чексиздир. Шеърият шаклларини ишлатишда шоир дизайнер бўлиши лозим. Лекин у фақат макетлар яратиш билангина уриниб қолиб кетмаслиги керак. Шаклни маъно баркамоллиги гўзал ва ёқимли қила олади, холос.

Шеърнитимизни шакл жиҳатидан янада бойроқ кўришни орзу қиляпсиз. Лекин Ҳамид Олимжон, Ойбек,Faфур Ғулом анъаналари, шеърининг улар камолотга етказгаш шакллари яна кўп вақтлар етакчилик қилишига имоним комил. Негаки, уларнинг шеърияти арузнинг, фольклоримизнинг минг-минг йиллик анъаналари шоҳсупаси устида барпо бўлгандир. Достонларимизни, тўй қўшиқларимизни эсланг. Аллаларни ёки азаларда айтиладиган юрак эзар нолали байтлар қаторини эсланг. Ёки: «Зўр карвон йўлида етим бўтадек...» деб шеър ўқишини бошлангу, ёнига битта хокку ёки танка қўйиб тасаввур қилинг. Йўқ, ўзбекнинг даъвати, фарёди, нидоси, ҳайрати бу шаклларга сиф- мас!

Шеърнинг муайян тил ҳодисаси эканлигини биламиз, лекин у, айни пайтда, физиологик ҳодиса ҳамдир! Ҳа, у вужуднинг ва рухнинг муайян ҳолатдаги ва шаронтдаги эҳтиёклари маҳсулидир, яшаш шарт-шароитлари қонунидир. Ёшлар ва уларнинг шаклий экспериментларига келсак, менимча, улар билан

ишин тўғри гапни айтишдан бошлайвериш керак.

Бу ерда яна икки факторни таъкидлаб ўтишни истар эдим. Шаклни чексиз дедик. Лекин у ҳар қандай миллий санъатнинг ўз ифода қудрати, имкониятлари чегарасидагина чексиздир. Иккинчидан, шакл — мужассам мантиқдир. Баъзи шеърларни ўқиб энсанг қотади. Дунёнинг ҳали яралмаган, тартибга тушмаган «хаос» пайтига келиб қолдимми-кан деб ўйлайсиз. Шоир масалани «А» пунктида қўяди-ю «Я» мамлакатига кетиб қолади. Шеърнинг охирига етмай, «А»ям, «Я»ям йўқолиб кетади. Яъни, шоир шафтоли дараҳти ҳақида шеър бошласа, бу шеърда нималарни учратмайсиз: «Троя урушию, термоядро реакцияси, Вавилон тарихи-ю, «Роллинг стоун» ансамбли. буғдои ўрайтган бобоси-ю, аллақандай тулпорлар уюри... Бу тўполон гаплар билан шоир ўз шуур қудратининг кўламдорлигига шаъма қилмоқчи бўлар балки? Лекин у ўз-ўзини фош этади. У умумий нарсалар ҳақида истаганча сўзбозлик қилиши мумкину хусусий бир ҳодиса ё ҳолат ҳақида аниқ, лўнда гап айтишга қодир эмас. Демак, у шафтолини билмайди.

ТАНҚИДЧИ. Шаклдаги изланишлар борасида рўй берадиган камчиликлар, қийинчиликлар ҳақидаги гапингизда асос бор. Аммо жаҳон адабиётида мавжуд айrim шеърий шаклларнинг ўзбек адабиёти, ўзбек кишисининг руҳи, кайфиятини ифода этишга мос келмаслиги хусусидаги мулоҳазаларингиз муниозарали. Адабий шакллар ҳеч қачон бирор адабиётнинг «хусусий мулки» бўлган эмас. Яхши адабий шакллар халқлардан

халқларга ўтиб юраверади, ҳар бир адабиётда ўзига хос миллий тусга кираверади. Адабиётимизнинг яқин ўтмиш тарихини эслайлик. Атиги ярим аср бурун бизга реалистик роман, қисса, ҳикоя, драма, эркин шеър — сарбаст шакли тўғри келмайди дегувчилар бўлган. Қаранг, бугунги ўзбек адабиётини шу шаклларсиз тасаввур этиб бўладими?! Келажак кўрсатар, эҳтимол Сиз ҳадик билан тилга олаётган шеърий шакллар ўзбекнинг қалбини ифода этишга ҳар жиҳатдан яроқли бўлиб чиқар. Ҳозирнинг ўзидаёқ бизда хокку ёки танка йўлида яратилган талайгина яхши шеърларни топиш мумкин. Шу маънода мен шакл бобида изланамётган, шеъриятимизга янгича ифодалар тарзини олиб киришга уринаётган шонрларга эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш тарафдориман. Бу борада мени бошқа бир ҳодиса ташвишга солаёттир — айрим ёшларимиз ўз изланишларида изчил эмаслар, ўзлари танлаб олган йўлни, шаклни такомиллаштириш, эл-юргита маъқул даражага кўтариш устида етарли бош қотирмаётирлар.

Яна Сизни саволга тутмоқчиман. Сиз асар устида ишламётганда китобхонни кўз олдингизга келтирасизми — кўпроқ қандай китобхонни? Шеърларингиз китобхонга тўла тушунарли бўлиши ҳақида . ўйлайсизми? Ҳар доим кенг китобхон оммасига тушунарли шаклда ёзиш маъқул деб биласизми? Китобхонни эргаштириш, янги шаклларга, ифода тарзига ўргатиш, янгиликка рағбатини ошириш, китобхон дидини тарбиялаш масалаларига қандай қарайсиз? Шеърларингизда ифода этган қалбинингзга яқин, Сиз учун

ниҳоятда ардоқли фикр ва туйғулар ҳар доим ҳам китобхонга тұла етиб боражагига аминмисиз? Сиз билан— шеърларингиз билан китобхон орасында конфликтли ситуациялар ҳам бўлиб турадими?

ШОИР. Мен шеърларимни шеърхон тұла тушунсин деб орзу қиласман. Шеър ребус әмас! Лекин кишининг тақдир чигалликларини ўзида яширган бўлиши мумкин! Аммо шеър ўқувчига буни англатадиган керак элементлар билан таъминланган бўлиши лозим. Шундагина ўқувчи бошқалар тақдири учун куйина олади. «Танаси бошқа дард билмас» дейдилар. Шеъриятнинг асосий вазифаларидан бири — маълум бир кишининг қалбидаги эзгу, олижаноб туйғуларни, зарур гапларни, сувратларни бошқаларга ҳам ишонарли ва таъсири қилиб етказиш әмасми? Токи кўнглингнинг ларзасини танаси бошқа ҳам сезсин, англасин.

О! Ҳақиқий шоирнинг эргаштириш, ром этиш қудрати шу қадар зўр бўладики... Давримизнинг энг улуғ шоирлари ўтмиш устозларнинг улуғ ғояларига, овозларига эргашиб энди келажак авлодларни ҳам эргаштира оладиган асарлар яратганлар, ҳа, ўтмишда ва бизнинг асримизда рўй берган инқилоблар, курашларнинг ўз шоирлари, бастакорлари, санъаткорлари бор! Жарчилари бор!

Поэтик экспериментга келсақ, уни ижодкор аввало ўзи учун барпо этади деб ўйлайман. Шеърдаги ҳамма фикрлар ўқувчига тұла етиб бориши мумкин әмас, балки шарт ҳам әмасдир. Чунки ҳар қандай санъат асаридан ҳар ким ўзига хос, ўзини қизиқтирган жиҳат-

ларнигина яхшироқ қабул қиласи. Шунинг учунми, ўқувчиларим билан «конфликт»лашиб турамиз. Тез-тез. Турли сабаблар билан! Лекин ҳаммаси эзгуликни тўлароқ рўёбга чиқариш масаласи билан боғлиқ бўлади.

ТАНҚИДЧИ. Ниҳоят, яна бир муҳим масала. Сизнинг шеърларингизда хилма-хил кўринишда ўзингиз туғилиб, вояга етган она юрт — Хоразм колорити барадла сезилиб туради. Умуман Сиз шеъриятда, қолаверса сўз санъатида ҳозирги пайтда маҳаллий колорит масаласи хусусида қандай фикрдасиз?

ШОИР. Хоразм дунёда битта. Ўзбекистон битта. Хоразм ҳам катта, ҳам кичик тушунчадир. Бирон нарса ҳақида энг кўп билсам — бу Хоразмдир, оз билсам бу ҳам. Хоразм... Мен ҳамма халқларнинг санъатларини ҳурмат қиласман. Улардаги этник жилолар мен учун янада қадрли. Чунки санъатни бошқа омиллар қаторида миллий-маҳаллий колорит, этник жилолар айниқса фарқлантириб туради. Шу ранг-баранглик бўлмаса дунёда ҳамма нарса ғиштлардек бир хил бўлиб қолар эди. Маҳаллий, яъни этник колорит миллий колоритни вужудга келтирувчи, яхлит этувчи, узлуксиз тўлдириб, янгила бурувчи манбадир.

Модомики, бу ерда шоир ва танқидчи суҳбати — баҳси кетаётган экан, пировардида танқидчиларга айтадиган биргина истагимни изҳор этсам. Болалигимизда ўзимизча қўлбла тарозу ясад, турли нарсаларни тортиб ўйнаётганимизни кўрсалар, момоларимиз бизни койир эдилар: «Торозу-торозу ўйнаманг, болаларим, дунё бузилиб кетади!» Бу

Гап бирдан ҳозир хаёлимга келиб қолди. Адабий танқидчи одил тарозибон бўлиши керак деб ўйлайман. Аввало бирорларнинг ҳақидан қўрқиш керак. Қейин тарозу палласига бўлар-бўлмас, етилмаган, гўштсиз, юксиз нарсаларни солабермасин! Ўқувчига фириб бериш бу—ўз фарзанднингизга фириб беришдир. Шунин унутмаслигимиз керак. Момоларнинг гапларида ҳам жон бор-да!

*1981 йил, август*

## ҚАЛБ ИНҚИЛОБИ

(Езувчи Үткір Ҳошимов билан суҳбат)

ТАНҚИДЧИ. Атоқли адаб Чингиз Айтматов «Известия» газетасида босилган «Шоирнинг ботиний қуёши» мақоласида шеъриятни «қалб инқилоби» деб атайди. Чиндан ҳам ҳақиқий шеър қалбдаги чуқур инқилобий жараёнларнинг самараси, ҳосиласидир. Бу гап, менингча, фақат шеъриятгагина эмас, балки бадний ижоднинг ҳар қандай тури, шаклига, барча яхши намуналариға, жумладан проза асарларига ҳам дахлдордир. Китобхонни ларзага солган, ўйга толдирган жами яхши ҳикоя, қисса, роман борки — барчаси адиллар қалбининг инқилобидир...

ЕЗУВЧИ. Модомики гапни Чингиз Айтматовдан бошлаган эканмиз, ана шу адабнинг «Бўронли бекат» («Асрга татигуллик кун») романига эпиграф қилиб олинган сўзларни эслагим келди. Езувчи ўз асарини «Ушбу китоб менинг танимдир, ушбу сўзлар менинг жонимдир» деган ибора билан бошлигайди. Назаримда, ҳар бир виждонли ёзувчи ўзининг энг яхши асарларига бу сўзларни замалол эпиграф қилиб олса бўлади... Айрим дигбларимиз битта китобнинг сиёҳи қуриласдан, иккинчи китобни бошлашади. Бундан ашиқари «биз илҳом келишини кутиб осмонга

тикилиб ўтирмаймиз, хоҳлаган пайтда асар ёзаверамиз» дейишади. Эҳтимол, бу гап тўридир. Эҳтимол, бундай иш услуби ёзувчини меҳнат интизомига ўргатар, адабнинг маҳсулдорлиги ортар. Лекин мен қаламкаш сифатида бу фикрга қўшила олмайман. Ахир ҳар қандай асар учун ҳам фақат ҳаётий материалнинг ўзи етмайди-ку! Бадиий асар жонли организмдек гап. Унга аввало жон ато қилиш лозим. Ёзувчи ўша ҳаётий материални ўз қалбининг дардига, ўз виждонининг даъватига айлантира олиши, мана шу воқеа-ҳодисаларнинг ҳаммасини юрак-юракдан чуқур ҳис этиши керак. Ушандагина асардаги образлар тирик одамга айланади, асардаги воқеалар ўқувчини ҳаяжонга солади. Эҳтимол, адабиётнинг «қалб инқилоби» дегани шудир. Албатта, қаламкаш ҳам тирик одам. Бир нарсадан қувонади, бир нарсадан нафратлади, бир нарсани тасдиқлагиси, бошқасини рад этгиси келади. Лекин буям ҳали кам. Ёзувчи ўзи тасдиқлаётган ёки рад этаётган нарсаларнинг ижтимоий моҳиятини чуқур ҳис этмоғи, мана шу ҳисни қаҳрамонлар қисматига сингдириб, шу орқали китобхонга юқтиромоғи керак. Шундагина адабнинг қалб инқилоби китобхонни ларзага солиши мумкин. Ҳар бир қаламкашнинг ўз ижодий принциплари, ўз кредитси бўлади. Жумладан, менда ҳам шундай принциплар бор. Аввало ўзим катта ҳақиқат деб билган нарсани, ягона ҳақиқат деб билган нарсани, ўзим ниҳоятда чуқур ҳис этган, қалбимнинг дардига айланган нарсани ёзишни хоҳлайман. Бундан ташқари, уни шу тарзда ёзгим келадики, асардаги бирорта саҳифа, биронта

абзац, биронта жумла, ҳатто биронта сўз китобхон назаридаи четда қолмаса. Ҳар бир сўз оловдек ловуллаб, китобхон қалбини иситиб, шуурини ёритиб, турса. Бу албатта, маҳорат масаласи. Бунга қанчалик эриша олганимни билмайман. Лекин яхши ният билан доим шунга ҳаракат қиласман.

Яна бир гап. Кўпинча дўстларим менга тайёр ҳикоя ёки ҳатто тайёр повесть бўла оладиган сюжетларни айтиб беришади. Бир қарашда бу воқеаларда ҳамма нарса етарлидек. Фақат қоғоз-қалам олиб ёзилса бас. Лекин нима учундир уларни ёзолмайман. Кейинчалик бунинг боисини билдим. Ўша нарсалар қалбимни қаттиқ ҳаяжонга солмагани учун ёза олмаган эканман. Эҳтимол, қалб инқилоби дегани шуям бўлса керак. Ҳали айтганимдек, адаб ўз виждонини ғалаёнга солган нарсаларнигина ёзмофи керак. Бу жиҳатдан Сизнинг фикрингизга қўшиламан.

ТАНҚИДЧИ. Гапларингиздан кўриниб турибдики, «қалб инқилоби» тушунчаси бадий ижоднинг кўпгина туб масалаларини, жумладан ёзувчи позицияси муаммосини ҳам ўз ичига олади. Санъат ва адабиётнинг асл табиати ижодкор ҳаётда ҳамиша актив позицияда туришини тақозо этади. У теваракатрофда юз бераётган ҳодисаларга асло бефарқ қаролмайди. Л. Толстой сўzlари билан айтганда жим туролмайди. Айниқса, бизнинг замонамиизда, бизнинг кунларимизда... Бугунги адабиётимизнинг пешқадам вакилларни публицистик жаңрларга кенг мурожаат этажётганлиги, кундалик ҳаёт ва

ижод муаммоларига фаол аралашаётганликлари шундан бўлса керак.

ЕЗУВЧИ. Ўзим жуда ҳурмат қиладиган юморист ёзувчи Невъмат Аминовнинг чиройли гапи бор: «Ёзувчилик касбининг ўзи одамга берилган жазо». Бу гапга қўшилмай илож ўйқ. Табиийки, ижодкор ҳеч қачон ёлғиз ўзининг ташвиши билан яшолмайди. Ўзгаларнинг қувончини ҳам, кулфатини ҳам ўзиники деб қабул қиласди. Шундагина унинг асарларидан ҳар ким ўз шодлиги ва ташвишини топгандек бўлади. Ҳаётга актив аралашиш масаласи ҳам шундан келиб чиқади. Мамлакатимизнинг улкан адиллари Шолохов билан Эренбург ҳам, Гафур Ўлом билан Ҳамид Олимжон ҳам, умуман барча авлод вакиллари куидалик ҳаётниг долзарб масалаларидан четда туришмаган. Бугунги адиллар ҳам бундан мустасно эмас. Ахир «шоир бўлишинг шарт» деган гап бежиз айтилмаган. Бир вақтлар жамият, тараққиётга халақит берадиган айрим иллатларни ёзган қаламкашларга хиёл ғашлик билан муносабатда бўлиш ҳоллари рўй бериб турар эди. Гёё адиду билан жамиятимизнинг обрўсини пасайтираётгандек. Бироқ кейинги йилларда партиямиз бундай бемаъни қарашга тамомила чек қўйди. Эсингизда бўлса «Литературная газета»да атоқли грузин адиди Нодар Думбадзе билан чет эл мухбирининг интервьюси босилиб чиқди. Чет эл мухбири шундай савол беради: «Одатда камчиликларни кўрсатган ёзувчиларни унчалик ёқтиришмайди. Сизга эса Ленин мукофоти беришиди. Ўзингиз бу масалага қандай қарайсиз?» Думбадзе бу

саволга шундай жавоб қиласи: «Бизнинг жамиятимиз шу қадар улуғвор ва қудратлики, унинг ривожига халақит бераётган айрим сояларни кўрсатиш билан жамиятимизнинг ўзига соя тушмайди. Аксинча, бу билан биз — ёзувчилар жамиятимиз тараққиётига ёрдам берамиз».

Бу гапларда чуқур ҳақиқат бор. Албатта, қай йўл билан бўлмасин, ўзига қўйилган ҳаққоний айномани четлаб ўтишга ҳаракат қиласидиган демагоглар йўқ эмас. Масалан, «Нур борки, соя бор» романни эълон қилинганида ўртачароқ бир «савдогар» жуда жиддий қилиб «нима учун бунақа иғвогар ёзувчини судга беришмайди» деган экан. Начора, модомики асаддаги гаплар ўшанақа ўртача «савдогар»ларни чийиллатган экан, демак бунига қувониш керак. Публицистика масаласига келсак, ҳақиқий адаб жамият ҳаётидан четда туролмайди. «Ёзувчи халқ тилининг таржимонидир», «ўз даврининг виждонидир», «партиянинг солдатидир», «Ватаннинг фарзандидир» деган гаплар бежиз айтилган эмас.

ТАНҚИДЧИ. Шу ўринда шоир Егор Исаевнинг бир гали ёдга тушиб қолди. «Публицистика шундай бир учқуники, — дейди у, — истиносиз барча жанрлар ундан аланга олади. Публицистика бу — ҳаммадан бурун ҳаёт ҳодисасига акс садо, илк муносабат, борингки, истеъдоднинг гражданлик туйфуси».

ЁЗУВЧИ. Яхши айтилган. Дарҳақиқат, публицистика — истеъдоднинг гражданлик туйфуси, талант табнатининг ўзи, ёзувчининг гражданлик бурчи уни беихтиёр публицистика томон етаклайди.

**ТАНҚИДЧИ.** Чинакам публицистика ҳаёт ҳодисалари туфайли ёзувчининг гражданлик туйғуси түрғанга тушган, алангага айланган, бинобарин, инқилоб тусини олган пайтдагина туғилади. Энг яхши публицистик асарлар шу тариқа майдонга келган. Сир эмас, бизда худди шу хусусиятдан маҳрум, турли-туман ҳодисалар, маросимлар муносабати билан битилган баландпарвоз олди-қочди гаплар билан тўлиб-тошган, дардсиз-эҳтиоросиз публицистик «асар»лар ҳам тез-тез чиқиб туради. Қўнглингизга келмасин-у, Сиз ҳам баъзан «публицистика» номи остида жўнроқ нарсалар битгансиз... Кейинги пайтларда эълон этилган «Муқаддас қасамни бузганлар» билан «Қалбнинг оппоқ дафтари» асарларингизни чинакам публицистика нинг намунаси деса бўлади.

**ЕЗУВЧИ.** Ўз асарларим ҳақида гапириш бир оз ноқулай. Лекин Сиз «Муқаддас қасамни бузганлар» билан «Қалбнинг оппоқ дафтари» ҳақида сўз очган экансиз, уларнинг яратилиши тўғрисида озгина тўхталиб ўттай. Йўқ, мен бу билан асло ўз «тажрибам»ни кўз-кўз қилмоқчи эмасман. Модомики, публицистика табиати устида сўз бораётган экан, бу икки мақоланинг туғилиш тарихига оид шарҳлар, эҳтимол, биз баҳслашаётган назарий масалаларга бир қадар ойдинлик киритиш учун хизмат этар... Бу икки мақоланинг туғилиш сабаби ҳам ўша «қалб инқиlobи», «гражданлик туйғуси» билан боғлиқдир.

Кунлардан бирида редакцияга оддий кийинган ўрта ўшлардаги аёл йиғлаб келди. Айрим врачларнинг бепарвониги, аниқроқ

айтганда инсон боласига писбатан жиноят: корона белисанд муносабати туфайли аёлнинг боласи кўр бўлиб қолган. Аёлнинг бошида эри йўқ, якка-ю ёлғиз умиди шу боладан бўлган. Ҳолбуки, боланинг кўзини сақлаб қолиш учун врачлар нари борса беш минут синчиклаб текширишса, олам гулистон эди. Муштипар бир аёлнинг кўзёши менинг хотирамда кўпдан буён тўпланиб ётган бошқа воқеаларни уйғотди. Ўзим ҳам шундай врачларга озми-кўпми рўпара келганман. Одам, эҳтимол, янги уй олиш учун, янги машина олиш учун, қимматбаҳо тақинчиоқ олиш учун пора берар (аслида бунинг ўзи ҳам жиноят). Лекин одам соғ яшаши учун ҳам бирорвага нимадир узатиши керакми? Ахир, бу бизнинг жамиятимизга ҳеч қанақасига тўғри келмайдиган ҳодиса-ку! Наҳотки, бундай ҳолатга чидаб бўлса?! Биламан, «Муқаддас қасамни бузганлар» мақоласи хиёл кескинироқ, хиёл шиддатлироқ чиқди. Бироқ, инсоф билан айтганда, бу мақолада мени ажойиб врачларимизни, фидойи шифокорларимизни унуганим йўқ. Бундай врачлар мамлакатимизда жуда кўп. Бироқ тамагир врач битта бўлса ҳам — кўп. Асосий мақсад шундайларга зарба бериш эди. Табиийки, мақола эълон юлилингандан кейин авторни айблаб гапирадиган, «бу одам врачларга туҳмат қиляпти» деб аюҳаннос соладиган шахслар бўлди. Имоним қомилки, худди шу шахсларнинг ўзи бориб турган тамагир ёки порахўр. Бўлмаса мақола уларга бунчалик аламли таъсир қилмасди. Ҳалол врачларнинг ҳаммаси мақолани тўйла қўллаб-қувватлашди. Редакцияга врачларнинг ўзидан келган миннатдорчилик

мактублари ёғилиб кетди. Демак, мўлжалга бехато урилган экан.

«Қалбнинг оппоқ дафтари» мақоласидаги масалалар ҳам кўпчиликка маълум. Орадан кўп ўтмай «Учительская газета»да СССР Маориф Министри Прокофьев мақоласи эълон қилинди. Қизиги шундаки, Министрнинг мақоласида ҳам худди шу масалалар кўтарилиган эди. Қисқаси, у мамлакат бўйича кўпчиликни ўйлантириб турган гаплар экан.

ТАНҚИДЧИ. Публицистика бу аслида жуда муҳим, долзарб ижтимоий, маънавий-ахлоқий муаммоларни ҳозиржавоблик ва дадиллик билан кенг жамоатчилик ҳукмига ҳавола этиш демакдир. Шу хил руҳда битилган асар, табиийки, жамоатчилик орасида жиддий қизиқиш уйғотади. «Қалбнинг оппоқ дафтари» мақоласи «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасининг йиллик мукофоти билан тақдирланди. Ўзбекистон Маориф министрлиги коллегияси шу мақола юзасидан махсус кенгайтирилган қарор қабул қилди. Бу қарор республикадаги барча область, шаҳар, район, халқ маорифи бўлимларида, ҳамма педагогика институтларида, барча мактаблар педагогика кенгашларида ишлаб чиқилди.

ЕЗУВЧИ. Мақола чиққач, дастлабки пайтларда айрим кимсалар бир оз ғашлик қилиб турганида республика Маориф министрлиги уни қўллаб-қувватлаганлиги мен учун энг катта мукофот бўлди. Бунинг учун республика Маориф министрлигидан, унинг собиқ сардори улкан олим Сайд Шермуҳаммедовдан чуқур миннатдорман. Ҳозир республиканинг қайси чеккасига бормайлик,

оддий ва ҳалол заҳматкаш ўқитувчилар шу ҳақда қувониб гапиришади. Фарғона область, Ўзбекистон район партия комитети бу мақолани афиша қилиб катта тиражда чиқарган. Барча мактаблар, клублар, ташкилотлар, ҳатто чойхоналаргача илиб қўйишган. Демак, адиднинг қалбидан чиқсан сўзлар одамларнинг қалбига етиб борибди. Мен буни мақтаниб эмас, қувониб айтяпман.

Афсуски, элга танилган ёзувчиларимиз айрим пайтларда бундай ҳаётни масалаларга аралашибни ўзлари учун хиёл ортиқча, иккинчи даражали иш деб биладилар...

ТАНҚИДЧИ. Шу ерда гапингизни бўламан. Чиндан ҳам баъзан публицистикани иккинчи даражали нарса деб билиш, уни бадний ижодга қарама-қарши қўйиш ҳолларни учрайди. Публицистикани кундалик ҳаёт учун керакли, лекин ўткинчи мавсумий нарса, публицистика билан ортиқча банд бўлиб кетиши бадний ижодга, баднийликка монелик қиласи, деган гапларни ҳам эштишга тўғри келади. Шуннингдек, бир вақтлар публицистик талқинни баднийликдан холи деб қараш кенг тарқалган эди. Ҳозир ҳам шундай фикр тарафдорлари йўқ эмас. Айни пайтда бадний публицистика ҳам адабий ижоднинг, аниқроғи прозанинг тенг ҳуқуқли мустақил тури, публицистик талқин ҳам баднийликнинг бир кўриниши, бадний таҳлил воситаси эканлиги айтилмоқда. Жумладаи, публицист Александр Кривицкий «Правда» газетасида босилган «Публицистика уфқлари» мақоласида (1981 йил, 28 июнь) шундай фикрини қаттиқ туриб ҳимоя қиласи. Публицистика жанрларининг ҳаётда, бадний ижодда ўз ўрни, публицистик

талқиннинг бошқа адабий жанрларда, чунончи, поэма, драма ёки романда ўз функцияси — вазифаси бор. Уларнинг ўрни ва функциясини камситиш ҳам, ошириб кўрсатиш ҳам ярамайди.

ЕЗУВЧИ. Публицистиканинг жанр сифатида ўз фазилатлари, ўз имкониятлари бор. Бироқ публицистиканинг ҳикоя ёки романдан жиддий фарқ қиласидиган томонлари ҳам мавжуд. Одатда бадиний ижодда — ҳикоя, повесть, роман, шеър ёки достонда асосий образ, асосий анализ маркази инсон, инсоннинг қалби бўлса публицистикада фикрнинг ўзи образга айланади. Шу боисдан публицистикада катта ақл, чуқур фикр билан бирга кўплаб фактлар бўлмоғи керак. Бироқ адаб буларнинг ҳаммасини улкан қалб эҳтироси билан тасвиралаши лозим. Ҳикоя услубида ёзилган публицистик мақола ҳам, публицистик усулда ёзилган ҳикоя ҳам эринш туюлади. Бинобарин бадиний публицистикани бошқа прозаик жанрлардан фарқи, албатта бор. Бироқ бадиний асарда публицистик элементлар, публицистикада эса, айтайлик, ҳикоянинг айрим элементлари бўлиши мумкин. Бу ерда гап меъёрга, ёзувчининг маҳоратига боғлиқ.

Энди юқоридаги фикрни озгина давом эттироқчи эдим. Айрим ёзувчиларимиз публицистик асар ёзишни ўзлари учун, боя айтилганидек, хиёл уят деб биладилар. Лекин бунинг учун публицистика жанри айбдор эмас. Бунинг учун биз айбормиз. Айрим ёзувчиларимиз ҳар жумланинг бошида «О» деб хитоб қилинса-ю, ҳар абзацининг оҳирига ундов белгиси қўйилса, шу публицистика

бўлади деб ўйлайдилар. Йўқ, бадий публицистика, ҳали айтганимиздек, ёзувчининг қалб алангаси, исёни, катта тафаккур доираси бўлиши керак. Бундан ташқари, публицистик асар ҳалқ қалби билан ҳамоҳанг бўлиши лозим. Симонов ва Эренбурглар, Ҳамид Олимжон ваFaфур Ғуломлар публицистикаси шу боисдан ҳам миллионлаб китобхонларнинг қалбини ларзага солгаи, бундан кейин ҳам ларзага солади. Эди публицистик асарнинг «мавсуми», «ўткинчи» нарса эканлигига тўхталсалак. М. Горький бундан кўп йиллар илгари «янги типдаги совет ёзувчиси уч босқични — кечапи, бугунни, эртани жуда яхши билиши керак» деган эди. Агар публицистик асар фақат бугунги кунига хизмат қиласа, у ўз-ўзидан ўткинчи нарсага айланниб қоларди. Мен бунга эриша оляпманми — йўқми, билмайману, бироқ ўз машқларим, жумладан, ҳали Сиз тилга олган публицистик мақолаларимда ҳам фақат бугуннинг эмас, эртанинг ҳам жуда жиддий ташвишларини кўраман. Бўлмаса, уларни ёзмас эдим.

**ТАНҚИДЧИ.** Бу ерда бутун гап ёзувчининг истеъдод йўналиши, маҳорати, санъаткорлигига боғлиқ. Публицистик талқин, чекинишлар бир ёзувчидаги асарнинг бадииятига монелик кўрсатиши, уни оддий мақола ҳолига тушириб қўйниши, бошқа бир истеъдодли ёзувчи қўлида эса кучли таъсирчанлик касб этиши, асар бадииятини оширишга хизмат қилиши мумкин.

**ЁЗУВЧИ.** Афсуски, кўп асарларда биз публицистикани ҳозир Сиз айтаётган биринчи таъсирини тез-тез учратамиз. Баъзи асарлар-

ни ўқийсиз. Жиддий ҳаётий муаммолар бор. Мавзу янги, актуал, тасвири объекти ҳам янги, муҳим қурилишлар, муҳим изланишлар акс этади. Лекин асарни ўқиб, бирон-бир ҳаяжонга тушмайсиз. Китобда одам билан одам эмас, проблема билан проблема олишади. Албатта, асарда мавзунинг актуаллиги жуда муҳим, бироқ бунинг ўзи етмайди. Минг марта бўлса ҳам такрорлашга тўғри келади, бадиий асарнинг тадқиқ обьекти аввало инсон бўлиши керак. Ёзувчи ҳаммадан бурун инсон қалбини кашф этмоғи лозим. Акс ҳолда ҳар қандай муҳим мавзуда ёзилган катта ёки кичик китоб ҳам оддий газета материалидан фарқланмай қолади.

Публицистик элементлардан фойдаланиш ёзувчининг маҳоратига боғлиқ, деганда тамомила ҳақлисиз. Бунинг исботи учун кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Масалан, Шолоховнинг «Тинч Дон» романида ғалати ҳолат бор. Аксинья баҳор кунларидан биринда кечаси далада келаётгани тасвирланади. Ёзувчи ҳеч гапдан ҳеч гап йўқ шундай луқма ташлайди: «Апрель туни эртакдек гўзал!» Бир карашда бу хитобнома ортиқчадек туюлади. Бироқ шу жумланинг ўзида Аксинъянинг қалбидаги жиловсиз тўлқинлар ифодаланганини чуқур ҳис этасиз. Ёки Абдулла Қодирйининг «Ўтган кунлар» романини олайлик. Кумушнинг ўлимини тасвиirlар экан ёзувчи хитоб қиласди: «Бечора ота, бечора она!» Навжувон қизининг жасади устида ўтирган ота билан онанинг ҳолатини тасвирлаш учун мана шу биргина жумланинг ўзи кифоя. Гарчанд буни ёзувчи атайлаб айтгандек туюлса-да, бизнинг шу тобдаги ҳаяжонимиз

сусаймайди, аксинча кўпаяди. Расул Гамзатовнинг «Дофистоним» китобидаги ёки Чингиз Айтматовнинг асарларидағи публицистик ҳолатларни кўз олдимишга келтирайлик. «Эҳ, Жамила, Жамила!», «Эҳ, Иссиккўл, Иссиккўл!» сингари хитоблар Айтматов асарларининг кучини сусайтирадими? Ёки «Оқ кема» қиссасининг охирида адабнинг Болага мурожаат қилиб «Сен кетдинг, болажон...» деб бошланадиган хитобномаси-чи? Йўқ, булар публицистик элементлардан ўринли фойдаланиш нақадар эмоционал таъсир кучига эга эканлигини исботловчи мисоллар. Бундай мисолларни Асқад Мухтор, Пиримқул Қодиров, Ҳамид Ғулом, Саид Аҳмад, Одил Ёқубов, Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, Омон Матжон сингари қатор ёзувчи ва шоирлар ижодида ҳам учратиш мумкин. Бинобарин, ҳамма гап ёзувчининг маҳоратида. Жумладан, Асқад Мухторнинг «Чинор», Одил Ёқубовнинг «Диёнат» асарларида публицистик руҳнинг асар ғоясини очища катта хизмат қилганилигини кўрамиз. Бу асарларда ёзувчилар уч авлод вакиллари қалбини ёрқин тасвирлайди. Фақат кеча ёки бугунни эмас, эртанинг ҳам муҳим муаммоларини ғоят ҳаётий ва ҳаяжонли тарзда ўртага ташлайди. Беихтиёр Горькийнинг ўша гаплари яна эсга тушади. Бинобарин, публицистика элементларидан фойдаланишнинг аҳамияти ёзувчининг маҳоратига боғлиқ.

ТАНҚИДЧИ. Публицистикага мойиллик, журналистикага яқинлик оқибати бўлса керак, бу ҳодисанинг бадий ижоднинг бошқа турлари, жумладан, ёзувчининг ҳикоя, қисса, романларига таъсир доираси кенгайиб

боряпти. Журналистикага хос фикрлаш тарзи қандайdir кўринишда ўша тур асарлар структураси ва поэтикасига, персонажлар руҳияти, табиати, ҳатто қасб-корига ҳам кўчиб ўтмоқда. Бу ҳол кўплар қатори Сизнинг кейинги йиллар ижодингизда — «Узун кечалар», «Нур борки, соя бор», «Дунёниг ишлари» асарларингизда яққолроқ кўринади. Ҳар уч асарда ҳам ҳодисалар, ҳаёт муаммолари журналист-ёзувчи образи, нигоҳи орқали ифода ва талқин этилади.

**ЁЗУВЧИ.** Умуман, ижодкорни, жумладан, ёзувчи ёки журналистни қаҳрамон қилиб олиш, ҳаёт ҳодисаларини шу қаҳрамон кўзи, қалби орқали тасвирлаш адабиётда янгилик эмас. Жек Лондоннинг «Мартин Иден» романнида, Симонов, Чаковский, Думбадзе асарларида шу ҳолни кўрамиз. Ўзбек адиллари — Ойбекнинг «Навоий», Зулфиянинг «Қуёшли қалам», Абдулла Ориповнинг «Жаннатга йўл», ёш шоир Усмон Азимовнинг «Қуёшли олам» каби асарлари... Бундай китоблар қаторига яна кўп мисоллар қўшиш мумкин. Бундан кейин ҳам бош қаҳрамон қаламкаш бўлган асарлар яратилаверади. Ҳамма гап ўша асар қаҳрамони бўлмиш ижодкор инсоннинг қалби ёзувчи томонидан қай даражада кашф этилишида. Албатта, бадиий асар қаҳрамонлари ҳаёт ичига активроқ кириб боради, бу эса ёзувчига ўзини ҳаяжонга солған ҳаёт воқеаларига муносабатини акс эттиришда бирмунча қулайлик туғдиради. Асар қаҳрамони ёзувчи ҳам, ишчи ҳам, истаган бошқа қасб эгаси ҳам бўлиши мумкин. Лекин, яна қайтарман, ҳамма гап қаҳрамоннинг инсон сифатида ўқувчи кўз ўнгиди

жонланиши, иисоний фалсафаси нақадар салмоқли бўлишидадир. Масаланинг иккинчи томони ҳам бор. Умуман ёзувчи ҳаётга актив муносабатда бўлса, муносабатини ошкора изҳор этса — бунинг ҳеч бир зарарли жойи йўқ. Шахсан мени хонасига беркиниб олиб асар «тўқийидиган» ёзувчига иисбатан ҳаёғ ичида бўладиган қаламкашни чуқурроқ ҳурмат қиласац. Лекин бунда ҳам ўзинга хос мураккабликлар бор. Ёзувчи чумолига ўхшаб ҳамма нарсани ташмалаб келиб, ўртага ташлайвермаслиги керак. Яъни, у ҳаётда кўрган ҳар бир воқеани асар қилиб ёзиб ташлайверса, ўқувчининг ундан ихлоси қайтади. Бироқ ёзувчи ўргимчакка ўхшаб ҳамма нарсани ичидан тўқиб чиқармаслиги ҳам керак. Ёзувчи боларига ўхшashi зарур. Қизиқ, болари юз граммли асал тўплаш учун миллионта гулга қўнар экан, шунча гул шарбатини инига келтириш учун 46 минг километр масофани учиб ўтаркан. Бу эса, ер шарини экватор бўйлаб айланиб чиқишдек гап. Бундан ташқари, болари ҳар бир томчи гул шарбатини хартумчасидан 240 марта тўкиб, яна ютиб, қайта ишларкан. Бироқ бу ҳали ҳаммаси эмас. Шундан кейин тайёр бўлган ярим маҳсулотни маҳсус катаакка жойлаб бир неча соат мобайнида қанот билан силкитиб тозаларкан. Шунда унинг қаноти ҳар минутда 26 минг марта силкинаркан... Шу боисдан ҳам асал ниҳоятда тоза маҳсулотга айланиб бир неча йиллар мобайнида бузилмасдан тураркан. Ёзувчининг меҳнатини шунга қиёслагим келади. У хом-хатала материални қоғозга тўкиб ташласа ҳам ёки «ичидан чиқарган» нарсани ёзиб ташласа

ҳам ҳақиқий асар дунёга келавермайди. Қаламкашнинг асари узоқ йиллар инсонлар қалбида сақланиб қолиши учун худди боларидек ҳаёт материалларни қайтакайта ишламоғи, онгининг, қалбининг призмасидан ўтказмоғи керак. Бадинй асарнинг оддий журналистик мақоладан фарқ қилалиган мухим жиҳати шунида, асар қаҳрамонининг касбида эмас.

ТАНҚИДЧИ. Бу ерда тақдид асар қаҳрамонининг касби, унинг журналист-еузувчи экани устида бораётгани йўқ. Мени ташвишга солаётган ҳолат шундаки, кўпчиллик асарларда, хусусан айрим ёшларнинг ҳикоя ва қиссаларида журналистикага хос фикрлаш тарзи устуилик қилиб кетяпти, чинакам бадиний таҳлил, инсон характеристи, тақдири тасвири ўрнини ҳодисалар, масалалар шарҳи эгаллаб оляпти, оддий репортажни эслатувчи ҳикоя, қисса, роман ҳатто поэмаларни ҳам ўқияпмиз... Энг ёмони, қатор асарлардаги публицистик ўринлар оддий, қуруқ, бетаъсир шарҳлардан иборат бўлиб қоляпти. Ахир улкан санъаткорларда, боя Сиз эслатиб ўтганингиздек, публицистика қандайдир шоирона руҳ, сирли-сеҳрли, лиро-романтик кайфият, фалсафий ўймушоҳадалар билан йўғрилган бўлади. Публицистика гўё ижодкор қалбининг, қалбидаги хилма-хил кечинма, түғёнларнинг таржимонига айланади. У тоғ сирли-сеҳрли ҳайрат, тушуниш, тушунтириш мушкул бўлган ғаройиб, нафис кечинмалар, қувноқ ёки кўтаринки романтик кайфиятлар, кўнгилдаги ададсиз аламлар, изтироблар, ошкора хайриҳоҳлик ёки кескин нафрат туйғусини

ифода этувчи восита ролини ўтайди. Жумладан, моҳир прозаик Саид Аҳмад асарларида шундай

**ЕЗУВЧИ.** Умуман бадий ижод, бадиий тасвир қандайдир сирли-сеҳрли ҳодиса. Оддий сўзлар, жўнгина кўришган фикрлар санъаткор қўлида сирли-сеҳрли хусусият касб этади. Бу гап публицистикага ҳам тааллуқли. Аминманки, публицистик талқин ҳам чинакам санъаткор қўлидагина сеҳрли кучга айланади, асарга публицистика зўрлаб киритилса, сунъий ямоқдек кўринади. Публицистика табиий равишда ижодкор қалбидан отилиб чиқиши лозим. Айрим ёзувчилар «гаплари тамом бўлиб қолганида» нима қилишларини билмай «публицистика»га мурожаат қиласидилар. Яъни ўқувчига ниманидир эзмаланиб шарҳлашга тушиб кетадилар. Шу ерга келганда китобхон асарни улоқтириб юборгиси келади. Яхши адиллар ижодида эса бутунлай бошқача ҳолни кўрамиз. Ёзувчининг хитоби қалбидан отилиб чиқади. Ўша сатрлар китобхонни «тормозламайди», аксинча, унинг ҳаяжонига ҳаяжон қўшади. Саид Аҳмад ижодида худди шундай. Шу боисдан ҳам устоз адилнинг асарларини китобхонлар катта эҳтирос билан ўқийдилар.

**ТЛНҚИДЧИ.** Шу ўринда диққатингизни бошқа бир жиддий муаммога қаратмоқчиман. Ўзимизда машҳур бўлғац, лиромантик руҳ билан йўғрилган, миллий туйғулар жилоси товланиб турган асарларнинг бошқа тиллардаги, жумладан, рус тилидаги таржимаси ҳар донм ҳам кўнгилдагидек чиқмаётир. Саид Аҳмад ҳикоялари, «Уфқ» трилогияси таржимасини эсланг. Оригинал-

даги лиро-публицистик талқин, туйғулар жилоси деярли йўқ таржимада. Сизнинг рус тилига нисбатан яхши ўгирилган «Мұхаббат», «Баҳор қайтмайди», «Нур борки, соя бор» асарларингизга хос ранг-баранг туйғулар гаммаси ҳам таржимага тўла-тўкис кўчиб ўтган деб бўлмайди. «Нур борки, соя бор» таржимасини олайлик. Биламизки, бу асарда публицистик талқин жуда кучли. Айни пайтда бу хилдаги талқин нафис-лиризм, эҳтиросли поэтик руҳ билан йўғрилган. Роман таржимасида эса ўша жўшқин публицистик талқин, танқидий проблематик пафос маълум даражада сақлангани ҳолда, айни ўша публицистик талқиннинг иккинчи бир қаноти, балким жони саналмиш ундаги жозибадор шоирона руҳ занфлашиб қолган. Шунинг учун бўлса керак, «Литературная газета»даги баҳс пайтида романнинг оригинал нусхасидан бехабар танқидчи В. Бондаренко уни соф публицистик роман, ҳатто памфлет деб атайди. Ҳолбуки, бу роман ўзбек китобхони кўнглини бошқа фазилатлари қатори айни шу шоирона поэтик руҳи, гўзаллик туйғуси жилолари билан ҳам мафтун этган эди.

ЁЗУВЧИ. Ростини айтсан, асаримни боплаб таржима қилишибди, деган биронта ижодкорни кўрмадим. Умумаш, таржима жуда жиддий масала. Таржимада фикрни бериш мумкин, ғояни бериш мумкин, борингки, қаҳрамоннинг характери, ҳолати, қиёфасини чироили ўгириш мумкин. Бироқ бадиий асар таржимасида руҳни бериш жуда қийин масала. Шукшин ҳикояларини таржима қилганимда ўзим ҳам буни яна бир марта хис этдим. Шукшиннинг қаҳрамонлари чина-

кам рус характерини ифадоловчи одамлар. Шу руҳиятни ўзбек тилига тўла кўчира олдим, деёлмайман. Бошқа тилларга, жумладан, рус тилига таржима қилинган ўзбек адибларининг асарларида ҳам шундай ҳолатни кўрамиз. Биламац, «Нур борки, соя бор»ни таржима қилган В. Турбина жуда ҳалол ишлади. Бироқ асардаги шоирона руҳни таржима қилолмади. Ахир руҳ дегани сўз эмас-да. Шунинг учун ҳам асар таржимасида публицистик талқин сақланиб қолгани ҳолда шоирона руҳ яхши чиқмади. Эҳтимол, шунинг учун ҳам В. Бондаренко романни баҳолашда шундай фикрни айтгандир.

Яна бир оғиз гап. Русларда «модомики «А» дедингми, «Б»ини ҳам айт» деган ибора бор. Модомики «Литературная газета»даги баҳсни эслатган экансиз, бир нарсани айтишга тўғри келади. Бондаренко, қандай фикрни ўртага ташлашидан қатъи назар, романнинг керакли асар эканлигини, ўқувчини ҳаяжонга солиши шубҳасиз эканини айтган. Машҳур мунаққид М. Пархоменко ҳам «Литературное обозрение» журналининг 1982 йил учинчи сонида эълон қилинган «Бадият жилолари» сарлавҳали мақоласида бу асар ҳали кўп синовларга бардош беришини таъкидлаган. Норбой Худойберганов эса «Литературная газета»даги баҳсда «Нур борки, соя бор»ни роман ҳам, асар ҳам, умуман ҳеч нима эмас, деб баҳолаган. Эҳтимол, шунинг учундир Бондаренко Худойбергановни «эмпирик» деб атайди. Эътироф этишим керак, бу сўзнииг маъносини яхши билмас эканман. Энциклопедиядан топдим. «Эмпирик» дегани ўзим ўйлагандек «гўл» деган маънони

англатмас экан. Эмпирик дегани мендан бошқа ҳамма ноҳақ, битта менинг гапим түғри, дейдиган одам бўларкан. Албатта, мен Норбой Худойбергановни ҳурмат қиласман. Дадиллигини қадрлайман. Лекин ҳурматли танқидчимизнинг битта хусусиятини ҳеч тушунолмайман. Жамоатчилик бир овоздан маъқуллаб турган асарни Норбой Худойберганов албатта «уриб» беради. Нимага шунақа қиласиз, ахир ҳамманинг фикри бошқача-ку, десангиз бу менинг шахсий фикрим дейди. Шахсий фикр қурғур ёзувчининг ўзига айтилади, кўлёзма устида, уйда айтилади, борингки, чойхонада айтилади, лекин ўн минглаб нусхада чиқадиган матбуотда айтилган фикр қанақасига шахсий фикр бўлсин! Ахир бу жамоатчилик фикрини чалғитиш эмасми? Яна қайтараман, Норбой Худойбергановга ҳеч қандай хусуматим йўқ. Лекин ўзбек адабиётининг кўпгина яхши намуналари Норбой Худойбергановнинг «шахсий фикри» билан аксарият пайтларда унчалик объектив баҳоламади.

ТАНҚИДЧИ. Норбой Худойберганов— баҳс-мунозараага ўта ўч, ҳамиша тили қичиб турадиган танқидчи, бадиий ижодга, конкрет асарга юксак бадиий кашфиёт талаби билан танқидий ёндашиш, камчиликларига, адабий жараёндаги ҳар қандай қусурларга муросасизлик, ҳамиша безовталик — унинг шахсияти ва услубига хос хусусиятлардан. Шахсан мен ҳам Норбой Худойбергановнинг кўп яхши асарларга берган танқидий баҳосига асло қўшила олмайман, айни пайтда у тутган йўлни тамомила потўғри ҳам дея олмайман, унинг баҳс-мунозараларини қадрлайман,

мулоҳазалари кескинроқ, бирёзламароқ бўлса-да, ҳар ҳолда улар кишини ўлашга, баҳсга чорлайди. Бизда худди шу хусусиятдан холи, силлиқ, расмана тақидий мақолалар ниҳоятда кўпайиб кетган ҳозирги пайтда Норбой Худойбергановнинг «жанжалли» чиқишлари, маълум кам-кўстларидан қатъи назар, фойдалидек туюлади...

Асосий гапга қайтайлик. Бадний ижодда ошкора публицистик талқиннинг кўп фазилатларини эътироф этган ҳолда, унинг баъзи ожиз томонларини ҳам кўрмаслик хато бўлур эди. Публицистик йўл баъзан ҳаётнинг объектив манзарасини чизишга, реализмнинг энг муҳим шартларидан бўлган характеристикинг ҳаёт мантиқи асосида ичдан ривожланниб боришини кўрсатишга монелик қилиб қолиши мумкин. Биламизки, публицистик талқин кўпроқ асарда ҳодисага ошкора муносабат билдириш воситаси бўлиб хизмат қиласди. Етук реализм эса ҳодисага ошкора муносабат билдириш, унга хайриҳоҳлик кўрсатиш ёки уни рад этиш билан кифояланмай, ҳодисани бадний тадқиқ ва таҳлил этиш, масала моҳиятини очиб беришни ҳам тақозо этади. Сиз ижодда публицистик талқиннинг бадний таҳлилга монелик қилганигини ҳис этганимисиз?

Ё З У В Ч И. Ҳали айтганимиздек, бадний асар жонли организмга ўхшайди. Асар руҳининг ўзи баъзан воқелик моҳиятини ич-ичидан ёритишни, баъзан эса ошкора муносабатни талаб қилиши мумкин. Агар публицистик талқин асар руҳига халақит берса, унинг реалистик, холис тасвирига монелик

қылса, бундай йўлдан ўша вақтдаёқ воз кечишига тўғри келади.

Умуман, Сиз айтган изчил реалистик, объектив-холис тасвир билан лиро-публицистик тасвир услугбини бир-биридан ажратиб қўйиш ёки бир-бирига қарама-қарши қўйиш тўғри эмас. Ҳаётда ҳамма нарса қоришиқ бўлганидек, асарда ҳам тасвир воситалари аралашиб келинни мумкин. Л. Толстой, Ф. Достоевский, С. Цвейг сингарн «холис», «объектив» тасвир усталарининг асарларида лиро-публицистик жилолар йўқ дейсизми? Ёки лирик услугга мойил адилларнинг асарлари холис-объектив услуг хусусиятларидан холими? Бу ўринда асар услугбини асарнинг ўзи ёзувчига «диктовка» қиласди.

ТАНҚИДЧИ. Сиз айтгандек, холис-объектив тасвир билан субъектив-лиро-публицистик тасвир услугбини бир-бирига зид қўй-маслик керак, бу икки услуг ижодда ёндош келиши, бири иккинчисини бойитиши, тўлдириши мумкин. Гарчи шундай бўлса-да, ҳар ҳолда, амалда ё лиро-публицистик талқин ёки холис-объектив талқин устун турадиган асарлар бор. Ўтмишда бўлгани каби ҳозирги кунда ҳам ҳодисаларни, характерларни холис-объектив тарзда ифодалаш йўли қатор адиларимизда муваффақиятли равишда давом эттирилмоқда... Шуни ҳам унутмаслик керакки, бир ёзувчи умрбод бирор услугий йўналиш доирасида қололмайди. Масалан, Сизга тенгдош ёзувчилардан бири Ш. Холмирзаев кўпроқ холис тасвир йўлига мойил. Бироқ у ҳам баъзан лиро-публицистик руҳ барқ уриб турган асарлар яратади. Шунинг-

дек, лиро-публицистик услуг соҳиби бўлгани Сизда холис объектив тасвириниг кўп яхши намуналарини учратиш мумкин. «Муҳаббат», «Деҳқоннинг бир куни», «Урушниг сўнгги қурбони», «Баҳор қайтмайди» асарларингииз бу жиҳатдан характерли. Шахсан мен танқидчи сифатида адабиётда, ёзувчи ижодида услублар, шакллар ранг-баранглиги қонуний ва табиий бир ҳол эканлигини эътироф этганим ҳолда, оддий китобхон сифатида холис-объектив тасвири йўлида битилган етук асарларни хуш кўраман. Улар менга ҳаёт ҳақиқати, мураккабликлари, инсон ва унинг қалби ҳақида кўпроқ нарса беради. Бу хил асарлар ўқувчини фаолроқ бўлишга, фикрлашга, қаламга олинган ҳодисалардан ўзича хуносалар чиқаришга ундайди...

ЕЗУВЧИ. Шошманг, Сиз, нима учун ўзингизни ўзингиз иккига бўляпсиз? Ўқувчи сифатида бир хил, олим сифатида иккинчи хил туйғуни ҳис этиш керакми? Ҳаёт ҳақиқати, мураккаблиги қайси услубда тасвирилангани билан эмас, қай даражада тасвирилангани билан муҳим-ку! Ҳамма гап ёзувчининг маҳоратига, қалб алангасининг қудратига боғлиқ.

Бадий асар — аввало санъат асари. Албатта, у ўқувчига маълум ғояни сингдиради. Лекин китобхон маълум ғояни ўрганиш учун илмий асар ўқиса ҳам бўлаверади. Бадий асарнинг санъатлиги шундаки, у китобхоннинг онгига таъсир қиласи, бироқ қалби орқали таъсир қиласи. Ўқувчи китобни шавқ билан ўқиши керак. Агар шундай хислатдан маҳрум бўлса, у ҳар қанча «қақлли» бўлгани билан, барибир, етук асар эмас. Шунинг учун ҳам «холис» тасвири деган

иборани «совуқ тасвири» деган ибора билан алмаштириб юбормаслик керак. Гарчанд ёзувчи ўз ҳаяжонини пинҳон тутса ҳам ўқувчи ўша ҳаяжонни ҳис этиб турсин. ӽашандагина «холис» тасвир ўзини оқлади. Бир вақтлар холис тасвир билан самимий тасвирни қарама-қарши қўйиш ҳоллари бўлган эди. Гўё ёзувчининг самимияти унинг ожизлигидан дарак берадигандек. Ҳолбуки, бадний ижодда самимиятни шубҳага олишнинг ўзи жуда шубҳали нарса.

Ҳар гал янги асар машқ қилаётганда оқил, ҳалол китобхон билан суҳбатлашаётгандек бўламан. Шу боисдан туйғуларни жиловлаб турганда ҳам, ошкора айтганда ҳам (бунаقا пайтда «ошкора айтиш» мутлақо атайлаб қилинмаслиги керак) ўқувчи менинг қалбимни тушунишидан, туйғуларимга шерик бўлишидан қўрқмайман. «Дунёнинг ишлари» эълон қилинганида янгийўллик бир инженер йигит ниҳоятда ранжиб хат ёзди. «Сиз кўнглинигиздагини бунчалик очиб ташлаб, ўқувчининг олдида ўз обрўйнингизни туширдингиз, ўзингиз қилган хатоларни шунчалик достон қилиш шартмиди» деб эътиroz билдириди. Чинозлик бошқа бир китобхон эса «Сизнинг асарингиздаги энг катта фазилат самимиятда» деб ёзди. Машҳур адабиётшунос олим Озод Шарафиддинов ҳам асарнинг энг катта ютуғи унинг самимийлигига эканлигини, муаллиф ҳеч нимани яширмай китобхон билан энг азиз туйғуларини баҳам кўрганлиги жиддий фазилат эканлигини баён этади. Ҳурматли домламиз асарни мақтагани учун эмас, санъат моҳиятининг ўзи шунаقا эканлигини исботлаб бергани учун

ҳам Озод аканинг фикрига тўла қўшила-  
ман.

**ТАНҚИДЧИ.** Менинг холис, объек-  
тив тасвир йўлида битилган асарларга шах-  
сий майлим учун койнимасангиз ҳам бўла-  
веради. Ёдингиздами, Ф. Энгельс адабиётда-  
ги ошкора тенденцияли асарлар фазилатини  
инкор этмаган ҳолда: «Лекин, менинг  
фикримча, тенденция асарда тасвирланаётган  
вазиятдан ва воқеадан ўз-ўзидан келиб  
чиқиши лозим, асарда буни алоҳида уқтириш  
шарт эмас», — деб ёзди. Бошқа бир ўрин-  
да «Авторнинг қарашлари қанчалик яширин-  
ган бўлса, санъат асари учун шунчалик яхши  
бўлади», — дейди. Демак, Ф. Энгельсдек даҳо  
ҳам санъат ва адабиётдаги услублар ранг-  
баранглигини маъқуллагани ҳолда, холис  
объектив тасвир йўлини хуш кўрган...

Сизнинг тасвир самимияти ҳақидаги муло-  
ҳазаларингиз ўринли, аммо самимиятга фақат  
дилдагини ошкора тўкиб солиш, илмий қилиб  
айтганда лиро-публицистик йўл билангина  
эришиш мумкин деб ўйлаш тўғри бўлмаса ке-  
рак, бунинг учун устозлардан далил келтирмай  
қўя қолай. Сизнинг, масалан холис тасвир  
йўлида битилган «Деҳқоннинг бир куни»,  
«Урушнинг сўнгги қурбони» ҳикояларингиз  
самимийлиги жиҳатидан лиро-публицистик  
руҳ жўш уриб турган «Нур борки, соя бор»  
романидан заифроқ деб ким айтади? Ҳеч  
ким!

Ходисалар холис-объектив тарзда ифода  
этгилган асарларда ёзувчининг позицияси  
ўзига хос тарзда намоён бўлади. Ҳушёр  
китобхон бу хил услубнинг яхши намунала-  
рида, гарчи пинҳон тутилса-да, автор қалби-

даги ниқилобий түғёнлар садосини ҳис этіб, сезиб, әшитиб туради. «Деҳқоннинг бир куни», «Үрушнинг сўнгги қурбони» ҳикояларини ёзиш жараёнидаги руҳий ҳолатингизни эслайсизми? Уша кезларда қалб түғёнларинизни тийиш, холис туриб гавдалантирилган ҳодисалар бағрига кўчириш қандай кечган?

**ЁЗУВЧИ.** Нима десам экан... Уша пайтда шу ҳаяжонлар китобхонга кўчиши аниқлигини ҳис этіб турганман. Бу асарлар тўқимасининг ўзи (асар жони, асар тани деса ҳам бўлади) биронта ортиқча сўзинп кўтаролмасди. Медицинада «инородное тело» деган ибора бор. Асарда шунаقا «инородное тело» бўлмаслиги керак. Баъзан «Ёзувчи ҳаётнинг фалон қатламини акс эттирмади, масаланинг илдизини очиб бермади», деганга ўхшаш эътироғлар бўлади. Машҳур Америка ёзувчisi Эрнест Хеменгуэйнинг яхши бир гапи бор. «Ҳақиқий асар айсбергга ўхшайди. Айсбергнинг саккиздан бир қисмигина сув устида кўриниб туради. Лекин денгизчилар унинг тагида яна етти қисми борлигини билишади», дейди. Чиндан ҳам шундай. Ёзувчи ҳар бир гапнинг илдизини ковлаб, эзмаланиб ўтириши шарт эмас. Воеаларни шундай драматик чўққиларда кўрсатиш мумкинки, ўқувчининг ўзи ўша чўққининг тагида каттакон тоғ борлигини ҳис этади. Фақат, Сиз юқорида санаб ўтган ҳикоялардагина эмас, бошқа машқларимда ҳам доим шунга ҳаракат қиласман. Бунга эришиш анча мушкул. Бироқ эришиш керак.

**ТАНҚИДЧИ.** Кейинги йилларда ўзимизда, шунингдек, жаҳон прогрессив адабиётида яратилаётган қатор йирик эпик

асарларда ўзига хос синтезлашув тенденцияси юз бермоқда. Г. Маркес, Ч. Айтматов, В. Астафьев, Н. Думбадзс, Асқад Мухторларининг қисса ва романларида бу тенденция яққол намоён бўлмоқда. Сизнинг «Дунёнинг ишлари» қиссангизда ҳам қисман шу хусусият кўзга ташланди. Бир асарнинг ўзида ҳам бугунги кун, ҳам яқин ўтмиш, ҳам холис-объектив тасвир, ҳам лиро-публицистик талқин, фалсафий мушоҳадалар, ҳам ҳаётнинг икир-чикирларигача изчил кўрсатилган ўта реалистик манзараси, ҳам шартли романтик, ривоят, афсоналар, ҳам социал, ҳам маънавий-ахлоқий таҳлил, ҳам кундалик ҳаётнинг долзарб масалалари, ҳам мангу, анъанавий муаммолари, ҳам оддийгина этюдлар, ҳам мустақил ҳикоя, баъзан эса ихчам қисса даражасига етган боблар... Унда мемуар-автобиографик хусусиятлар ҳам анчагина... Хуллас, бир асарда ғоят хилма-хил тасвир, услугуб хусусиятлари, адабий тур, жанр элементларининг қўшилган-чатишган ҳолда келиши ғалати ҳодиса.

**Ё ЗУВЧИ.** Мана энди мени қизиқтирган муҳим бадний муаммога келдик. Аслида, Сиз айтаётган тенденция энди пайдо бўлаётгани йўқ. Жаҳон адабиётидаги энг яхши йирик асарларда аввал ҳам ранг-баранг услугубий йўналишлардан фойдаланилган. Аслида инсон қанча мукаммал, хилма-хил томондан тасвирланса, тасвир услуги ҳам ранг-баранг бўлаверади. Шунинг учун ҳам тасвир услугини бўлиб-бўлиб ажратиб олиб текшириш унча тўғримас.

**ТАНКИДЧИ.** Тўғри, Сиз айтгандай бир асарда бир неча хил услугубий хусусият-

ларнинг синтезлашган ҳолда келиши аввал-лари ҳам бўлган. Бироқ бугунги адабиётдаги синтезлашув ўзгача тарзда намоён бўлмоқда. Ҳозирги ўзбек прозасидаги бу ҳодиса эса жиддий янгилик... Шу йўлда битилган асарлар услубини бўлакларга ажратмай яхлит ҳолда ўрганиш кераклиги ҳақидаги фикрингизга тўла қўшиламан.

ЕЗУВЧИ. Бу мулоҳазани айтиётганда мен қуйидаги ақидага таянаман: бадиий асар ёзилади эмас, туғилади деганлари тўғри. Масалан, она боласининг қулоги қанақа бўлиши, оғзи қандай бўлиши, қошининг қанақалигини олдиндан башорат қилолмайди. Бола тирик организм бўлиб туғилади. Асар ҳам шундай. Албатта, қаламкаш бўлаjak асарини тахминан тасаввур этади, лекин олдиндан анави ерини бундай қилиб боплаб ташлайман, манави ерини бундай қиласман деб мақтанолмайди. «Дунёнинг ишлари» нима учун ёзилганлиги маълум. Лекин у ёзилган, дейиш унчалик тўғри бўлмаса керак. У... нима десам экан, қалбимдан нидо бўлибми, қўшиқ бўлибми, отилиб чиққан. Аввал шунчаки хотирага ўхшаш нарса сифатида ёзилган эди. Кейин туркум ҳикоялар пайдо бўлди. Ундан кейин ҳикоялар ўртасида руҳий ва мантиқий боғлиқлик борлиги туфайли қиссанга айланди. Синтезлашув жараёни масаласига келсак, бу ёзувчи маълум ҳаётий ва ижодий тажриба тўплагач, ҳаммада ҳам пайдо бўлса керак. Асадаги услубларнинг ранг-баранг ва мураккаблиги ўша китобда тасвирланган ҳаётий жараён билан боғлиқ. Ижодкорларда баъзан шундай ҳолат бўлади: асар воқеаси, ундаги одамларнинг ўзи «мен

бошқача эмас, айнан шу тарзда қоғозга тушаман» деб туриб олади. Эҳтимол, ижод жараёнининг муқаддаслиги, сирли-сехрли экани ҳам шундандир.

Қизиқ бир гап. Қунлардан бирида машҳур кинорежиссер Бондарчук В. Шукшиннинг ҳикояларини ўқиб қувониб кетибди. Шукшиннинг елкасига қоқиб: «Баракалла, Вася, ҳақиқий санъат асарлари яратибсан» деганда Шукшиннинг капалаги учиб кетибди. «Нима учун мен санъат асари яратар эканман, ахир мен ҳаётни тасвирладим» дебди. Бир қарашда кулгили туюладиган бу ҳолатда катта ҳақиқат бор. Ёзувчи ҳеч қачон мен санъат асари қиляпман деб олдиндан кўксига урмаслиги керак. Асар яхши бўлса, ёзувчи қалбининг инқилоби бўлиб туғилса, ўз-ўзидан у санъат асарига айланиши мумкин...

ТАНҚИДЧИ. Масала кўтариш, ҳозиржавоблик устида гаплашмоқчи эдик...

ЕЗУВЧИ. Публицистикага хос ҳозиржавоблик, масала кўтариш муаммосига келсак, юқорида айтганларимга шуни иловча қилишим мумкин. Билмадим, ҳар қалай ёзувчи информатор эмас. У — санъаткор. Бадий асар — ҳикоя; роман, повест ёки достон артиллерияга ўхшайди. У фронт чизифидан орқада туриб снаряд отади. Унинг зарбаси узоққа кетади, салмоқли бўлади. Публицист эса сапёрга ўхшайди. (Бу ўринда публицистик асарнинг ўзини, назарда тутяпман). У олдинда юради. Фронтнинг энг олдинги чизифидаги хатарли ва керакли вазифани бажаради. Хуллас, адабиёт учун ёзувчи ҳам, публицист ҳам керак. Негаки, сапёрнинг ҳам, артеллеристнинг ҳам мақсади битта. Бироқ

замбарак билан мина изланмаганидек, сапёр ҳам орқасига замбарак эмас, мина изловчи аппарат осиб юради. Демоқчиманки, публицистикадаги ҳозиржавоблик, долзарблик, масала кўтариш хусусиятлари бадний асарга кўр-кўрона кўчирилса ўзини оқлай олмайди.

ТАНҚИДЧИ. Шу гапни давом эттириб адабиётдаги «долзарб масалалар», «актуал масалалар», «умуминсоний муаммолар», «мангу, анъанавий мавзулар» тушунчалари ҳақидаги фикрингизни билмоқчи эдим...

ЕЗУВЧИ. Ижодкор хоҳлайдими, йўқми ўз замонасининг йилномасини яратади. У қайси мавзуда ёзишидан қатъи назар даврнинг нафаси асарларида сезилиб туради. Лекин бунинг учун қаламкаш ҳаққоний асар ёзмоғи керак. Ана шунда юқоридаги тушунчаларнинг ҳаммаси уйғуналашиши мүмкин.

1982 йил, апрель

# МУНДАРИЖА

Харакатдаги реализм . . . . .	3
Иzlанишлар қандай кечәётир ва баҳоланаётир? . . . . .	22
Кичик мўъжизалар . . . . .	69
1. Ҳикоя бағридаги чўр . . . . .	73
2. Пок қалб жилолари . . . . .	84
3. Кураш фалсафаси . . . . .	95
4. Турмуш сабоқлари . . . . .	106
5. Севги сеҳри . . . . .	116
6. Инсониятнинг садоқатли ҳамроҳлари . . . . .	138
Уйғунлик . . . . .	150
Зарур одам . . . . .	191
Образ кўлами . . . . .	226
Таниш сиймолар . . . . .	
Адиб насрининг баъзи хислатлари. . . . .	238
Адиб дунёси . . . . .	253
Олим, таржимон, мураббий . . . . .	267
Дўстим ҳақида сўз . . . . .	277
Адабий суҳбатлар . . . . .	
Шеърията ўзига хослик ва муштараклик муаммоси (Шоир Омон Матжон билан суҳбат)	292
Қалб инқилоби (Ёзувчи Үгқир Ҳошимов билан суҳбат)	321

*На узбекском языке*  
Умарали Нарматов  
РЕВОЛЮЦИЯ ДУШИ  
(*Литературно-критические статьи*)

Тақризчи *Н. Худойберганов*  
Редактор *Ш. Одилов*  
Рассом *О. Баклыкова*  
Расмлар редактори *Ю. Габзалилов*  
Техн. редактор *Н. Сейдуалиева*  
Корректор *Ш. Муҳиддинова*

ИБ № 3310

Босмахонага берилди 24. 10. 85. Босниига рухсат этилди 30. 09. 85.  
Р-02189. Формати 70×90  $\frac{1}{2}$  Босмахона когози № 2. Адабий гарнитура. Юқори босма. Шартли босма л. 12,87 Шартли кр. отт. 13,0  
Нашр л. 12,65. Тиражи 2000. Заказ №326. Баҳоси 1 с. Шартном № 128—85.

Гафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. Тошкент  
Навоний кўчаси 30.

Нашриётлар, полиграфия ва китоб савдоси ишлари бўйича ЎзССР  
Давлат комитети Тошкент «Матбуот» полиграфия ишлаб чиқарни  
Бирлашмасининг 1- босмахонаси. Тошкент, Ҳамза кўчаси, 21.